

Шарқ юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK



Sharq yulduzi

Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Абдулла ҚАҲҲОР
(1907–1968)

Ў

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Адабий-бадиий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

Эта
№ 2

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Мухаммад Али

Кенгесбой Каримов

Энахон Сиддикова

Икбол Мирзо

Қахрамон Куронбоев

Баҳамдулло Нурабуллаев

Жумакул Қурбонов

Фармон Тошев

Ислом Ёкубов

Умарали Норматов

Хайриддин Султонов

Сирожиддин Саййид

Меҳрибон Абдурахмонова

Йўлдош Солижонов

Тоштемир Турдиев

Шухрат Маткаримов

Адхамбек Алимбеков

Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф

Масъул котиб — Бахтиёр Олломурад

Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурад

Адабиётшунослик бўлими мудири — Аъзамхон Қозихўжа

2

2017

УШБУ СОНДА:

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

НАЗМ

ЎЗБЕК ДЕҒАН ХОН СЎЗНИНИҒ
ЖАРАНИИДА ЮРИБМАН

Аввал пайнаслаб кўр юракжойингни,
Халққа деган севгинг бутун, буюкми?
Синиб кетмайсанми мункиб, тойиниб,
Елкангга олганда халқ ортган юкни?



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

НАСР

ЎМИД ҒУЛИ

Ҳикоя

Ҳақиқат фикрлар алмашувининг оқибатидир. Фикр фикрга доя. Инсон инсон билан, суҳбату анжуманлар билан тирик, барҳаёт. Балиқнинг вагани уммон бўлгани каби одамнинг вагани – уни тушунган, унинг сўзларига қулоқ тугтувчилар орасиндаги сершавқ машварат онларидадир.



Ҳаким САТТОРИЙ

ҲАЛҚНИ

“ИМДААН ЎЗГА НАҲСОП ИЎҚ”

Кўп араб мамлакатларида ойнаи жаҳон орқали мунтазам равишда “Имом Бухорий сабоқлари” (“Дурусул-Имамил-Бухорий”) номли телекўрсатув ҳафтанинг муайян кунларида намойиш этилади.



НАЗМ

Усмон АЗИМ



ЮРАФИМДА СУКУПТИМДААН
СУЗЛАР МУЛ

Ногоҳ тинади ёмғир. Кўкда қалқир камалак.
Дарахтлардан томчилар ҳали томар тинмайди.
Шивирлайсан: – Олисдан кўришиб тур, муҳаббат.
Ўлганингни, азизим, ҳали тақдир билмайди.

НАСР

Турсунмурод ЭРМАТОВ



ИНЯТИҚОМ

Ҳикоя

Тарки одат... Бу гапнинг ҳар иккисига ҳам тааллуқли ери бор. Қисқаси, Шодиқулнинг азалдан бировнинг яхши кунларига ғайирлиги бўлса, Абди бобо эса ёшлигидан меҳнат билан ҳамдард...

ПАХЛИ

Рисолат ҲАЙДАРОВА



ПАРИХИИ ҲАКИҚАТ, БАДИИИ
ШУҚИМА ВА ИДИРМА

Бизнинг туйғуларимиз баъзан шу қадар ҳадсиз бўлиб кетадики... Меҳр қўйсақ, унинг чекини тополмаймиз, нафрат қилсақ, чегарасини қўёлмаймиз. Бу жуда ғалати ходиса. Кўпинча ўқиётган романларимизга ва қиссаларимизга шу нуқтаи назардан қараймиз.



ДУРДОНА

ҲУСАЙНИЙ
(1438 – 1506)



Чун ҳақиқат нури ул ораз тажаллисиндадур

Мушкбӯ хатгинму дей ё лаълу дурборинму дей,
Кӯзи имонинму дей ё зулфи зунноринму дей?

Кавсари лаълинму айтай, йўкса хаттидин анинг,
Теграсида сабзаи жаннаг намудоринму дей?

Сабзаву гулдек хати бирла юзинму шарх этай,
Сабзаву гулдин безалган боғи рухсоринму дей?

Риштаи жон бирла хайвон суйидин сўрдинг хабар,
Белининг торинму айтай, лаъли гуфторинму дей?

Эйки, дерсен ишкида васф айла кўнглунг холини,
Ҳар тараф захминму дей ё нолаи зоринму дей?

Даҳр боғи гулларида гарчи йўк бӯйи вафо,
Ҳар бирининг теграсида юз жаф хоринму дей?

Эй Ҳусайний, демагилгим, ёр ишқин шарх этай,
Васлининг рашкинму дей, хажрининг озоринму дей?

Зулф очиб мен телбани ошуфта аҳвол айладинг,
Чини абрӯ кўргузуб кўнглумни беҳол айладинг.

Ўпкали келди кўнгул зулфинг учун, эй сарвиноз,
Сарфароз айлар маҳалда они помол айладинг.

Жон қушин сайд айламакка лаълинг узра, эй қуёш,
Донаи меҳр эктинг аммо отини хол айладинг.

Ҳар қачон дедим вафо қил, айладинг юз минг ҳиял,
Эмдиким, дедим жафо қил, они филҳол айладинг.

Қатл этай деб келмадинг бошимға, эй сарви равон,
Ўзгалар қатлиға бўлдунг, муни ихмол айладинг.

Тиғи қатл урдунг кўнгулға, шукр эрур, лекин манга –
Ким вафосизлар ғамидин фориғулбол айладинг.

Гар Хусайний ҳажр аро деди: “Фигон, айлай фиғон!”
Шукрим, васлинг била ул дам тилин лол айладинг.

* * *

Ўтға ёндур сарвни, ул қадди раъно бўлмаса,
Елга бергил гулни, ул рухсори зебо бўлмаса.

Сарв бирла гул тамошосиға майлим йўқтурур,
Боғ аро ул сарви гулруҳдин тамошо бўлмаса.

Нега сафлар чекди мужгондин, агар жон мулкига
Кўзларининг майли ҳар дам қатлу яғмо бўлмаса.

Бўлмағай эрди жунун даштида саргардонлигим,
Зулфи печу тобидин бошимда савдо бўлмаса.

Гавҳари максуд топмок мумкин эрмас, эй рафиқ,
Кўз ёшинг то васл умиди бирла дарё бўлмаса.

Эй Хусайний, бода ичсам ёр алидин тенг дурур,
Бўлса оби хизру умри жовидон ё бўлмаса.

* * *

Қолғач оҳим сарсарига байт ул аҳзоним менинг,
Ёғдурур гарду бало бошимға вайроним менинг.

Ишк сахроси аро ҳар сори конлиғ лоладур,
Анда бағрим доғидин окмиш магар коним менинг.

Этгали кўнглум паришон менки қолдим билмайин,
Қай тараф борғанни Мажнуни паришоним менинг.

Буки лаълинг тиргизур элни такаллум айлабон,
Мен билурмен ушбу муҳлик ғамнию жоним менинг.

Новакин чекти кўнгулдин турфа, кўрким, ахтарур,
Чоклар айлабки қолмиш анда пайконим менинг.

Ошкоро ўтларимға чора қилсанг, эй табиб,
Они найларсенким, ўртар доғи пинҳоним менинг.





Эй Хусайний, нола килсам ўлтурур кофир кўзи,
Гўйиё кўймас ани уйкуға афғоним менинг.

* * *

Кўз каросин ҳал килиб ёздим санга ажру ниёз,
Кўз ёшимни ҳам сепиб ул номаға, эй сарвиноз.

Ишқ етгач ақлу ҳушу сабр ҳар ён бутрашур,
Ўт қаён юзланса вожибдур ул элга ихтироз.

Ошкоро жон агар лаълинг сўзин айтур ва лек,
Ёшрун гунчанг била кўнглумда бордур ўзга роз.

Ул не коматдурки, барча ростлар айлаб дуо,
Дерки, бу гулшан аро ул сарв бўлсун сарфароз.

Шавку сабрим нақдини айлай ани кўргач фидо,
Демаса айб айлаб ул махваш буларни кўпу оз.

Чун ҳақиқат нури ул ораз тажаллисинадур,
Не ҳақиқат улки, онинг ишқини ўйлар мажоз.

Эй Хусайний, ёр кўйи Қаъбаси Наврўз эрур,
Не ажаб, гар бенаволар айлар оханги хижоз.

* * *

Эй ҳабибингдин келиб ҳамдингга ло ихсо сано,
Ул чу ожиз бўлса васфингким қила олғай яно.

Кому роҳатдур сенинг шавкингдаги андуху ғам,
Айшу ишратдур сенинг ишқингдаги дарду ано.

Ганж топса мунъим ўлмас кимни сен килсанг факир,
Ганж берса муфлис ўлмас кимга сен берсанг ғино.

Кўнглум эт маъмур меҳринг бирла, лекин кўймағил,
Нафс анда қилғали хирсу ҳавас тарҳин бино.

Хаста кўнглумни ўзингдин ўзгадин бегона қил,
Ўзгадин бегона қилғач, қил ўзингга ошино.

Зулмати хижронинг ичра йўл озиб саргаштамен,
Ўз-ўзинг сори хидоят шамъи бирла эҳдино.

Лутф этиб ушшок аро, ёраб наво қилғил насиб,
То Хусайнийнинг макоми бўлса бу дори фано.



* * *

Ўйлаким, хуршед тоби заррани пайдо килур,
Гунча оғзинг сиррини ҳам гул юзинг гўё килур.

Зеб этар кўк сабзаси бирла қуёш рухсорини,
Котиби қудратки, хаттинг нусхасин иншо килур.

Бор экин ошикка меҳнат ўқларин ёғдурғали,
Улки мужгонинг килиб новак, қошингни ё килур.

Истади жону кўнгул нақдини, вах, суд айларам,
Гар лабидин бўсае ул нақд ила савдо килур.

Менинг аҳволим кўруб ибрат олинг, эй аҳли ишқ,
Кимки бир бадмеҳр ишқида ўзин шайдо килур.

Эй Хусайний, чун ул ўтлук чехрадин олсам назар,
Кўзларимга дарди хижрон кочидин ўт чокилур.

* * *

Зулфи ичра хат, хат ичра лаъли хандондур ниҳон,
Зулмат ичра хизр ҳам, ҳам оби хайвондур ниҳон.

Сеҳр бирла фитнадин холи эмас кўнглум даме,
Анда чун бир кўзи соҳир, холи фаттондур ниҳон.

Кўнглум ичраким, ниҳондур демангиз, эй дўстлар –
Ким, ниҳон бўлган кўнгулда кўнглум олғондур ниҳон.

Гунча оғзи нақшиму кўнглумдадур ё тан аро
Кўп хадангидинму пайкон ичра пайкондур ниҳон.

Бўлса кўнглумда сафову нур эрмастур ажаб,
Анда у юз шавкидин хуршиди рахшондур ниҳон.

Ишқ сўзин зор жисмимда нечук пинҳон қилай,
Барк ўти хошок аро бўлмоқ не имкондур ниҳон.

Эй Хусайний, куймагунча ишқ аро етмас висол,
Танни куйдур ошкоро, жонни ҳам ёндур ниҳон.





ПУБЛИЦИСТИКА



Азамат ХАЙДАРОВ

Сиёсий фанлар номзоди, доцент. 1957 йилда тугилган. Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини тугатган. “Раҳбар маънавияти”, “Сиёсий маданият масъулияти” каби рисолалар, қатор ўқув қўлланмалар муаллифи.

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ

“Барчамиз учун азиз ва кадрли бўлган Ислом Абдуғаниевич Каримов бугун орамизда йўқ. Бирок Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг “ўзбек модели”ни амалга ошириш ва замонавий давлат барпо этиш борасидаги стратегик тамойилларга биз ўз ишимизда доимо суянамиз”.

Вазирлар Маҳкамасининг йил бошида бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан айтилган бу сўзларда чорак асрлик мустақил тараққиёт давомида Ўзбекистоннинг буюк фарзанди, бутун ҳаёти ва бор куч-гайратини тўлалигича Ватан хизматиغا бахшида этган, ўз халқини жондан севган Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда қўлга киритилган ютуқлар эътирофи ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги қарори халқимиз кўнглидаги ниятнинг ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ, 30 январь – Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан мамлакатимиздаги таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Бу тадбирларда Ислом Каримов серкирра фаолияти, олижаноб инсоний фазалатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдиргани, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс, давлат ва сиёсат арбоби сифатида танилгани таъкидланди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг илк даврларидаёқ мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов маънавият, маданият ва санъатнинг Ўзбекистон давлатининг таркиб топиши, ривожланиши ва тараққий этишидаги муҳим ўрнини алоҳида таъкидлаб, куюнчаклик билан шундай деган эдилар: “*Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга тушиди. Уларни иқтисодий зарбадан асраб қолишни Президент ўз бўйнига олиши керак*”, “*Бозор иқтисодиёти деб маънавиятни унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсақ-да, аммо одамларимиз руҳан қатишқ бўлиб қолишса, бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ*”, “*Маънавиятимизни яратаётганларни,*

ёзувчилар, шоирлар, маданият ва санъат ижодкорларини, халқ талантлари ва иқтидорли ёшларни доимо қўллаб-қувватламоғимиз лозим. Бунинг учун харажатларимизни аямаслигимиз даркор”, “Эзгу мақсадларни амалга ошириш, энг аввало барчамизга боғлиқ, ҳамма нарсадан устун турувчи буюк бир муаммони ечишимиз, яъни маънавий инқироздан чиқишимиз лозим. Бу энг шарафли ва энг оғир вазифалардан бири”.

Истиклол йиллари миллий кадриятларимиз, маданиятимиз ва санъатимизнинг юксалиш имкониятлари янада кенгайди. Иқтисодий-ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларда эришилган муваффақиятларни бугун дунё аҳли кўриб, тан олиб турганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз. Маълумки, ўтиш даври ислохотларини амалга оширишда ўзбек давлатчилигининг тарихий, маданий, миллий-маънавий кадриятларини акс эттирувчи асосий омилларга, яъни миллат менталитетига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Коммунистик тузум ўзининг зўравонлик сиёсатини жорий этиб, халқимиз руханияга қарши қаратилган турли хил ғоялари билан миллий маданиятимиз ва санъатимизни ҳар жиҳатдан оёқости қилди. Маданият масканлари “қизил бурчаклар” сифатида ўша даврда ягона ҳисобланган совет мафқурасига хизмат қилишга сафарбар этилган эди. Фақат мустақиллик туфайли, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов раҳнамолигида ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихга эга бўлган маданияти ва санъатини тарғиб-ташвиқ қилишга кенг имкониятлар яратилди.

Истиклол шарофати билан Ўзбекистон халқи ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани каби маданият ва санъат йўналишларида ҳам янги, тарихий туб ислохотлар амалга оширилди. Соҳада тўпланиб қолган муаммолар, яъни маданият ва санъат соҳасини бошқариш, малакали кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш ва унинг механизмларини ишлаб чиқиш, маданият ва санъат соҳасига кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлари ҳамда профессионал театрлар ва соҳанинг бошқа муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига ўтиш даврида театр – концерт ташкилотлари артистлари ва бадний ходимларини, уларга ижодий ходимлар тайёрловчи ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ҳамда концертмейстрларини ижтимоий ҳимоялаш тизимини яратиш каби масалалар миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантиришда энг муҳим вазифалардан бири эди. Айнан шу вазифалар мустақил Ўзбекистон тараққиётида муҳим омил эканини таъкидлаб, *“Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хошлиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олга силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир”* деган эди Ислом Каримов ўзининг “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” номли асарига.

Шунинг учун ҳам истиклол йилларида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш мақсадида 30 дан ортик фармон ва қарорлар қабул қилинди. Хусусан, “Ўзбектеатр” ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Ўзбекнаво” гастроль-концерт бирлашмасини ташкил этиш тўғрисида”ги, “Эстрада кўшиқчилик санъатини янада ривожлантириш тўғрисида”ги “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги, “Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш,

асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги, “2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги каби қарорлар шулар жумласидандир. Ушбу ҳужжатлар миллатимиз маданияти, санъати, қолаверса, халқимиз маънавиятининг юксалишида муҳим ҳуқуқий асослардан бўлиб хизмат қилмоқда.

Соҳа тараққиётига доир қарорлардан бири бўлган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2013-2018 йилларда замонавий Маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини олиб кўрайлик. Унда миллий маданиятимиз анъаналарини ўрганиш ва тарғиб қилиш, аҳолининг, айниқса, қишлоқ жойларда яшовчи ёшларнинг маънавий оламини янада бойитиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун шарт-шароитлар ҳозирлаш, ўзлари ёқтирган касб-хунар ва бадий ҳаваскорлик санъатининг турли йўналишлари билан шуғулланишлари ҳамда истеъодларини намойиш этишларига қулай имкониятлар яратиш, чекка ҳудудларда истикомат қилаётган юртдошларимизга юқори савияда маданий хизмат кўрсатишни ташкил этиш вазифаси белгиланган. Бу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг буйруғига кўра, аввал фаолият кўрсатган 1777 та маданият уйлари ва клуб муассасалари негизда 894 та замонавий Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари ташкил этилиб, ҳозирги кунда давлат дастурига асосан ушбу марказлар капитал таъмирланиб, уларнинг моддий техник базаси тўлиқ янгиланмоқда. Шунингдек, келгусида 2018 йил якунига қадар жойларда 10 та янгидан қурилган замонавий биноларга эга бўлган Маданият ва аҳоли дам олиш марказлари барпо этилади.

Маънавий-маърифий муассасалар жамиятда ўзига хос ўрин тутати. Айниқса, мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ислохотларни аҳоли ўртасида тушунтиришда асосий тарғибот масканларидан бири бўлиб хизмат қилади. Мамлакат раҳбари томонидан маънавий-маърифий муассасалар фаолиятига бу қадар қатта эътибор кўрсатилаётганининг сабаби нимада, деган савол туғилиши табиий. Бунинг боиси шуки, маънавий-маърифий муассасалар аввало инсон омилига хизмат қилади. Унинг маънавиятини шакллантиради. Яна бир муҳим хусусияти, бир пайтда бу ерда аҳолининг 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган қатлами билан ишлаш имкониятлари ҳам бор.

Айни кунларда 207 тага яқин марказларда таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда 1062 та турли хил тўғарақлар, студиялар ва бадий ҳаваскорлик жамоалари фаолият олиб бормоқда. Марказлар шинам хоналар, керакли чолғулар ва замонавий мебеллар ҳамда бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланганлиги боис халқ ижодиёти жамоалари ва бадий ҳаваскорлик тўғарақларига қатнашувчилар сони аввалги йилларга қараганда қарийб 4 минг нафарга кўпайди. Пуллик тўғарақлар 2015 йилда 133 та бўлиб, қатнашчилар 870 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йил ярим йиллик натижаларига кўра 287 та, яъни 154 тага кўпайиб, қатнашчилар сони 2140 нафарга етди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 1270 нафар кўпдир. Ушбу ижобий кўрсаткичлар жойларда маданият марказларига ёшларни жалб этиш, уларни тарбиялашда бадий ижоднинг ўзига хос имкониятларидан самарали фойдаланилаётганининг ёрқин намунасидир. Марказларда ўзбек миллий қўшиқчилик санъатида ўчмас из қолдирган устоз санъаткорлар ижодини ўрганиш ва тарғиб

килиш, бой маънавий меросига эхтиром кўрсатиш, мумтоз кўшикчилик санъати йўналишида ижод қилишга жазм этган ёш истеъдодларни излаб топиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон халқ артистлари Комилжон Отаниёзов, Таваккал Қодиров ва Ўзбекистон халқ ҳофизлари Маъмуржон Узоков, Эсон Лутфуллаев, Орифхон Ҳотамов ижодига бағишланган кўрик-танловлар, “Кексалар куйлаганда” номли адабий-бадиий кечалар, халқ ҳаваскорлик жамоалари, ашула ва ракс ансамбллари ҳамда фольклор-этнографик жамоаларининг “Нурли наволар” деб номланган фестиваллари ўтказиб келинмоқда.

Инсон яралибдики, илмга, маърифатга интилади. Шунинг учун ҳам маданият ҳукмдорлар, олимлар ва тараккийпарвар зиёлилар эътиборида бўлиб келган. Тарихдан маълумки, Соҳибқирон Амир Темури миллий давлатчилигимизнинг шаклланишида муҳим ўрин тутадиган омилардан бири ҳисобланган маданиятнинг ривожланишига жуда катта ҳомийлик кўрсатган сиймолардан биридир. Айни дақиқада биз Ўзбекистоннинг янги миллий давлатчилигининг асосчиси сифатида Биринчи Президентимиз Исломи Каримов томонидан маданият ва санъатга кўрсатилган жуда катта ғамхўрликнинг баъзи бир жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталдик, холос.

Янги Ўзбекистон давлатининг Биринчи Президенти Исломи Каримовнинг юксак маънавий жасорати туфайли халқимизнинг кўп асрлик маданияти, санъати ва маънавияти сақлаб қолинди, қайта тикланди, ривожлантирилди. Миллий ифтихор ва миллий ғурурнинг табиий ҳосиласи ўларок, қаҳрамонлик тушунчаси шаклланади. Қаҳрамонлик – ватанпарварлик тарбиясида ибрат намунаси. Ягона ва муқаддас бўлган Ватанимиз – жонажон Ўзбекистонимизнинг равнақи, озов ва обод юртимизнинг фаравонлиги йўлида умрини, ҳаётини, жонини фидо қилганлар халқ қаҳрамони, ифтихори ва миллий ғуруридир. Маданиятимиз, санъатимиз, қолаверса, миллий манфаатларимизнинг ҳақиқий жонкуяри ва ҳимоячиси Биринчи Президентимиз Исломи Каримов ҳаммамиз, айниқса, маданият ва санъат соҳаси ижодкорлари учун маънавий жасоратнинг ёрқин тимсолидир.

ҲУКМАТ

Ҳамма халқ ҳам эркин-озод
бўлишни истайди ва шунга бугун
қобилияти билан интилади.

Ғафур ҒУЛОМ



НАЗМ



Усмон АЗИМ

Ўзбекистон халқ шоири. 1950 йилда тугилган. “Ҳолат”, “Оқибат”, “Дарс”, “Кўзгу”, “Сурат нарчалари”, “Баҳшиёна” каби шеъррий, “Жоду” номли насрий китоблари, “Адибнинг умри” драматик асарлар тўплами чоп этилган. “Алишер Навоий” киноқиссаси, “Алпомиш” кинодostonи, “Севги” ва “Алпомиш” фильмлари сценарийлари муаллифи.

Юрагимда сукутимдан сўзлар мўл

Кўнглимнинг қачондир ўтган боғида
Юзма-юз туради иккита соя,
Туманлар тўзғийди сўлу соғида.
Бу икки кўлканинг беун “ох”ида
Шом чоғи айрилик топмоқда воя.

Юзма-юз туради эгиб бошларин,
Дарда адо бўлган бори сўзлари,
Туманга... Туманга чўккан кўзлари.
Кўнглимнинг қачондир ўтган боғига
Қарасам, тўкилар кўзим ёшлари.

Хогирдан кетмасми у шом чоғлари,
Эй сен, тақдирини олисда ёққан,
Эй сен, юрагимда оташли оққан?
То хануз шовулар кўнглим боғлари,
Ёшларимни арта бокканим-боккан.

Ёз. Тунги довул

Фалакдами шовулар дарё?
Гулдиракми бонг урган? Добил?
Боғ-роғ ила чайқалди дунё,
Қайдан етди бу телба довул?

Ўқ едими, бели синдимиди,
Қарсиллади кайдадир дарахт.
Уясига қазо индимиди,
Бир шўрлик куш кичкирди карахт.

Эзғиланиб колди юлдузлар,
Деворга бош урди тун ваҳми.
Боғни маҳкам тутди илдиизлар,
Ерга сингди кўрқинчининг шарҳи.

Воҳ, мевалар! Тап-тап тўкилди.
Шўрлик олма. Бечора ўрик.
Уввос тортиб шиддат ўкинди,
Лайли толлар сочларин ўриб.

Чирок ўчди. Йиқилди зулмат,
Боғ тўрида тўзғиган уйга.
Мен турибман зулматга қараб,
Рухим тартиб бермоқда куйга.

Сафламоқда сўзларни оханг,
Кўнглимда куч ортар – беҳадик.
Нима қолди бу тўполондан,
Қоғоздаги мутаносиблик?

* * *

1

“Бир ёқларга кетмаймизми?” – деди аёл.
“Қаёқка?”

“Би-и-ир ёқларга...”

“Бир ёқлар қайси тарафда? – деди эркак.

– Номи борми бир ёқларнинг?

У ёқларга қандай борса бўлади?”

“Билмайман, – деди аёл.

– Фақат бир ёқларга кетгим келгани-келган

Сиз билмайсизми ўша ёқларни?”

“Бир ёқларни мен қайдан билай?

Сен ўзинг биласанми бир ёқларни?”

Хўрсинди аёл.

Жавоб бермади.

Фақат

узоқларга тикилди ғамгин.

Сўнг кетди.

Қайтиб келгани йўқ.

Эҳтимол,

бир ёқларга кетиб қолгандир.



2

Эркакнинг эса
энди
тунлари бедор,
“ух” тортгани-тортган;
боғларда
ёлғизгина кезгани-кезган;
кўнгли билан
сухбат кургани-курган;
хўнграб йиғлагиси келгани-келган...

Хуллас,
би-и-ир ёқларга
кетгиси келгани-келгандир
эркакнинг.

Бир ёқлар эса
соғинчга айланган:
худди ўша аёлдай
соғинчга айлангандир.

Баллада

Совук. Ўқирди бўрон.
Совук. Увледи бўри.
Тоғу даштда изғирин –
Жониворларнинг шўри.

Шамоллар маст жар тушар
Тангимушнинг кирида:
Тоғу дашт айқаш-уйқаш
Ўралди бир-бирига.

Ваҳима бош кўтарди,
Жонларга кирди тўфон:
Қочиб жўнади кийик,
Қочиб жўнади куён.

Тулки изидан тушди,
Ўқдай отилди бўри.
Зафар кимники бўлар,
Қурийди кимнинг шўри?

Ўтовдан эса бахши
Куйлаб колди ногаҳон:
– Кўшиқ! Азобинг яхши!
Тиқилди бўғзимга жон!



Ғайғайла! Кўтар авжни!
Барча эшитсин – кўтар!
Қочган ўтар дунёдан,
Ҳатто қувган ҳам ўтар.

Зўравонлар ўтади,
Кўрқоқ ўтар мукаррар...
...Бахшининг кўшиғини
Эшитмайди хайвонлар.

* * *

Мени мудом таъкиб этгани этган
Хушимдаги рўзгор, тушимдаги уй.
(Уни қулфлаб кимдир қайгадир кетган.
Ичкарида сенми, эшикни чертган?)
Юрагимда эса изиллаган куй,
Жоним эса... Жоним бўғзимга етган!

Тушимга киради ҳар тун шу рўё,
У уй теграсида кезаман сарсон.
Эшикни қулфлади қай маккор риё?
Қулф уйда сен борсан, сен борсан, гўё
Эшик очилмайди энди ҳеч қачон.

Хушимда, теграмда кезади рўзгор,
Ҳар хил юмушларда эзади рўзгор,
Аммо сен асирда – жоним чатнайди.
Синчков назаримдан безади рўзгор.
Унинг чўнтагида, ахир, калит бор,
Ҳеч қачон бу сирни менга айтмайди.

Айтмайди, о, балки, эсига тушмас,
У шўрлик оксочдир, тинмайди бирпас:
Қўллари косовдир, сочи супурги.
Ранглари ўнгандир, ранглари ўнган,
Тушларин йўлини ташвишлар қўмган,
Қарасам, бўғзимга келар ўқирги.

Ҳар кеча туш сари судрар кажрафтор,
Эшикни урасан такрору такрор,
Уйғониб кетаман, беун фарёддан.
Бошимда заҳматдан кўзи ёш рўзгор
Юзлари оқариб туради абгор,
Йўқотган! Калитни шўрлик йўқотган.





* * *

Чакмок кулочлаб урар осмон ноғорасини,
Ўтлоқда минг оёқлаб, ёмғир тушади рақсга.
Ҳавонинг илма-тешик кўринмас танасини
Довул силкий бошлайди жуда асабий тарзда.

Кушлар ғойиб бўлади, шарақлайди дарвоза,
Аждарҳодай учади антенналар том оша.
Қаршингда бесўз турган муҳаббат беовоза,
Кетмоқчи эди, ахир! Бу қанақа томоша?

– Қол! – десангчи! Айтсангчи: – Ёмғирда бўласан хўл.
Йўлларни селлар олди, кўприклар кетди оқиб.
Айтсангчи: – Юрагимда сукутимдан сўзлар мўл,
Сўзларимнинг ҳаммасин сендан олганман ёқиб.

Гулдураклар портлайди, чакмоқлар ёрилар маст,
Осмон қулаб тушади юрагу боғ устига.
Усту боши шалаббо, еру фалак аралаш,
Муҳаббат кетиб борар, армон бўлиш қасдида.

Тошларни-тошга уриб, қарсиллар қайдадир сел,
Ҳаволарда таралар тоғлик гиёҳлар бўйи.
Муҳаббат кетиб борар. Бир сўз тополмайсан, сен,
Аммо ўк еган каби ногоҳ оқарар рўйинг.

Табиат эса бу дам отар меъёрни ечиб:
Чакмок устига чакмок, жала устига жала.
Муҳаббат кетиб борар, ёмғиру лойни кечиб,
Кетиб борар баҳорсиз бир дунёни коралаб.

Ногоҳ тинади ёмғир. Кўкда калкир камалак.
Дарахтлардан томчилар ҳали томар тинмайди.
Шивирлайсан: – Олисдан кўриниб тур, муҳаббат.
Ўлганингни, азизим, ҳали тақдир билмайди.

Фаррош

Кўп меҳнаткаш бу фаррош аёл,
Аллақандай маъюс, ғамбода.
Хизматини бажарар ҳалол,
Кўли теккан нарса – озода.

“Дуррасини бошига танғиб,
Тонгда келиб, киришса ишга,
Ишхонада тозалик анқиб,
Кўнгилларни чорлар юмушга.



Кўздан кочган чет сохаларга
Унинг ўзи кўнгилли оксоч:
Котибалар йўқ хоналарга
Чойлар дамлаб улашар қувонч.

Раҳматларни тинглайди беун,
Бесўзлиги барчага маъкул...
...Кўлларида қайсидир бир кун
Пайдо бўлар ёлғизгина гул.

Антика гул! Гўзал! Анвойи!
Гўё Моне танлагандай ранг.
Туман ичра гулбарглар ёйиб,
Кўк тусида шундок очилган.

– О! Қандай гул! Чиройли экан! –
Одамларнинг юзи ёришар.
Фаррош аёл кўзидаги ғам
Ним табассум нурга коришар.

– Кимдир сизни севади беҳад! –
Ҳазилкашлар кўтарар ғавго.
У уялар, кулар бежуръат:
– Совға! Совға! Шунчаки совға!

Сўнг юмушлар ютади уни,
Чанглар арир стол, жавондан.
Бугун унинг туғилган куни
Гулни сотиб олган дўкондан.

* * *

Нечун ҳеч ким очолмас
Дардим эшикларини,
Кўнглимнинг иморати
Қай баланд боғда барпо?
Дўст! Юксалгин! Жўр бўлгин!
Кузнинг қўшиқларини –
Сўнгги авж баҳрларда
Бирга этайлик ижро!
Кузнинг юксаклигида
Хазон ичра бир ўзим,
Хат ёзсам ҳам келмайсан,
Эшитмайсан йиғласам.
Йўлингда икки кўзим,
Йўлингда икки кўзим,
Борай десам, бу куздан
Чикиш йўлин билмасам.





НАСР



Хуриш ДЎСТМУХАММАД

“Эътироф-2016” мукофоти совриндори. 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ёзувчининг “Ховли этагидаги уй”, “Жазман” каби ҳикоялар тўпламлари чоп этилган. “Паноҳ”, “Ҳижроним мингдир менинг”, “Орамкурси”, “Чаёнул” каби қиссалар, “Бозор”, “Сизиф” романлари муаллифи.

УМИД ГУЛИ

Ҳикоя

Ҳақиқат фикрлар алмашувининг оқибатидир. Фикр фикрга доя. Инсон инсон билан, суҳбату анжуманлар билан тирик, барҳаёт. Баликнинг ватани уммон бўлгани каби одамнинг ватани – уни тушунган, унинг сўзларига кулок тутгучилар орасиндаги сершавк машварат онларидадир. Хоссатан, суҳбатдошинг айтқонингни зийрак илғаса, фикр алмашувчилар посангиси тенг келса мунозара мағзи куюқлашар. Шу қабилда калаванинг йипи топилгани сари сўз сўзга, жумла жумлага, мавзу мавзуга уланади. Ичингда қайнаб-тошаётган дардларингни хумордан чиқарок тўқасан, сочасан! Бильякс тингламок, тўғри укмок касдидаги инсонлар бўлмаса айтқон сўзларинг зое.

Ўзим англамаган ҳолда кўпда суҳбат мақомидан фойдаланишимнинг боиси шундадир эҳтимол? Драмалар-ку, бош-оёқ суҳбат асносида ёзилмоғи табиий, мундай карасам, аксаран мақолаларим ҳам суҳбат ёхуд мурожаат тартибинда битилган, ҳа, адашмаяпман, хатто шеърларимни айтмайми?!

Хона соҳиби бир-бир одим ташлаб юкори рахи баланд шифтга бўйлашгудай дераза ёнига келди-да, хаёлини банд этган ўй оқимини хуркитиб юборишдан эҳтиётлангандек ташқарига маҳзун термилди.

Ўктабр яримламай кишининг нафаси изғиб қолди. Нонушта пайти йилт этиб борликни ёритган қуёш зумда ғойиб бўлди-қўйди. Пешин эди, у кўноққа қайтаётиб бирпас ҳавонинг авзойини кузатиб турди. Осмонни паккос калин қора булут қоплай бошлаган, ҳавонинг авзойида пиликнинг учича ёруғлик белгиси сезилмас, балки ўзидаги тундлик сиёҳи била дов-дарахт, атроф-жавониб, одамларни-да бош-оёқ бўяшқа бошлаганди.

Аввалига майда ва якка-ярим дайди томчилар бетига урилди. Назарида томчилар иликкинадек туюлди, шу боисми, ортик эътибор қилмади, одатига кўра об-ҳаводаги бундайин ажабтовур ўзгарувчанлик асрорини билишга шахд қилган одам киёфасида дам осмонга, дам ёмғир томчиларига, дам ён-веридан илдам ва шошқинч қадамлар билан ўтиб бораётган йўловчиларнинг аҳвол-руҳиясига разм солди.

Ёмғир тезлашди, томчилар зичлашди. Томчилардаги хиёл олдинги илиқлик ўрнини музлик эгаллади. Бироқ ҳаводаги кескин ўзгаришлар унга заррача таъсир кўрсатмаётгандек – қилт этмади, у худди улкан шахарнинг инжиқ ва тушунуқсиз ҳавоси билан юзма-юз сўйлашмокқа аҳд қилган одамдек, унга бир ўзи бас келмокчидек, ке-

рак бўлса, қайсарлик-қажлик билан қоқилган қозикдек тек қотиб тураверди. Одам об-ҳавонинг эмас, об-ҳаво одамнинг измида бўлмоғи фойдалироқ ва мароклироқдир!..

Ёмғир туйқус зўрайди, бу одам қочиб ўзини панага олса гўё хозиргина дилдан кечирган акийдаси олдида мулзам-бесубут бўладигандек бир одим ҳам жилмади. Узун чакмонининг ёқасини кўтариб тугмаларини охиригача қадади, тўсатдан забтига оладиган шамол учириб кетмасин деган ўйда айвони ихчам шапкасини бостириб кийди. Тураверди.

– Молодой человек, почему вы не убегаете? Дождь-то усиливается?!

У кишининг қад-қомати келишган, калин қора қошлари, узун ва тўғри бурни, кораликда қошидан-да қолишмайдиغان қуюқ тукли така мўйлаби, ҳаммасидан ҳам ўткир нигоҳи уни чандон серзалвор кўрсатар, ботинида тўлиб-тошган ғурур ва нафсонияти унинг ана ўша зоҳирий салобатида акс этарди.

У рўпарасига келиб тўхтаганича пастдан тепага – ўзига анграйган қадди дол кампирга бош эгиб каради. Мовий, беғубор нигоҳ. Инқилобга қадар нақадар гўзал бўлган бу кўзлар! Муштипар волидаларга хос меҳрибонлик, оддий-жайдари ўрус аёлларигагина хос ғамхўрлик барқ уриб турибди бу кўзларда.

– Пусть усиливается!.. Лился бы этот дождь хоть сорок дней, хоть сорок лет!..

Туси уникқан ва ғарибгина рўмолига бўйни, кўкси аралаш чирмаб ўралган кампир ўрта ёшлардаги бу ғалати кишининг ажабтовур сўзларига тушунмади, муддаосини илғамади ҳам, “Не дай бог! Не дай бог!” деганча устма-уст чўқина-чўқина жадал юриб нари кетди.

Эшик охиста, ҳагто назоқат билан тикирлади. Хона соҳиби овоз бермасидан бурун кўш тавақали залворли эшикнинг бир қаноти қия очилиб, таниш башара кўринди.

– Ўрток профессор, ижозат этсангиз, чиқиндиларни олай!..

Бу олий илмий мартабани у шу ерга келиб орттирди. Унинг исм-шарифини ким биринчи бўлиб “профессор” унвонини қўшган ҳолда тилга олгани ёдида йўқ, дастлаб эшитганда бу сўз қулоғига ғалати чалинди, эриш ҳам туюлди, дорилфунунда эмас, манави мударрис-ўқитувчилар отелидаги югурдак хизматчилар наздидагина тилга олинаётганига хайрон бўлди ва... тез кунларда айтса айтар, дея бу арзимас ташвишга қўл силтади – кўнди-қўйди.

“Ўрток профессор” ёзув курсиси бикинига тақаб қўйилган чиқинди саватига имо қилди. Новча, қотмадан келган, ранги заҳилгина, миллати нотайин хизматчи эркак қадди-қоматига ярашмаган майда қадамлар билан тўғри чиқинди ташланадиган саватча тепасига бориб, уни бўм-бўш ҳалтасига ағдарган бўлди-да, сўзсиз-несиз изига қайтди.

Саватча бўм-бўш эди.

Ёмғир қор аралаш майдаламоқда. Изгирин шамол изғий бошлаган, қор-ёмғир томчилари қамчин учларидек шиддат билан дарахт япроқларини, бино томларини, улардан ўтиб ерни саваламоқда.

Дарҳақиқат, неки ёзган бўлса бари суҳбат кўринишида. “Мунозара” ўзгача чиқди! Кўпчиликка маъқул келди у. “Бухоронинг нажиб миллати бўлган ватандошларим”, дея бошлаган эди уни.

Профессор ўйга толди, охиста, шивирлаб айтган сўзлари ўз қулоғига ўзгача – гўё илк дафъа айтилгандек ёқимли эшитилди. Ўн тўрт йил бурун ушбу асарини ёзган маҳалдаги кўтаринки қайфият кўксига гупуриб қайта уйғонгандек бўлди. Уйғонган қайфият жунбишида ўзгача кироат ила, ўзга бир мақомда кўтарилиб такрорлади: “Бухоронинг нажиб миллати бўлган ватандошларим!..” Шул каби даъваткор оҳангда айтган сўзлари хозир ҳам оз эмас, лекин қачон айтади, қандай айтади... айтишга йўл қўйишадими?..

Сукунат бағрида сўниб улгурмаган акс садога қулоқ тутди. Шифти баланд хонанинг бурчак-бурчакларига разм солди, деразадан ташқарига – қор-ёмғир ара-

лаш бўралаётган шилта-шалаббо кўчага, бири биридан юпун йўловчиларнинг ўтиб боришларидаги тахлика-саросима ва жонсараклик замиридан қандайдир хулосалар ясамоқ умидида уларга термилди. Йўқлик ва ночорлик шаҳарни, кўча ва хиёбонларни, манави совуқ сукунат оғушидаги хонани тўлдирган мавҳумлик олдида айтишга-да арзимасдек нимарса эди.

Ўйлаб кўрилса, “Мунозара” нафақат Бухоро миллатига, мана шу масковлик авом омма учун ҳам аҳамиятли. Ўқисалар, онгласалар, кўзлари очилса... Ахир ҳаётни яхшилаيمان деган жамият борки янги ва қадимни киёслай билмоғи даркор. Зеро, қадим ва жадид ўртасинда хамиша ихтилоф мавжуддир, шул ихтилоф илдизларини топмоқ ва турмушда аларга барҳам бериш чораларини кўлламоқ учун ҳам ҳар бир замон ўз маърифатли зотларини етиштиргай. Шул ниятни дилга тугмоқ учун эса мунозара даркор. Дилдан бошланган мунозара пировардида дилга ва турмушга ободлик келтиргай.

Хона сохиби ёзув курсиси ёнига борди-да, тик турган кўйи икки-уч тўртлик қоралама битилган қоғозга разм солганича пичирлаб ўқиди:

– Кеч бўлди, тиниб битди товушлар,
сўнди бутун уйларда чироғлар,
тебранмади ер узра оёғлар,
зулмат яна ҳар ён ока колди...

Ташкарида кор-ёмғир эмас, кундузни тунга қориштиргувчи зулмат ёғмоқда, зулмат. Ҳали кун ботишига анча бор, лекин борлик зимистон қаърига чўкиб улгурган, Масковнинг кундузи шом қоронғилигини кутишга тоқатсиз – қуюқ ва калин абрга бурканади-да, эринчоклик ила гумроҳ уйқуга чўмади.

– Кўклар сари чакқон кўтарилган
тоғ гавдали уйлар,
кўнуклар,
саройлар...
коп-қора ҳайкал тусин олди...

Профессор курси узра эгилиб каламни тутди, қоралама нусха шеър мисрала-рига таҳрир киритди. Лазиз бир хотира ёдига тушган одам янглиғ илдам юриб дераза томон борди. Ёлғиз хонанишин одам бошқа нима ҳам қиларди, хусусан, олим, шоир, каламкаш мардум – кечагина жондек ширин она юртида гуриллаб жавлон ураётган, орзу-ҳавасларининг чеки кўринмаётган, шу орзу-ҳаваслари йўлида тиним билмаётган, кечани кундуздан, кундузни кечадан кизганиб меҳнат қилаётган инсон фавқуллода кўч-кўронига ҳам қарамай манавиндай ёт ўлкаларга иткитиб ташланса – захар-заққум хаводан ўзини қаерга қўйишини билмай манавиндақа хонага қамалиб ўтирса – ёзув курсиси бирлан дераза ёнига катнашдан ўзга юрар йўли қолармиди!

– Устоз, – деди Файзуллаҳўжа иттифоко анжуманлардан бирида уни четга чорлаб, – сиз зудлик ила Масковга жўнайсиз!

– Масковга? Зудлик билан?!

– Жонли шарқ тиллари институтида мударрислик қила турасиз, шунга келишдик.

У тамом тушуниксиз ҳайрат ила Файзуллаҳўжага разм солди, бироқ жумхурият раҳбари гоҳ бошини солинтириб оёғи остига, гоҳ атрофга қараётган бўлганидан унинг тушунуксиз аҳволда ўнғайсизланаётганини пайқади, фақат фавқуллода хабар сохибининг овозидаги хотиржамлик, босиклик унинг учун юпанч вазифасини ўтади. Шундай эса-да, товушини пасайтириб савол котди:

– Тинчликми ўзи?

– Тинчлик, устоз, лекин нотинчлик иси келмоқда... Қарорнинг орти қоронғилик.

Файзуллаҳўжанинг хуркитилган жайроннинг игналаридек тепага қаратиб таралган сочлари бир силкиндио ўзи нари кетатуриб, тўхтади, ортига ярим ўтирилганича устознинг кўнгли учун бўлса керак, товушига атайин ўктам тус берди:

– Вазият ойдинлашгунига қадар ўша томонларда бўла туринг, хабарлашамиз.

Хабарлашиш қайда! Озмунча айтар сўзи, равшанлик киритиши зарур саволлари пайдар-пай тугиляптими бу ерда! Лекин уларни кимга айтади, кимга ёрилиб-ёзилиб баён этади?! “Қарорнинг орти қоронғилик...” Ўтган йил фасли баҳор кунларида Масковда қабул қилинган “Бухоро масаласи” қароридан сўнг жумхурият осмонида қора қўланкалар куюклага бошлади. Шу йилнинг ёзида эса Марказқўм котиби Рудзутакнинг Бухорога махсус ташрифидан кўзланган мақсад ўша мальун қарор бандларини амалга ошириш эканлиги сир бўлмай қолди. Файзулла айтмоқчи, Бухорони нотинчлик иси тутди.

– Ҳаво бузук!..

– Қўк юзида коп-қора

Кўмир каби қатор-қатор булутлар...

Кўмир каби булутлари – ёт эллар...

Қаердасан, Абдулхами-ид-д?.. Худди Масковга келгандек, шу кунги ҳавонинг авзойини ўз кўзлари билан кузатгандек ёзган-а! Дилбар шоир, тенгсиз шоир!.. Шу сингари ҳароратли сифатлар ила Файзуллаҳўжага тавсия қилганди уни, Файзулла барака топсин, Абдулхамидга “Бухоро ахбори” газити муҳаррирлиги вази-фасини топширди. Абдулхамид астойдил ишлади, тер тўкиб ишлади, шу тарзда ишонччи оқлади ва надоматлар бўлгайким, унинг ҳам жавобини беришди – кетказишди. Чўлпондек шоирнинг хизматидан воз кечишди!.. Ваҳоланки – профессор ташқарига қаради – ваҳоланки, ҳали кош қорайишига бирмунча эрта, эрта эканлигига қарамай кундуздан кўра кўпроқ шом қоронғисига ўхшаб кетаётган кундуз зимистонида ҳамон савашда давом этаётган қор-ёмғирни кўз илғамай қолганди.

“Ўртоқ профессор” дераза ортидаги зулмат қоплаган қоронғилик гўё қора хитойи қоғозию, унга оқ ҳарфлар ила битилган сўзларни нигоҳи илғаб-илғамай узук-юлук хижжалашга тутинди:

– Бухоронинг нажиб миллати бўлган ватандошларим!.. Неки ёзган бўлсам, она юртим афкори умумиясини ватандошларим дея тилга олдим. “Мунозара”... Сўнг “Ҳинд сайёҳи”ни ёзганларимни эсласам!.. “Бухоронинг ҳоли” отлик мақолам... Етти-саккиз йил бурунги шапалоқдеккина сўз, ҳатто ўзим ҳам унутгандекмен, бошқаларнинг эса шаксиз ёдларидан кўтарилган... Амрга қарши исён қилган бўлсам... Тўғри-да, яхши сўзлар, тавозелару ёлборишлар ила ҳукуматни йўлга кетурмакликни орзулаш бориб турган соддадиллик, гўллик. Талаб қилган бўлсам, ул амрга қўшилиб амрлик ҳам барҳам топганига неча йиллар ўтди... Ундин кейинроқ Насруллоҳ парвоначи афанди ҳазратларина йўллаган мактубимда айтган гапларим гап: ҳар қанча кўз ва қулоқларингизни беркитиб олсангиз ҳам қадим миллатимизнинг фарёдига, юртимиз хароблигига ачинмасликнинг иложи йўқ... Ҳўш, хожи домолло Абду-р-рауф афандим! – ўзига ўзи баралла хитоб ила давом этди у – қаерда хатоликка йўл қўйдилар? Тилдан илинган ерлари қаерда?..

У дераза раҳига кифтини босганича ташқарига кулок тутди. Дераза ойнаси икки қаватли эканлиги боис ташқаридан деярли тик этган шовкин-товуш ичкарига ўта олмас, ҳозир ҳам хона соҳибининг қулоқни динг қилишидан наф оз эди.

Ҳўш, ўша ачинарли ҳаёт заррача дейлик ўзгардимми? Бухоро амрлиги бўлди нимаю Бухоро жумхурияти бўлди нима?! Аксинча, эндиги аҳвол таҳликаликроқ, мудхишроқ кўриниш олаётгандек...

Зулм аст онки хонаи моро хароб кард,
Зулм аст онки сийнаи моро кабоб кард.¹

Тошкентда ижодий ишларга ғарқ эдим, Бухорога чакиришди. Узоқ йили, аини наврӯз арафаси. Бу таклифни жавобсиз қолдириш она юртим, она тупроғимга хиёнатга тенг эди. Қолаверса, Бехбудий ҳазратларининг васиятларини унутмоқлик чандон хиёнат! “Бухоро тупроғига тезлик ила йўл бошлангизлар!..” Тезлик ила йўл бошлангизлар! Тезлик ила!.. Бухоро биздан, биз Бухородан... Шул ҳолда даъватга лаббай демаслик зулмат қаърида ивирсиб ётишга кўникишдан ўзга нимарса эрмас!..

Илло икки йил ичида озмунча ишлар амалга оширилдими?! Янги, гўдак мисол жумхурият атак-чечак қадам олмоғига малад берғувчи таянч юмушлар адо этилди.

Эх-хе-е, уни қай вазифаларга рўпара қилмадилар, не-не юмушларни зиммасига юкламадилар. Бирок уларнинг ҳеч бирини хожи домулла афандим, яъниким “ўрток профессор” ўзи учун вазифа ё юмуш деб эмас, бурч деб қабул қилди. Билими, истақ-орзуси, фахм-фаросати ўлароқ инсоний мажбурият дея қабул қилди. Имони қомил – қай ишга қўл урмасин, янги ва ёш жумхурият маданиятини ривожлантириш, юксалтиришдан улуғроқ вазифа йўқ деган ақида жиловини тутди. Ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш дейсизми, халқ дорилфунуни ташкил этишми, босим мақоланавислик ижоди ва театр ташкил этишми – бари-бариди маърифатни танҳо халоскор деб билди. Ҳеч бир ерда ниятини пинҳон тутмади. Очик айтди, очик ёзди, очик фикрлади.

Кундуз сакиз-ўн ёкка югурган,

чопган,

йиқилишган,

яна турган,

ўнг, сўл уни тепкан...

Нияти эзгу, соғингани – юртига-халқига яхшилик эди. Афсус...

Бу борада у ёлғиз эмас эди. Ёлғиз Файзуллаҳўжанинг икки ўт-аланга орасинда қоврилиб юриб кўнглига тутган ниятларини айтмасинми?!

Эшик охишта тикирлади. “Хизматчилардан бири” деди у ичида энсаси қотиб. Хизматчилар тақиллатадилар-да, ичкаридан жавоб кутмай кириб келаверадилар. Худди кимдир уларнинг қулоғига профессор билан шу қабилда муносабатда бўласизлар деб қуйиб қўйгандек – эшикни тақиллатиш ҳам, жавобни кутмай ичкарига кириб келиш ҳам, хатто “ўрток профессор” дея мурожаат қилишлари ҳам азбаройи аллатовур дастурда битилган мажбуриятлар риояси-ижросидек, икки томчи сувдек бир хил.

Хона соҳиби бу сафар ҳам шундай бўлишини кутиб овоз чиқармади. Шунда эшик яна тақиллади.

– Заходите, – товуш берди у. – Дверь открыта.

Шундан сўнггина эшик қия очилиб, мутлақо қутилмаган...

– Ия-ия! Ваҳ ажабо, оҳ ажабо, жон ажабо! – дея хайратини яширолмай ўрнидан ирғиб турди афандим. – Ўзимнинг кўзимми? Наҳотки?! Ҳамон ишон-маямман, ишонолмаямман!

Остонада ўртадан тик қоматли, хипчадан келган, кўрган кишининг биринчи навбатда йирик-йирик кўзлари ва кенг манглайи ўзига мафтун этувчи, сочлари ортга силлиқ таралган, шу маҳалдаги Масков турмуш тарзига қиёсан олганда бирмунча пўрим қийинган ёш-навқирон йигитча турарди.

– Ассалому алайкум, устоз, – деди йигит дабдурустан ўйлаган сўзини тополмаётгандек ўнғайсизланиб. – Безовта қилдим... Сизни кўргим келди, шунга... огоҳлантирмай...

¹ Таржимаси: Бизнинг уйимизни хароб қилган зулмдир,
Сийнамизни кабоб қилган зулмдир.

– Нечун огохлантирасиз? Нечун огохлантириш даркор, Махмуджон иним? Ахир худобеҳабар бул мусофирхонага юртдошим, маслакдошим, каламдошим қадам ранжида қиладилару, биз безовта бўлаимизми?

Меҳмон йигит кўлларини боши узра баланд кўтариб пешвоз чикқан мезбон билан остонадан икки одим ичкарида кўл олишди. Мезбон эҳтиром ила меҳмонни кўш курсидан бирига таклиф қилди.

– Эшитгандим, хабарим бор, – деди устоз дарҳол суҳбатни кизгин тус олишини истагандай. – Яхши жойлашдингизми? Ўқишлар дурусти? Қийинчилик йўқми, хайтовур?

– Йўқ, аввалига бироз чўчигандим, сўнг тез кўниқиб кетдим.

– Ётиш-туриш, таом-калом деганларидек?..

Меҳмон чехраси чараклаб жилмайди.

– Жойида, – деди у ҳам суҳбат авж пардаларда бошланганидан мамнунлигини яширмай. – Қорнимиз тўқ, устимиз бут. Ахир буюк инкилоблар шаҳрига илм излаб келганмиз, устоз.

– Ох-хо-о, секинроқ айтадиларми, жоним иним! Бешикдан то сўнгги нафасга довур илм изла, деганлар улуғларимиз.

Меҳмон йигит жавоб қайтармади. Хонанинг куйидан юқорисига қадар кўз югуртириб ҳавасланди.

– Шароитингиз бадастир экан. Дарслардан бўш вақтларингизда истаганча...

– Ўх-хў-ў, нимасини айтадилар, нимасини! Ижоддан бўлак ташвиш қайда? Ватанда масъул юмушлар измида қолиб, ижод дов-дастгоҳини бир муддат йиғиштириб қўйишга мажбур бўлгандик. – Ўйлаб кўрса, хў-ў ўша Истанбулда яшаган уч-тўрт йил сермахсул ижод қилган, бу ерда ҳам бекор ўтмаяпти кунлари. Қайфияти борми-йўқми, руҳиятидаги безовталиқдан қатъи назар, бор алами қоғоз-қалам устида: “Қиёмат”ни ёзиб битирди. Уч-тўрт кундан буён, ана, ётсатурса янги шеър ҳаёл-ҳаловатини банд этган. Бирок у булар ҳақида оғиз очишни ўзига эп кўрмади, зеро ўзи ҳақида эмас, сўзни шоғирдга дохил мавзуға бургиси келди. – Тангри раво кўруб, мана шундай манзилларда умргузаронлик тушимизга кирмаганди. Насиба, насиба... Ўзларидан сўрасак? Ижтимоий фанлар нечоғлик завқли ва мураккаб бўлмасун, ҳар қалай, бадий ижоддан у қадар йирик эмас. Ҳам ҳаёт кучоғида, ҳам ижод тулпориди, шундайми, шоир?

– Сиз... – Меҳмон йигит ўтирган жойидан ёзув курсисиди ёйилиб ётган варақларга, улардаги шеърый машқларга назар ташлади. – Сизнинг ижодингиз учун айни имконият-да, бу ер, тўғрими, устоз?

Устоз дабдурустан бу саволга жавоб қайтаришни лозим кўрмади шекилли, бир зум сукут сақладию қоғозлар остидан букланган газетани олиб, ички саҳифасини очди.

– Шахматга қалайсиз, шоир, шахматга?

– Шахмат борми? – сўради меҳмон.

– Манавини қаранг, – деди устоз суҳбат мавзусини бошқа ўзанга буриб олганидан энгил тортиб, газета саҳифасига имо қилар экан. – Жаҳон тождори Капабланка ўн икки ёшли гўдақлик чоғида ўз мамлақати ғолиби Корцони таслим қилган ўйин ёзувини берибдилар. Ўн икки ёшда-я!.. Йигирма етти йўлда шохнинг жон сақлайдиган катаги қолмаган! Офарин, дейсиз, офарин!

Устознинг ҳаяжону ҳайрати шоғирдга юкмади, юкмаса-да, илтифот юзасидан ўзини ҳайратланган кўрсатди, холос.

– Шу-унча иш-ижод орасида шахматга фурсат топишингиз ҳайратли, устоз, – деди у.

– Истак бўлса, фурсат топилади. Бу қадимий ва беҳад сеҳрли ўйин ҳақинда бир рисола яратиш ниятим ҳам йўқ эмас.

– Ёзинг-ёзинг, – деди меҳмон йигит ва бирдан боягина бошлаган гапини так-

рорлагандек келган жойига қайтди. – Шу-ундай имконият яратилган жойда мўл-кўл ижод қилишингиз табиий.

– Имконият-имкония-ят... – Мийиғида кулимсираб деди устоз. – Кўқдин тушди бизга бу имконият, кўқдан. Хонадан худа-бехуда чикмайман, биласиз, фурсатни ҳавога совуриш одатим йўқ, инчунин ёлғиз қолганда кўпдан буён қўнғилда йиғилган ниятлар қоғозга тушмоқда.

– Битиб қолган кўринади... – деб ишора қилди меҳмон йигит шеър кораламаларидан нигоҳини узмай.

– Биз – ҳаваскор, асл шоир – сиз.

– Ундай эмас, устоз. Хижолатга қўйманг.. Ижозат берсангиз, ўқиб кўрсам.

– Мархабо, мархабо!

Меҳмон йигит варақлардан бирини олиб ундаги ёзувни ўқишга тутинди. Мисралар ғоятда майда арабий ҳарфда битилган, боз устига таҳририй тузатишлар туфайли равоён ўқиши қийинроқ кўчди.

Устоз ёддан ўқиб, ёш меҳмонининг мушқулини енгиллаштирди:

Кеч бўлди, тиниб битди товушлар,
сўнди бутун уйларда чироғлар,
тебранмади ер узра оёғлар,
зулмат яна ҳар ён оқа қолди.

Меҳмон йигит дам мезбон шоирнинг кироатига, дам қўлидаги қоғозга кўз қирини ташлар, бу тарзда бошини сарак-сарак тебратиши ўқиётганига – кўзи, тинглаётганига – қулоғи ишонмаётган одамга ўхшаб кетаётганди.

Шеърхонлик тугадию орага оғир жимлик чўқди. Устоз ёш шогирдидан бир имдод кутар, шогирд эса сукунатни қай сўз ила бузишни билмай қийналар, эҳтимол нима жин уриб шу дамда бул хонага кириб келгани учун ич-ичидан ўзини қойиётганди.

– Сарлавҳаси?.. – савол қотди у бошқа арзирли сўз тополмай. Дедию, берган саволига қутилажак жавоб ноқулай аҳволини баттар оғирлаштиришини зум ўтмай кечикиб англади.

– “Менинг кечам”.

– Тахминим тўғри чикди...

– Қандай тахмин? Мос эмасму?

Меҳмон йигит бу қисқа савол-жавоб асносида ўзини бирмунча ўнглаб олди чоғи, кейинги сўзларида дадиллашди.

– Шеърнинг номи сифатида мос келар, бироқ шеърнинг ўзи...

– Хўш-хўш, айтаверсинлар.

– Узр, устоз. Айтмоқчи бўлганим... бунчалар тушкун? Бунчалар қора?

– Ташқари қора-да, – дарҳол изоҳ берди устоз.

– Ташқари – кундуз, устоз.

– Кундуз? Зимистонга бурканган кундуз. Ана, бокинг деразадан, кўринарми кўзингизга сиз айтган кундуз?

“Ўртоқ профессор” ёш ватандошига синовчан разм солди. Меҳмоннинг авзойида ўзгариш сезмади. Боягина – у келмасидан бурун ёддан ўқиган мисраларни овоз чиқариб такрорлади:

– Ҳаво бузук!..

– Кўк юзида қоп-қора

Кўмир каби...

Меҳмон йигит бехосдан нохуш нарсани босиб олган одамдек силтаниб тушди. Овозидаги титроқ унинг мувозанатдан чиққанини янаям бўрттириб тасдиқлади.

– Очик айтсам, сиз эътимод ила эслаганингиз бу мисралар ғоятда дағал, улар менинг кўнглимга оғир ботадир.

Устоз шогирддан бу қадар беписандларча дангалликни кутмаганди.

Тўғри, хали бир қадар ёш эканига қарамай тенгқурларидан кўра кўп ўқиган, рус адиблари ва шоирлари ижоди билан яхши таниш. Хотираси, қувваи ҳофизаси чакки эмас. Бошланғич қаламқаш эканига қарамай истеъдод учқунлари чарақлаб кўзни қамаштиргани унга бўлган хурматини чандон орттирди, шунинг далласида ўтган йили босмадан чиққан тўпламга унинг шеърларининг ўзи саралаб кириттанди.

Устоз ёш меҳмоннинг чакмоқдек нигоҳи, кенг пешонасига тушган бир тутам тим қора мойланган сочига термилганича мавзунинг ўзгартирди.

– Сизларда ижод учун шароит йўқми? – Сўради у товушини атайин меҳрибонона оҳангда товлантириб. Ва саволига жавоб кутмай гап йўналишини янаям бошқа ўзанга буришга уринди: – Ижодга шароит бўлмаса, навкиронсиз, кўзга яқинсиз, иним. Ўрнечада ҳам тилингиз бурро. Тагин... ўрис кизларининг қармоғига...

Меҳмоннинг қизариб кетганини кўрган устоз хайрият деб қўйди ичида. Ҳар қалай уялди-ку, демак, ўйловсиз эмас, ўйловли одам – фикрли одам деганидир. Ўйловлар ва мулоҳазалар эса фаҳм-фаросатни уйғотар, қалбларни юмшатар ахир.

– Отангиз нима касб қилганлар? – Сўрашга сўрадио, бу билан на суҳбат, на суҳбатдошни, балки ўзини чалғитишга уринаётганини сизди. Шу тобда унинг ҳеч бир мавзуда баҳс кўзғашга тоқати йўқ эди. Ўзи не сермулоҳаза, сертахлика ўй-хаёлларда юрибдию, кечагина ижод кўчасига кириб келган зиғирдек бола... ҳа-ҳа, мурғак полапон билан пачакилашиб ўтиришдан не маъни?! Ёниб турибди, ерга урса коптоқдек сапчиб турибди, ҳозир айна кўзи кўрганига ишонадиган, ақл кўзи билан кўришга эса ғўрлик-хомлик пайти. Азбаройи миясига зўрлаб қуйгандан кўра унинг ўзи англаб етса, тушунса – илгарини кўра билса... Демак, – устоз қутилмагандя чикарган хулосасини ичида яна бир қарра пишитиб олди – шоирлик учун курак истеъдоднинг ўзи кифоя эмас, ҳаётини тажриба ҳам зарур экан-да!..

– Отам... дастлаб хунармандчилик қилганлар, кейинроқ хунармандлар кооперативида масъул лавозим... хуллас, биз фарзандларини ҳалол ризқ билан боққанлар.

Жавоб устознинг шундайига ҳам ранжиб улгурган дилига оғир ботди. Тагин вазминлик қилди, ичидагини ташига чиқармади. Отанг хунарманд бўлган экан, кооперативчи бўлган экан, бу суҳбатга еган луқманг ҳалол-ноҳалоллигининг нима дахли бор?! Еган ошим ҳалол, демак, ўзим ҳам, ёзган шеърим ҳам ҳалол демокчимми?! Бордию, шундай бўлган тақдирда, айтар бўлсам, назмий ҳалоллик ҳаётини ҳалолликдан-да покказарок, ҳалолроқ ҳисобланадур, полапоним!.. Ёхуд мисол тариқасида ёдаки келтирилган тўрт мисра тақсиримизга айилдек ботдимми?! Шеър муаллифи чаёнмидики, уни эслаганинг ўзи захарли ниш ўрнига ўтса?!..

– Биламан, устоз, ўша андижонлик шоиримизга ихлосингиз баланд. Шеър сўзини ипақдан тўқийди деб кўқларга кўтариб мактагансиз, ҳатто тахаллусини ҳам ўзингиз ёки... Мунаввар қори билан танлаб бергансизлар. Менинг унга ҳеч қандай хусуматим йўқ, фақат унинг билиб олгани юртнинг қайғуси, ўлқанинг бузилгани! На севинччи кўради, на қурилиш-бунёдкорликдан қувонади! Ҳамонки, Вадуд Маҳмуднинг “Чўлпон ўзбекнинг янги шоиридир” деган таърифи чин бўлса, шогирдингиз янги ҳаётни ёзсин, инқилобий ўзгаришлардан илҳомлансин!..

Орага бир чимдим, лекин ёқимсиз жимлик чўқди. Жимликни яна меҳмон йигит бузди.

– Мени тўғри тушунинг, устоз, – деди у, пича вазмин тортиб, лекин сўзларни бурро-бурро талаффуз қилар экан. – Менинг назаримда, шеър – сиёсатга нўписа воситаси эмас. Шундай эмасми?

– Шеър – дард.

– Эҳтимол, билло...

– Дард эса – сиёсат!

Мехмон йигит тилини тишлади. Шунга қарамай у ўзидан ёши икки баравар улуг ва илми урфонда забардаст инсон билан баҳса бўш келишни истамаётгани сезилиб қолаётганди.

– Дард сиёсатга айланган паллада шоирдан хушёрлик ва холислик даркор чамамда. Сиз учун ва биз учун ҳам ҳурматли шоиримизда эса ўша холислик тақчил.

Сўзини айтиб тугалламаган мехмон йигитнинг манглайдан дувуллаб тер томчилари тўкилди. “Хай аст бар рухи ту ё гулоб-б?!”² деб юборди ичида устоз. Такрорлади: “Хай аст бар рухи ту ё гулоб-б?!” Ич-ичидан тўлиб-тошиб чиқаётган ғзаби бўғзига келиб қадалди, бироқ бутун иродасини тилини тийишга сарфлади, қалтирай бошлаган бармоқларини яшириш мақсадида қўлларини курси остига суқди. Ғзаб тўфонидан ҳосил бўлган иродани атайин баралла яйраб қулишга қаратди, мехмон йигитни ўз қарашлари таъсирига олиб киришнинг уддасидан чиколмаётганидан мутаассирланди шекилли, гапни бир бошдан ётиги билан уқдириш ниятида ўнакай сўз ўйлай кетди.

Эшик тикирлади. Охира очилди. “Товариш профессор”, деган овоз эшитилди. Овоз билан бир вақтда хонага юмалоққина, лекин юзлари силлик, қуюқ малла сочи таранг ўрилган ёкимтойгина аёлча табассум ила кириб келди ва янаям сирли жилмайганича, иккала эркакка ер остидан мўралаб қўйиб дераза тоқчаси, кийим илгич шкафнинг ён-вери ва девор раҳларини дока лағта билан шошилмай артишга киришди.

– Ижозат сўрамай, огоҳдантирмай тозалашга киравереди.

Сохиби хона шундай деб қўйди-да, кўз қири билан аёлчанинг ҳаракатларини кузатаётиб ёш шоирга айтадиган сўзларини ичида пишитиб олишга уринди. Ватандош йигит эса ҳе йўқ-бе йўқ безбетларча бостириб кирган хотинни кўрмагандай, устознинг пичингини тушунмагандай бояги алфозда давом этди:

– Сиз устоз бўла туриб шогирдингизнинг таъсирига берилишингиздан хайронман. Дунёнинг нариги чеккасидаги Бухордан чакириб олиб... Кечирасиз, қулокка ёқимсизроқ овозалар тарқабдими?.. Аввалига мутлақо ишонмадим, кейин...

– Кейин ишондилар, шундайми? – Дағал, тахдиди овозда сўз котди устоз.

– Й-йўқ, асло... Овозалар чин бўлса мана шу-ундай нуфузли ўқув даргоҳига муаллимликка тайинлашармиди?!

– Рудзутакнинг сўзлари чин бўлса...

– Рудзутак катта одам. Марказқўм котибининг сўзлари ёлғон демокка эса тил...

– Тилингиз бормайди, шундоқми?! Ленинчи товаришлар ёлғон сўз айтишларига ақллар бовар қилмас. Ҳар куни ўқийман ўша чин-н сўзларни, такрор-такрор кўз югуртираман-н.

– Нимани ўқийсиз? Нимага кўз югуртирасиз?

Мезбон ўрндан турди-да, бир-бир кадам босиб кийим илгич шкафни очди, унинг юкори жавонига буклаб тўшалган газета варағини икки қўллаб тутганича келтириб ёзув курсиси устига ёйди.

– “Известия”ми?

– Шундоқ.

Мехмон йигитнинг кўзи дарҳол газета саҳифасининг пастки ўнг бурчагидаги сарлавҳага тушди. Овоз чиқариб ўкиди:

– “Смена правительства в Бухаре”... “Беседа с секретарем ЦК РКП товарищем Рудзудаком...”

Ўқишдан тўхтади.

– Ўқисинлар, бемалол ўқисинлар, – деди бамайлихотир устоз.

Мехмон йигит бармоғининг учини матн бўйлаб юргизиб мақолани шошилиб ўқишга киришди:

² Таржимаси: Юзингдаги терми ё гулобми?

– Нозирлар кенгаши раиси ва ташки ишлар нозир Отахўжаев... молия вазири Сатторхон, маориф вазири, яъни сиз... яна Аминов, Ёқубзода ва бошқалар давлат банки сармоясини хавога созуришда айбдор деб топилдилар ва ҳукумат таркибидан чиқарилдилар... Бу газетни қаердан олдингиз?

Устоз боягиндан кўра анча вазмин тортганди.

– Шкаф жавонидан.

– Шкаф жавонига қандай келиб қолган?! – Меҳмон йигит газета саҳифасига кўз югуртирди. – Августнинг ўн биринчи кунигаги газит қандай қилиб сизнинг кўлингизга тушгани?..

– Тасодиф.

– Тасодиф? – Ишонмай сўради меҳмон.

– Юқори жавонга тўшалганича қолган экан, хизматчилар унутганлар. Буни тасодиф дейдилар-да, иним, тасодиф.

Йигит шундагина чанг-чунгни артиб-тозалаётган аёлча томон ўтирилди.

– Уважасмая, – дея муружаат қилди овозини мулойимлаштириб.

Аёлча табассум билан йигитга қаради.

– Слушаю, молодой человек.

– Ҳожати йўк! – деди паст, лекин катъий овозда устоз. – Бунга алоқаси йўк.

Меҳмон йигитнинг лутфи оғзида қолди.

– Большое спасибо, благодарю, – деди устоз аёлчага мулойимлик билан.

Аёлча ҳайрон бўлганини сездирмади, бу ғалати муомаладан ажабланиб кулимсиради-қўйди.

– Давлат маблағини созуриш айбини бўйнимизга илишди, сўнгра, мана, мударрислик вазифасини ишонилди. Ишляпмиз...

Меҳмон йигит гап нима ҳақда бораётганини эслаб қолди шекилли, бирдан тусини ўзгартирди. У газетдаги мазкур суҳбатдан хабардор эдими ёхуд мана шу ерда илк сафар ўқидими – меzbон шу тахминига доир ўйлари охирига етказолмади.

– Ҳар қалай, – деди йигит миждовланиб, – нима бўлган тақдирда ҳам мана-виндай шарт-шароитлар муҳайё этилган хонани эмин-эркинликда яшаш ва ижод қилиш учун ихтиёрингизга бериб қўйган эканлар, сиз “Менинг кечам” деб шеър ёзишингиз... Билмадим, устоз, билмадим...

“...чин ила шикан қилгил!” – Беихтиёр оғзига келган машҳур мисрани кўнглидан кечирди устоз. Шогирд эса афтидан хаяжонини охиригача изхор этиб улгурмаганди.

– Тушунмадим, устоз сизни, тушунолмадим, – деб тугаллади ниҳоят у мулоҳазасини ҳам тантанавор ва ҳатто танбехона оҳангда.

“...игнадин тикан қилгил!” – дея хайкирди устоз ичида, шу аҳволи ўзининг тасавурида ёпирилган пўртана комида қолган одам аҳволига ўхшаб кетди. Кўзи ўзига тиккасига қараб турган меҳмон йигитнинг йилгиллаган кўзлари билан тўкнашди. Бирор қори ҳол юз бермаслиги учун ҳам оғзига келган сўзни айтишга мажбурийат сезд.

– У холда... Мен “Менинг кечам” деган бўлсам, сиз кундуз деб ёзинг, ёзганингизни “Менинг кундузим” деб номланг.

Меҳмон йигит узоқ излаган ташбехига муносиб таърифни ниҳоят топган шоирдек қувониб кетди, хаяжонини яширмади ҳам:

– Ёзаман! “Менинг кундузим”ни албатта ёзаман! Зудлик билан ёзаман!

– Э офарин! Уҳ офарин! Воҳ офарин-н! – Устоз муаллим кулгисини пардалаш мақсадида атайин ҳайратланиятими ёхуд ҳайратлар баҳонасида қаҳ-қаҳ отаётгани – бунинг фаркига бормаган меҳмон йигитни устознинг залворли товуши, товушига қўшилиб айтган сўзи багтар лол қолдирди. – Ажаб қиласиз! Шундай деб ёзинг! Баракалло, ҳазо-ор баракалло! “Менинг кундуз...”, астағфируллох, “Сизнинг кундузингиз”, сизнинг!..

Бадий бақувват шеър ижод этмоқлик учун куруқ истеъдоднинг ўзи кифоя

килмас, бунинг учун тажриба, ҳаётий тажриба ҳам зарур экан. Ҳаётий тажриба – нозик дид, ҳаётий фаросат, ҳаётий нигоҳ...

Устоз боягинда ҳаёлидан кечган ўйларини айнан такрорлаётганини сезса-да, бундан бошқа ҳеч вақони шуурига келтиролмади шу тобда. Меҳмон йигит эса... нахотки “Чигатоӣ гурунги”да шоирлик ва нафис назмий маҳорат бобида берилган сабоқлар, бир йилгина мукаддам “Ёш ўзбек шоирлари” тўпламидан жой бергани учун устозга миннатдорлигини ифода қилишга сўз тополмай қалтириб турган навқирон шоир Масковга ўқишга келибдию устозга насихат қилишга, насихат ҳам гапми, танбех беришга ўзини ҳақли санамоқда?! Эртанги қуни-тақдири олдидаги мавҳумликдан оғир руҳий ҳолатда ёлғиз яшаётган устознинг аччиқ киноясини англаб етолмайдиган даражада зийракликни бой берган бўлса?!

– “Мижмар” тахаллуси билан ёзган асарларингизда аксинча ўт-олов, ёруғлик-чирок мўлроқ эди чамада, устоз?

– Мижмар?! – Устоз дабудурустан гап нима ҳақда бораётганини англолмади. Кўзларини юмиб, фикрини тиниклаштиришга уринди. Лаблари асабий титраганини ҳатто қуюқ мўйлаби ҳам яширолмади. Эслади чоғи, кўзлари чарақлаб очилди, қулимсиради. – Ҳа-а, Мижмар, Мижмарни сўраяпсиз-а? Ё, алҳазар, унутаёзибман.

– Ҳозиргина сиз номини эслаган шоиримиз беш-олтита тахаллусда... ўз исми билан ошқора ёзмаслик журъатсизлик аломати эмасми?

Устоз Чўлпоннинг шаънига қаратилган пичингни охиригача эшитса дилбар ва рубобий шеърлар яратган садоқатли шогирдига хиёнат қилаётгандек ҳис этди ўзини.

– “Мижмар”дан ҳў-ў Истанбулда воз кечганман, – деди “Етар, бас қил!” деган оҳангда. – Тахаллус танлаш мутлақо шахсий хоҳиш-ирода иши. Айтдим-ку, сиз ўз тахаллусингиз остида “Қундузи”нгизни ёзиб кўринг. Сизнинг назарингизда кундуз бўлса, кундуз бўлақолсин. Сизга тортиқ этилган яшаш ва ўқиш учун шарт-шароит меникидан кам эмас кўринади.

Меҳмон йигит мезбоннинг овозидаги кесатик оҳангини пайқамади.

– Албатта ёзаман. Келтириб, сизга ўқиб бераман, – деди у некбин кайфиятда.

– Шояд...

Устоз бошқа сўз тополмади. Сухбат яна давом этгудай бўлса, соғинчларга тўла устоз-шогирд дийдорлашуви ўнглаб бўлмас хижолатвозликка айланиши муқаррарлашаётган эди.

“Профессор” одатдаги кизикқонлигини, тажанилигини қандай қилиб енга олганига ўзи ҳам хайрон, назарида жисми бошқа-айтаётган сўзлари, оғзидан чиқаётган лутфи қарами бошқа эди. Навқирон шоир йигит эса ёшлик-гўрлик иштиёқи тўлкинида вазият-ҳолат замиридаги тарангликни пайқамаетган, фаҳми, ўй-хаёлини тамомила “Қундуз” банд этган эди...

Меҳмон ҳарчанд қаршилик кўрсатмасин устоз уни кузатиб ташқарига чиқди. Унинг бу ҳаракатларида меҳмоннинг ҳурматиини жойига қўйиш нияти астойдил эдим-и ёхуд ичкарида давом этган асабий суҳбатдан озорланган қалби очиқ ҳавони истадим-и, ҳар қалай қўналгадан йигирма-ўттиз одимлар нарида бошланган қуюқ дарахтзор томондан гуп этиб урилган совуқ намчил ҳаводан кўксини тўлдириб нафас олди.

Устоз ичидан гупуриб афтига тепчиган туғённи қоронғида ёш меҳмон йигит пайқаманглигидан мамнун бўлиб, енгил тортди. Шу захоти кўқдан тушгандай пайдо бўлган кўш отли фойтун келиб тўхтадию, меҳмон хайрлашганича лип этиб сакраб унга минди.

Устоз дарахтзор томон юришда давом этди. Юргани сайин кўз ўнгидаги зулукдай қоронғи парда янаям қуюқлашди. Ёмғир бояги шаштидан тушган, битга-яримта томчилаётганди. Тим қора, тунд булут шаҳар осмонини буткул қоплаган, бош кўтариб қараган одамни тепадан эзиб-янчиб, оёқ остига қориштириб ташла-гудай вазоҳатда босиб тўшаётган эди.

– “Кечам” десанг ҳам, “Кундуз” десанг ҳам шафкат қилмас бу мудқиш зимистон, миллатдош иним! “Кечам” десанг ҳам, “Кундуз” десанг ҳам!..

Устоз очиқ кўксига игнадек санчилаётган совуққа эътибор бермай осмонга каради, атрофга аланглади. Ёнида ҳеч кимса йўқ – коронгилик қаърида ёлғиз, танҳо ўзи пойи пиёда бораверди. Охиста, деярли шивирлаб айтди:

– Кўк йўқ эмиш, ер йўқ эмиш, қуёш билан юлдуз йўқ...

Ўрмонзор оралаб ичкарилайверди. Бетига зах, моғор иси гуп этиб урди. Писанд этмади. Оёғига қуруқ-хўл хазон аралаш чаплашди. Ҳар қандай маърифатли қалб соҳибини юҳодек ютиб юборишга қодир ўрмонни тарк этишни-да ўйламай, йўқ, аксинча тепа шохлари кўринмас баҳайбат дарахтларни босиб-янчиб ўтиш қасдида шахдам қадамлар ила илгарилайверди. Зимистонни ларзага солгудек, танасига қучоқ етмас дарахтларни илдиз-пилдизи билан ағдар-гўнтар қилиб ташлагудек вазоҳатда, бор овозда ҳайқириб ўқиди:

Кўк йўқ эмиш, ер йўқ эмиш, қуёш билан юлдуз йўқ,
ой йўқ эмиш, замон-да йўқ, кеча билан кундуз йўқ.
Йўқ бир нарса, йўқ бир кимса, йўқ бир сифат, йўқ бир исм,
йўқ бир нисбат, йўқ бир ҳолат, йўқ бир маъно, йўқ бир жисм...

Яна ва яна такрорлади, кўксидан-вужудидан отилиб чиққан аланга рўпара-сидаги дарахтларга тармашди, атроф ёришди, қаддини тик тутиб зулмат қоплаган олисларга мамнун кўз тикди. Кўзидан, аъзои баданидан тинимсиз таралаётган нур йўлига шуъла бўлиб тўшалди – жуда олис бир нуктадагина элас-элас ёруғ шарпа кўринди. Устоз диққатини жамлади. Чуқур хўрсинди. Энтикиб кетди. Синчиклаб тикилди, шивирлади:

– Олдимизни тўсган булут парчаси
Кучли бир ел кўргач турмас, йиртилар,
Умид гули... Умид гули бизим учун ҳам туғар..
Қайгурмагил! Қайгурмагил, сира, эй ҳақ туйғуси!.. Ҳақ туйғуси...

* * *

Орадан роппа-роса бир кун ўтди. Ҳали қош қораймаган эди, эшик тақиллади, “ўрток профессор” одатдагидек жавоб бермади. Эшик очилиб... кечаги меҳмон йигит кўринди.

– Шеър тайёр, опкелдим! – деди у устозидан суюнчи тилаётган шогирдлик кайфиятида қувониб.

Устоз ханг-манг бўлиб қолганини сездирмай қулимсиради. Бир кунда, бир зумда ёзилган шеър!.. У бир сўз айтиб улгурмай ёзув курсиси устидаги варақда “Менинг кундузим”га кўзи тушди.

Шу оқшом ижодий мулоқот, аниқроғи, таҳририй тузатишлар хийла чўзилди. Пировардида устоз икки энлик мактуб ёзиб шогирдининг қўлига тутқазди: “Инкилоб” жаридасига.

Ушбу икки янги шеър – каминанинг қаламига мансуб “Менинг кечам” ҳамда ёш, навқирон шоиримиз мирза Боту битган “Менинг кундузим” шеърини назмий мубоҳаса сифатида бир саҳифада чоп этсангизлар.

Қамоли хурмат ила Абдурауф Фитрат. 1923 йил 14 ўктябр. Масков”.



НАЗМ



Кутлибека РАХИМБОВЕВА

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1952 йилда туғилган. Фаргона давлат педагогика институтининг (ҳозирги Фаргона давлат университети) ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. “Юрагимда кўрганларим”, “Узун кундузлар”, “Уйғониш фасли”, “Озодлик”, “Кўксимдаги Тангритоғ” каби шеърий тўпламлари нашр этилган.

Ўзбек деган хон сўзнинг жарангида юрибман

Осон эмас

Кучоқ очиб халқ ичига борайлик.

ЧЎЛПОН

Битта юлдуз билан осмон бўлмайди,
Битта айтим билан дoston бўлмайди.
Минг карвон тортолмас бир халқнинг юкин,
Халқим деганларга осон бўлмайди.

Хар содиқман деган эмасдир Широқ,
Ёнма-ён юради мард билан номард.
Сен дарё, дунёдай кенг бўлиб биров,
Яхши-ёмонига чидамоғинг шарт.

Баъзан тиканакдан гуллар кутасан,
Ахир, гулу тикан ўзингникидир.
Баъзан тоғдек айбни ичга ютасан,
Ахир, айб ўғлингми, кизингникидир.

Севилиб, жамланса, халқдир матонат,
Севилмай, сочилса, ғофил оломон.
Севилиб, жамланса, халқдир адолат,
Севилмай, сочилса, тўфон, ғалаён.

Аввал пайпаслаб кўр юракжойингни,
Халққа деган севгинг бутун, буюкми?
Синиб кетмайсанми мункиб, тойиниб,
Елкангга олганда халқ ортган юкни?

Уйку ичида ҳам уйғоқ ўхшайсан,
Борар еринг доим бўстон бўлмайди.
Бир ўзинг минг, миллион бўлиб яшайсан,
Халқим деганларга осон бўлмайди.

* * *

*Аждодларда аждодларнинг
қайбир хужайраси уйғонар эмиш.*

Тамагирга терс караган,
Гар сўраса бир юрт сўраган –
Султон хужайрамиз уйғонсин!

Кувват кутса, элидан кутган,
Эл шаънига билагин тутган –
Полвон хужайрамиз уйғонсин!

Хиёнатга қилич сермаган,
Хоинларга ҳаёт бермаган –
Собит хужайрамиз уйғонсин!

Шайтанатдан дарс тушмаган,
Иймониға дарз тушмаган –
Обид хужайрамиз уйғонсин!

Ғофилларга чирок тутарли,
Киборларга киргок тутарли –
Оқил хужайрамиз уйғонсин!

Кам кўнглини бутун этгувчи,
Қадди ёйни устун этгувчи –
Одил хужайрамиз уйғонсин!

Қул бўлмаган дор остида ҳам,
Синмай чиққан ёв дастидан ҳам –
Ботир хужайрамиз уйғонсин!

Айтса, халқнинг сўзини айтган,
Тангри – Ҳақнинг сўзини айтган –
Шоир хужайрамиз уйғонсин!

Зухро ўтинчи

Кўзда ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди.

Достондан

Кўзда ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Ишқ кувончим жон жойидан узилди,
Ёр кетгани киш захридай сезилди,
Дарё, эшит куйраб айтган сўзимни,
Ғамсув сениб, сўлдирма гул юзимни.

Тўлқин кокилларим сувға отаман,
Тўлқинингга ё ой бўлиб ботаман,
Беҳуш ётган Тохирни уйғотаман,
Ўт бўлади сувға сочсам дардимни,
Дарё, олиб кетма менинг мардимни.





Ўз юртингнинг шамлари куёш бўлар,
Ўзга юртнинг тупроклари тош бўлар,
Гадоси ҳам бошга чикиб бош бўлар,
Ғариб этма, муте этма Тохирим,
Йигит муте бўлса, замон охири.

Томчи-томчи учса, денгиз курийди,
Чирик тушса, чаманзорлар чирийди,
Эранлари кетган эл тез қарийди,
Лочинимни кузғунларга ем этма,
Осмон кўнглин қора ерга тенг этма...

...Бир учкундан гоҳи дунё ўт олар,
Гоҳ бир йигит бир юрт юкин кўтарар,
Бир йигитдан гоҳи бир эл кўқарар,
Ёрим қайтсин, қўлида ўқ-ёйи йўқ,
Юртим унинг жойи, ўзга жойи йўқ...

...Кўзда ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди...

Жавоб

“Қаерда юрибсан?”

Ўртоғим шундай SMS ёзибди.

Қорни ёкқан ёлқинлар –
Бойчечаклар уйига
Меҳмонга бордим бир кун.

Жимитдай жонидаги
Жасорати ҳақида
Шеърлар ёздим бир туркум.

Сўнгра “Ушшоқ” куйининг
Бағрига бошим қўйиб,
Севгини севиб қолдим.

Ишқсиз оламга чикиб,
Ишқсиз қолишдан қўркиб,
Ўзим ҳам “Ушшоқ” чалдим.

Сўнг юрт деб шаҳид кетган
Ўғлон қабрига бориб,
Мажнунтолдай эгилдим.

Сўнг булутга қўшилиб,
Сувсираган ерларга
Ёмғир бўлиб тўқилдим.



Сўнг орзулар изидан
Шамолдай чопиб юрган
Болалар билан чопдим.

Мен ҳам орзумни айтиб,
Сумалакни ковладим:
Учми, тўртта тош топдим.

Сўнг рўмолим силкитиб,
Ойбарчин овозида
Алпомишни чорладим.

Сўнг хаёлчан кўзларга
Нур билан бирга кўниб,
Пориллатдим, порладим.

Қаерда ҳам юрардим,
Улуғлар юриб ўтган
Йўл чангида юрибман.

Кувончим ҳам, бахтим – шу:
Ўзбек деган хон сўзнинг
Жарангида юрибман.



ҲУҚМАТ

Биз ҳақиқатни ҳаётдан олдиқ.
Ҳаммадан илгару шахс ўзини тани-
син, сўнгра бошқани!

Абдулла ҚОДИРИЙ





Илҳом АҲРОР

Филология фанлари номзоди. 1960 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институти (ҳозирги ТДСМИ) битирган. Унинг “Тадорик”, “Гулчинчиройлар”, “Уйқуга кўниккан толе” китоблари нашр этилган.

У тўлқиннинг манзили соҳил

Ватан

У уммон – йўлловчи сув – сохирликни,
У ҳаво – оламга ёйгай хурликни.
Ватанни туясан осмонга қараб,
Ердан кўролмайсан бундай кенгликни.

Ватаним – кадримсан, Ватаним – ўзинг,
Халқим шаъни эрур, элим – юз-кўзинг.
Мен сенинг содиғинг бўлайин, илло,
Ўзингсан – нон, тузим, ўзим – нон, тузинг.

Севги

1

Олча –
ойга ҳавасманд
гунча.

2

Ой –
тун дардидан
сусайган осмон.

3

Сув –
тупрокка қоришган
яғона ошиқ.

4

Тун –
кетса,
бирга олиб
кетди ойни.

Изғирин

Асролмади шохлар баргларин,
Қочди тупрок остига тоқлар.
Изғиринга сотилди ҳаво,
Илдизига сингди куртақлар.

Ўртаб қўйди ерни тенгсизлик,
Қақшамади чопони борлар.
Гўё осмонданмас, одамнинг
Қовоғидан ёғмоқда қорлар.

Тақдир

– Кеча, қайга?
– Кундузга.
– Кундуз, қайга?
– Юлдузга...

* * *

Ғурурнинг бир номин шайтон, дейдилар,
Унинг сарбозлари кадр сйдилар.

Тоғ – ернинг ҳикмати, ато этилган,
Улар билан замин маҳкам тутилган.

Денгизда ҳам тоғлар бўлади ҳосил,
Аммо у тўлқиннинг манзили соҳил.

Сув, обихаётман деб, шовкин солган,
Эгам, кирғоқ билан жиловлаб олган.

* * *

Жажжи читтак йўнғичка баргин
Чўқийдию олмас бир чимдим.
Ундан нима излаган, дея,
Хаёлларга ўзимни кўмдим.

Ҳеч ким ўзолмас ўйларидан,
Деёлмайсан, тор кўнглинг – кўркинг.
Қишлоқ шаҳар елкаларидан
Мана, ола бошлади юкинг.

Гўё бу ер – дардим поёни,
Яшаш лозим нени аритиб?
Ярарманми онам кунига
Қўйган бўлсам ўзим қаритиб?





Алла, дилга энг якинроғи,
 Ундан узоклашдинг – кўзда нам.
 Овунчоғим – кушлар сайроғи,
 Ҳаёт йўлим – биргина онам.

Кенглик.
 Ёмғиру қордан
 эшитгани
 бир хил хитоблар:
 – Ер билан осмон
 тоғ кўзини узмай,
 ўқийдиган китоблар.

Чехранг гўё шойи дастрўмол,
 Аста юзим сари ёзасан.
 Қачон артасан деб, дил ёшим –
 Тунлар йиғлаб оламан баъзан.

Олисларда бўлсам ҳам сендан,
 Ой мисоли азизсан менга.
 Қаҳратондан қутқарса эди
 Лабингдаги ажиб аланга.

Билолмасман, қайси юлдузсан,
 Қай қирдаги қайси лоласан?
 Мен – тупрокни булоқ сувидек,
 Гўзаллигинг билан оласан.

Рассомга тавсиялар

1

Ёруғ хона дераза туфайли
 тун билан тил топишди.
 Юлдузлар уни кўрди –
 ногоҳ хонага,
 кўршапалак учиб кирди.

2

Уйғонишга уйғониб,
 факат тириклигин намоён этган
 тонгни исроф қилаётган одам.

3

Туннинг кирдикорини
 бечораларга
 сўзлаб бераётган одам.



4

Тунга нисбатан
корнинг нияти аён.
Уни ёритмокка уринар,
мик этмайди мудрок қоялар.

5

Зангор осмон.
Ҳаво – кенглик хунари.
Инларини тоза тутмок ўйида
уча-уча қовушаётган
бир жуфт асалари.

6

Ўта чиройли, аммо, маъносиз,
бир жуфт кора кўз.
Орка фонда эса
тушган,
тушаётган хазонлар.



УШЎҚИ

ҲУҚМАТ

Ўшқсиз камол бўлмас ушбу
одамга.

Пахлавон МАҲМУД





НАСР



Турсунмурод ЭРМАТОВ

1958 йилда тугилган. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. Ҳикоялари республика матбуотида эълон қилинган. Фафур Ғулом номидаги наириёт-матбаа ижодий уйида ҳикоялар тўплами чоп этилиш арафасида.

ОҚ ОТ МИНГАН ДАРВЕШ

У йўл ёқасидаги харсангга орқа бериб, букилган тиззаларини кучганча йироқларга тикилиб ўтирарди. Ўзанидан анча қочган, илонизи бўлиб оқаётган Оёқчисой бўйида, Қўрғонтоғ тизмаларидан эсиб турган майин шамолдан унинг оппоқ соколи ва оқ яктаги хиёл ҳилпираб кўринарди. Харсанг орқасида кимдир атайин, тошларни қабрга ўхшатиб уйиб қўйгани киши эътиборини тортмасдан қолмас ва кимсасиз, овлоқ дарада бу ғайриоддий кўринарди.

Ёлғизоёқ йўл қария ўтирган ернинг ёнидан ўтганлиги боис, мен албатта унга дуч келмоғим керак эди. У бошини чангаллаган кўйи турар, елкалари титраб йиғлаётган эди. Мен хайрат ва ҳаяжондан бу ҳолни бир зумгина кузатиб турдим. Шундан сўнг у томонга шошилдим, унга қандайдир ёрдам керак, деб ўйладим. Қария қадамларим шовуридан сергакланиб, мен томонга ўтирилди. У ўзини саранжомламоқ пайида у ёқ-бу ёғини шошилганча тўғриламokka тутинар, кўз ёшларини артиб улгуришга уринар эди. Мен унга тобора яқинлашардим. Қариянинг кўзларида мунг ва ҳаяжон, аммо фавқулодда бир шижоат кўринар эди. Унинг устидаги кийими анча униккан, соч-соқоли ҳам бирмунча қаровга мухтож бўлиб кўринар, елкасига ташлаб қўйилган от юганининг тўғалари ғарбга оқкан қуёш нурида ялтираб кўринарди. У мени сабр-сизлик билан кутиб тургандек, нигоҳларида муҳим бир сўзни айтмоқлик маъноси зоҳир эди. Юзларидаги ниманингдир асоратидан қолган чизик ва излар ажиндан айро кўринар, ташвишли кўзларида ботиний шиддат, елкалари кенг, полвонкелбат бу кимса менга аллақимни эслатар, бироқ аниқ фикрлашим учун бу ҳолат турғунлик бермай турарди. У мен билан қўл бериб сўрашаркан, унинг қафтлари фавқулодда йирик ва залворли эканлигини дарров англаб олиш кийин эмас эди.

У уйиб қўйилган тошларга ҳорғин тикилди ва шундай деди:

– Инсон шундай. Хом сут эмган бўлади. У хар нарсага тезроқ етишмоқ пайида юради. Аммо унинг айтгани ҳамиша ҳам бўлавермайди. Мен бўлсам, билатуриб хароб қилдим уни. У улуғ жонзот эди. Ҳозир мана шу тошлар остида ётибди. Қария шундай деб, менга ғалати жавдиради. Бу қутилмаган ҳолдан бироз ўнғайсизландим ва нима дейишни билмай хайрон тикилдим. У бунга аҳамиятсиз ўз сўзида давом этди. – Менга қолса отни хайвонга қўшмас эдим. Хайвон деганни эси бўлмайди. От ундай эмас. Унинг эси кўп... Мен фақат яхши отларни айтдим, мен мана шу тош остида ётган жониворни айтдим. У ортиқ гапира ол-



мади. Қариянинг кейинги сўзлари титраб кетди. У шундан кейин анчага довур сўзсиз турди, гўё мен унинг ёнида турганимни унутди. Ўзига ўзи менинг ақлим етмаган, англай олмаган, алланималарни гапирди. Узоқ-узоқларга маъюс боқди. Бироздан кейингина секин мен томонга қаради.

– Сенга йўл бўлсин, жиян? – деди. Энди у хаёлимда боя кўрганимдан хотиржам эди.

– Оқчовага, тоғамларникига.

– Қара, йўлимиз бир экан-да, – деди у суюниб. – Мен сендан ҳам узоқроқ кетаман. Шошилмаётган бўлсанг, бироз мени кутиб турсанг, бирга кетар эдик.

– Ўзим ҳам бироз дам ростламоқчи эдим. Чанқаганман, мана шу тиник сувдан бир тўйиб ичай, – дедим дарё томонга ишора қилиб.

– Эмасам бироз шошмай турасан, жиян, – деди қария бироз маъюс тортиб. – Отим билан гаплашиб олай. Ахир умр бўйи дардимни шунга айтиб келганман!

КЎНГИЛ ШИВИРИНИНГ ЗАЛВОРИ

Турсунмурод Эрматов деган ном 1986 йилда пайдо бўлган. Аниқ эсимда турганининг сабаби бор. “Ёшлик” журнаlining ўша йилдаги 8-сонида каминанинг “Кунсулвнинг сирли хатлари”, Турсунмурод аканинг “Химоят” деган хикояси босилган эди. Биз учун яна кадрли томони шундаки, у бизнинг дастлабки ижод намунамиз, матбуотдаги илк кадамимиз эди. Ўттиз йилдан ортиқ вақт ўтибди. Лекин одатий “Ким эдигу ким бўлдиқ?” деган саволга ҳануз елка қисиб жавоб берамиз...

Вақт одамни улғайтиради. Бу – рости. Улуғлаши, мартаба тортиқ қилиши, керак бўлса, бой ҳаётий тажриба ҳам бериши мумкин, албатта.

Бизнинг тенгқурлар қатор романлар ёздилар. Анча-мунча мукофотланганлари бор. Бошқаларини нари қўйиб турганда ҳам, барчаларига хос бўлган муҳим жиҳати бор: улар ҳаётга тийран нигоҳ билан қарашни ўргандилар. Зеро, ўттиз йил мобайнида бу ҳаёт неча бор эврилди, жамият жиддий ўзгаришларга юз тутди. Эллик ёш тепасида турганлар бу жараёнларни изтиробу қувончсиз ўтказиб юборишлари мумкин эмасди. Шу боис бу авлоднинг жамият кўрсатган кўргиликлардан изтиробга туша олган, йиғлай олган сўнгги авлод деса бўлади. Кейингиларнинг йўриғи тамом бошқа...

Т.Эрматовнинг илк хикояси жуфтини топса ҳам ҳаёт кемтиги қошида, яъни рўзғор етишмовчилиги олдида таслим бўлиб қолиш эҳтимоли бўлган навнихол келинчак ҳақида эди. Бир нарсани ўйлаб ҳаёлга ботдим: ўша вақтнинг бойлари ҳам худди бунгунги, кўз олдимиздаги бойларга ўхшаб қалбсиз одамлар бўлган экан...

Химоят эса... ўша қалбсиз бойнинг ҳашаматидан мағрур, бошини тик тутиб чиқиб кета олади. Одамнинг юрагини жизиллатувчи лирик бир хикоя эди.

Ўтган йиллар давомида Турсунмурод Эрматов гўё адабиётга бош суқиб кўриб ҳақсаласи пир бўлган одамдек қорасини кўрсатмайди. Ўттиз йил ўтиб, ҳаммамиз қатори “бошига қор қўнган” қиёфага кирибди. Шу вақтгача тер тўқиб ишлаган Китоб тумани йўл қурилиш бўлими муҳандислигидан соғлиги тўғри келмай пенсияга чиқибди. Улни – уяга, қизни – қияга жойладим, неваралар кўрдим, бу ёғига вақт кўп, энди ёзсам бўлади, деди.

Вақт – бойлик. Ундан тўғри фойдалана олсак – бойлик.

Ўнта хикоя ва битта қисса кўтариб келди. Бунча нарсани бўш вақти – олти ой ичида ёзиб ташлаганига ишоналмайман. Адиблик – ичишни ташлаб кетиладиган юмуш эмас. Хумори ёмон...

Дейлик, ижодкор кўнгли, қалами шунча йилдан бери жим турмаган, дейман-да. Ижод бўлганда ҳам... “отдан қолма, байтали!” тарзида эмас, кўкракни ерга бериб, кўнгли баёзини эшитиб, қалб ила шивирлашиб... ёзган. “Интиқом” ва “Оқ от минган дарвеш” шу шивирлар самараси. Пиروвардида бу “шивир” деганимиз журъат ва ундан ошиб жасоратга айланади. Дил пўртаналари ағдарилиб тушади. Қалб кучи қўл кучидан чандон юқори туради. Ҳадиси шарифда аниқ ифода этилган калом бу. Зеро, хикоялар залворини ҳам хидлаб ёки кўз югуртириб билиб бўлмайди. Ўзингиз ёнбошлаб ўқиб чиққанингиз маъқул...

Собир ЎНАР,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзоси

Кейин у уйиб қўйилган тошлар олдига келиб чўкка тушди. Кўзларини оҳиста юмди.

– Мени кечир, сенга жабр қилдим, – деди қария бошини қуйи солганча. – Юртга шошилгандим, сенинг ҳам ватанинг у ер... Ота маконинг. Иккимиз ҳам неча йиллар интиқ бўлган юрт. Мен сени қичаб хайдадим. Мусофирликда гоҳи мен паноҳ бўлдим сенга, гоҳи сен меҳрибон дўст бўлдинг. Суйганимни қисматидан бу олам кўзимга тор бўлган ўша машъум онлар, бу оламдан кетмоқлик ҳукмидан ҳам сенинг куралайнинг кўзларидай қароқларингдан оққан ёш қайтариб колгандай худди мени... Ҳа жонивор, ўша Ургут тоғларида тасодифан эски дўстимни – Жабборни маҳмадан кетиб, тирикчилик учун равоч териб юрганда учратдим. Ундан эшитган гаплардан гўёки устимга тоғлар кулаган, вужудим тилка-пора бўлган ўшанда. Амиркулнинг қилган итликлари, жабрини қуйиниб айтган. Севган ёримнинг аянчли қисматидан ҳикоя қилган. У фақат сен учун бу оламдан қўл силтади, деб ғуссага ботиб сўйлаган. Яна юртим деб бора қўрма, сени ҳукумат омон қўймас, бир илинжинг хотининг бўлса, энди у йўқ, дегани ҳамон кулоқларим остида дахшатли садо бериб туради. Беш кун ўтиб, ўша қутуриб тошган дарёнинг қирғоғидан севган инсонимнинг рўмолини топишган! Сен нечун йиғладинг ўша онлар? Ул муштипарнинг бу оламда бировда йўқ меҳридан қонганинг учунми? Қара, мен ул ёримга содиқ қолибман, сен менга чин дўст бўлибсан. Ҳолсиз ва ташна, ғажурлар жабридан беркинган, узок Ургут даралари-ю Қоратепа даштлариди саргардон, меҳр излаб юрган дамлар пажмурда гавдамга ёлларинг ёстик бўлди. Мени ҳолсиз ва ихтиёрсиз дамларим ёмонлардан йироқлатиб, яхшилар ҳузурига етказган ҳам ўзингсан эй, илоҳий жонивор! Сен ва мени етаклаган ота макон соғинчи эди у, интиқлик эди у. Мен бўлсам одамнинг ишини қилмабман. Қари эдинг, қарилигингни билмабман... Сени авайлаб асрашим керак эди. Энди нима қилай, келмас бўлиб кетган кишлоғимга юганингни елкамга ташлаб борайинми? Мени билганларнинг олдида сен ҳақингда нима дей, сағир боладай бўзлаб турайинми? Мен сени мана шу тошлар остида қолдираяпман, бундан ўкинма. Энди сени ўйлаб-ўйлаб йиғлайман. Сенинг ҳузурингга яна қайтаман. Энди қароримга кулоқ сол. Мен келган изимга қайтаман. Сенинг болаларингни излаб боравераман. Танимда жоним бор экан, топаман уларни. Ўзингдай тарбиялайман. Ўзингдай вафодор бўлсин, ўзингдай учқур бўлсин! Тинчгина ётгин, жонивор. Мендан рози бўл... – Шундай деб қария ўрнидан кўзгалди:

– Энди кетдик, – деди у менга юзланиб.

Бу ҳолат гарчи қарияга ноқулайлик туғдирса-да, уни таниш юз-кўзлари ва бу кимсанинг асли ким эканлигини тезроқ илғаб олиш учун у томонга қарагим келар, менга тинчлик бермай турган ҳолатдан тезроқ қутулишни истар эдим. Мен ундан сўрамоғим керак. Биз йўлдошимиз, бақамти суҳбатдош, ахир. Шунда бу фикрим менга дадиллик берди.

Биз бақамти одимлаб борардик, қария чуқур ўйга толган, кўзлари узокларга қадалган эди. Мен бу жимликни бузишга журъат қилдим:

– Полвон бобо, сўрамоқни айби йўқ. Кимсиз, қайси томонларга йўлга чиқдингиз?

– Полвон бобо деяпсан, танийсанми мени?

– Отингизга меҳрингизни кўрдим. Чавандозлигингиз кўриниб турибди. Биз томонларда чавандозни полвон дейишади-да, полвон бобо.

– Топдинг, жиян, ёшлиқда бундай эрмакни қилганмиз. – Қария совуқкина, бештибор айтди бу гапини. – Ўзингдан сўрасак, бу овлоқларда ёлғиз юрибсан, қай ерлардан бўласан?

– Ҳаловатдан бўламан, полвон бобо.

– Ҳаловатдан? – У менга ҳайратли ва айни пайтда ўткир бир нигоҳ билан тикилди. Бироқ шу заҳоти ўз ҳаяжонини жиловлади, ўзини хотиржам ва бепарво тутишга тиришди. Бу ҳолат менга ғалати таъсир қилди.

– Кимлардан бўласан? Гўё у менга бу саволни шунчаки бергандек кўринса-да, унинг ерга бокқан нигоҳларида жиддийлик, яширин бир эътибор ҳам зоҳир эди.

– Абдивойит табибнинг ўғлиман, – дедим ва унга одатдагидан кўра зехн солиб қарадим. Гапимдан кейин қария негадир жимиб қолди. Бироз ўтиб бош ирғади.

– Эшитганим бор, – деди. Унинг бўғриққан юзлари бироз кизгиш тус олган, нигоҳларида маъносиз бир ҳолат ҳукмрон эди.

– Ҳаётми, отанг?

– Беш йил бўлди, полвонбобо... Ўтганлар.

– Ўзи раҳматига олган бўлсин. Яхшига ҳам, ёмонга ҳам нафи кўп, деб эшитганман.

Қишлоғим ва отамнинг кимлигини билиб, нега бундай таъсирланди? Нега атайин ўзидаги бу ўзгаришни билдирмасликка, алланимани яширишга уринди. Юзини буриб гапирди. Мени-ку танимас, отамни-чи... Барибир қандайдир тушуниш маҳол бир иш. Мен учун ҳам бу кимса бегонадек кайфият бермай турибди. Ёки менга қандайдир овлоқ бир маконда учраб қолган одамга ҳамроҳ топилганлиги учун яқиндек туюлаётганимикин?

Қариядан тортиб олгани каби жавобларда ҳам бажонидил айтиб бораётган ҳикояларида мен учун мавҳумлиги бўлса ҳамки, нимадир англагандай бўлардим. Бизнинг кўшни кишлоқлик фирром чавандоз, деб ном олган Ғулом четтирни, Файзулла чавандозу Эшим чавандозларни, отамдан эшитганларимни ҳам беҳато айтиб турибди. Унда бу ким? Ўзини пинҳон тутишининг сабаби нима? Мен ошкор қарам-қарши ўйлар гирдобидан чиқолмас эдим. Наҳотки бу ўша чавандоз бўлса, дер эдим. Қулман чавандоз. Қариянинг ҳикоясини жон қулоғим билан тинглаб бораётган бўлсам-да, мендаги бу ҳаловатсизлик ғолиб келди.

– Полвон бобо, – дедим унинг ҳикоясини бўлиб. – Сиз чимбойлик Қулман чавандоз эмасмисиз?

Қария менга ғалатирок нигоҳ ташлади, сўнг жилмайди. Менга яқинроқ келди.

– Йўқ, жиян. Қулманни танимамайман, бироқ унинг бахтсизлигини, толе у бандадан юз бурганини эшитганман...

“Қулман чавандоз ростдан бахтсизми, борми ўзи шу ёруғ дунёда...”

Қанча йиллар ўтди, қанча сувлар оқиб кетди. Менинг хаёлимда абадий муҳрланиб қолган жасур ва айни пайтда танги, меҳрибон бир банда. Қошлари, кўзлари, бўй-басти ўзига ярашган, бирор бир жихатдан Парвардигор қисмаган ўша биз билан қиёмат оға-ини тутинган Қулман, Қулман чавандоз...

1

Чечак томонларда зўр кўпқарининг овозаси узокларга кетди. Чавандознинг зўри келадиган бўлди. Кечаги Нурмухаммаднинг тўйида Ғулом четтир Қулман чавандоз билан довланиб қолгани элга овоза бўлди.

Икки тўйдан бери курук қўл билан қайтаётган Ғулом четтир ошкор маломат қилди:

– Беш кишлоқ нардан келиб, кўпам эркалик қилавермагин, Қулманбой. Бу ердагилар ҳам одам, йўлимизга кўз тикиб турадиган бола-чақалар бор. Ўнта бармоғингни баравар оғзинга тикма. Бир қур, ярим қур нарилаб тур, хўпми?!

– Нонинг керак эмас, кучинг етса олавер, хезланмай.

– Шундайми ҳали?!

– Шундай!

Хусумат ёмон-да. Кейинги тўйда фирром фирромлигини қилмай қолмади. Издихомда Чилжугут билан Чечак қавми бирлашиб, шу итликни қилди. Улоққа энгашиб борган Кулманнинг ошқора узангисини кўтариб юборди. Баковул хай-хайлаб, отларни қамчилаб тўдани ёриб кириб борди. Кулман тўдала қолди. Уни кўтариб олиб чиқишди. Гулом четтирни ака-укаларига қўшиб, баковуллар тўйдан хайдади.

Кулман чавандознинг жароҳати оғир эди. Тўй тўйдаё бўлмади. Баковул тўдадан отини кичаб, оломон томон жадаллаб етиб келди.

– Табиб келганми кўпқарига, – деди хайқириб. – Абдивойит табибни чақиринлар-ов!

Отам чакқонлик билан баковул турган томонга чопди ва унинг отига илдам мингашди... Кулман чавандозни уйимизга олиб келишди. Кимдир уларнинг орқасидан солимга тушган тойни етаклаб кирди.

Баковул чавандозни бизникига қолдира туриб отамга:

– Абдивойитбой, Худо хайрингизни берсин. Меҳмонлар олдида уятли бўлдик. Умидимиз сиздан, – деди. – Яхшилаб қаранг.

Кулман чавандоз ўттиз ёшлардаги юкорида таърифлаганимиздай йигит эди. Отам шу захотиёк, кечиктирмай даволашни бошлади.

У кучли оғриқни тишларини ғичирлатиб енгиши, инграмаслик ҳаракатида лабларини узиб олгудек бир алфозда тишлаб туришини, отамнинг муолажаларига минг машаққат билан бардош бераётганини, шунчалар матонат ва чидамини кузатиб турардим. Унинг оғриқдан терчилаб, қорамтир тус олган юзларида қамчи зарбидан қолган из ва асоратлар яққол кўриниб турарди. Мен унинг муолажадан кейин отам билан қиладиган ҳар кунги гурунгларини жуда-жуда эшитишни хоҳлар эдим. Гурунг албатта чавандозликка такалар, бу каби дилтортар хангомалар мени сеҳрли эртақ бўлиб ўзига тортар, меҳмонни қачондир бизнинг уйдан кетишини афсус ва беҳаловатлик билан сезар, аммо бу кун келишини ҳеч ҳам истамас эдим.

Шу зайл чавандоз ўн кун деганда, таёк суяниб ҳовлига чиқди.

– Уйга кетиш фурсати ҳам етибди, – деди чавандоз отамга. – Мана, оёққа туриб ҳам олдик, ҳадеб боқиб ётаверасизми, – деб кулиб қўйди.

– Ётибсиз-да, полвон, қуваётганимиз йўқ-ку, – деди отам ҳам анча қадрдон бўлиб қолган меҳмонга ҳазиллашиб.

Ҳовли супуриб юрган янгаларим келиб чавандозга салом беришди. Чавандоз янгаларимнинг саломига алик оларкан, бир меҳрибон оға мисоли гапирди:

– Энди қариндош бўлдик-да, келинжонлар. Қўлларингдан туз едим, раҳмат.

Шу куни қўшнилари ҳам чиқишди. Норчучук аммам овқат қилиб чиқди. Амакнинг қизи Норхол опам қўй гўштидан ёғли шўрва олиб келди. Тўғриси, Норхол опамни бир қарашда таниёлмадим. Дугонасинининг тўйига борадигандек ясанган. Шундай чиройлики... Яхши кўрганга кўриниш берадигандек, жамолига бир қарашда тўйдирмай, зор-илҳақ қилиб қўядиган бир кўриниш; куюк, тим қора сочлари қирмизи рўмоли атрофидан тошиб турибди. Нималар бўлди, дейман кулиб. Чавандознинг таърифини эшитган чиқар, балки. Ердан кўзини оломай, қимтинибгина салом берди, Норхол опам. Чавандоз бош ирғади.

– Яхшимисан, сингил, – деди.

Норхол опам ростдан ҳам мен кўрган, билган қизларнинг энг чиройлиси. Унинг сурма тортилган сузиқ, тим қора кўзларини ҳеч қимда кўрмаганман.

Ойда бир келмайдиган Норхол опам, энди қунора келадиган, янгамларга қарашадиган бўлди. Ҳар замон зерикиб, ҳовлига чиққан чавандоз анча синашта бўлиб қолган янгаларим билан ҳам таёғини суяниб, гурунг қилиб қолади. Норхол опам ҳам шу суҳбатнинг иштирокчиси бўлади. Чавандозга гап қўшолмайди. Гап қўшмай туриши ҳам ўзига ярашади. Ерга қараб кулибгина гурунгни эшитиб ўтиради.

Шундай қилиб, чавандоз уйига кетадиган бўлди. Отам шу куни уйда йўқ эди. Девор оша мени кимдир чақирди. Қарасам, Норхол опам. Югуриб бордим. Норхол опам анчага довор нима деярини билмай тураверди. Мен ҳам индамасдан, хайрон бўлиб турар эдим. Мендан яширмоқчи бўлиб турган тим қора кўзларида ҳали менинг ақлим етмайдиган маъно зоҳир, кўзларида билинар-билинемас ёш халқалангандай эди.

– Меҳмонларинг кетармиши?.. – Шундай деб, Норхол опам мендан кўзларини олиб кочди. – Меҳмонингга бериб қўй. Бировга айтма, хўпми?..

У менга коғозга ўралган бир нарса узатди-ю, орқасига ўтирилганча чоғиб кетди.

Келаётган янгамдан меҳмонимиз мени сўратганини эшитдим. Уйга кирдим.

– Кўпқарига хушинг қалай, қизикасанми, полвон? – деди елкамга қўлини қўйиб меҳмон.

– Қизикаман, – дедим.

– Мени олдин ҳам кўрганмисан?

– Бўмасам-чи, кўпқарида ҳам, бошқа ерда ҳам.

– Бошқа ерда? Қаерда, яна?

– Бир қур жўраларингиз ичида чиройли кийиниб, оқ отингизда айирган жонлиқларингизни ҳайдаб кетаётганингизни ҳам кўрганман-да.

Чавандоз кулиб қўйди.

– Зўр чавандоз бўлсанг, сен ҳам ана шундай зот айириб, олдинга солиб ҳайдаб борасан. Элга тўйлар қилиб, элнинг олқишини олиб юрасан, дуоларини оласан. Шундайми, полвон?

– Шундай.

– Отангни кўндиргунимча бўларим бўлди.

– Нимага кўнмади отам? – дедим хайрон бўлиб. Хаёлим бошқа ёққа учди, очиғи...

– Шу кунги айирган қизил кашка той эсингдами?

– Эсимда бўлмасинми? Икки ҳафтадан бери қараб ётибман-ку. Сув тутаман, кўк беда бераман.

– Ҳали шундай дегин, баракалла полвон. – Меҳмон астойдил севиниб кетди. – Кўрдингми, қандай зўр боласан. Зўр болалигинг учун ана шу боқиб ётган қизил кашка – мендан сенга совға. Эсон бўлсам, сени зўр чавандоз қиламан.

Мен қулоқларимга ишномасдим. Нималар бўлди ўзи? Орзуимдаги анави тойчоқ энди меники! Нима деяримни билмай, серрайиб турардим.

– Мен сизлардан ҳали қарзимни узганим йўқ. Тўйингда бундан ҳам зўрларини совға қилайин...

Хурсанд эдим. Бахтли эдим. Бошқа сўз тополмадим.

– Раҳмат, полвон тоға, – дея олдим, холос.

– Қўлингидеги нима?

Хурсандчилигимдан тамом унутибман. Қўлимдагини шошиб узатдим.

– Норхол опам сизга берди.

Чавандоз йигит шошилмай коғозни очди. Атрофи нафис ипак билан тўқилган, гуллари ундан-да нафис, қирмизи ранг чиройли рўмолча.

У рўмолчага тикилиб қолди. Назаримда у менга қарашга уялиб турарди. Бир муддат жим қолди. Сўнг менга эмас, бошқа томонга ҳаёлан тикилди ва:

– Раҳмат, сингил. Мени кечиргин. Менинг юртимда сулувим бор.

Қизларсулувим.

У шундай деди ва ҳаёлча уридан кўзгалди. Кейин менга:

– Энди турдик, – деди кулиб.

Хайрлашгунча йиғлагим келди. У мени ҳам, отамни ҳам анчага довор бағридан

кўймай турди. Унинг кўзида ёш кўрдим. Мен кўз ёшларимни биллақларим билан беркитдим.

– Йўклаб боринг, отажон, – деди у отамга.

– Биз ёқларга келганингизда кирмай кетманг. Бу уй энди сизники ҳам, полвон, – деди отам. Отамнинг ҳам кўзларида нам кўришиб турарди.

Энам, акаларим, янгаларим меҳмон билан хайр-хўшлашдик. Мен атрофга алангладим. Норхол опамни изладим. Шу тобда уни жуда кўргим келди. Норхол опам йўқ эди. . .

2

...Энди қария ўйчан одим ташлар эди. Унинг вазмин қадамларида ўтмиш кечинмалари хаёлида жонланиб бирин-кетин бўй кўрсатиб бораётгандек, назаримда, у хозир маҳзун ва тушкун бир ҳолни бошидан кечирмоқда эди. Мен бўлсам унга ортиқча халал бермаслик, уни хаёллар оғушидан ажратмаслик учун бакамти жимгина одимлаб борар, тизгинсиз хаёлларим яна Қулман чавандозга бориб такалар эди. Шу зум қариянинг афт-ангори, саҳти сумбати мен учун сирли бир тилсимга айланар, бироқ мен ўзим учун мавҳум бир нарсга аниқлик топиш учун зўриқиб фикрлар эдим. Бироқ ҳар гал ҳам пароканда хаёлларим аниқлик бермас, бу ўзимни кийнашдан бошқа нарса бўлмай чиқар эди.

Мен болалик паллаларимдан, ҳали тасавурларим болаларча бўлган чоғларимда ҳам Қулман чавандознинг хатти-ҳаракатига ҳавас қилиб, унинг чавандозлик маҳоратига хайратланиб, одамийлик фазилатига таклидан яшаганимни, хануз шу инсонга илҳақлигимни инкор этишим асло мумкин эмас. Отам ҳам табиатан камгап ва ўта мулоҳазали инсон эканлиги учун ўзидан-ўзи Қулман чавандоз тўғрисида гап очавермас, мен бундай суҳбат очилиб қолишини тасаввур қилиб бўлмас даражада интиқлик билан кутардим. Шундай кунларнинг бирида отам Оқчовадан тоғамнинг тўйидан қайтиб келди. Отам энам билан шунчаки тўй ҳақида, у ёқлардаги энамнинг уруғларини кўргани-ю, уларнинг дуои саломларини етказди-да, шашти пастроқ бир ҳолат билан ичкари уйга кириб кетди. Биз буни отамнинг узоқ йўлдан чарчаб келганига йўйдик. Отам шу ётишда энамнинг кечки овқатга чақирганида чиқиб келди. Барибир отамда маҳзун бир кайфият устувор эди.

– Мазангиз йўкми? – деди энам хавотирланганча.

Ростдан ҳам отамнинг ранги синиккан, кайфияти хийла пастроқ кўринарди. Отам анчага довуриндамай ўтирди-да, бизнинг хавотирланиб, жимгина отамнинг яна нималар дейишини кутиб ўтирганимизни сездим, бир кимираб олди-да энамга қараб:

– Қулман чавандоз ҳақида ёмон хабар эшитдим. . . – деди маъюсланиб.

– Нима хабар?! Жони омонми, ишқилиб? – деди энамнинг ранги қув ўчганча. Мен ҳовлиқиб қолдим. Аллақаерим симиллаб кетди. Отамнинг оғзини пойладим.

– Ўша ёқларда бир Амиркул дегич ҳукуматнинг ити бор экан. Шунинг ёмон назарига тушиб қолган дейишди. . . Кеча аканг билан гурунгимизда бўлган воқеаларни билганича айтиб берди.

Отам шундай деб, ҳаммага “еб бўлдиларингми”, дегандай қаради. Биз “бўлдик” деган маънода отамга юзландик. Шундан кейин отам дастурхонга дуо ўқиди. Отам дуосида Қулман чавандозга Худодан омонлик тилади.

– Сен икковинг ўтир, – деди энам иккимизга. Бошқалар чиқиб кетгач, отам энамга қараб:

– Акангни Чимбойдан тушган келинининг оти нима эди? – деди.

Энам ҳадеганда акасининг келинининг исмини тополмай каловланди. Мен бу гап қандайдир муҳимлигини англаб, ўша тўйга энам билан борганимиз эсимга тушди-да, ҳовлиқиб:

- Ойтўлиш, – дедим шоша-пиша.
- Келинга бирор гап бўлибдими? – деди хавотирда, шошиб энам.
- Шу Ойтўлиш келинларинг Қулман чавандознинг аёлига бўйинса бўлган, хуллас, иккиси дугона киришган экан. Аёл шу келинга бўлган воқеаларни айтиб берибди. Аканг билан гурунгимизда аканг келини айтиб берган гапларни, кейин ўзи томонларда ўрлаб юрган Қулман чавандоз хақидаги гап-сўзларни айтди.
- Отам шундай деб Оқчовадан эшитиб келган Қулман чавандознинг хикоясини сўзлади...

3

...Хуллас, жилисувлик Розикбойнинг тўйдан қайтаётиб Қулман чавандоз кишлоғи бошида ҳукумат вакили Амиркулга дуч бўлади. Ёшлигидан жини суймас бу одам билан тузук-қурук гаплашганини билмайди. Очиғи, суҳбатлашишни истамайди. Унинг одамларга беписанд муомаласи, доим ҳукумат номидан гапирishi Қулманга ботиб, ғашини келтириб юради.

Қулман унга яқин келгач, салом бериб, отини тўхтатади.

- Узр, отдан тушолмадик, ҳукумат бобо, – дейди-да эгилганча Амиркулга қўл узатади.

Амиркул ҳам қўл узатар кўйи Қулманга илжаюди.

- Солим зўр-ку, – дейди. – Ов бароридан кепти-да, полвон.

- Худо бергани-да.

- Бошқаларга ҳам солим қолдирдингизми ўзи, полвон? – Амиркулнинг гапиде кўлансалик уфуради. Қулманга бу гап айил ботади.

- Бошқаларнинг кўлини ушлаб турганимиз йўқ, ака, – дейди феъли айниб.

- Ҳа энди, ўйин кизик бўлсин деймиз-да. Бунча давлатни орқалаб кетмайсиз-ку, тўғрими? – Амиркул ғалати илжаюди.

Қулман ортиқ гапиргиси келмайди. Отни жиловини бўшатади.

- Тўхтанг, Қулманвой, сизда гап бор. Ҳукуматнинг гапи.

Қулман тўхтаб, Амиркулга юзланади:

- Амиркул ака, гапиринг, чарчаб келяпман.

Амиркулнинг турки ўзгаради. Кўзлари хиёл кисилади.

- Ҳукуматнинг сизга айтадиган гапини айтмоқчиман, малол келмасин, ука, хўпми? – Амиркул гапини давом эттиради. – Сизга битта от билан йигирмата кўйга ҳукуматдан солиқ чикқан. Шунини олиб бориб топширасиз. Кечиктирмай киласиз шу ишни.

- Нима сабабдан солиқ тўлашим керак экан? – дейди Қулман тап тортмай.

- Йўқсиллар учун, колаверса, ҳукуматни оёкка турғазиш учун ёрдам!

- Йўқсилларга қўлимдан келган ёрдамимни аяётганим йўқ. Аямайман ҳам. Ҳукуматингизни боқолмайман.

- Оғзингга қараб гапир, – Амиркул кутилмаганда Қулманни сенсирайди. – Сен халкнинг отаси эмассан, хўпми! Халкни ҳимоя қиладиган тепасида соябони бор, ҳукумат бор. Сенга ўхшаганлар кўй гўшти, куйрук ёғи еб, қариллаб юргин-да, бошқалар тишини кирини сўриб юрсинми. Бунга ҳукумат йўл кўймайди, ошна.

Қулман буни ўзига тенг билиб, уришиб, талашиб ётишни эп билмайдими, отини ҳайдамоқчи бўлади. Бироқ Амиркул юганга ёпишиб тўхтатади.

- Олиб борасанми, йўқми?!

- Бор, айт ҳукуматингга, бермади, деб айт! Қоч йўлдан!

Қулман юганини силтайди. От пишқириб, депсинади. Амиркул силтаниб, мункиб кетади.

– Хе, энангни... Молинг ҳам, жонинг ҳам кетади муштумзўр, кулок!

Кулманга бундайн ёмон сўзни биров айтмаган, бундай ёмон сўзни эшитмаган. Кўпкарида ҳам бундай бақир-чақир сўкишларни у жуда ёмон кўрган. Юрагида чексиз нафрат кўзғалади, кўз олди қоронғилашиб, Амиркулнинг устига бостириб келади. Боши узра хаволатиб икки камчи уради. Амиркул қоча туриб, нимагадир қокилиб кетади, инқиллаб йиқилади.

– Одамлар, халойик! – дея дод солади Амиркул. – Мени урди, ҳукумат одами ни ноҳақ калтаклади!

Кулман отини йўрттириб кетади. Кўпкаридан олиб келаётган беш-олтита жонлиққа ҳам қарамайди.

Кечга яқин уни районга, маҳкамага олиб кетишади. У ерда туман марказида турадиган, ҳукумат ишида хизмат қиладиган ошнаси Жабборни кўради.

– Бекор урибсан-да, жўра, – дейди куюниб. – Сўкканларни ҳам қамашади-ку.

– Қамайдими?!

Жаббор, ҳа, дегандай бош ирғайди.

Кулманнинг кўз олди тиниб кетади. Алам қилади. Аллақандай бедодлик уни исканжага олади. У маҳкама эшиги олдида узок туриб қолади. Бошлиқ келишини кутиш керак эди.

– Эртага эрталаб, кечикмай кел, хўпми, – дейди кексарок бир ходим, ичкаридан чиқиб келиб.

Кулман кўчага чикқанда қош қорайиб қолган эди. Шу пайт кимдир унга яқинлашади. Кўрса, жўраси Жаббор.

– Эртага кел, дедими? – деб шивирлаб гапирди Жаббор. – Анави Амиркул кишлоқдошинг аризани бошлаб ёзибди. Келма. Бошқа иложинг йўқ. Қоч. Бу ерлардан узокроққа. Тушундингми? – дейди Жаббор.

Кулман бемаҳалда уйига келади. Хотини ховлиқиб эшикни очади. Кучоклаб йиғлаб юборади.

– Оқ булутни олиб кетишди. Анави уйинг куйгур Амиркул иккита одам билан келиб бу хатланган, ҳукуматга тегишли, деб етаклаб кетди, – дейди.

Кулманга бу баттар таъсир қилади. Жони ҳалқумига келади. Хотинининг кейинги гапи, кўрадан йигирмата кўй-кўзини ҳам ҳайдаб кетди, деган гапи ҳам кулоғига кирмайди. Мадори қурийди. Томоғи, лаблари курукшайди. Ўзини лоҳас ҳис қилади. Оқ булутни ундан айиришлари мумкин эмас. Оқ булут унинг ҳаёти, кадрони. У анчага довр жим қолади. Миясида минг бир хаёл кезинади. Хотинининг ёнига келади

– Оқ булут сувсиз хозир, боёқишининг қорни оч. Менинг келишимни кутиб ётгандир.

– Анави песни урдингизми? – деб сўрайди хотини.

Кулман ҳа, урдим, дегандай бош ирғайди.

– Вой ўлай, – деб юборади хотини. – Энди нима бўлади?!

Кулман гапирмайди. Хотинини елкасидан секингина ўзига тортади. Оҳиста кучоғига олади. Юзидан ўпади.

– Эсон бўлсак кўришамиз, ўзингни эҳтиёт қил, – дейди кўнгли бузилиб.

Хотини ҳамма нарсани тушунади, Кулман отхонадан юган олиб чиқади. Хотини пикиллаб йиғлайди. Кулманни маҳкам кучоклаб туради. – Мен қандай қиламан, – дейди шивирлаб. – Қандайгина қиламан...

– Ҳозирча бошқача йўл йўқ. – У Жабборнинг айтган гапини хотинига айтмайди, кўз ёшини хотинидан яширади. Хаёлида алланима ичидан чирт узилади. У ҳозир хотинини жуда-жуда овутигиси, яна уни кучоғига олгиси, муатгар

сочларини тўйиб хидлагиси келади. Лекин у бундай қилмасликка, хотинини ҳам кийнамаслик учун ўзида куч топади ва тез-тез юриб чиқиб кетади.

Кулман колхознинг отхонасига тун оқанда етиб келади. Девордан бўйлайди. Қоровулхонада хира нур кўринар, атроф сув куйгандай эди. Шарпа сезилгандай қоровулхона томондан ит якка-якка хуради. Шу маҳал отнинг кишинаши сукунатни бузади. “Оқ булут, – дейди шивирлаб. – Худого шукур, шу ерда экансан. Ҳозир, ҳозир бораман, жонивор!” Кулман атрофни синчиклаб кузатади. Деворнинг баландлигини чамалаб кўради. Яна атроф жимиб қолади. Итнинг овози келмайди. У эҳтиётлик билан девордан ошади. Сирғалиб ерга тушади. Шу бўйи чўккалаб бироз ҳаракатсиз туради. Унча узокда бўлмаган Оқ булутга яқин боради.

Оқ булут отхона устунига қалта қилиб боғланган, эгар жабдуксиз эди. Итнинг воуллашидан чўчиб тушади. Ит ўзидан унча узок бўлмаган ердан ваҳшат солиб воуллаб эди. Кулмanning от арқонини ечишга фурсати йўқ эди. Шу пайт қоровулхона эшиги очилади.

– Кимсан?!

Бу Амиркулнинг овози эди. У кимнидир чакиради. Тезроқ чоп, деб хайкиради. Кулман кўнжидаги пичоғини олади. Арқонни шиддат билан кесади ва ўзини Оқ булутнинг устига олади. Ўзига жуда яқинлашиб қолган одамларнинг устига қараб от солади. Икки одам ўзини четга олишга улгурмай қолади. “Гурр” этган овоз эшитилади ва овозининг борича додлаб юборади. Оқ булут кемтик девордан шиддат билан сакраб ўтади ва шамолдай елади. Отнинг бошини озод кўйиб юборган учун қаерга бориши фаркли эмас, у учун айна пайтда шу ерлардан узокроқ кетиш муҳим эди. Оқ булут бўйнига юганни ташлайди. Оқ булут шошилади. Югурмоқ пайида бўлади. Эгасидан буйруқ кутади. От бошини Самарқанд томонларга буради. У от суриб борарди. Бу пайтда тўлин ой Ҳисор тоғларидан парпираб кўтарилиб келар, тун поёнига яқинлашиб бормоқда эди.

Эртаси Амиркул икки вакил билан Қулманниқига важоҳат билан кириб келади.

– Эринг қани?! – дейди Қулманнинг аёлига сенсираб. – Своллич, кулок, муштумзўр!

– Билмасам, олиб кетувдиларинг-ку, ўзларинг. Шу кетгани. Келгани йўқ.

– Бекор айтасан, палиднинг хотини, шунинг ёнини оласан-да, гўрингда айтари-мидинг. Уйни ахтаринглар, отхона, оғил, ҳамма ерни қаранглар. – Икки шотирига буйруқ қилган Амиркул ўзи эшикни синдиргудай тепиб, ичкарига қиради.

Ҳаммаёқ тинтилиб, остин-устун бўлади.

– Игнанинг синигимиди у. Девдай бир одам бўлса. Декчанинг ичида нима қилади?! Юраги тошиб бакиради аёл. – Нима гуноҳ қилди сизларга?

Амиркул аёлга еб юборгудай ўқрайди. Кейин ҳалиги шерикларига юзланади:

– Нимани кўрган бўлсанг, қолмасин, рўйхатга ол. Қолмасин!

– Лаънати! Одамларнинг уйида ётарга шолчаси йўқ, гиламларнинг кўплигини қара. Ол, рўйхатга! – деб ўшқиради Амиркул.

Амиркул аёлга ғалати қарайди. Аёл бундан алланимани сезгандай, сесканади. Нимадандир юрагида гулғула пайдо бўлади. Амиркулнинг новча, ўзбекка бо-тишмай турган шериги нималарнидир узок ёзади.

– Бўлдингми? – дейди Амиркул хатга яқин интилиб. Кейин хатни кўлига олади. Унга тикилиб, гўё ўқиган бўлади. Ҳалиги шериги шошилганча, атрофга бир қараб кўяди-да, Амиркул тесқари ушлаб турган хатни тўғрилаб, унга қайта узатади. Амиркул сир бой бермайди. Хатга қайта тикилган бўлади-да: – Бўпти, яхши, – дейди салмоқлаб. Қолмадими ўзи? – деб яна хатни узатади.

– Хўш, гап энди бундай, келин. Сени олиб кетамиз, – Амиркул аёлга юзла-

нади. – Чунки уни сен яшириб ўтирибсан. Қаердалигини яхши биласан. Лекин менга буни айтмайсан. У мени урди, устимга от солди. Хукумат одамига қўл кўтарди. Ҳазилакам жиноят эмас. Хулиган!

Аёл кейинги гапни тушунмайди, бироқ ичидагини айтади:

– У киши сизни сабабсиз урдими, Худодан қўркинг, Амиркул ака, бир элнинг одамимиз.

– Сабабсиз, мутлако сабабсиз, – дейди Амиркул. – Тез бўл, йўл олис.

– Куннинг кечида қаерга бораман? Ҳеч ерга бормайман. – Аёл ростдан жуда кўради. Эримнинг ўрнига мени қамашади, деб кўркади. Хўрлиги тошади.

– Амиркул ака, кишлоқчилик, одам сан-манга боради-да. У киши ёмон одам эмас-ку. Элдан ёрдамини аямайди, бева-бечорани бошини силаган одам, биров билмаса ҳам сиз биласиз-ку. Жаҳл устида билмай қилгандир, у одамни кечиринг. Жон ака, кечиринг.

– Эринг кечаси отхона қоровулларини, қолаверса мени уриб, хукумат одамларининг устига от солиб, хукуматга хатланган отни ўғирлаб кочди. Буни ҳам кечирайинми, а?! – дейди Амиркул жаҳл билан.

Аёл анграйиб қолади. Ичи-эти титраб, ҳолсиз сезади ўзини. Ўрнига беҳол ўтириб қолади. Аёлнинг кулоқлари шанғиллайди, тили айланмайди. Бошида ғўдайиб турган Амиркул кўзига махлук бўлиб кўринади. Бироқ, у нимадандир, ҳали ўзига маълум бўлмаган бир нарсадан илинж излайди. Амиркулга мўлтираб, нажот билан қарайди. Унга ёлвормоқчи бўлади. Бироқ аёлнинг тили айланмайди. Нима демоқчилигини тополмайди. Бошини қафтлари орасига сикқанча қолади. У қанча ўтирганини билмайди. Бир пайт алланимадан сесканиб кўзини очади. Нарироқда папирос тутатиб, ундан кўзларини узмай турган Амиркулни кўради. Ҳовлида бошка одам кўринмайди.

– Ўзингга келдингми? – Шундай деб, Амиркул аёлга яқин келади. – Қўлимда мана, факт бор. Эринг сўзсиз отилади. Сен ҳам кетасан, билиб қўй.

Бу гапдан аёл титраб кетади. Юраги гурсиллаб, нотинч тепади. Эри билан бирга олиб кетишармикан, эрини кўрармикан энди? Шундай хаёллар келади унинг бошига. Шу топда аёл эрини жуда-жуда соғинади. Эрини кўргиси, унинг кўксига бошини қўйиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келади. Назарида Амиркулдан бўлак халоскор йўқдек кўринади. Тақдири мана шу қаснинг қўлида эканлигини туяди. Сўнгсиз хаёллар гирдобиди қолиб кетади. Сўнг бир нарса эсига келиб қолгандай ўрнидан шошилганча туради. Амиркулга қарайди.

– Ака, кўрада ўнтача қўй қолди, анави гиламларни ҳам олинг. Эримни гунохидан ўтинг, жон ака!

Амиркул пинагини бузмайди. Хиёл дадилланади.

– Хафа бўлмагин-у, у ёқларга боргилик қилмасин-да, сени халигидай... – Амиркул беҳаёларча ишшаяди. Аёл бу гапдан сесканиб кетади.

Амиркул гўё аёлга иноят қилади:

– Хўп майли, бугунча уйингда қол. Сен билан ади-бади айтишиб ўтирсам, кўрган кўз ёмон ниятга боради. Эртага районга тушай-чи... Халиги қўй-пўйларинг менга керак эмас... – дейди у тараддуланиб. – Уч кундан сўнг келаман, кундуз келиш хавфли. Окшом пайтлар қайтсам керак. Холи гаплашиб оламиз.

Аёл гапирмайди. Бироқ ниманидир сезгандай юраги увушади. Негадир унинг оёқ-қўли титрайди. Қўли кун бўйи ишга бормайди. Томоғидан сув ўтмайди. Қулоғи Амиркулнинг халиги мавҳум гапларидан шанғиллайди. Ўзини ҳолсиз сезади. Аёл қуруқ гиламга чўзилади.

Орадан уч кун ўтиб Амиркул бемахалда кириб келади. Ўзича Амиркул атай-

лаб узоқ тин олади. Гапни нимадан бошлашини билмай иккиланади. Охири салмоқлаб гап бошлайди:

– Эринг кўлга тушди, – дейди овозига алоҳида тус бериб. – Тушмай қаёққа борарди. Энди отилади. Тамом! – Амирқул гапини аёлга қай тариха таъсир этганини билмоқчидай зимдан қарайди. Аёл бу гапдан сесканади. Ранги докадай оқариб, вужудида беҳоллик сезади. Амирқул буни пайкайди.

– Ўзингни тут. Қилмишига яраша-да, – деб аёлга яқин келади. Ўзини яқин олгандай, секингина аёлнинг елкасини ушлайди. Аёл бир сесканади. Гўё яшин ургандай тисарилади.

– Нега бунча кўркасан? Одам кўрганмисан ўзи? Сенга яхшилик қиламан, деб келдим. – Амирқулнинг бу сўзидан аёл дадилланади. Шошиб дейди:

– Эримни кутқарасизми?!

Амирқул яна жим қолди. Бироз туриб:

– Бу иш ўзингга ҳам боғлиқ... – Амирқул сирли илжаяди.

– Ўзимга?! – Аёл ногаҳон ниманидир сезади ва кўркуви зўраяди.

– Ҳа, ўзингга. – У аёлнинг ноиложликдан у билан сўзлашиб туришини бошқа маънода тушунади Аёл аёллигига борди, тақдирига осонгига тан берди деган ўй билан:

– Бир кўра кўйингни бошимга ураманми, тентак! – дейди.

Амирқул ғалати илжаяди. Аёл муддаони бир кўркинч билан сезади. Ўзига тобора яқин келаётган Амирқулнинг кўзлари бежо эди. Унинг ҳамлага шайланаётган йирткични эслатувчи нигоҳи аёлга ўқдек қадалади Аёл содир бўлиши муқаррар дахшатли ҳодисадан ўзини беҳол сезади, оёқлари титрайди. Амирқул аёлнинг дуркун коматидан кўзларини ололмай қолади. Шахвоний туғён конини кўпиртиради. Сония ўтмай Амирқулнинг кучоғида қолган аёл ўзини ҳимоясиз, қаттол овчининг қўлига тушган қушдай заиф ва ожиз сезади... Амирқул аёлни нажотсиз типирчилаётганини писанд қилмай куч билан маҳкам кучоклайди “Этагингни болага тўлдираман”, дейди кулоқлари остидан хансираб. Аёл қўланса хиддан ўкчиб жон қолатда силтанади ва Амирқулнинг кучоғидан юлкиниб чиқади.

– Одаммисиз ўзи? – дейди ғазабдан титраб. Шошиб ўзини эпга солиш учун кийшайиб қолган рўмолини тўғрилайди ва тўзғиб кетган сочларини рўмоли ичига солади. Ўзига томон яна тап тортмай яқинлашаётган Амирқулга ялинишдан бошқа илож тополмайди. Бир муддат бўлса ҳам уни тўхтатмоқчи бўлади. Қалбидаги чексиз нафратни бор кучи билан жиловлайди ва:

– Тўхтанг! – дейди хансираб. – Эртагача сабр қилинг, касалман... Бугун ўтмай қолмас, жон ака! Қайним келмоқчи эди!

Аёл тез-тез гапирди. Лаби курукшаб, кўзлари жавдирайди. Аёлнинг илтижо-сидан Амирқулнинг вазоҳати бироз сусайгандай бўлади. У аёлнинг қайниси келишини эшитиб, гарчи ишонмай турса ҳам, барибир, бундан кўнгли хижил тортади.

– Алдасанг ўзингга ёмон, – дейди ҳамон хансираши босилмай. – Энди сен меникисан, осмонга чиксанг оёғингдан, ерга кирсанг кулоғингдан тортаман! Бундан бошқа чоранг ҳам йўк! – Амирқул шундай деб шошилганча чиқиб кетади...

4

Кулман эр йигит бўлиб қиз танлаб юрмади. Устозим деб, этагини тутган Хушвақт чавандознинг қизига уйланди. Кулманбой кўрсаки, полвонкелбатгина, дуркун киз. Отасининг тўрик кашқасида яшириб улоқ ўйнашини эшитиб қолганда, аввал Кулманбой ишонмай юриб, бу қизни ўраб-чирмаб, уйига олиб келгандан сўнг кўрсаки, эшитганидай... Ё пирим, деб келинчакни елкасига олганча уч бор оловни айланганларида пешонасидан бир реза тер чиққани ҳам тўғри. Ўша мунав-

вар кеча карасаки, кизнинг ҳам қалбида, ҳам кўзида ўт ёлқинлайди! Кулманбой “ё Худо, берган бахтингдан айланай!” дегани чин. Аммо бири кам дунё-да. Парвардигор мана беш йилдирки, уларни фарзанддан қисган. Кулман бун хотинининг юзига солмади. Писанда килиб, қон қақшатмади. Билакс, аёлига ҳамдард бўлади. Оллоҳнинг бизга ҳам инояти бордир, деб юпатади, тиргак бўлиб келади. Бу ит шуни юзимга солди-я, деб аёлнинг кўзидан тиркираб ёш оқади. Аламдан ўртанади, ёнади, сўнг бориб дарвозага кулф солади. Ота уйи узоқларда эканлигидан, эрининг ҳам битта укасидан бўлак тайинли яқинлари йўқлигидан жуда-жуда қуёнади. Кўнглини ваҳима, бир сонияки тарк этмайди. Уйнинг эшигини занжирлаб, ўзини ерга ташлайди. Эри ростдан қўлга тушдимикан? Ундай бўлса... унга ҳаётнинг ҳеч қизиги қолмабди-да?.. Бекор қилди эри, отнинг олдига бормаслиги керак эди! Шу отни деб!.. Аёл ҳудди эри бу гапини эшитиб қолгандай ўз фикридан ўзи кўрқиб кетади. Шу он хаёлига Амиркулнинг важоҳат билан устига бостириб келаётгани ва мақсадини ошқора айтаётгани келади. Тоқатсизланади. Ўзига кучи етмай бу қадар зарбалардан кун сайин толикаётганини кучи, бардоши тоб беролмаётганини сезади. Амиркулдан энди қутулиб бўлмаслигини билади. Ота уйига кетиб ҳам ундан қутулиб бўлмас. У ярамас унга тўхмат килиб бўлса ҳам топтириб келиши тайин. Ҳукумат уники, унга ишонади. Унинг айтганини қилади!

Ростдан ҳам аёлнинг назарида бошқа илинж ҳам, йўл ҳам йўқ эди. Амиркулнинг темирдек панжалари белига ботиб турганда дафъатан бошига келган интиком хисси аввалига аёлни бир сескантиради. Кейин бу фикр унинг хотирасига муҳрланиб қотиб қолади. У учун бу йўл энг адолатли ва энг тўғри бўлиб туюлади. Аёл бундан таскин топади. Аллақандай бир куч юрагидаги кутқуни юлиб олади. Хаёлида баданидаги оғриқлар босилгандай туюлади...

Аёл одатдагидан барвақт уйғонади. Кеча чакиртириб юборган дугонаси Ойтўлишни келишини интиқ кутади. Дугонаси билан чой устида гурунг қилишади. Аёл Амиркулнинг жирканч мақсадини дугонасидан яширмайди, юрагидагини унга айтади. Йиғлаб-сиктайди. Ойтўлиш уни уйига олиб кетиш учун кўп ялинади, бироқ аёл кўнмайди. Аммо аёл дугонасидан асл мақсадини сир тутати, лекин дугонаси бун пайкагандай, аёлга илҳақ бўлади. Аёл дугонасини кузатиб, ҳовлини супуриб-сидиради. Ўзи режа қилган ишни бажаради; кўрадаги қўйларни подага қўшади, подачига, қўйларни кимларга беришлигини айтади. Бева-бечораларга биттадан улашишни кишлоқ оқсоқолига тайинлайди. Гиламларни ҳам шундай килиб расамад қилади. Ўзи эри келгунча отасиникига бориб туришини айтиб, сўнг уйига қайтади. Қолган ишлар ҳам кўнглини тўлдиради.

Атрофга оқшом қўнади. Подачининг: “ош ҳалол!” деган овози ҳам тинади. Кўкда болроқ юлдузлар ва ғарбда кўринган янги ойнинг хира шуъласи атрофни қийналиб ёритади. Аёл уйга кириб чирокни ёқади, пиликни хиёл пасайтиради. Сўнг ҳовлида бироз юради. Юрагидаги ваҳимани босмоқчидай, кўркув ва хаяжондан қутулмоқ пайида бўлади.

Шу пайт эшикдан аллақим шарпадай қиради. Аёл дев жуссали Амиркулни танийди. Амиркулнинг ёнидан енгил бир ҳаракат билан ўтиб, дарвозадан ташқарини кузатган бўлади ва дарвозанинг атайин занжирини илмайди. Амиркул ўзига яқин келган аёлнинг авайлаб қўлидан тутати, сўнг елкасидан оҳиста ушларқан, ўзига тортади. Аёл Амиркулнинг қўлини секин суради-да, уйига томон юради. Амиркул аёлнинг орқасидан жимгина эргашади.

– Кела қол, – дейди сабри чидамай Амиркул, бўсағадан ҳатлаб-ҳатламай.

– Ҳозир, – дейди аёл шивирлаб. – Чирокни ўчирай...

У Амиркулга ўгирилади. Нимкоронғида унинг мамнун кўзлари аёлга сукланиб

карайди. Аёл нигохларини четга олади, борлигини нафрат, қўрқув ва титроқ коплайди. Энди унга барибир, ўзга чораси ҳам йўқ. Аёл учун бу ягона ҳаракат ё ҳаёт, ё мамот эди. Аёл ўз мақсадига эриша олмай доғда қолиши мумкинлигини бир неча бор ўйлаган ва қўриқиб дахшатга тушган. Айни пайтда ундай бўлмайдди, ўша он ота уйда ўйнаб юрган, масрур пайтларидаги ғайрати дафъатан вужудда жунбушга келади. Айни пайт у ўз шаъни, номуси учун иложсиз таваккалчиликка қўл ураётганини билади. Аёл эгилиб чирокни ўчиради ва тоқчада ўзи қўйган жойдан эрининг пичоғини олади-да, маҳкам сикимлайди. Унинг айни лаҳзада борлигини ногаҳоний бир қудрат, киёссиз нафрат коплаган бўлади. Шу маҳал Амиркулнинг хансираши ва бадбўй нафаси жуда яқинидан келади. Аёл бир кадам ортга тисарилади-ю бор кучи билан пичокни Амиркулнинг бўғзига санчади. Амиркул кутилмаган зарбадан ўкириб юборади Унинг дахшатли товуши гўё уйни ларзага келтиради... Аёл ўзи ўйлаганидек деразадан учиб чиқади. Унинг ортдан Амиркулнинг ҳиркираган қўрқинчли товуши қоронғи сукунатни тилиб кетади:

– Ўх мочахар-а, ўлдирдинг-а!

Барча воқеа кўз очиб юмгунча содир бўлади. Аёл югуриб кетаркан, орқасидаги Амиркулнинг инграб алланима деётгани, сўнг унинг гурсиллаб йиқилганини эшитади. У рўмолини қўлига олганча елиб борар, унинг майда қилиб ўрилган кокиллари шамолда ҳар ён тўлғаниб хилпирар эди.

У узок югуради. Қоронғида қоқила-қоқила югураверади. Охири ўзи танлаган манзилига етиб келади. Рўпарасидаги улкан дарё унинг нажоткори бўлади. Дарё чиройли бўлиб жилваланади. Дарё аёлнинг онасига эврилади. Аёл гўё муштипар онанинг қўйнига отади ўзини. Муштипар она ва дилсийҳ бола қўшилиб кетади...

5

Мен отамнинг хикоясини эшитарканман, унинг ўшанда ўз табиатига мос келмайдиган ҳолатни кузатганман. Унинг кўзлари жикқа ёш, баъзан томоғига бир нарса тикилгандек гапирмай турар, алланимадан қахрланиб муштлири тугиларди. Кулман чавандоз ҳақидаги бу воқеани худди кўзи билан кўриб, шохиди бўлгандек ҳаяжонда қолганини ҳозир ҳам тўлиқ тасаввур қиламан. Ўшанда эманнинг ҳам бир дақиқаки кўзларидан ёши тийилмагани ҳозир ҳам кўз ўнгимда...

...Қария энди ўз хиссиётларига чўмган, ёнида мен бораётганимни тамом нулган эди. Ундаги бу ҳолатга халал бергим келмади. Қариянинг ўйчан ва ҳорғин кўзлари ёшланганини кўрдим. У менга тилсим ичида турган бир одам бўлиб гавдаланди. Унинг ўзига ўзи айтган кейинги гапи менинг ҳаяжонимни оширди. Кўз ёшларини тиёлмай шундай деди:

– Сулувим, Қизларсулувим... Сен менинг жоним эдинг-а!..

Мен бу исми қерда эшитганман? Кимдан эшитганман? Ниҳоят... Мен бу исми топдим! Топдим охир!

Норхол опамнинг дастрўмолчасини қўлига олган ва ўзига ўзи шу исми айтган чавандознинг интиқ сўзлари эмасми?!

Қария мени таниган чиқар, бироқ нега у ўзининг аянчли қисматини яшириб сўзлашни истади, шуни лозим топди? Бунинг сабаблари қўпдир, эҳтимол. Эҳтимол, уни таъкиб қилиб юрган қисмат унинг битмас жароҳатларини қайта тирнашини истамагандир, балки бу кимса ўтмишнинг аёвсиз ва жафокаш кечмишларидан, бахтсиз онларидан қочиб юргандир... Эҳтимол, менга шундай туюлгандир, менинг ҳали ҳам мавҳум хаёлларим шуларни айтаётгандир. Бироқ мен қарияни ортиқ безовта қилишни истамадим. Қолаверса, бизнинг йўлларимиз шу ерда айрилиши керак. У ҳамон Қизларсулуви билан гаплашиб борар, ўша сулув

балки унга ҳам менга қоронғи бўлган лазиз дамлардан ҳикоя қилаётгандир...

Мен уни жимгина кузатиб турардим. У қирдан пастлар эди. Унинг гавдасини қирнинг ўрқачлари тобора яшириб борар, менинг нигоҳларимда у гоҳо султонлардай кийинган, оппоқ от устида мағрур бораётган чавандоз бўлиб, гоҳо яланғоч от минган дарвеш бўлиб кўринар эди.

ИНТИҚОМ

Отини йўртгириб келаётган Шодикул арик чеккасини қоплаб ўсган ажрикни тутамлаб ўриб турган Абди бобога кўзи тушди-да, отининг бошини қайирди. Шу ёшида ўт ўриб юрган бу одамдан энсаси қотиб, ғаши келди. Тарки одат... Бу гапнинг ҳар иккисига ҳам тааллуқли ери бор. Қисқаси, Шодикулнинг азалдан бировнинг яхши кунларига ғайирлиги бўлса, Абди бобо эса ёшлигидан меҳнат билан ҳамдард... “Бир оёғинг гўрда-ю занғар, кеча касалхонадан чиқиб, буни қилиб ўтирган ишини кара, ётмайсанми Худо деб, кампирингни қаптолида, чойингни шопириб...” Шодикулнинг хаёлидан шу гаплар ўтди-да, қамчисини эгарнинг қошига эрмакка уриб-уриб турди.

– Ҳе-еч тинмас экансиз-да, а? – деди.

Абди бобо чўккалаб турганча Шодикулга қаради.

– Ассалому алайкум, Шодикулвой. Бола-чақалар яхшими? Бир нима дедингизми? – Абди бобо марзага қўлларини тираган қўйи қаддини ростлади.

– Уйгинада ўтирмайсизми Оллоҳ деб, деяпман, нима дердим?

– Эрмак-да, Шодикулвой, эрмак.

– Эрмак? Эрмакни уйи куйсин. Туринг-чи бу ердан, туринг! Гап тегади. Пахтани уватидан ўрманг.

– Шодикулвой, ажрик – кони зарар бир бало-да. Шуни йўлнинг ёқасидан тозаласам ёмонми?

– Ёмон эзма одамсиз-да, Абди бобо. Гап тегади менга. Мен шу ерларда иш бошқарувчиман.

– Иш бошқарувчи?! Қачондан бери? – Абди бобо кулимсиради. – Унда зўр-ку!

– Мазах қилаяпсизми? – Шодикул сакраб отдан тушди. Отни силтаб етаклаганча, Абди бобонинг қошига бостириб келди-да, хуржунга жойлаш учун уйиб қўйилган ажрик тўдасини ариқка тепиб юборди. Абди бобонинг эрталабдан чошгоҳгача қилган меҳнатини ариқнинг тезоб суви шувуллатиб окизиб кетди. Бир сонияда содир бўлган воқеадан Абди бобо ҳанг-манг қолди. Шошилиб ариқка қараб бир-икки қадам қўйди. Абди бобо ўрган бир тўда ўт тезобда лопиллаб оқиб борарди. Қилган ишидан ҳеч бир пушаймонлик эмас, аксинча мағрурликнинг совуқ ифодаси уфуриб турган Шодикул узангига оёғини қўйди. Абдибобо Шодикулга бир зум маънос қараб турди-да:

– Иккимизнинг ҳам қилган ишимизни тепада ўзи кўриб турибди... Майли, – деди.

Абди бобо кўкрагида санчик сизди, кўз олди қоронғилашиб, уватга ҳолсиз ўтириб қолди. Шодикулнинг бу қилган ишидан вужудида бир оғриқ ва титроқ туйди. “Охири бахайр бўлсин. Шайтоннинг измидаги банда. Яхши иш бўлмади...” Абди бобо шуларни хаёл қилиб, надоматли ўй билан бош чайқади.

Шодикулнинг онаси қазо қилгач, акаси иккиси ва қаровга муҳтож кекса отаси билан қолди. Акаси ўзидан анча қатта эди. У аллақерларда ишлаб юрар, қишлоққа деярли келмас эди. Отаси кўп бора йўқлатишига қарамай келай демасди. Шодикул одамларга тоғдан ўтин йиғиб келиб пуллар, тирикчилиги шундан ўтар эди. Шодикулнинг отаси

кексайган, ҳам касалманд эди. Устига устак унинг кўзлари кундан кун хиралашарди. Уларнинг доимий топиб туриш имкони бўлмаган арзимас пуллари тез-тез тугаб қолар, отасининг нафақаси ўзининг дори-дармонидан ортмас эди. Шундай пайтлар отаси ундан кўшнилар ёки қариндошларникига етаклаб олиб боришини зорланиб сўрайверар эди. Кейинчалик бу ҳолат тез-тез такрорланар, айниқса киш ойларида бу воқеа ҳар кун содир бўлаётти деса ҳам тўғри бўларди. Баъзан отаси бозор майдонигача етаклашини ундан ялинар, одамлар серкатнов жойга ўтказишини айтар эди. Бу Шодикулнинг бошидаги ўзи кутмаган ва тасаввур этмаган ҳодиса – тиланчилик деган машғум кўргиликнинг қора шарпаси бўлиб кўринар эди. Бу унинг вужудини қийнар, бу ишдан у ўлимдан қочганчалик қочар ва тобора тоқати тоқ бўлиб борар эди. Ўсмир ёшидаги Шодикул табиийки, бундай издиҳомдан қўрқар ва қутулиш йўлларини излар, узоқ тунлар ўйловдан киприк қокмас, у ҳар гал тиланчи деган тамғадан даҳшатга тушар эди.

Кунлардан бир кун атрофга қоронғилик чўмган пайт у аллақердан ҳаёлчан келарди. Отасининг инграган ва уни қақираётган овозидан ўзига келган Шодикул ўша томонга қадамларини жадаллатди. Отаси ростдан уни қақираётган эди. Отасининг тинкиса қуриган ва асабий ҳолда гоҳ ялинган оҳангда, гоҳи жағ урганча товуши авжга минар, Шодиқулни узоқ қақирганидан томоғи бўғилган ва қақраган эди.

– Шодикул, мени қорним жуда оч. Жувонмарг, ўзингни ўйламай ўл! Олиб бор мени, бирор ерга олиб бор. Кўчага чиккан эдим. Қоронғида кўзим кўрмай қолди. Келакол, Шодикул!

Шодикул гапирмади. Отаси анҳор ёқасида бетиним жаврар эди. Шодикулнинг ҳаёлига ғалати ва қўрқинчли бир фикр келди. Аммо у бундай ҳолатга доим шай турмоғи ва сесканмаслиги керак эди. Шунинг учунгина Шодикул отасига товуш берди:

– Ота, мен шу ердаман! Тўғрига юраверинг, сизга ёрдам бераман. Мана, боряпман, юринг, юраверинг... – Шодикул шундай дедию, бир сесканди. Бирок бу унинг қора кунларининг интиҳоси бўлиши мумкин-ку, шундайми ахир?.. У шуларни ўйлаганча жойидан жилмади. Отаси анҳорнинг лабида эди. У қўлларини олдинга чўзди ва ҳавони пайпаслаганча икки қадам ташлади ва... анҳорга ўмгани билан қулади... У қаттиқ бир зарбанинг оғриғидан инграб юборди. Шодикул қоронғида сув юзига гоҳ қалқиб, гоҳи йўқолиб оқиб бораётган отасининг шарпасини кўриб турар ва унинг фарёдини эшитар эди. У анҳор ёқасида бошини чангаллаганча ўтириб қолди. Шодикул бу воқеани ҳеч кимга айтмади. Ўша рутубатли тун ва эртаси ҳам у анҳор ёқалаб сарсари кезиниб юрди... Барибир, буни сир сақламоқчи бўлди. Орадан икки кун ўтиб саёз жойдан жасадни бошқа биров топиб, хабарга келди. Шодикул ҳўнграб-ҳўнграб йиғлади, ўшанда.

Абди бобо уйига бўш хуржун билан қайтиб келди. Кампирига бўлиб ўтган воқеани айтмади. Мазаси йўқлигини баҳона қилиб, индамай қўяқолди.

Бир йил бурун Орзи фермернинг тўйида бўлган курашда Абди бобонинг тўнғичига талабгор бўлиб, қулочини лайлакка ўхшатиб давра айланган Шодикулнинг аҳволи лоп этиб, Абди бобонинг эсига тушди. Биринчи қафасда оёғи осмондан бўлган Шодикул боши айланиб, кийимини алмаштириб майдонга чиқиб келган жойидан адашиб, талпанлаганча тесқари томонга кетганидан бутун даврага кулги бўлгани кўз олдига келди. Тушунди. Агар ўғлига Шодикулнинг қилган ишини айтса... Абди бобо яхшиям кампирига гуллаб қўймади.

Шодикул Абди бобонинг тўнғичидан беш ёш катта. Тайинли бир ишни бошини тутмаган, кўча бошида ўзига ўхшаган уч-тўртта бекорчи билан вино уриб, карта суриб ётадиган бир бандаи бало...

Бир гап Шодикул ширакайф ҳолатда, кўчадан уйга келаётган Абди бобога ҳамроҳ бўлди. Йўл-йўлакай ҳамсухбат бўлган Шодикулнинг гаплари Абди бобонинг ҳозиргидай эсида.

– Шу дейман, кунда-кунора телевизорда ҳали у ер, ҳали бу ерда самолёт ҳалокатидан унча одам ўлди, бунчаси бедарак кетди деб жаврашади, – дея гап бошлади Шодикул. – Поезд издан чикди, мошин ағанади! Лукмон чолнинг бир эмас, уч ўғли ўн йилдан бери Тошкентда. Тошкентда пул деган жониворни сочиб кўйган эканми, билмадим, уйлар қасрга айланиб, қўша-қўша мошинларни айтинг. Нима, бу дунёда фақат Лукмон чолнинг болалари ўқиганми? Шулар минган самолёт ҳеч ёниб кетмайди-я, а бобо? Шулар миниб келган мошинга ҳам жин урмайди! – Абди бобо унинг бу гапидан сесканиб кетди.

– Тавба денг, Шодикул, астағфируллоҳ денг, ука! – деди. Абди бобонинг ранги кув ўчди. – Пул топган бўлса элга тўй қилиб, ош бериб турибди. Бу гапингизни қайтариб олинг!..

– Бир гап айтсам ишонмайсиз, бобо, – Шодикул хиринглаб давом этди. – Томдан чакка ўтиб безор килди денг. Қабристондаги тобут билан анжомлар сақланадиган томча бор-ку, шу томча ичида элдан йиғилган пулга олинган икки рулон қора қоғоз бор эди. Томчани ёпгунча ортиб қолган-да, чоғи. Бир кун денг, қоронғилашиб борсам, турибди. Эшик кулфланган. Очолмадим. Шундан шунга келиб, курук қайтиш ҳам инсофдан бўлмас, дедим-да, дераза ойнасини бир уриб синдирдим. Олдим! Ишим битди. Уйи куйсин, бозорда фалон пул-да, шу ҳам. Бировга айтиб юрманг, тагин. Сиз айтмайсиз, биламан...

Абди бобо ҳозирги кунлар Шодикулнинг Орзи фермерга югурдак – шотирлик қилиб юрибди, деб эшитди. Орзи фермер унга отасидан қолган бир чўбирни бериб, экин жойларни мол-ҳолдан кўриб юрасиз, деган кўринади. Кўрмагanning кўргани курсин... Шу чўбирни гўё Алпомишнинг Бойчибори ўрнида кўриб, камчи босиб юрибди бу гўрсўхта! Надирки, бу бечора йўртмоқдан нарига ўтса. Майли, етказганига шукр! Одамларнинг олдидан савлат тўкиб, виқор билан ўтади. Сонсизга сон тегибди-да. Пешонангдан ўргилай, Шодикулвой! Бироқ шу оти йўртишдан кўра, елдай учса зўр бўларди-да. Шодикулнинг бахти бекам бўларди. Чопса борми, бир пайтлар калласи айниб улфат бўлиб юрган анави винохўрларни бир қойил қиларди. Тарсиллатиб, чангида қолдирарди. Шодикул энди кимсан – Орзи фермерга иш бошқарувчи. Манавилар-чи?! Булар Худо урган бекорчи! Ҳар бир ўтганида чўбири устида уларга беписанд назар солиб, копинади:

– Бизнинг ерларга ўт-пўтга бориб юрманглар, хўпми! Мен иш бошқарувчиман. Бекорчи винохўр эмас. Мазангни қочираман, қайсингни кўрсам. Шундай! – Индамай келаётган мактаб ўқувчиларига ҳам похол дўк урмасдан ўтмайди. – Ҳов муллаваччалар, бизнинг экин томоғларга тагин ўт оламан, деб ўтиб юрманглар. Эшагининг думи, ўзининг қулоғинг кетади! – Бу бадқирдорнинг устидан қулмаган одам топилмайди. Ўзича чўбирини йўрттириб, бурни танқайиб юраверади.

* * *

Бу гаплар ҳам ўтди. Абди бобонинг ажриғи ариққа оққанига ҳам йиллар бўлди. Фермер режани уддалолмай ерни топширди. Орзи фермер беиш, сарсари саргардон. Чўбир савил ишга ярқисиз. Бозорга олиб борса, бозори қасод. Бир пайтлар қўбирнинг суворийси бўлган, ўзича қамчисидан қон томиб юрган қас, Шодикул хаттоки ўша вино уриб, қарта сурганларнинг ҳам сафида йўқ. Худо берган дард, ётибди, шифтга қараб. Нафақага чиқай деса, ўх-хў ҳали кўп, ўн йилча бор. Осмон йироқ, ер каттик! Уйда беҳаловатлик. Қиз-ўғилга даҳмазано дардисар.

Бир ўғли қайси бир касалликнинг касридан юролмай шол бўлиб қолгани ҳам Абди бобонинг қулоғига қачондир чалинган. Шодиқулнинг ахволи, тўшақда қолгани барчага маълум. Кимки бемор бор, кўргани, хол сўрагани борувчи Абди бобо ҳамма гина-кудуратни оркага ташлаб, кампирига товук шўрва осдирди. Шодиқулни кўргани борди. Абди бобо салом бериб, хол сўради. Шодиқул шифтдан кўзларини олиб, Абди бобога ўгирилди. Узоқ тикилди.

– Таниёлмадим, кимсиз? – деди. Абди бобо ғалати бўлиб кетди. Наҳотки?..

– Мен, Абди бобоман.

– Абди бобо? Ҳа, товушингиздан танидим. Кўз кетган, бобо, кўз!.. – Шодиқул ортиқ гапиролмай қолди. – Сиз ҳам мени қарғагансиз, биламан... – У шундай деди ва товуши титради. Димоғи ачишди. Ожиз кўзларига нам келди.

– Шодиқул, Худо шохид, ундай эмас. Мен сизни кечирганман.

– Унда ким? – У чўзиқ уф тортди... Кейин пичирлади: – Унда... – Кейинги сўзни Абди бобо эшитмади.

Абди бобо хайр-хўшлашиб, Шодиқулга Оллоҳдан шифо сўраб, кўчага чиқди. Абди бобо ҳали узоклашмай ичкаридан Шодиқулнинг асабий ва ташвишли овози келди.

– Ҳамроқулнинг олдига ким кетди?! Боринглар, кечга қолмай уни олиб келинглар. Пулини дайди арокхўрлар тортиб олади. У жуда бўш. Сал тузалсам ўрнига ўзим ўтирарман. Эртага Ҳамроқулни бозорнинг олдига обориб кўйинглар. Ҳозирги жойи бўлмайди, одамлар сийрак ўтади. Уйи қуйсин, менинг куним бошига тушсин бу одамларнинг. Доим майда пул беришади. Гадойни гадой демайди булар!..

Шодиқул тинимсиз жаврар, аллакимларни тинмай қарғашдан ўзини тия олмас эди...

ҲУКМАТ

Воқеалар само гумбазининг ҳаракати-га қараб эмас, одамларнинг интилиши билан рўй беради.

Мирзо УЛУҒБЕК



НАЗМ



ФАХРИЁР

1963 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Дардинг шакли”, “Аёлгу”, “Геометрик баҳор” шеърий тўпламлари, “Янгиланиш анъаналари” публицистик мақолалар тўплами нашр этилган.

Қиш

туркум

ЁЛҒИЗЛИК

чанкок сингари
 кўнгил ёлғизлиги босилмас
 ёлғизликни копламас
 издай қолиб кетмас дейлик баҳоргача
 қорлар остида ёлғизлик
 уни кўмса қор эмас
 жуссанг кўмиб турар
 дастурхоннинг доғ теккан
 жойига ташлаб қўйилган суратдай

тун

сарбон жинчирок
 тун карвонини
 дон судраган чумолидай
 судраб борар отмаётган тонглар сари
 ташқарида совуқ қотган
 туннинг зулмати
 пардаси тутилмай қолган дераза
 ортидан томоша килар нафасин ютиб
 жинчирокнинг липиллаб
 куймаланишин
 тун карвони ортидан хурар кишлок итлари
 кўркинчли эртак
 тинглаётган болакай вужудидай
 жимирлайди митти юлдузлар
 осмон токида
 юлдузларга эргашмайди тун карвони
 ойга ҳам эргашмайди

бугун

кун сайин
 сигмай борар мақолга аъмол
 ботирсинар кул тортиб
 бораётган тунд хиссиётлар
 ноумид шайтон деб кўркитолмайди
 бугун ҳеч ким
 бугун
 умидни дўппининг ёнига қўйиб
 узок хаёл сурса бўлар
 қалмоққа бориб
 ёғийларни кирмоқ ўрнига
 зиндонда ўтирган алпомиш ҳақда
 бир замонлар
 қизларни еб кун кўрган хунаса ажлар
 ботирларга ёпишади
 ҳаммасини ўғирлаб кетар борсакелмасга
 бугун
 бугун
 қозикқа
 умид осилади
 умид илинар
 тўнини эса
 оёғига ёпиб ётади
 кўрпаси калта келган бечора

қора қиш

уйда на ўтин бор
 на ҳовуч кўмир
 чол кампир
 армонга исиниб ўтирар
 нафратга исинар
 ғазабга на унисининг
 ва на бунисининг
 кучи бор

мусича

ғайрати ичга
 сигмаган келиннинг товонларидай
 тарсиллайди киш
 қора тортиб борар совук
 изғирин
 шаҳарда кишлаётган мусича
 болохона деразаси олдида
 кунишиб ўтирар
 жанубни кўмсаб
 негадир
 отликка йўқ жанубни
 топиб бергинг келар бечора қушга





ҚОР СОҒИНЧИ

корсирайди киш
 юрак оғриғидай босилмас
 қор соғинчи
 қарғалар қор сўраб бериши мумкин
 лекин Худонинг раҳми келар ховлисидаги
 сўнги зардолини ўтинликка
 кўзи қиймай ўтирган жўжабирдай оилага
 тезроқ кетгиси келар қишнинг
 сафари қаримай туриб ҳам
 бу ўлкалардан
 қиличини қайрагани уялади қиш
 камбағалнинг ховлисида
 ўчоқбошида
 сен эса
 қорни соғинасан
 эрмакка

ХОНТАХТА ШЕЪР

...тик оёқда ухлар хонтахта
 қўшдан ҳориб чиққан қирчанғидайин
 оёқлари зиркиллар
 бегона дарахтдан йўнилган оёқлар...
 ...энди у
 юкоёқлик қилар хотираларга...
 ...хонтахта туш қўради...
 ...тушларига киради
 хиёбонда дарахт қўланкасида
 суйишиб ўтирган йигит билан қиз...
 ...сал нарироқда
 ҳайкал шохсупаси бўм бўш турибди
 шахмат ўйнаётган битта ишқибоз
 йўқолган от ўрнига
 гугурт қутиси ҳаммас
 нос шиша ҳаммас
 ҳайкал қўйиб ўйнайди
 олдинги шашти йўқ ҳайкалнинг
 бостириб бормайди рақиби томон
 жилови тортилган отининг
 тўра ёки фил қуригандай
 рақиби
 уни ютиб олар пиёда билан...
 ...кўшни йўлакда
 ўзи сотган қизлар номусин
 бўйнига бармоқдай йўғон бир занжир
 қилиб таққан
 қўшмачи хотин





ЗИММА

мажхул

тиз чўкилмайди
 бўйин эгилмайди
 факат
 бўйинсунилар
 исталса нишон
 исталса лаънат тавқи
 исталса сиртмоқ
 осилар бўйинга

ОҒИР КУН

суггестия тажрибаси

оғир кунингни
 тарози палласининг
 тош босмаётган
 адолат томонига ташлагин
 газета устига бостиргин уни
 сўзни бостир оғир кун билан
 вазни йўқ сўзни
 тўзгитмасин вентилятор
 шамоллар
 кўзгалдоқдай гарди ёмон ғози йўқ сўзнинг
 кичима тоширар ё баданингга
 дамқисма қилар
 хавони тўлдирган сўзларнинг чанги
 3D принтерда
 оғир кундан ўзинг истаган кунни
 ясаб олмоқ учун асраб қўй
 анор пўстлоғи
 исфарак гули
 ёки индиго қўшиб
 бўёқ танлагин
 келгуси кунларни бўяб олмоққа
 истаган рангга
 оғир кунингни
 ҳеч бўлмаса лойдай пишитиб
 ўғлига мўғолда уй қураётган
 зибо чўпоннинг
 пахса деворига ишлатиб юбор



шаҳар тонги

шаҳидлар хиёбонида
тонг отиб келмоқда
бу ерда
тонг ёришмас
фақат отади
отаётган тонг
туннинг зулматидан
телеминора йўнар
хайкалтарошдай
дарахтларни ясаб ташлар бирма бир
қатор
ва қуш ясаб шаҳидларнинг арвохидан
дарахтларга қўйиб юборар
чиркиллатар қушчаларни
улар тонгни
куёшни уйғотар
тайёр бўлган оламга
куёш эниб келар телеминора
ва дарахтлар учидан тик
бўзсувдан юзини чайиб олмоққа

кетиш

йўлаклар ёқалаб кетмоқда
дарахтлар
ифторга айтилган чоллардай қатор
ёзнинг қоқ чилласида
қовушини пойгакка ечиб
хонақоҳга кирган қаландар мисол
илдизини ташлаб сарпойчан
кетиб борар
йўл бўлсин демас биров
йўли бўлмай қолган дарахтлар
кетиб борар
бошини олиб
хиёбоннинг панжарали тўсикларидан
ошиб ўтади сакраб
чиқиб олар юкмошинларга
миршабдан қочган мардикорлардай
гадонинг тўрваси янглиғ
хувиллаб қолади хиёбон



Бозингар

тушларни окизок килар анхорда
 желвак килиб илар телеминорани
 мошини калитига
 ёки селфи таёқ килиб ўйнар расмга
 тушмоқ учун даблдеккер ёнида

учокларни думидан тутиб
 қўйиб юборади ўтлоққа
 ниначи килиб

ангишвона килиб ўйнар гумбазларни
 остига сарой ё
 бирор хайкални қўйиб

ucell билан beelinening
 аркоғи бўш тўлқинларидан
 пули куйган обуначиларга
 докасимон яктак тўкиб берар
 жазирамада

ислох калимасидан
 сакич ясаб вафо атторнинг
 эшак аравасида
 болаларга бепул таркатиб юрар

бахор осмонидан булутларни
 бир бир йиртиб олиб
 мактаб ёнидаги қўшқда
 пахтақанд килиб пуллар
 устига шакар сешиб

дайди шамолни
 қўйиб юборади шаҳар кўчаларига
 ўйнаб хуморидан чиксин деб
 йиртиб шиору афишаларни

ёзни чиллага солар

мухолифларга
 куш тилидан сабоқ берар кун узунаси
 ўрганомай қолганларини
 лўли хотинларга калтаклатади
 шумланиб қолмаслиги учун раият
 қора мушукларни бирма бир тутиб
 бўяб чиқар
 фериуза рангга

бир тийинга олмас мақолни
 бозорга тегар
 полтергейст каби
 ўт кўяди олдинма кейин



хакиқатни
газет журналлардан битта қолдирмай
йиғиб олар ва
қўшниларга пуллар улгуржи
йўлдан урар хиёбонларни
ечинтирар шир яланғоч
сўнгра қарамай
ташлаб кетади

минора соатни клонлаб қўяр
варақлаб ўқийди битта нухада
чоп килинган
ким ёзгани номаълум
Ўзбекистон меҳмонхонасин

одам экар экинзорларга
одам ўрнига яйдоқ хиёбонларда
арчалар юрар дайдиб
тиланчилик қилиб
бир бир кириб чиқар маҳалладаги
ҳовлиларга ҳам
пул берган ким
бўз берган ким
канд курс берган ким

кўприқларни дарё устидан
йўл устидан ҳақлатар
юлдуз сиғмай
чўкаётган осмонга
тираб қўяр масжид минораларин
ақчадондай
ойни рўза тугилган
қунлар савоби билан тўлдириб борар

Кўнгиш ғашлиги

тўртта девордай
сикиб келаверар тўртта томондан
ҳали отини ҳам қўйиб олишга
улгурмаган кўнгиш ғашлиги
кузатиб ўтириб ғашликни
бехосдан унга
шакл бера бошлайсан
ёхуд
хона шаклида
ундан куб тарошлайсан
ва ҳаёлан ичига
уйсиз бирор талабани қўясан
ижарага ҳақ ҳам олмасдан





эртаси куни
 эшигингни қоқиб келар бирор мелиса
 кўшиларнинг чакуви билан
 энди ғашлигинг
 хавотирга айланади ундан ҳам баттар
 бузувга тушган
 уйдай бузилади хаёлинг
 ғашлик деворларини
 кўчиб кетаётган одамдай
 устма уст тахлаб
 аста четга олиб кўясан
 бекорчиликда
 дейлик итингга
 уйча ясаб бермоқ учун ҳовли четидан
 эртаси куни
 ўрикзордан сўраб келар бирор савдогар
 улгуржи олиб
 пулламокка ғашлик деворларини
 жон деб рози бўласан
 шукр килиб қутулганингга
 итинг уйсиз қолаётгани
 бошлаб келар бошқа ғашликни
 энди у
 бозорга ҳам етар
 итнинг уйига ҳам
 хатто осиб кўйса бўлар бемалол
 бирор музейга
 малевичнинг квадратай
 корага бўяб

Феъл

унинг феъли
 сувдаги аксига ўхшаб кетади
 унинг сувдаги акси
 жинчирокдай липиллаб турар
 шамол
 сувни лойқалантирар
 жинчирокни ўчирар
 феъл
 очқолган балик
 лойқа сувда питирлар
 ахён ахёнда
 раҳминг келиб сепасан унга
 бирор егулик
 ёки
 феъл
 ўчиб қолган жинчирокнинг пилиги
 аччиқ тутади



кўзларингни ёшлантирар қоронғиликда
 унинг тутуни
 ҳеч ким кўрмайди лекин
 балиқни ҳам
 кўз ёшни ҳам

уч битик

туш

тушларимга кирар тибет тоғлари
 учиб юрар эмишман ўша тоғлар узра марҳумлар билан
 кўлларим канот
 ҳайрон боқар эмиш тириклар менга
 учиб юрганымдан арвоҳ катори
 ҳаёт гўзал эди тушимда
 маъсумият коплаб ётар эди борликни
 тик қараб бўлмас экан ажабо
 майсаларнинг илохий кўклигига
 мовий поқлигига Қўқкўлнинг
 тоғлар қудсийлигин уйғотар тушлар
 тушларда нафсингу гуноҳ баробар
 қоннинг хотираси уйғонар
 ўнгга тошиб чиқар тушлардан
 қон хотираси
 тангри тоғнинг тикка зовлари
 ғов бўлади йўлимга
 ошиб ўтолмайман ундан учиб ҳам
 ҳатто тушлар бермас ўша имконни
 йўлларимни зов бўлиб тўсган
 нима эди
 қандай куч эди
 нечун учиради йўл бермай туриб
 ер бағирлатиб
 бу ҳам етмагандай марҳумлар билан
 бу чинҳайликларга
 бир шеър ёзмоқ ваъдасин бериб
 илҳом келишини кутиб яшаш гуноҳимикин

ўнг

қоннинг хотираси ўнгга тошади
 осмон илохийлашар
 тангриланиб боради тоғлар
 кўкаради турк калимаси
 ва кўлга айланиб қолар дафъатан





салорланар гоҳо калима
салор кизнинг ишвасида самарқандланар
олти юз йил наридаги ота юрт
самарқанд

СЎНГ

тўфон каби тинади сўнг қон хотираси
ўнганга қайта бошлар хуш ҳам бир нави
вожаб ўнганда
сокин таралади замзама
тибетликлар
махзун хониш килар жўровоз
қанот қокмай учаётган қушдай рақсга
тушар жуфт жуфт бўлишиб
кўлларини ёзиб охиста
ўзлари сиғинган
юксак тоғларга
осмонларга учиб чикмоқлик учун
осмон эса мезбон тоғларнинг
тутган косаси кўккўлга
кўл
оққушни ботирар ва унинг қанотларин
уч марта силкитар
будда учун
тоғлар учун
ва ер учун
осмон ерда юрар Тибетда

ҲУКМАТ

Бу дунё бир экинзордир, унда нима
эксанг, қўлингга ўшани оласан.

Юсуф Хос ҲОЖИБ





Ширин СОБИРОВА

1965 йилда туғилган. Урганч гидромелиорация техникумини тугатган. Унинг “Эзгулик голиб” номли шеърый тўплами нашр этилган.



Дилни ўртади фироқ

Вақт югурик,
Туткич бермайди.
Ундан ўтинаман:
“Шошмай тур, озрок!”
Вақт ортига қарамай ундар:
“Имиллама, тезроқ чоп!”

Сенсиз куним ўтмасин, дединг,
Менсиз йиллар ўтказдинг биров.
Балки, мени эсламадинг ҳам,
Дилни чунон ўртади фироқ.

Қайда бўлсанг, омон бўл, дедим,
Борлигининг ўзи кифоя.
Юрагимдан ююлмас ҳеч ким,
Ишқ ҳам топмас дилда ниҳоя.

Сукунатга чўмгандай дунё,
Оғир-оғир кечдилар куним.
Хаёл бўлур, бўлғуси рўё,
Сенсиз колди энди орзуим.

Рўмолчанинг учига
Ёзув битиб
Тикар қиз:
“Алп ўғлонга”.
Шамол учириб элтар.



* * *

Бир даста гул кўрдим кўлингда,
Учқунлабди севги дилингда.
Билмайсан, лек, бағрим тиглайсан,
Интизордим мен ҳам йўлингда.

Кечикдимми дилроз этолмай,
Балки, энди сира етолмай,
Териб юриб кучок гулларни,
Доғда қолсам сенга элтолмай.

Кетолмайман севгимдан тониб,
Айтай десам, юрагим ёниб.
Даста гулинг бағрингга босиб,
Сен борарсан гулдай товланиб.

* * *

Само билан туташ уй томон
Шошиламан –
Одимларим бир-бир кискарар.
Ана етдим-мана етдим-да,
Бизни кутишмайди, бизни элашар.

* * *

Азизим, кўй, чекмагин фирок,
Ғаму ташвишлардан бўл, йирок.
Ҳали сенинг имконларинг кўп,
Эртанги кун янгидир мутлок.

* * *

Ойу кундан қизғанавердим,
Олиб кетар сени йирокқа.
Раҳм билмас, билмайди шафқат,
Солиб кетар мени фирокқа.

Ошиқликми менинг хатоим,
Азобимнинг йўқ ниҳояси?
Севги эрур кўнгилнинг мулки,
Мезони бор, йўқдир баҳоси.

Дийдорга зор, меҳрга маҳтал,
Ҳижронларда кечар умримиз.
Бегонамиз – етишолмаймиз,
Соғинсак-да, бири-биримиз.



* * *

Дарахтларнинг соясида
 Беркиниб юрдим
 Офтобдан.
 Қайбир моҳтобдан.
 Офтобгинам,
 Аёзларда асрагин мени.
 Ҳозир эса хайр!
 Хайр!

* * *

Биламан, яқинда куз тамом бўлар,
 Бошланар аёвсиз кишлари.
 Изгирин совирса сарғайган жоним,
 Баҳор, менинг соғинч – тушларим.

* * *

Шаффоф тўсин ўртамизда,
 Шаффоф эшикни изла.



ҲУКМАТ

Маъдани инсон завҳари сўз гурур.
 Гулшани одам самари сўз гурур.

Алишер НАВОИЙ





АДАБИЁТШУНОСЛИК



Узоқ ЖҶРАҚУЛОВ

Филология фанлари номзоди. 1967 йилда тугилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати”, “Худудсиз жилва” ва “Назарий поэтика масалалари” номли илмий китоблари ҳамда кўплаб мақолалари чоп этилган.

“ХАМСА”ДА ИСКАНДАР ВА ХИЗР ОБРАЗЛАРИ

“Хамса”даги Искандар образи учун “Куръони Карим”да баён этилган Зулқарнайнг оид уч хусусида асос вазифасини ўтайди. Буларнинг бири фотиҳлик; иккинчиси одиллик; учинчиси, ҳар икки тушунчанинг негизда турувчи Оллоҳга яқинлик, илоҳий маърифат. Навоийдаги одил шох образи талқинида бу учлик навбатма-навбат айланиб туради ва бу доирада илоҳий маърифат тушунчаси устунлик қилади: “Аниқки, Биз унинг барча ишларидан хабардормиз – (уни) ихота қилиб олгандирмиз”¹.

Айни шаклда одил шох образ-тизимни ташкил этади. Тарихий-истиоравий хронотопта (макон-замонда) одил шох образини ҳаракатга келтиради. Асардаги Хитой, Ҳиндистон, Туркистон, Эрон сингари тарихий маконлар тизими Куръонда қайд этилган сифатлар билан уйғунлашиб, тарихий моҳият касб этади. Бу сюжет чизигининг “Қаҳф” сурасида баён этилган Зулқарнайн киссаси билан мос келиши (унинг дастлаб Мағрибга, сўнг Машриққа юриши, Яъжуж-Маъжуж куткусига қарши девор қуриши)² образнинг идеаллиги ва тарихийлигини таъкидлаши билан бир каторда, истиоравий қатламда универсаллашган одил шох ғоясини акс эттиради. Асардаги денгиз, уммон, сув ости хронотоплари эса исторавий қатлам салмоғини ошириб, уни тарихий қатлам билан тенглашувига олиб келади. Айни хронотоплар билан боғлиқ сюжет линияларида Искандарга валийлик, набийлик макомларининг берилиши, ундаги жаҳонгирлик, фотиҳлик хусусиятларини самовий маърифат контекстида умумлаштиради.

Навоий айни масала талқинида тарихий далилларни солиштириш усулидан фойдаланади. Искандарнинг набийлиги, валийлиги ҳамда сув остига сафари шариат, тарихий манба, мантик сингари уч мустақкам устунга асосланади. Бу борада ўзигача айтилган (Искандарнинг шиша идишда сув остига тушгани хусусидаги) мантиққа зид фикрларни “Вуқуъи топмас хирад эҳтимол...” мисраси билан инкор этади. Унингча, Искандарнинг сув остидаги сирларни кўриши, баъзилар айтганидек, техник ходиса эмас, балки ботиний-руҳий ҳолатдир. Искандарнинг оддий одамлар кўрмаган ум-

¹ Куръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.-Т.: Чўлпон, 1992.-18: 91-оятдан.

² Уша манба. 83-98.

мон сирларини кўришига сабаб ундаги Оллоҳга яқинлик, илоҳий маърифат, яъни нубувват чирогидир: Валоят макомида топти ўзин / Нубувват чароғи ёрутти кўзин... / Қаён бокти, кўрди неким бор эди / Анга борча махфий падидор эди...³ Навоий “Тарихи анбиё ва ҳукамо”да ёзади: “Мавлоно Мирхонд “Равзат ус-сафо”да Солиҳ а.с. зикридин сўнгра Зул-қарнайн Акбар киссасин битиб, мундок баён қилибдурким, аксар аҳли тарих Нух а.с.дин сўнгра ва Иброҳим салавот-ур-рахмон алайҳдин бурун Худ била Солиҳ а.с.дин сўнгра ўзга пайғамбар бўлмайдур дебдурлар. Аммо салтанатдин баъзининг каломи мунга машъардурким, бу мобайнида Зул-қарнайн Акбар нубувват мартабасига мушарраф бўлбдур... Бу фақир қаламига ул қобилият йўқдурким, аҳли тарих биткондин тахрир қилғай”.⁴ Буларнинг ҳаммаси “Хамса”даги Искандарга хос тарихий ва истиоравий хусусиятлар одил шох образига синтезлашганини кўрсатади.

“Хамса” образлар тизимида Искандар образи билан ёнма-ён келадиган етти ҳаким образи ҳам муҳим истиоравий вазифа бажариши билан аҳамиятли. Аммо етти ҳаким образи талқинида баъзи мунозарали жиҳатлар мавжуд. Аввало, улар “Садди Искандарий”да бир бутун тизим сифатида келади. Биринчи бошқасини такозо қилади, тўлдиради. Достонда Искандарга йўл-йўрик кўрсатувчи, қийин вазиятларда маслаҳат берувчи, ҳикмат айтувчи, дунё ва охирага доир масалаларда хулоса билдирувчи образ вазифасини бажаради. Айни пайтда уларнинг дoston сюжети-га киритилишининг туб сабаби Искандар образини тўлдиришидир. Искандар образисиз уларнинг барчаси маъно-моҳиятини йўқотади. Етилик тизим сифатида олиниши ҳам Искандар фотиҳлик йўлида забт этган етти босқич билан бевосита боғлиқ. Навоий мазкур босқичларни қуйидаги тартибда беради: 1) етти иқлимни қўлга киритди; 2) ер юзининг Искандар оёғи етмаган бирор бурчаги қолмади; 3) жаҳоннинг етти ўлкасида подшоҳлик тахт-салтанатини қурди; 4) етти денгизни фатҳ этди; 5) яъжуж-маъжужга қарши девор барпо этди; 6) коинот жисмлари, уларнинг ҳаракатларини ўрганиш учун “Устурлоб”, “Оинаи жаҳоннамо”ни кашф этди; 7) валийлик, пайғамбарлик мақомига эришди.⁵ Искандар бажарган ушбу ишларнинг барчасида мана шу етти ҳаким асосий ролни бажаради.

Масаланинг баҳсли жиҳати шундаки, мазкур образларга берилган исмларнинг барчаси (Сакрат, Платон, Гераклит, Пифагор, Аристотель ва ҳоказо) антик юнон маданияти вакилларига тегишли. Ушбу исмлар уларнинг шарқ дунёсига мослаштирилган ва айни тарзда машҳур бўлган номларидан айнан олинган. Воқеан, Навоий “Хамса”си ёзилгунга қадар араб, форс ва туркий дунёда бу номлар фақат халқ тилидаги афсона сифатида эмас, балки аниқ илмлар, фанларнинг билимдонлари сифатида таникли эди. Уларнинг асарлари Шарқ тилларига таржима қилинган, баъзиларига раддиялар, шарҳлар ёзилганди. Шу сабаб аксар тадқиқотларда Искандар, унинг отаси Файлакус ва юқорида номлари саналган етти ҳаким билан антик юнон маданиятининг тарихий вакиллари ўртасида боғлиқлик бор, деган фикрлар учрайди. Масалан, достонга берилган изоҳларда: “Искандар, Искандар Зулқарнайн – Шарқ халқлари адабиётида кенг тарқалган образ. Бу образнинг пайдо бўлиши тарихий юнон саркардаси Александр Македонский фаолияти билан боғлиқ. Искандар Куръоннинг сурасида эсланган Зулқарнайнди” ёки “Сукрот, Сакрат (мил.ав. 470 (469) – Афина – 399) – қадимги юнон файласуфи” деган сўзларни ўқиймиз.⁶

Ҳолбуки, Европа тарихчилари асарларида келтирилган Александр Македонский-

³ Алишер Навоий. МАТ. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий. -Т.: Фан, 1993.-Б. 510.

⁴ Ўша манба. Ўн олтинчи том.-Т.: Фан, 2000.-Б. 109-110.

⁵ Қаранг: Алишер Навоий. МАТ. Ўн биринчи том. Хамса. Садди Искандарий.-Т.: Фан, 1993.-Б. 414-418.

⁶ Ўша манба. -Б. 597; 623.

нинг “Қуръони Карим”да киссаси берилган Зулкарнайнга мутлако алоқаси йўқ. Бу икки ном ва уларнинг фаолиятлари ўзаро солиштириб бўлмайдиган даражада фарқ қилади. Биринчидан, Зул-қарнайн “Қуръони Карим”да Оллохнинг солиҳ бир бандаси сифатида тилга олинади. Унга хос исломий табиат, ёлғиз Оллохга бўлган имон, сидқ макталади. Плутарх асарида эса Искандар тилидан шоҳ Филиппга қарата айтилган шундай сўзлар келтирилган: “Зевс номи билан қасам ичманки, отнинг пулини тўлайман”. Бу далил икки Искандарнинг эътиқод нуктаи назаридан икки кутбга мансублигини кўрсатади. Иккинчидан, Александр Македонский биографияси “Қуръони Карим”даги Зул-қарнайн биографиясига ҳеч жиҳатдан мос келмайди. Учинчидан, Македонскийнинг тарихий фаолияти, фатҳ этган ўлкалари Зул-қарнайн фаолияти ва фотиҳлик ишларининг ўндан бирига ҳам тенг келмайди ва ҳоказо. Қолаверса, булар фикримиз тасдиғига хизмат қиладиган мисолларнинг энг машхурлари, ҳолос (бундай мисолларни ўнлаб келтириш мумкин). Қолган етти ҳаким ҳақида ҳам бу борада ўнлаб қиёсий таҳлиллар, далиллар келтириш мумкин.⁸ Аммо бу ўринда батафсил солиштира таҳлилнинг имкони ҳам, зарурати ҳам йўқ, деб ўйлаймиз. Мухими, юнон файласуфлари Навоий асарлари учун тарихий прототип эмас, бор-йўғи исм-истиора вазифасини ўтаганини таъкидлашдир.

Навоий Шарқ маданий дунёсида машхур юнон файласуфлари, уларнинг ижодий мерослари ҳақида старли маълумотга эга бўлгани аниқ. Аммо эътиқоди, дунёқараши, бадий-концептуал нуктаи назарига кўра бундай тарихий шахсларни “Хамса” образлар тизимига киритмади. Етти ҳаким масаласида эса фақат исмлардан унумли фойдаланди, ҳолос. Бошқа жиҳатдан уларни дostonдаги етакчи образ – асоси “Қуръони Карим” бўлган Искандарга мослаштирди. Шу тушунчага мос характер, ички ва ташқи қиёфа, ҳаракат ва нутқ (мулоқот) тизимини ишлаб чиқди. Уларни мутлоқ истиоравий образга айлантди. Юрий Боревнинг фикрича, образ мукамаллигининг муҳим шарти унда уч нарсанинг мужассам бўлишидир: а) метафориклик; б) ассоциативлик; в) парадоксаллик. Бу жиҳатлар ягона образда аксланар экан, улар ўртасида аниқ, тизимли муносабат вужудга келади. Натижада, мукамал образ туғилади.⁹ Шу маънода Навоий етти ҳакимининг асоси Искандар образи ва унга асос ўлароқ талкин этилган “Қуръони Карим” киссасидир. Улар худди шу сифати билан тарихий юнон файласуфларига, шунингдек, тарихий Александр Македонский шахсиятига ҳам парадоксал позицияда туради. Айни пайтда, тарихий онгда мавжуд шахсларга нисбатан хира ассоциация уйғотади. Уларнинг бир ёки бир неча образларда мужассамланиши эса поэтик истиоравийликини таъминлайди.

“Хамса”нинг бошқа дostonларида ҳам учрайдиган Сухайло, Сукрот, Афлотун, Арасту сингари образлар ҳам том маънода истиоралаштирилган образлар ҳисобланади. Дейлик, Сукрот “Садди Искандарий”да ҳаким, раҳнамо, олим сифатида кўзга ташланса, унинг “Фарҳод ва Ширин”даги бадий вазифаси ғайриоддийлиги, эзотерик унсурларга бойлиги билан Хизр ва Сухайло образлари вазифасига ўхшаб кетади. Умуман, ушбу образлар “Хамса” образлар тизимида соф истиоравийлиги билан бошқа образлардан ажралиб туради.

Хизр (а.с.) эса “Хамса”даги ҳомий ёки йўлбошчи образи вазифасини бажаради.

⁷ Плутарх. Сайланма. Искандар Мақдуни. Подшоҳлар ва саркардаларнинг хикматли сўзлари. Келин-куёвларга насиҳатлар. Таржимонлар: Зоҳир Аълам, Урфон Отажон.-Т.: Янги аср авлоди, 2006.-Б. 13.

⁸ Қаранг: Саъдулла Йўлдошев ва бошқ. Қадимги ва Ўрта аср Ғарбий Европа фалсафаси: Олий ўқув юрларининг фалсафа ва ижтимоий-сиёсий фанлар факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма. Маъсул муҳаррир Р.Жумаев.-Т.: Шарқ, 2003; 96 мумғоз файласуф. Тўлшови ва таржимон: Саида Жўраева.-Т.: Янги аср авлоди, 2009.

⁹ Қаранг: Борев Ю. Введение в эстетику.-М.: Советский художник, 1965.-С. 147-150; шу муаллиф. Эстетика.-М.: Издательство политической литературы, 1981.-С. 154-156.

Ора йўлда қолган, калаванинг учини топа олмаган қаҳрамонга йўл кўрсатади, керак бўлса, хомийлик қилади. Қаҳрамоннинг ақли етмайдиган тилсимларни очишга ёрдам беради. Душмани билан курашишга қўмақлашади. Хизр алайхиссалом шахсининг реал тарихий асосга эгаллиги, биринчи навбатда, илохий китобларда келган маълумотлар орқали собитдир. Бу жараён биз номини биладиган тўрт илохий китобдан олдин ҳам турли нақлларда (сахифалар, ваҳийлар) ўз ифодасини топган. Кейинчалик илохий нақл моҳияти ижтимоий-сиёсий, руҳий маънавий эврилишлар юз берган босқичларда бузилиб, улар дастлаб миф ва афсоналарга, бора-бора эпос, эртақ, халқ киссаларига сингиб кетган. Хизр образининг фольклор ва жаҳон халқлари ёзма адабиётига кириб келиши кўпроқ миф ва фольклор билан боғлиқ. Бу образ гоҳ номини, гоҳ бадийи функциясини, гоҳ позициясини ўзгартирган ҳолда асрлардан-асрларга ўтиб, яшаб келяпти. Аммо унинг замонлар оша сақлаб келаётган уч хусусияти борки, улар ҳеч қачон ўзгармайди. Ҳатто шу уч хусусият образнинг адабий жараёндаги яшовчанлигини таъминлайди. Булар Хизр образига хос ғайриоддий билим, абадий ҳаёт ва жаҳонгашталиқдир. Жаҳон адабиётида мана шу хусусиятлардан бири, иккитаси ёки ҳар учаласига эга бўлган образлар тизими ҳам кузатилади. Бу эса Хизр шахсияти ва Хизр образининг адабиёт тарихининг турли босқич ва даврларида ижодкорларга илҳом берганини кўрсатади.

Тадқиқотчи Олимжон Давлатов Навоий асарларида Хизр тимсоли ҳақидаги мухтасар ишида Василий Бартольд, Михаил Пиотровский, Наталия Пригарина, Шорустам Шамусаров сингари олимларнинг айна тимсол генезисига доир фикрларидан иктибос келтиради. Шу ўринда айна масала хусусидаги уч хил қараш намоён бўлади: а) Хизр тимсоли исломгача бўлган мифологик тафаккур маҳсули эканлиги (Бартольд); б) бу тимсолнинг тўғридан-тўғри эрон мифлари билан боғлиқлиги (Пиотровский, Пригарина); в) Хизр тимсолининг ислом мифологиясига алоқадорлиги (Шомусаров). Тадқиқотчи айна қарашларга муносабатини қуйидагича ифодалайди: "Мусулмон Шарқда Ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган Хизр ҳақидаги қарашлар ва унга нисбат берилган ҳислағлар, асосан, Куръон ва тафсирилар негизида шаклланган десак, ҳато бўлмайди. Назаримизда, юқорида кўрсатилган манбалардан ташқари, *Хизр ва оби ҳаёт афсонасининг шаклланишида Каҳф сурасининг 63-оятти ҳам муайян роль ўйнаган...*" (таъкид бизники – У.Ж.).¹⁰ Аввало шуни қайд этиш лозимки, алоҳида пунктлар тарзида таснифлаб кўрсатганимиз уч қараш фақат зоҳирий шаклига қўра тўғрига ўхшайди. Чунки ҳар тўртгала олим Хизр образи генезиси ҳақида фикр юритишар экан, масаланинг асл моҳияти ёки образнинг туб илдиэларидан келиб чиқишмаган. Балки уларнинг ҳар бири ўзлари учратган, ишонган, тадқиқот объекти сифатида ўрганган манбаларинигина Хизр образининг генетик асоси сифатида кўрсатганлар. Дейлик, Бартольд бу образ генезисини қадим шумер эпоси "Билгамиш"га, Пиотровский ва Пригариналар эрон мифологиясига, Шомусаров эса "Қисаси Рабғузий"га боғлайди. Ҳолбуки, гап генезис масаласига бориб тақалар экан, унга доим типология ҳодисаси "ҳавф" солиб туради. Яъни бир манбада учрайдиган сюжет, мотив, образ ёки деталнинг бошқа бир, ундан-да қадимийроқ манбада ҳам учраб қолиши биринчи манба қийматини кескин тарзда тушириб юборади. Қиёсий-типологик методнинг ўзи ҳам, агар чуқурроқ қараладиган бўлса, илк манба масаласида боши берк қўчага кириб қолади. Даврлар, сиёсатлар, салтанатлар, тамаддунлар эврилиши тарихий-материалистик ёндашувларнинг аксариятини йўққа чиқарувчи қўринмас куч бўлиб хизмат қилади.

Теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, В.Бартольд қайд этган шумер афсо-

¹⁰ Давлатов О. Алишер Навоий асарларида Хизр тимсолининг талқини // "Алишер Навоий ва XXI аср" мавзuidaги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. -Т.: Тамаддун, 2016. -Б. 120.

налари мелодий йил хисобидан 45-50 аср, эрон мифологияси 20-25 аср фарк килади. “Қисаси Рабғузий” эса мелоднинг XIII-XIV асрларига тўғри келади. Шу кетма-кетликдан келиб чиқиб, илк манба сифатида шумер афсоналарини қабул киладиган бўлсак, шумерлар уни Нух пайғамбарга хос баъзи сифатлар билан синтезлашган тайёр образ сифатида қаёқдан олдилар, деган савол пайдо бўлади. Айни пайтда Хизр (а.с.) тимсоли генезисини шумерга хослаш, яна бир ечимсиз муаммони – қадим эрон мифологиясининг шумер маданиятидан нималарни ва қай йўсинда ўзлаштирганлари ҳақидаги муаммони кўндаланг кўяди. Бу масала, бизнингча, ҳали-ҳамон бирор адабиётшунос, маданиятшунос томонидан айни тарзда кўйилган, тадқиқ этилган эмас. “Қисаси Рабғузий” масаласининг эса жавоби осон. Ислом мухитида яшаган Рабғузий “Қуръони Карим”даги қисса, ривоят ва ҳикоятларни бироз бадиийлаштириб таснифлаб чиққан, ҳоло.

Аммо шумер афсоналарида мавжуд Хизр образи “Қуръони Карим” матнига қандай кириб қолди? Пайғамбаримизга (с.а.в.) нозил қилинган, энг росттўй, энг билимдон саҳобалар томонидан жамланган, юзлаб дин олимлари томонидан ўрганилган, шарҳ ва тафсир қилинган “Қуръони Карим”га кўпхудолик тафаккур тарзи ҳукмронлик қилган шумер манбасидан бирор унсур ўтиши мумкинмиди? Умуман, “Қуръони Карим” саҳифаларида мифга ўрин борми?

Албатта, йўк. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Шундай бўлгач, Ш.Шомусаров томонидан қўлланиб, Олимжон Давлатов ўз фикрларига дастак ўлароқ қабул этган “ислом мифологияси” истилоҳи мутлақо хато тушунча. Негаки, Яратган нозил этган сон-саноксиз китоблар ичида бузилмагани фақат ва фақат “Қуръони Карим”дир. Мифология ёки миф истилоҳи эса бузилган китобларнинг қолдиқлари (тақрибан “Гита”, “Дхарма”, “Дао”, “Авесто” сингари), уйдирма, афсонага айлантирилган илоҳий ахборотларга нисбатан ишлатилади. Шундай экан, на шумер, на эрон мифологиясининг Навоийдаги Хизр образига ҳеч бир алоқаси йўк.

Олимжон Давлатов ислом шарқи адабий манбаларида мавжуд Хизр тимсоларининг асоси “Қуръони Карим”да эканини тўғри қайд этган. Аммо генезис масаласига қўл уриб, турли ноўрин қарашларни келтирар, уларга жузъий муносабатини билдирар ва уларни мазкур фикри билан боғлар экан, ўзининг ҳаққоний ҳулосасини инкор этиш даражасига боради. Чунки “Қуръони Карим” шумер ва эрон мифологиясидан замон ўлчовига кўра кейинроқ нозил этилгани боис, Олимжон Давлатов талқинидан миф бирламчи, дин ва диний китоблар иккиламчи тарзидаги марксча-моддионча ҳулоса келиб чиқади. Ҳолбуки, инсон яратилган илк даврлардаёқ нақл (илоҳий кўрсатмалар, ахборотлар) пайдо бўлган. Сабаби ер юзидаги илк ҳаётини бошлаётган одам янги дунё жумбоқларига фақат ақли билан ечим топа олмас эди. Кейинчалик турли ҳажмдаги саҳифалар, китоблар тарзида бу нақллар янгиланиб турди. Одам (а.с.) фарзандларининг кўпайиши, турли миллатларга бўлиниб кетиши, рўй берган ва бераётган ҳар хил ҳодисаларни тўғри англаши учун нақллар ҳам, мазмун ҳам ҳажм жиҳатидан кенгайиб борди. Асрлар ўтиши билан нақл таркибида Одам авлодларига оид ривоятлар, қиссалар, ноёб ахборотлар кўпая бошлади. Хизр алайҳиссалом ҳақидаги ахборот ҳам айни жараённинг меваси бўлиб, бу шахс таваллуд топган давр Нух (а.с.) тўфонидан олдинги асрларга тўғри келиши эҳтимол. Шумер эпоси сюжетига кўра Билгамиш Хизр (а.с.) сифатларига эга Утнапиштим билан тўфон ҳақида суҳбатлашади.¹¹ Демак, Хизр ҳақидаги нақл (илоҳий ахборот) шумерлар пайдо бўлгунига қадар ҳам мав-

¹¹ Каранг: Афанасьева В.К. Гильгамеш и Энкиду. Эпические образы в искусстве. -М.: Главная редакция восточной литературы, 1979.-С. 110-120.

жуд экан. Биз бу образга ўхшаш истиоравий нусхаларни ҳинд эпоси "Рамаяна" ва "Махабхарата"да ҳам учратамиз. "Рамаяна"даги барча бўладиган воқеалар моҳиятини билувчи Рам, "Махабхарата"даги абадий умр соҳиби, ғайб илмининг билимдони, ҳар жойда ҳозир у нозир Кришнада Хизрга хос сифатларни кузатамиз. Антик юнон эпоси "Одиссея"да бош қаҳрамон кимсасиз бир оролда абадий умр билан жазоланган бир чолни учратадики, буларнинг ҳаммаси миф, афсона ва эпослар таркибига фақат илоҳий нақл воситасида ўзлаштирилган. Географик жиҳатдан анча олис жойлашган, ўрталарини денгиз, тоғу ўрмонлар ажратиб турган, ўтмишда ҳеч қандай маданий алоқага киришмаган миллатлар фольклорида бундай ўхшаш образларнинг учраши илоҳий нақл манбаининг ягона экани тўғрисида аниқлиқ берилади. Зотан, самовий ахборот (нақл) учун ҳеч қандай миллат, элат, тил ва маданият ўзгалиги, ҳеч қандай географик нуқулликлар тўсиқ бўла олмайди.

Авалло, Хизр образининг тарихий омиллари масаласи қўйилганда катъий суратда икки манба – "Қуръони Карим" ва Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларига таяниш Навоий ижодий методи асосларини тўғри белгилашга олиб келади. Ушбу манбалардаги маълумотларга кўра, Хизр деган шахс реал тарихда мавжуд. Аммо унинг қачон ва қаерда таваллуд топгани, кимнинг фарзанди экани номаълум. Чунки бу ҳақда ишончли манбаларда бирор маълумот берилмаган.

Иккинчидан, Хизр – улкан билим соҳиби. "Қуръони Карим"даги "Бас, бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз даргоҳимиздан раҳмат (яъни пайғамбарлик) ато этган ва Ўз хузуримиздан илм берган эдик", ояти бунга далил диди.¹² "Ал жомий ас-саҳих"да эса шундай келади: "Убай ибн Каъб Расулulloҳдан (с.а.в.) шундай ривоят қилган эканлар: "Бир маҳал Мусо алайҳиссалом Бану Исроилга мансуб бир тўда одамлар орасида (хутба) қилиб турган эдилар, бир киши келиб: "Сиз ўзингиздан кўра билимдонроқ бирор одамини билурмисиз?" деди. Мусо алайҳиссалом: "Йўқ (билмайман)", дедилар. Шунда Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга: "Албатта, бизнинг бандамиз Хизр (сиздан билимдонроқдур)", деб ваҳий юборди..."¹³ "Фарҳод ва Ширин"да Хизр алайҳиссаломга хос бу сифат қаҳрамонга устозлик қилиб, тилсим сирларини ўргатувчи ҳомий ўлароқ истиоравийлашган шаклда кўчган. Достоннинг XXIV бобида Фарҳод ҳазрати Хизр билан учрашади. Бу учрашув тасвирида Навоий Хизр образи моҳиятини мукаммал поэтик комплекс тарзида жонлантиради. Ушбу комплекс декорацияси шундай қисмларни уйғунлаштирган: ям-яшил ўтлоқ, унда бир зилол булоқ, булоқ бўйида бўйи осмонга туташ ям-яшил дарахт, дарахт остида сухбатлашаётган Хизр билан Фарҳод.¹⁴

Учинчидан, Хизр саодат ва мурод йўлини кўрсатувчи пир, жаҳонгашта йўлбошчи. Хизр образига хос бу функция Фарҳод билан бўлган мулоқотда ҳам акс этади: Мени Хизр англаким, туттум йўлунгни / Ки, то бу йўлда тутқойман қўлунгни... ("Ф.Ш.", 163-бет) дейди унга қарата Хизр. У Фарҳодга кейинги синов босқичлари харитасини ўта мукаммал тарзда (неча қадамлиги-ю, қаерда бурилиш, қаерда дарвоза, қаерда эшик, қаерда туйнук борлигига) баён этади. Ҳали босиб ўтилмаган йўл Фарҳодга Хизр воситасида аён бўлади. Фарҳод шу йўл орқали маъшуқа висолига эришади. Гарчи, бу йўлни зоҳиран Хизр йўлдошлигида босиб ўтмаган бўлса ҳам, ботинан у билан бирга ҳаракатланади

¹² Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур.-Т.: Чўлпон, 1992.-18: 65.

¹³ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-жомий ас-саҳих. 2 жилд.-Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1996.-Б. 426.

¹⁴ Алишер Навоий. МАТ. Саккизинчи том. Хамса. Фарҳод ва Ширин.-Т.: Фан, 1991.-Б. 163.

(у берган таълимга кўра йўл босади, "исми аъзам"ни тилидан кўймайди). Хизр Фарходга оғзаки чизиб берган йўл тасвири шундай: икки томони тошлоқ йўл, узунлиги ўн икки минг кадам. Ўн бир минг кадамдан кейин тош девор келади, у ерда бир нар шер боғланган. Шер ҳамла қилганда Сулаймон узугини наъра тортаётган оғзига отилса, у ўлади. Бундан ўтиб тўккиз юз кадам юрса, олдида тоштахта чиқади. Тоштахтани тепса, қалъа дарвозаси очилади. Қалъада унга ичида ўт ёниб турадиган, қўлида ёй ушлаган темир одам қарши чиқади. Темир одамга юз кадам масофасида якин келиб, кўкрагидаги ойнани нишонга олса, Искандар тилсими очилади.

Ушбу Фарход Хизр учрашуви хронотопида, Хизр тилидан ретроспектив усулда хикоя қилинган бир манзара келади. Бу Искандар ҳақидаги манзара бўлиб, унда Хизрнинг Искандар билан зулмат водийсига сафар қилгани, у ердан ҳаёт сувини топгани, йўлдошига фотиҳлик ва туганмас хазина, Хизрга эса абадий ҳаёт насиб этгани ҳақида гап кетади: Сув истаб ул кўп урди ҳар тараф гом / Ва лекин етти ул сувдин манга ком... Мана шу жойда Хизр образининг учинчи сифати – боқий ҳаёт соҳиби экани майдонга чиқади. Бу эпизод бир жиҳатдан иккинчи ва бешинчи дostonларни семантик жиҳатдан синтезлайди; иккинчидан, ҳамсачилик силсиласида мавжуд ҳаёт суви эпизодини давом эттиради; учинчидан, Хизр образи истиорасини ташкил этувчи энг муҳим сифатни таъкидлашга хизмат қилади.

Умуман, Навоий "Хамса"сида Искандар ва ҳазрати Хизр образлари ўзининг манбавий асослари, асар образлар тизимида бажарадиган бадиий вазифаси, поэтик тасвирланишига хос улкан хронотоп майдонига кўра бир-бирини тўлдиради. "Хамса" бадиий концепциясини ёритишда муҳим ўрин тутади.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Алишер Навоий "Хамса"сидаги Искандар ва ҳазрати Хизр образлари таҳлил этилган. Айни образлар талқинига оид баъзи фикр-мулоҳазалар илгару сурилган.

В данной статье автор анализирует образы царя Искандера и святого Хызра – героев поэмы Алишера Навоий «Стена Искандера» и вместе с тем, выдвигает свои взгляды относительно некоторых трактовок этих образов.

In this article the author analyzes the images of the king and saint Khyzra Iskander – the heroes of Alisher Navoi's poem "The Wall of Iskander" and at the same time, puts forward his views on some of the interpretations of these images.

Кенгесбой КАРИМОВ

ОҒАБИЙ

Роман¹

6

Сахро қумларини киздираётган кўклам қуёши пешиндан оғса ҳам тепаликда тўшалган тўнининг устига чўзилган Қулчи бий ўрнидан қўзғалмади. Бий имкони бўлганда қазо қилмайдиган пешин намози вақти ҳам ўтиб кетди. Бўтабойнинг қорни очкади. “Бий ухлаб қолдим, уни уйғотсаммикан?” деб иккиланиб турди, бироқ халал беришга ботинмади. Хуржунда озик-овкат, ичимлик бор эди, аммо Бўтабой бийдан аввал товоққа қўл чўзишга ўрганмагани учун унга тегмади. “Оқшом кашқирларнинг хужуми туфайли уйқуси чала қолганди”, деб бойланган отларни сал нарирокка жилдириб, тўнини кумга тўшаб ўтирди. Кутишдан бошқа иложи қолмади.

Қулчи бий ухлаш тугул киприк ҳам қокмаганди. Кетма-кет тизилган оғир ўйлар қарвони осмонда кезган булутлар каби кети узилмас, уларнинг ҳеч бири бийнинг руҳини тетиклаштира олмас, аксинча, хаёлга ўқинч ва қайғу келтирар эди. “Эр бошига кун туғса, этик билан сув кечар” деганлари шу экан-да, деб ўйлади. “Ақсуватни ташлаб кўчиш қимнинг ҳам хаёлига келибди. Тўриққашқа билан Тўласиннинг ўлими, сўнгра Тогаберган, ундан кейин ҳам талай воқеалар бўлиб ўтган эди...”

Пастда от ўқранди, бийнинг ўйлари бўлинди. “Ким келган экан? От нега ўқранди?” деб бошини кўтариб, пастга қаради.

Бектемир келган, отлар Темир кўкни қўриб, ўқранган экан. “Олиса бўлса кишнашган, яқинда бўлса тишлашган” деб бекорга айтишмаган. Бу уч айғир бир жойда турса, тишлашиб, тепишиб, тинчишмас, бир-бирини нари-бери қиларди. Энди бир-бирини кўрганда жигар-бағри узилиб искашишларини, эгиз болалардек қувонишларини қаранг.

Бектемир отдан тушди. Бийнинг бош кўтарганидан унинг уйғоқ эканини билса ҳам, ёнига қақирмагунча кутди, тепага чикмади.

– Ҳа, Бектемир, жой излаб юрибсанми? – деди бий ўзининг уйғоқ эканини билдирмоқчи бўлгандек.

– Навбатдаги кўнишга қулай ўрин излаб юрибман, – деб қичқирди Бектемир.

– Берман қара. Мен турган жойдан кўра қулайроқ ерга кўзинг тушдими? Тушган бўлса айт, – бийнинг товуши қувнок эшитилди.

– Бир-иккита тепани қўриб эдим, молимиз билан уйимиз жойлашишга қичқилик қилади-ёв, деб ўйладим.

– Унда бу ёкка чикинлар. Бўтабой, бўқтирғидаги² хуржунни ола кел.

Хуржунлар ва от жобувларини кўтарган икки йигит тепанинг бошига чиқди. Бу ерда кўкламнинг ҳузурбахш шамоли эсиб турар эди. Бектемир қумнинг устига отнинг жобувини тўшади. Бўтабой хуржуннинг оғзини очди, сургўшт ва

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

² Бўқтирғи – от эгари орқасидаги жой.

ичимлик олиб ўртага қўйди, учовлон жим овқатланишди. Зеренларга³ қуйилган салкин ичимлик чанкокни қондирди.

– Менимча, қоронғи тушмасдан туриб, кўчни шу тепаликка жойлаштири-са бўлади, – деди бий Бектемирга қараб. – Уйлар ва қўшларни бир-бирига яқинлаштириб, айлантириб тикинлар. Молларни ўртага оламиз. Иложи бўлса, пастдан саксовулларни синдириб келиб, молларнинг теварагини четан тўсиқ билан ўраб чиққан маъқул. Кечаги бўрилар галаси бугун тинч ётади деб ўйламанг асло. Гулхан ёқиш учун ўтин ғамлашни унутманг.

– Хўп бўлади, – деди Бектемир. Бу ерда икки-уч кун қўниб қолармиз. Қўйлар қўзилай бошлади.

– Бу ерда икки-уч кундан ортиқ қолиш хатарли. Кун исий бошлади. Мабодо, ёмғир ёғмаса, қўлмакнинг суви қуриб қолади. Шунинг учун қўлмакнинг сувига ишонмай, дарёга яқинлашиб боравериш зарур. Чамамда, Ақчакўлга қадар ўн-ўн беш кунлик йўл бор. Ундан ўтгандан сўнг яна уч кун кўчсак, Қипчоққа етамиз, иншоолло. Қолган йўлда дарёни бўйлаб юраверамиз. Унгача қўйлар қўзилаб бўлади, кунлар ҳам исиб кетади. Мана бу чўлнинг ўт-ўланлари ҳам қовжираб, молнинг оғзига илинмай қолади.

Бу пайтда ким туяга, ким отга, ким эшакка юк ортган кўчнинг боши кўринди.

– Бўтабек, – деди бий отбоқарига юзланиб, – Бийбичага айт, ўтовни мана шу биз ўтирган ерга тикаверсин. Қолганлар мен айтганимдек саксовулдан четан девор ясаб, айлантириб уй тикинлар.

– Хўп бўлади.

– Энди боринлар. Кўчни қўндиришга бош-кош бўлинглар.

Бектемир учун яна ташвишли кун бошланди. Олдинда бўрилар галаси билан курашнинг иккинчи оқшоми кутиб турарди. У қандай кечади, ҳозирча ёлғиз Худодан бошқа ҳеч кимга аён эмас. “Сақлансанг, сақларман” деган. Шунинг учун ғафлатда қолмаслик керак. Минсанг, қўлик-уловинг, есанг, томоғинг, элнинг хазинаси ва бойлиги бўлган молни кўриқлаш, уни чўл йиртқиқчларига, оч бўриларга олдирмаслик учун керак бўлса, чибин жонни гаровга қўйиш зарур. Ҳа, шундай қилиш зарур. Дехқончилик қиладиган ери йўқ, боғи йўқ, молидан бошқа бойлиги йўқ сахро халқи мол бошининг омонлиги учун бўрими, бошқа ёввойи хайвонми, дуч келган махлуқ билан юзма-юз олишувга ҳамиша тайёр туриши даркор.

Кун пешиндан оғиб, ботишга энгаша бошлаганда кўчнинг олди баланд тепанинг этагига етиб келиб юкларни тушира бошлади. Дастлаб Бўтабой кўрсатган жойга бийнинг ўтови қурилди. Бектемирнинг айтган тартиби бўйича бошқалар ҳам ким жўлим уйни, ким кўшини тиклашга киришди. Бийниқидан бошқа йирик қорамол, йилки, туя, қўй-эчкилар подаси бир бўлди. Кимнинг ўн-ўн беш бош қорамоли, кимнинг йилкиси, бир-иккита туяси, йигирматача қўй-эчкиси бир ерга жамланиб, ҳар бири бир пода мол, бир уюр йилки, бир сурув қўй дегандай тўда-тўда бўлиб йиғилган, мол эгаларининг бири хизматкор ёллаган, бошқаси ўзи кўриқлаган эди. Шу сабабдан икки юзга яқин хўжаликнинг кўчига подани кўриқлаш билан банд бўлган эркаклар ҳам, аёллар ҳам талай эди. Хуллас, кўп вақт ўтмай баланд тепанинг усти бус-бутун бир овулга айланди. Бу дунё юмушларининг қизигини қаранг, қуш учса, қаноти толадиган кенг майдонда тикилган қўш кафтдеккина ерни эгалласа ҳам ўз кўшини тиклаш учун жой талашганлар ҳам топилади. Қулман чўпоннинг қора кампири ичида алланарсалари бор бўғжомани орқалаб, дастлабкиларидан бўлиб терлаб-пишиб тепаликка кўтарилди. Бийнинг буй тиклаётган ўтовни ёнига бўғжомасини қўйди. Ҳансираган кампир бироз

³ Зерен – сўмоқлик қўйқладиган адиб.

ўпкасини босиб олгач бошқа нарсаларни ташиб келтириш учун пастга тушди. Уй-рўзгор буюмларининг қолганини орқалаб, бундай пайтда юк ташишга ёрдам бермайдиган эри Қулман чўпон ва қўй бошида юрган болаларининг йўқлигидан нолиб, манглайи ерга тегиб, эмаклаб юргандек тепага чикиб қараса, қўйиб кетган бўғжомаси жойида йўқ. Унинг ўрнида бошқа, бировнинг нарсалари турибди. “Ким экан у бировнинг белги қўйиб кетган жойини эгаллаган? Ким у?” Шундай гаплар хаёлига келди-ю, лоп этиб тилига кўчди ва тепаликни бошига кўтариб кичкира бошлади.

– Мана бу ер ютгур кимнинг нарсаси? Илоийм исқотига буюргурни ким қўйиб кетди бу ерга? Мен манглайим ерга тегиб, қўшимни шу ерда тикаман деб, шу жойни уч марта тепиб қўриб, белгилаб кетгандим-ку. Менинг бўғжомам қани? Ит олдими, қуш олдими? Мана бу эгасиз қолгур нарсаларнинг эгаси ким?

Ҳеч ким жавоб бермади. Бу нарсаларнинг эгаси ҳам Қулманнинг қора кампирига ўхшаб елкасидагини қўя сола навбатдаги буюмларни олиб келиш учун пастга кетган. Тўлагина қора бола “Йўлнинг ўртасида туриб, бошқаларга халал бермасин” деган фикр билан ўртароққа суриб қўйган эди.

Қора кампирнинг лаби лабига тегмас, олиб келган юкининг устида ўтириб, кўч азобларидан кўрган кийинчиликларини тили орқали жар солиб, кимдандир аламини олар эди.

– Бийга қўшни қўниш биздай чўпон аёлига лойик кўрилмабди-да? Ҳай, Худо ургур. Қани қаёқдасан? Бери кел, яширинма. Ҳеч бўлмаса, мана бу мулкингда эгалик қил. Менинг бўғжомамни топиб бер.

Унга жавоб кайтаргучи киши топилмади. Одамлар ўз юмушлари билан машғул. Қулманнинг аёли эса юрагидаги дарду ҳасратларини тили орқали тўкиб ташламоқчи бўлар, бироқ кўкраги енгил тортишнинг ўрнига баттароқ дарду ҳасратга тўлар эди.

– Ана, эр бўлиб, бола бўлиб шундай кунда дардингда ярамаса, ёнингни олмас. Ҳаммаси то тонг отгандан кун ботгунча қўйнинг орқасидан юради. Қоронғида хориб-чарчаб келишади. Яна бўри деган бир бало чикди, туни билан киприк қоктиргани қўймайди. Қолган ишнинг барчаси менинг муштдайгина елкамга миниб олган.

Энди бундан бу ёғи ўзига ўхшаб уй тикиб, болалари ва эрлари учун ош-овкат тайёрлаш ташвишига тушган аёллар кўриб гурунглашгудек бир гап бўлиб қолди. Овулнинг ҳамма аёллари банд бўлишига қарамасдан ҳаттоки беш қадам нарида уй тикаётган бийнинг бийбичаси ва унга ёрдамлашаётган Ойбиби ҳам кампирнинг гапларини жон қулоғи билан тинглаётган, Қулманнинг аёли эса бу гапларимни ҳаммадан ҳам кўпроқ бийбича эшитсин деб жаврамоқда ва мақсадига эришмоқда эди.

Тепаликка кўтарилиб келаётган оқ юзли, узун бўйли, қирра бурунли киймачагининг икки четини қайириб олган келинчак елкасидаги юкни кампирнинг ёнига “гурс” этиб туширди ва “ух” деб пешонасидаги терни сирди.

– Мана бу тепага чикаман, деб тинкам қуриди-ку, – деди кампирдан дардига шериклик излагандек. Сўнг товушини баландлатди, – Оқжигит, кел, мана бу юкларни анави ерга олиб бор, менинг тинкам қуриб қолди-ку.

– Ҳой Сарбека, Худойдан топгур, биров боягина уч марта тепиб, қўшимни тикаман деган жойимга нарсаларини қўйиб кетибди-ку, – деди. Кампирнинг аччиғи анча тарқаб, ховури босилаёзган эди. – Менинг қўйиб кетган бўғжомам йўқ. Мана бу нарсалар кимники эканини билмайсанми?

– Вой-бўй, чеча, бу нарсалар меники-ку, – деди ҳайрон бўлган Сарбека.

– Сеники бўлса ҳозир олда, жойни бўшат! – Кампир яна ғазабга минаётган эди.

– Вой, ҳозир, чеча. Худога шукр, қўш тиксак, уй тиксак, атрофда жой кенг-ку. Мен ҳам айнан мана шу ерга уйимни қўя сола пастга тушиб кетдим. Нарсаларимни ҳозир оламан. Уй учун жой белгилаб қўй деб тайинлаганман Окжигитга.

– Унда менинг бўғжомам кани?

– Ҳозир топилар, ҳеч қаерга кетмагандир. Окжигит, ҳой Окжигит! Қаёқдасан, келақолсанг-чи.

Кўп ўтмай шу атрофда юрган Қайир етиб келди.

– Манов чечангнинг бўғжомасини топиб бер, кўрмадингми?

Бошқа пайтда овсинлар билан келинлар Кулманнинг кампирини “қора чечам” дейишарди. Кўз-кўзга, юз-юзга тушиб тургандан кейин тилининг учида турган сўзни тўхтатиб қолиб “манов чечангнинг” деб қўя қолди.

– Мана буми? – деди Қайир ўртарокда ётган бўғжомани кўрсатиб.

Кампир ўтирган ўрнидан кўзғалмай бола кўрсатган томонга юзини бужмай-тириб қаради.

– Шу бўлса керак, олиб келавер!

Қайир бақувват қўллари билан бўғжомани кўтариб келиб, кампирнинг ёнига қўйди.

– Шуми? Оғир-ку, ичида нима бор, чеча?

– Нима бўлар эди, қозон-товоқ-ку, қароғим. Бу бўғжома меники, лекин уни ўрнидан ким кўзғатган экан?

– Ҳали йўлдан чеккарокка қўяй, оёқ остида ётмасин деб кўзғатган эдим. Жуда оғир экан. Юқорига қандай олиб чиқдингиз, чеча?

– Оғир бўлса, нимаям қилардим. “Бошингга тушса, чўпон бўласан” дейишади.

Кўтаравераман-да, болам. Кампир боёкишнинг аччиғи тарқаб, айникса Сарбека ва Қайир билан гаплашгандан кейин кўнгли жойига тушганди. Энди эса тезроқ қўш тикиб, қозон осиб, кечкурун сурувларни ҳайдаб келадиган ўғилларини оч қолдирмаслик ташвишини ўйлай бошлаган эди. Қўш тикадиган жой белгиланган. Чўпон бошини пана қиладиган қўримсизгина қўш зурур бўладиган қоратолдан кесилган бир-иккита айри ва энгил ходалар, устига ёпиладиган ёзда куёш нурида чурқаб, кишда қор ёмғирлар ёғавериб ранги униқиб кетган шолчалар, бўғжома тугундаги қозон-товоқлар тепага олиб чиқилган. Кампирнинг хассадеккина жасадига қаердандир ғайрат қуйилиб келгандек бўлди. У ўрнида қулимсирабгина турдида қўш тикишнинг ҳаракатига тушиб кетди. “Қўш тикиб бўлгач саксовулларни келтиришга тушаман. Юқорида ўтин йўқ экан” деб ўйлади у айрилари махкамрок ўрнаштираётди.

Куни билан қора кампирнинг атайин эшитсин деб айтган сўзларига қулоқ тутиб, уйларини тикаётган Кулчи бийнинг бийбичаси ва тўқоли гап-сўзга аралашмадилар. Кулманнинг кампирини айтган гапларга қулиб қўя қолишди.

Баҳор куёши саксовул, моялиш ўсган кенг адирларни кизил шафакка бўяб, бо-тишга шошилаётган пайтда кўчнинг подалари янги кўнок жойга етиб келди. Мол-ҳолини жойлаштириб, соғин сигирлар, туялар, биялар, қўй-эчкиларни соғиб, кечги овкатнинг ғамини еб, эл уйқуга бош қўяман дегунча тун ярим бўлиб қолди.

Тепаликка кўндик, теварақда ёввойи жондорлар яширинадиган қалин чакалакзор йўқ, деб ғафлатга майл билдириш кўчиб келаётган элнинг хаёлида ҳам йўқ эди. Эт еб, айрон ичиб, куч тўплаб олган эркаклар бекор ўтирмай, пастга тушиб кучоқ-кучоқ саксовулларни келтиришди. Ҳар ер-хар ерда гулхан ёкиб, кашкирлар ҳамла қиладиган бўлса, химояланишнинг чорасини кўра бошлашди.

Олов ловуллаб ёнди. Теварақда шоқоллар, бўрилар улий бошлади. Бирок ўтган

тундагидек кўзлари кизариб, бостириб келишмади. Хавфнинг олдини олишга тайёр одамлар курул-яроқларини ёнларига қўйиб, гулхан теварагида ўтириб ундан-бундан суҳбатлашар, аммо бир кўзлари билан хавф туғилиши мумкин бўлган пастликка назар ташлаб, хангомаю гурункта кулок солар эдилар. Тун ярмидан оғди. Айрим хўжаликлар тол ва юлғун новдаларидан тўкилган кўчма катакларидан олиб келаётган уч-тўрт хўрозларнинг шоқолларнинг товушига улашиб кетган кичкириклари кўпчиликка буни эслатди. Кутилаётган хавфдан эса, дарак йўк.

Инсоннинг бир қобилияти бор. Бу яхшими, ёмонми, бироқ у хар қандай шароитга мослашиш укувиға эға. Шунга ўхшаб, биз ташвишлаётган кўч одамлари ҳам бу қобилиятдан маҳрум эмасликлари туфайли ўзлари бир-неча кундан буён қумини босиб, саксовулини ўтга ёкиб, ўт-ўлан, гиёҳларида мол бокиб келаётган, аввал нотаниш бўлган ёввойи далаларга, даштларнинг қиликларига ўрганиша бошлаган ёки мослаша бошлаган эди, десак ўринли бўлар. Ўтган тунда бўрилар галасининг оёк остидан қулоғи тикрайиб чикиб келиши ва одамларни тонг отгунча даҳшатли исканжасида ушлаб туриши уларни хайрон қолдирмаган бўлса, бугун қутилган ва муносиб қарши олишга тайёрланилган хавфнинг ўзини билдирмаслиги, қоронғилиқдан чикиб келмаслиги, куттириб қўйиши ҳам хайрон қолдирмаган бўлса, ажаб эмас.

Нихоят, одамлар қутишдан зерика бошлашди. Дастлаб Қулман чўпоннинг болалари гулхан атрофиға тўшалган шолчаларнинг устида ёнбошлаб бирин-кетин мизғий бошлади. “Бола-ку, ҳали суяғи қотмаган” деб ўйлади Қулчи бийнинг қўйларини кашқирга олдириб, бундан кейин огоҳ бўлишга, киприк қокмай тонг ортиришга бел боғлаган чўпон. “Қани кел, занғар бўри, мана бу саксовулнинг чала ёнган ходаси билан тос тепангта бир тушираманки, кўзингдан ярк этиб ўт чикиб, онангдан туғилганингта пушаймон емасанг, менга кел”, деб шивирлади. Чўпон кун бўйи сурув орқасидан юрган болаларининг бошларини қўлиға илинган нарса билан сал кўтариб қўйиш учун шолчанинг остидаги қумни қўли билан тўдалаётди. Ростдан ҳам ёниб турган ўтга йўғон саксовулнинг оғир танасини ташлаб қўйган, унинг учи қип-қизил чўтга айланиб, қўм-қўк ёғду таратиб турар эди. Мабодо кашқир келадиган бўлса, чўпон ёниб турган оғочни олиб улгурадими, улгурса ҳам тос тепасиға ура оладими, бўрининг кўзидан “ярк” этиб учкун сачрайдими, сачрамайдими, у ёғи Қулманга қоронғи эди. Бироқ унинг нияти холис, ким билсин, бундай бир-бириға уйғунлашиб, инсоннинг ўйлаганидай бўлиб ўтадиган воқеалар, нима деганда ҳам, камида юз йилда, ҳеч курса икки юз йилда бир марта юз берар-ов.

Кундузги ўйлардан толиқдими ё мол-ҳолнинг, кўчнинг тунги тақдири ишончли қўлларда-ку деган хаёл қўнглини тинчлантирадими, ўтовнинг ўнг жапсариди Ойбиби солган пўстакка ёнбошлаб, устиға ичигини ёпинган Қулчи бий пинакка кетди. Чап жапсарда ётган келинчак қандайдир бир умид билан бий ётган тарафға кулок солди, бир маромда пишиллаган товушдан Қулчининг ухлаётганини сезди ва ўзи ҳам ухлашга уринди. Ойбиби бийдан бир ярим мучал чамаси кичик, томирида қайноқ қон жўшиб турар, эти қизир эди. Бу кундузи ичган кимизнинг таъсири бўлса керак, деган ўй билан мудрайверди.

Ўй тикиш, ўтин келтиришга ўхшаган майда-чуйда ишлардан чарчаган, ўтган тунда уйқуси чала бўлган Қайир онасининг ёнида дарров ухлаб қолди.

Кўзи ҳа деганда илинавермаган Сарбека гулхан бошиға, эри Эрепбойнинг ёниға чикиб ўтирди. Вакт ярим тундан оғди. Қутилган хавфдан дарак бўлмагандан “Энди нима ҳам қиларди” деган хаёлға берилган кўпчиликнинг кўзларига уйқу қадалиб, мулғий бошлашди. Эрепбой ҳам кўзларини катта очиб ухлаб қолмасликка тиришар, бироқ қайдандир бостириб келган уйқу ақлини қарахт қилиб, боши қўкрагиға эгилиб-эгилиб кетар, елкаси ёнма-ён ўтирган аёли Сарбеканинг елкасига суянар,

яна ўзини тиклаб олар эди. Охири уйку енгди. Бошини Сарбеканинг елкасига кўйиб, ухлаб қолди. Сарбека эҳтиётлик билан эрини бошидан ушлаб гулхан ёнига тўшалган шолчага ётқизди, аввал ўзи келтириб қўйган ёрғоқ пўстакни ёстик қилиб қўйди, устига тўнини ёпди, ёнига ўзи ҳам қийшайди.

Бектемир одатдагидек чалқанча ётиб олиб, юлдузларга боқиб ўйга толди. Дашт товушларининг бир-биридан фарқини дархол ажрата оладиган қулоғи атрофга динг бўлиб турди. Кўкдаги юлдузлар уни болалигидан ўзига ром айлаган, ақлу хушини ўғирлаган, сурувларни кўриклаганда Ҳакимкул билан, гоҳида Журин билан юлдузларни санар ва ўзаро таксимлаб бўлишар, “анави юлдуз меники, манавиниси меники” деб ҳар бири энг ёруғ юлдузни ўзиники қилиб олиш учун талашардилар. Ана, ўзи эгаллаган катта “Етти қароқчи” шимолга қараб жилиб, силжиб бораётир. Бектемир шарқ томонга боқди. Ҳакимкул билан иккаласи бўй етиб келаётган Зулхуморнинг исми билан аташадиган тонг юлдузи Чўпон ҳали кўринмаган, демак, қуёш чиқадиган вақтгача анча бор. Беихтиёр Зулхуморни ўйлай бошлади. Овулдаги Бийодилнинг қизи, Ҳакимкул ва Бектемирдан ёши биров кичик бўлса-да бўй етиб, кўзга тушиб қолган қизга йигитларнинг кўпчилиги бефарқ эмас эди. Эҳ, Зулхумор, Зулхумор. Бектемирнинг тақдирини остин-устун қилиб юборган дўстни душманга айлантирган от эди бу...

Тўсатдан пастда бир-неча бўрининг бир-бирига баҳслашиб улигани эшитилди. Хавф аримаган эканини ҳамма билиб турган бўлса-да бу товуш кўч одамларининг юрагини безиллатиб юборди. Ухлаётганларнинг кўзлари мошдек очилди. Ҳаммага “тайёрлан” деган буйруқ берилган каби ким ёнида ётган чўкморини, ким найзасини жойда турибдими, дегандек пайпаслаб, кўзларини уқалаб, каттарок очишди. Бир-неча кўйини олдириб, бўридан панд еган Қулман чала ёниб, учи чўғ саксовул чўкморини оловдан олиб, сермаб-сермаб, жойига қайтариб қўйди. Ёнида тўдалаб қўйган бурчиқ⁴ли саксовул шохларини оловга ташлади. Бошқалар ҳам оловни баландлатишди. Гулхан ловуллаб ёниб, теваракни ёритди. Қоронғи, зулматли тун саҳрога қараб биров чекингандек бўлди.

Тепаликдан пастда эшитилган ваҳимали товушларнинг эгалари ҳам кўп куттирмай уялари жойлашган даштни ташлаб ҳеч қаерга кетмасликларини исботламоқчи бўлган каби ўзларини намойишқорона кўрсатишди. Кўчнинг орқа тарафида қўшларнинг яқинига қадар келишга журъат этган бир гала бўриларнинг кўзлари олов шуъласида чўғдек ёниб, баъзиларнинг юрагини ёрди.

– Бўри, бўрилар! Эҳтиёт бўлинг, бўрилар! – деган бақир-чақирлар ҳар ер-ҳар ердан эшитила бошлади.

...Бектемир тик туриб, атрофга қаради. Ёруғликка чиққан бўрилар узоқ эмасди. Очик оғизларида кип-кизил тиллари осилиб, елкаларидаги ёллари кирпининг тиконидек тикрайиб, қулай пайтда хужумга ташланишга шай. Айниқса, ёвуз кўзларидан кўм-кўк учқун сачратиб кўнгилга ваҳима солади. Бу пайтда кўчнинг бошқа бир тарафида “бўри, бўрилар” деган товушлар эшитилаётганди.

Бектемир кўп ўйланмади. Гулхан ёнида тўшалган от жобувининг устида ётган милтиғига энқайди. Икки кўзи ташланишга тайёр турган, оғзи аррандай очилган қашқирдан айрилмади. Кўжёл қатор тикилган қўшлар ва гулхан атрофида айланиб ўтирган одамларнинг нарёғида турган ўлжанинг – қўй-эчкилар, сигирлар исини сезар, ёввойи сезим билан одамлар ва оловнинг катта тўсик эканини англади, бироқ қон таъмининг хумори, ошқозонни ўртаб турган очлик ҳар қандай тўскинлик ва хавф-хатарга қарши боришга ундар эди.

Милтиқнинг муздек темир ўқдонига қўли тегди. Тезлик билан тиззалаб

⁴Бурчиқ – нинабарг.

Ўтирдида кашкирни нишонга олди. Тик турсам, кўлим калтираб кетиб, ўк исроф бўлади, деб ўйлади. Аввало ёруғликка нур қайтариб, ялт-ялт этиб турган кўзларни пойлади, сўнг очилиб турган оғзини, қизариб кўринган танглайини милтиқнинг қоровулига кўндирди, ундан ҳам пастрокка тушган милтиқнинг қоп-қора дўли кашкирнинг кенг ўмовини мўлжаллаб тўхтади. Унинг нарёғида йиртқич дашт хайвонининг ҳеч нарсадан хайиқишни истамайдиган ботир ва шафқатсиз юраги “дурс-дурс” этиб ўриб турар ва у мерган учун энг ишончли нишон ҳисобланар эди.

Мерган хаяжонини босиш учун бироз тин олиб, нафасини ростлади. Қашкир ҳам сакрашга ҳозирланиб, қулай фурсатни пойлади, бир жойда сал тўхтаб, орқа оёқларига тиралди. Шу заҳоти чўл кўйнида янграган милтиқ овози “қарс” этдию олис-олисларга акс-садо таралди. Ҳаттоки, ўкнинг нишонга етгунча чийиллаб учганининг товуши ҳам кулоққа аниқ чалинди.

Яқин ердан отилган ўкнинг зарбидан нима бўлганини англашга улгурмай қолган кашкир сакрашга интилдию ёнбошга қараб икки-уч айланиб юмалаб кетди. Юракка теккан ўк ўз ишини қилиб, жониворни тил тортмай ўлдирдими ёки у ҳали тирик эдими, буни аниқлашнинг иложи бўлмади, чунки қон исини сезган кашкирлар учун ўкка учган шериклари текин ўлжа эди. Кўкдаги юлдузлар ерда нималар бўлаётганига ҳайрон бўлиб жимирлагунларича қонга бўялган лош ўткир тишлар ихтиёрига ўтиб, хомталаш қилиниб, ҳозиргина қон таъмига хумор бўлиб турган бўрининг ўзи тайёр этга айланди. Очликдан азоб чеккан, қорин тўйдириш учун гўшт танлаб ўтирмайдиган ёвуз тўда йиқилган бўрининг жасадини талашар... чопиб олдинга ўтар, ёнидаги шерикларининг елкасидан тишлаб силтаб ташлар, орқадагилари ҳам бир тишлам гўшт узиб олиш учун гавжум тўдага ўзини урар эди. Хуллас, бу тортишув бўриларнинг қонли курашига айланди. Тепалиқнинг этагидан анча вақтгача суяк ғажийётган кашкирларнинг ириллаши, оғзига илашган сон, оёқ ёки қаттарок бир бўлакни шерикларидан олиб қочиб, хансираган товушлари эшитилиб турарди.

Бектемир қилган ишидан кўнгли тўлгандек милтиқнинг ҳали совумаган дўлидан ушлаб, қаддини тиклади. Яна бошқа томондан хавф бостириб келмаётганмикин, деган ҳаёлда атрофга назар ташлади. Сўнг қумга тўшалган от жобувиға ўтирди. Ёнидаги хуржунга қўл узатиб, боғини ечди. Сўниб бораётган гулханга ўтин ташлади. Олов гуриллаб ёниб, атрофни ёритди. Хуржунни очиб, тери қопга солинган ўк-дори ва кўрғошинни чиқариб қўйди. Милтиғини ўқлай бошлади.

Баҳорнинг наватдаги тонги яқин эди. Ўн тўртида тўлишиб, бундан бу ёғига яримта патирга ўхшаб қолган ой ғарб тарафдаги қумтепаларнинг нариги томонига ботишга шайланаётган бўлса, шарқ томондан ёришмоққа тайёрланаётган тонгнинг элчиси янглиғ ҳали кўзга кўринмаётган қуёшнинг нурлари осмоннинг бир бурчагини оқартира бошлади. Тонг юлдузи деб ном олган Чўлпон ярқираб порлади. Ўқланган милтиғини қўяётиб юлдузга кўзи тушган Бектемир “Зулхумор” деб шивирлади. Чўлпон юлдузи ҳар сафар шарқ томондан кўриниб, сўнгра унинг ботиб бораётганини кузатиб ўтириш Бектемир учун одатга айланган. Негадир у ўзи тикилиб турган юлдузнинг отини айтмас, “Зулхумор” деб такрорлашни эса, ҳеч қачон қанда қилмасди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ёруғ юлдуздан кўз узмай, теварақдаги хавф-хатарни бир дамга унутган мерган “Зулхумор, Зулхумор” деб пичирлар эди. Ер айланар, қуёш чиқиб, ой ботиб борар, ёйилиб келаётган ёруғ сахро йиртқичларини яширинишга мажбурлар, улар тўда-тўдаси билан, жуфт-жуфти билан эргашиб уяларига қараб йўл олар, Бектемир эса гўё улар билан мутлақо иши йўқдек, кўзлари очиқ ҳолатда шарққа тикилиб, бир сўзни қайта-қайта такрорлайверарди.

Кечаги куёш нурларида қизиган кумлар тонг салкинида совуди ва енгилгина туман кўтарилди. Ой нури билан куёш нури ковушиб, туман билан аралашгандан сўнг чўл қўйнида ажойиб бир манзара ҳосил бўлди.

– Ў-ў-ў-ўўўв!

Узок чўзилган мунгли ва совук ун чўл қўйини титратиб юборди. Бир сўзни такрорлаб, юлдуздан кўз узмай турган Бектемир кўркиб кетди.

Товуш Бектемирнинг елка тарафидан эшитилди. Беихтиёр орқасига ўтирилди. Яримта патирдек ой кун ботар тарфдаги кумтепанинг устида сирли нурини сочиб турарди. Бамисли у кўл чўзса етгудек, тепага чиққан одам уни оёқ учида туриб олма каби узиб олгудек туюларди. Ҳозиргина кўч одамлари ва тинимсиз хураётган итларнинг юрагини юлиб олгудек бўлган мунгли ва қўркинчли товуш билан кўкка қараб улиган бўрининг тикрайган кулоклари ойга тегиб кетгудек бўлиб кўринди. “Кечаги бўри” деб ўйлади Бектемир. Дарров мерганлик махорати билан масофани чамалади. Бўри билан унинг орасидаги узоклик қирқ-эллик кадамдан ортик эмас. Қувури узун қора милтиғининг ўки кўз илғайдиган ерда кўринган қоранинг нишонга олинган жойини тешиб ўтажагини бир-неча марта ўз кўзи билан кўриб, ишонч ҳосил қилган Бектемир бўрига ўт очиш мумкин эканини аниқ билди.

Бўри узун улиди. Аламзада ва мунгли товуш атрофнинг тинчилигини бузди. Негадир итлар ҳам хуришдан тўхтаб, жимжит бўлиб қолди.

“Арвоҳми, жинми, шайтонми? Бу нима бало?” Бектемир хаёлидан шундай ўйлар ўтди. “Ҳозир биламиз нима эканини”.

Мерган қўлини ёнбошига артиб, кундуз куни тайёрлаб қўйган саксовул айри-сини кумга санчди. Тиззалаб ўтириб, милтиғини қўлига олди. Милтик дўлини айрига қўйиб, ботиб бораётган ой ва чикиб келаётган кун ёруғида аниқ кўриниб турган баҳайбат бўрини кўзлади. Сирли ёғдуда улиган бўри жасади шундай йирик бўлиб кўринар эди. Мерганнинг кўнглидан “бу бўрини ўқ олармикин?” деган гумон ўтди. Бўрининг кўксини нишонга олди. Сўнг “Бисмилло!” деб чақмоқ тошни бир-бирига ишқаб учкун чиқарди. “Йилт” этган учкундан милтик кўндоғини елкасига тираган Бектемирнинг қасоскор юзи бир сония кўриниб кетган бўлса ҳам қуруқ пахта пилик тутай қолмади. Шу ҳаракат икки-уч марта такрорлангандан сўнг пилик туташиб, ўқ-дорига қараб ёна бошлади. Мерган милтикнинг қувурини кашкирга қаратди. “Қарс” этган қаттиқ товуш киприклари толиб, мултиётган одамларни ва кенг саҳрони титратиб юборди. Бироз вақтда милтикнинг тутини таркади. Қашкир шу турган жойидан бир қарич ҳам жилмаган эди. Бу ҳам етмагандек аламзада товуш билан ойга қараб чўзилиб-чўзилиб улиган эди, эшитганларнинг юраги музлаб кетди.

Бектемир милтикни ерга қўйиб, кўзларини укалади. “Тушимми, ўнгимми” дегандек юзларини шапатиллаб қўйди. Уйғоқ эканига ишонгандан сўнг кўркиб кетди. “Астағфирулло! Астағфирулло!” деб ичида калима қайтарди. Ой тепалик орқасига ботиб, кўринмай қолди. Ойнинг сўнгги шуъласи билан бирга кўчиб кетган булут сояси каби баҳайбат қашкир келбати ҳам ғойиб бўлган эди.

Рухий жиҳатдан зўриққан, ҳолдан тойган мерган ҳамма нарсага қўл силтаб, ўзини ерга ташлади. Кулочини кенг ёзиб, сийраклашиб бораётган юлдузларга боқди. Кўп ўтмай ухлаб қолди. Бўлиб ўтган воқеалар уни уйқусида ҳам тинч қўймайди.

Овулда онасининг ёнида ялангоёк, қўйлақчан турган эмиш. Чанқаганини айтиб, сув сўраётганмиш. Онаси “Сув йўқ, болам, чанқоғингни айрон босади” деб узатган қадидишни оламан деб қўлини чўзса, қўли ҳеч етмас, онасига яқинлашаман деб кадам босса ҳам оз-оздан узоқлашармиш. “Менинг онам

ўлмаган, у тирик-ку” деган ўй кўнглида умид учқунларни уйғотар, идишни олмоқчи бўлиб, жон-тани билан интилар, чанқаб томоғи қурир, лаблари тарс-тарс ёрилиб кетган, яралари ачий бошлар, бироқ чанқоғига ҳам, ярасига ҳам малҳам бўладиган онаси узатган айронга қўли етмасди. Бунга ўқинди, хўрланиб йиғлагиси, бировга дардини айтиб, дол-фарёд солиб йиғлагиси келади, атрофига қарайди, аммо ҳеч кимни учратмайди. “Опа, сув...” деб инграйди. Унинг товушини ҳеч ким, қўл чўзса етадиган ерда турган онаси ҳам, ҳаттоки, ўзи ҳам эшитмайди.

Бир пайт Ҳакимқул пайдо бўлади. У отга миниб олган, олдига сочлари майда ўрилган, ўзига ярашиб турадиган қизил қўйлагини кийган Зулхуморни ўтқизган. Бектемир унга чанқаб, ўлар ҳолатга келганини айта бошлайди, бир хумча сув сўрайди. Аллақасдан Зулхуморнинг қўлида кум билан яхшилаб ишқаб тозаланганидан олтиндек ялтираб турган мис кўза пайдо бўлади. Бир қўлига кумушдек ялтираб кўзни қамаштирган қадах олиб, кўзадаги муздай сувдан қуйиб, Бектемирга узатади.

– Ма, ич, чанқоғингни бос, – деб қулимсираб қўяди.

Қўлини чўзиб, энди қадахни ушлайман деганда Ҳакимқул Зулхуморнинг қўлини уриб юборади. Муздек сув томчилари аллақасдан тушиб турган нурларда ялтираб ҳавода товланади, сўнг кумлок ерга аста-секин синга бошлайди. “Мен чанқаб ўлаяпман, Ҳакимқул дўстим, сен нега сувни тўқасан?” дейди Бектемир. “Зулхуморнинг узатгани сув эмас, илоннинг захари-ку. Сени ўлимдан сақлаб қолдим, мен сенга дўстман, ахир”, деб Ҳакимқул кулади. Оғизлари қийшайиб қулгани йиғлаганга ўхшаб кетади. “Заҳар бўлса ҳам чанқоғимни боссин, қуйиб бер” дейди Бектемир Зулхуморга. “Бу заҳар эмас, Ҳакимқул алдаяпти. Бу қудуқ суви, муздай, ма, чанқоғингни қондир” деб киз яна сув узатди. Ҳакимқул тўқиб ташламасин, деган гумон билан унга қарайди, унинг икки қўли боғланган. Қилдан тўқилган узун арқон билан боғланган. “Энди чанқоғимни қондираман” деб қувониб қадахни қўлга олган эди, ҳар бири бир қарич келадиган ўткир тирноқлари бор баҳайбат панжа сувни яна кумга тўқади. Бектемир ўгирилиб, рўпарасида турган улкан қашқирни кўради, кўзлари қонгалаш, тиллари шалвираб осылган қашқирнинг оғзи шундай қатта, “шундай ҳам бўлар экан-да” деб ўйлайди Бектемир ҳайрон бўлиб. Қашқир одамга ўхшаб сўзлай бошлайди: “Ҳой, сен менга ўқ узиб, ўқ-дорини исроф қиласан, кўрдингми, менга ажал доримайди, мен чўл арвоҳиман” дейди у. Тилидан оққан сўлак кумда кичикрок қўлмак ҳосил қилади. Мерганнинг унга тикилиб қараганини сезган қашқир “сув, ана сув, ич, чанқоғингни қондир” деб хириллайди. Бектемир қўлмакка энгаша бошлаганда онаси пайдо бўлади. “Ма, айрон, қашқирнинг оғзидан ичма!” деб қичқиради. Ўша пайт каердан пайдо бўлгани номаълум оппоқ куш мерганнинг юзини силаб ўтгандек бўлади ва унинг ўрни негадир қизий бошлайди.

Бектемир уйғониб кетади. Қия тушган қуёш нурлари юзини қиздира бошлаган экан. Томоғи қуриб, чанқоганди. Ёнидаги мешни олдида, тикинини суғириб, уйқудан ҳозиргина уйғонганига қарамасдан, муздек айронни тўйгунча симиради. Сўнг теваракка боқди. Гулханларнинг олови пасайган, бугунги оқшомни ўтган тунга солиштирганда тинчрок ўтказган кўч одамлари гангир-гунгур сўзлашиб, эрталабки юмушлар билан машғул. Кўч қўнган тепанинг этагида сочилиб ётган, бўрилар ғажиб ташлаган суякларга қўнган қарға-кузғуннинг қагиллаши, улар атрофида юрган шоқол-бўрсикнинг товуши эшитилар эди. Шундай қилиб, олис манзилларни кўзлаб сафарга отланган кўчнинг сахро қўйнидаги яна бир окшоми орқада қолди.

Субхон юзбоши ниҳоят ўз максадига эришди. Бектемирнинг онасини кўндирди. Ўзига тўқ хўжаликдан бойнинг боласи Ҳакимкул ҳам навкарликка борадиган бўлди. Уни отаси олдига чақириб: “Сен бола навкарликни Бектемир билан бирга йилкига боришдай гап деб юрибсан чамаси. Бу жон олиб, жон берадиган савдо, сени ҳеч ким зўрлаётгани йўқ. Гўжангни чайкамай, уйда ўтир. Эр етдинг, уйлан. Зулхумор ҳам бўй етиб қолибди. Сенинг ҳам унга кўнглинг борга ўхшайди” деб танбех берди. Шунга қарамасдан, Бектемир озиқ-овқатни олиб, отини миниб, отасидан қолган қурол-яроғини тақиб, Журинни онасига, онасини Худога топшириб, Субхон юзбоши билан ваъдалашган ерга келганда Ҳакимкул отасига кўринмай уйдан қочиб чикди. Қизил айғирни миниб олган, қурол-яроғи йўқ. Отаси рози бўлмаганини билган юзбоши “уйингга қайт” деб айтган эди, тингламади, орқада қолмай, эргашаверди. От қулоғида ўйнайдиган чавандоз, ажалдан қайтмайдиган қипчоқнинг алангасар⁵ мард йигитлари Субхон юзбошига ҳам керак эди. Навкарликка боришни хоҳлаганлар ўн саккиз-йигирма ёшлардаги йигитлар эди. Юзбоши уларни Бухорога эргаштириб кетди.

Амирнинг лашкари шаҳарга яқин ердаги овулда турарди. Навкарликка янги келганлар эртасигаёқ тайёргарлик машқларини бажаришга киришдилар. Отга ми-нишнинг турли йўлларини Бектемир тез менгарди. Ҳакимкул ҳам ундан қолишмас эди. Отда елиб бораётиб қилични қиндан суғириш, ўнг-сўлга силтаб, тик қадаб кўйилган толларни чопиб ташлаш, қилични қайта қинга солиб, найзани олдга тўғрилаш, чопиб бораётган шиддат билан сомондан ясалган одам қиёфасига найза санчиб, орқага қайтишга ўхшаган машқларни ҳар куни такрорлайвериш жонга тегди. Бунинг устига ўнбошиларнинг тошбағирлигини айтмайсизми? Қурол-яроқни кум билан ишкалаб ойнадек ялтиратиш, отни ювиб-тараш, ўз овқатингни ўзинг тўйёрлаш, кийимингни ўзинг ювиб, ўзинг ямаш, хуллас навкарликнинг битмас-ту-гунмас кийинчиликлари оғирлик қилиб, овул йигитлари кўп қийналдилар.

Қийинчиликларда Бектемирни бир ширин хаёл юпатар эди. Навкар кун бўйи, хаттоки кечалари ҳам бажариши даркор бўлган вазифаларнинг ҳаммасини адо этгандан кейин Ҳакимкул иккаласи хужрадан ташқари чиқиб, чекқароқда ўтириб олиб Чўпон юлдузини кузатишарди. Агар кечқурун кунчиқиш тарафда ярқираб турган ҳолатни томоша қилиб улгурмаса, тонгда ҳаммадан аввал уйғониб, отхона томонга борар ва тонг Чўпонига сукланиб-сукланиб тикилар, бошқалар эшитиб қолмасин деб “Зулхумор” деган исми ичида такрорлайверарди. Шундай қилиб ҳар куни овулда қолган Зулхуморга, онасига, Журин жўрасига бўлган соғинч ҳовурини босиб юрди. Яна бир кадрдони бор, у ёнида юрган дўсти Ҳакимкул.

Болаликдаги содда орзулар ҳақиқатга айланган эди. Бу дунёда иккита Барчиной бўлмаганидек қипчоқ овулида ҳам иккита Зулхумор йўқ. Ўша биттаю битта Зулхуморга Бектемир қандай ошики беқарор бўлган бўлса, унинг дўсти Ҳакимкул ҳам Зулхуморни жонидан ҳам яхши кўрар, бироқ буни дўстига бўлдириб, кўнглининг тубида, етти қават парданинг ортидаги етти қулф урилган сир сандиғида саклар эди. У ҳам кечалари Зулхуморни тушларида кўрар, сўзлашар, гўзал қизга ўзининг пинҳона муҳаббатини изҳор этар, Бектемирдан ҳам кучлироқ яхши кўришини айтиб, бор товуши билан жар солар, ёнидаги Бектемир биқинига туртиб уйғотганида “сиримни дўстим билиб қўймадимкин” дея шубҳаланиб, хижолат бўлганидан қора терга тушиб, тўнига бурканиб нарёққа қараб ётиб олгани кўп марта такрорланди. Соғинчдан қийналиб, овулига қочиб кетишни ҳам ўйлаб кўрди. Ҳар сафар

⁵ Алангасар – анқоврок.

кечкурун отининг эгарини олиб, сайсхонага бойлаётиб хаёлидан: “Бугун ҳамма ухлаган пайтда қочиб кетсаммикин...” деган ўй кечар эди. Кўп ўйламай: “Бектемирчи?” деган савол пайдо бўлар ва ҳар сафар бунга жавоб тополмай кийналарди. Бектемир болаликдан ўйнаб-ўсган дўсти. Иккинчи томондан, қайтиб борса, овулдошлари, ҳаммадан ҳам кўра Зулхумор нима деб ўйлайди?

– Қийинчиликка чидалмай, урушдан кўркиб, қочиб келди, – деб ҳар ким ортидан қўлини бигиз қилиб кулмайдимиз?

Бектемир эрган урушда қатнашиб, ўлжа ва сарполар, яна аток билан омон-эсон овулга борса, овулдошлари уни ботир азамат сифатида қарши олса... Айниқса, Зулхумор... Йўқ, унда бир ўзи қочиб кетолмайди. Бектемир билан бирга кетса-чи?

Бир гал ётар пайтда Бектемирни ташқарига етаклади. “Айтадиган гапи бордир” деб ўйлаган Бектемир унга эргашди. Анча чеккага ўтгандан сўнг тўхтади.

– Нима демокчисан? – деди Бектемир шивирлаб.

– Овулни жуда соғиндим, Бектемир, қочайлик. Мен ҳаммасини ўйлаб-пишитиб қўйибман. Соқчига бир-иккита кумуш танга берсак, от чоптирим жойга узоклаб кетгунимизча бизни йўқламайди. Йўлни чамалаб биламан. Юзбоши ҳам, ўнбоши ҳам буйруқ беравериб, жонимга тегиб кетди. Қочайлик, – деди энтикиб.

– Ҳакимкул, – деди Бектемир товушини сал кўтариб. – Мен навкарликка ўз эрким билан келдим. Қочиб қаёқка бораман. “Ё боғ, ё чорбоғ” деган. Зулхуморга нима дейман. Йўқ, мен чидайман. Маслаҳатимни олсанг, сен ҳам чидаб бок.

– Қочайлик, – деди Ҳакимкул йиғламсираб. – От терлагунча чоптирсак, катта йўлга чиқамиз. Қўниб, тушда дам олиб, элга етамиз. Ҳеч бўлмаганда қайтариб олиб келишар. Унгача икки-уч кун овулда юриб мавқимиз⁶ босилади.

– Йўқ, мен қочмайман. Қочсанг, ўзинг кетавер, – деб Бектемир ўнг қўлини Ҳакимкулнинг панжасидан силкиб бўшатди. Сўнг қайрилиб кетаверди. Орқасига ўтирилиб қарамади ҳам. Ёлғиз ўзи кетишга юраги дов бермаган Ҳакимкулнинг эргашиб келаётганини елкаси билан сезиб келаварди.

Бектемирдан хафа бўлган Ҳакимкул бир хафтага қадар чаппа қараб юрди. Бектемир ҳам унга ён босиб, ялтоқланмади. Курашлар ва тортишувларга, алдов ва хиёнатларга, жанжаллар ва қон тўқишларга тўла, машаққати кўп, гўзал орзу-армонларга бой ҳаётга мустақил қадам ташлаб келаётган ўспиринларнинг канотлари қотайиб келаётган эди.

Навкарлар орасида “Уруш... урушга борамиз”, деган хабар тарқалган пайтда улар қилич сермаш, найза санчиш, тўпланиш ва чекиниш, йўл ташлаш каби уруш хунарларини менгарган, ўзларини дostonдаги Алпомишдай сезадиган ҳолатда эдилар.

Яқинда бўладиган уруш ҳақидаги хабарни амир лашкарларидаги навкарларнинг ҳар бири ҳар хил қабул қилишди. Минбоши бир минг лашкарнинг, юзбоши юз отликнинг, ўнбоши ўнта аскарнинг ғамини ўйлаб, душман орасига юборилган жосуслар келтирган хабарларни ўрганиб, ҳар қандай амал қилиб бўлса ҳам ёвни енгилни ўйлаб, бошлари қотаётган бўлса, навкарлар сафига янгигина қўшилган қипчоқ йигитлари учун дастлабки жангга кириш қўшни овулдаги тўйга боришдек бўлиб туюларди. Жангнинг ўйин-завқ ёки тўй эмас, балки жон олиб, жон берадиган майдон эканлигини ёшлик ва соддаликлари туфайли хаёлига ҳам келтирмаган йигитлар энг яхши кийимларини кийиб, қуролларини қайта-қайта ишқалаб ялтиратиб, кумуш узанги, кумуш тўқали сийнабанд билан айилларини от белига тортиб, от қуйруғини тугиб, юраклари ҳаяжонланиб, савашга ошиқишарди.

Қизилкумда жойлашган кўчманчи туркман уруғлари Бухоро амирлигига ҳар

⁶ Мавқимиз – соғинчимиз, истак-хоҳишимиз.

доим хавф солиб турар, тўда-тўда отликлар тепаликдан тушгандай, кўз очиб-юм-гунча овулларга бостириб кирар, яшин тезлигида молларни ҳайдаб, одамларни асир қилиб олиб кетарди. Бундай боскинлар Қорақум этагидаги амир қарамоғида ерларда тез-тез содир бўлиб турар эди. Амир бир неча бора туркман сардорларига элчи юбориб, бундай юмушларни Қулчи бий бир неча бажарган, тинчлик битимларини тузар, ахдномаларга муҳрлар ва бармоқлар босилар, бироқ кўп ўтмай яна бир боскинчи тўда амирликка дахлдор ерларга чопкин уюштириб, талаб кетар, битим қоғозларда қолаверарди. Сабаби уруғ сардорлари бошқалар тарафидан тузилган битимни тан олишмас, ахалтеке арғумокларини минган йигитларни эргаштириб ўлжа излашар, талончилик қилишдан тийилмас эдилар.

Хонлик чегараларини мустаҳкамлашни ҳеч қачон ёдидан чиқармаган Шохмурод Қорақум тарафдан туғиладиган хатарли боскинларга чек қўйишни режалаштириб, бунга тайёрланиб юрди. Душман ичига жосусларни юборди. Олтин кўп муаммоларни ҳал қилар эди, шунинг учун тилла ишлаптиб, душман ичидан ҳам айғокчилар ёллади, бир қатор сардорларнинг кўнглини олтин билан овлаб, ўз тарафига оғдирди. Кўнглида ўлжа излаб, талончилик фитнаси уялаган сардорларнинг бир жойда тўпланишини кутди. Уларни бир ҳамла билан йўқ қилмоқ ёки тор-мор этмоқ мақсадида фурсат пойламоқда эди.

Куз фасли бошланаётган вақтда Қорақумдаги бир неча жосуслардан хабар келди. Хабарлар бир-бирини такрорларди. “Туркман сардорлари маслаҳат қилишибди. Кун тартибига қўйган масаласи бундай экан: Куз келди, кун салкин бўлди. Ахалтеке арғумоклари яхши боқилди, илиги тўлди. Қанча чопса ҳам чарчаш нима эканлигини билмайди. Қиличлар қинда туриб зангламоқда. Мерганлар ўқ-дори исини соғиништи. Йигитларимиз келинларнинг қучоғидан чиқмай, дангаса бўлиб боришмоқда. Бухоро деҳқони ғаллани йиғиб, омборларини тўлдирди. Йилки ва қорамолнинг эти қалинлашди. Фалон ер, пистон ер кўп вақтдан буён чопилмади. Ўлжа учун отланмоқ керак”.

Бу хабарни амирга жосуслар ва айғокчилар сардори Амирқул олиб келди. Аркнинг пинҳона хонасида жосуслар бошлиғини қабул қилган эди.

– Бу хабаринг ишончлими? – деди амир сардорнинг сўзларига тик бокиб.

– Жоним ва бутун мол-мулким сизга садаға, амирим, – деди Шохмуроднинг ўткир нигоҳидан кўзларини олиб қочган жосуслар сардори. – Бир неча жосуннинг сўзи бир ердан чиқмоқда. Явмит, така, алий уруғларидан бир неча тўдалар Ақмамед сардорни хон этиб кўтариб, бирлашиб ҳаракат қилишмоқчи. Мен ишончли одамлардан эшитганларимни баён этдим, амирим, яна ҳаммасини ёлғиз Худо билади. Парвардигоргина анигини кўриб, билгувчидир.

“Мана бу Амирқул эшонга қўл бериб, хизматдан воз кечиб кетмоқчи эмасми? Ёдига Оллоҳ тушиб қолибди, ёки қаридимикин?” – деб ўйлади амир ичида.

Амир пойлаган фурсат етиб келган эди.

– Қучлар қаерда тўпланмоқчи? Қачон?

– Қаердадир Алатай деган овулда йиғилишармиш. Қачонлиги ҳали аник эмас, амирим.

– Тез аниқла. Ақмамеднинг қошида ўз ичидан ишончли жосус топ. Олтин-зарни аяма. Зар инсон қонидан қиммат эмас.

Амир сўнгги сўзини нима маънода айтганини ўйлай-ўйлай, сардор маъносини анғалай олмади. “Нима учун ундай деди?” Инсон қони зар учун тўқилганига талай марта гувоҳ бўлган жосуслар сардори амирдан кетиш учун рухсат олиб, туш пайтида ҳам ғира-шира бўлиб турган аркнинг пинҳона хонасини тарқ этиб, соя қаби сассиз-садосиз ғойиб бўлди.

Жосуслар сардори кетгач амир кафтини кафтига уриб хизматкорни чақирди.

– Кушбеги келсин!

– Куллуқ, амирим!

Кўп ўтмай эшик оғаси товуш берди:

– Кушбеги келди, амирим.

– Кирсинлар.

Узун бўйли, хина билан бўялган саколи кизғиш юзига ярашиб турган кушбеги кирди.

Баланд туйнукдан тушган кузги куёш нурида олтин суви юритилган дубулғаси ялтираб кетди. Кушбеги узун қадини эгиб, қўл қовуштириб турди.

– Чақирган экансиз, амирим. – Энгашган пайтда ҳаракатига ҳалал берган, белидаги камарга осилган қилични ўнг қўли билан ортга суриб қўйди.

Амир негадир сесканиб кетди. Қўлини қўлига урди. Парда орқасидан қиличларини кинидан суғуриб яланғочлаган икки соқчи чиқиб келди. Ҳайрон бўлган кушбегининг ўнг қўли беихтиёр белидаги қилич сопига бориб қолган эди.

– Кушбеги, кўзғалманг, – деди амир баланд товушда. – Қиличингизни ечиб, соқчиларга беринг. Ҳузуримизга қилич билан кирибсиз, шошилгандирсиз.

Кушбеги довдираганини яширмоқчи бўлиб, белидаги энли камарни шошилмай ечди ва соқчига узатди. Олтин тақали, қилич осилган зилдай камарнинг оғирлигиданми ёки ховлиққаниданми, негадир кушбегининг тўқмоқдай кучли қўллари қалтираб кетгандай бўлди. Хина билан бўялган қалин соколи ярашиб турган юзида кизил чиройдан асар ҳам қолмаган, бўздек оқариб кетган эди.

Барчасини кўз кири билан кузатиб турган амир сир бой бермади. Ичида “Уч минг навкарни ишониб топшириб қўйган кушбегим юраксизмиди? Яланғоч қилични кўрганда қўли қалтираб, юзида қон қолмади. Соқчиларим ёмон эмас. Бос, десанг, душманингни тилка-пора қилиши тайин асл итлардек кушбегига ташланишга тайёр турди. Фақат бир ишора берсам, ким бўлса ҳам сесканмайди. Ҳатто уч минг навкарга ҳукми ўтган кушбегидан ҳам ҳайиқмайди” деб ўйлаб, бир томондан кушбегининг юраксизлигидан ўкинса, иккинчи томондан соқчиларининг довиюраклигидан ғурурланар эди.

Амир хузурига қуролсиз кириши лозимлигини кушбегига эслатиб ўтирмади. Буни кушбеги ҳам билар эди. Кўпдан буён мўлжаллаб юрган ишга таваккал қилиб киришмоқчи бўлган пайтда ўз аскарбошисини очик ранжитишни ўринсиз, деб билди ва дарҳол мақсадга кўчди.

– Лашкарни юришга хозирла. Навкарларинга буюр, урушга боришимизни сир саклашсин. Қачон кўзғалиб, қаерга боришингиз ҳақидаги фармонни ўз вақтида оласиз.

– Куллуқ, амирим.

Чиқиб бораётганда қиличи ва камарини узатган хизматкорга еб қўйгудек бўлиб, ёмон кўз билан тикилди. Хизматкор кўркиб кетиб, ерга қаради. Ахир, унда айб йўқ эди. “Қуролингизни беринг” деб ишора билан чўзилган тўлини қайириб ташлаб, ичкарига қурол билан кирган ўжар кушбеги амирдан тегишли ҳақини олган бўлса, эшикдаги хизматкорда нима гуноҳ.

Ниҳоят отланишга буйруқ берилди. Лашкар тонг олдидан йўлга тушди. Шарқда Чўлпон юлдузи ярқираб турарди. Бектемир саф ичида отнинг жиловини тортиб, секин одимлаб юришга мажбурлар, икки кўзи Чўлпон юлдузида, ичида эса “Зулҳумор, Зулҳумор” деб такрорламоқда эди. Ҳақимқул ёнига яқин келди. Юришга илк бор чиқиши, қанча беғам бўлсалар ҳам олдинда хавф бор. Шунинг учун Бектемирга елкадош бўлиб, унга қандайдир зарур сўзларни айтишни ўйлар,

буни айтиш учун қулай фурсат кутиб келаётганида от тўқнашиб кетди, бироқ йиқилмасдан тезда ўзини ўнглаб олди.

– Бектемир, – деди у озини дўстининг кулоғига такагудек бўлиб. – Олдимизда уруш, номаълум душман. Мен кўрқаяпман.

“Мен ҳам кўрқаяпман” дегиси келди Бектемирнинг ҳам, бироқ кўнглига гулгула солмайин деган ўй билан индамади. “Чамамда эшитмади-ёв”, деб Ҳакимқул ўша гапни Бектемирнинг кулоғига каттиқрок айтди.

– Эшитдим, бакираверма! – деди Бектемир. – Менга қара, агар жангга кирадиган бўлсак, бир-биримизни назардан қочирмайлик. Бир кўзимиз душманда, иккинчи кўзимиз бир-биримизда бўлсин. Яралансак, ташлаб кетмайлик.

– Яхши, – деди бу жавобдан қаноатланган Ҳакимқул. Сўнг кўтаринки товуш билан Бектемирнинг кулоғига қичқирди:

– Тирик бўлсак, бир тепа, ўлсак, бир чуқур!

Бектемир бош кимирлатиб маъқуллади.

Лашкар дарё қирғоғида кўп тўхтамади. Кемалар кўшинни нарғи қирғокка олиб ўтди.

Куз мўъжизаси ила олтин рангли япроқларни ёпинган боғлар ва овул орқада қолди. Лашкар кум этагида жойлашган кичикроқ бир овулга етиб келганида қош қорайиб, осмонда юлдузлар кўрина бошлаган эди. Тўхташга буйруқ берилди. Кўпчилик овулдаги уйларга жойлашди. Уйларда жой етмаганлар ҳовлилардан қулай жой топишди. Ташқарида ўт ёқилмади. Демак, душман яқин ерда. Уларнинг айғокчилари ҳам шу атрофда юрган бўлса, ажабмас. Бир ҳовлининг деворлари панасига отларини бойлаб, беда-емини бергандан сўнг Бектемир ва Ҳакимқул овқатланишди. От жобувларини тўшаб, тўнларини ёпинишиб, уйкуга ётишди.

Тонгда отланиб, кум ичида йўлида давом этган лашкар кечгача юриб, ҳеч кимни учратмади. Қоронғи тушгандан кейин тўхтади. Отдан тушиб, бироқ от жоловини қўлдан қўймай кечки овқатни танаввул қилишга, кейин ўтириб бироз мизғишга рухсат берилди. Қорақум тепалиқларининг орасида гоҳ ўтириб, гоҳ тиз чўкиб мизғиб тонг оттирган лашкар сахарғи нонуштадан сўнг яна юришда давом этди.

Жанг қутилмаганда бошланди.

Амир лашкарининг рўпарасида кўриниб турган кум тепалар устида кўз очиб-юмгунча ердан кўқариб чиққан каби отлиқлар тўдаси пайдо бўлди. Бектемир беш юз, минг отлиқ деб чамалади. Тўсатдан пайдо бўлган ёв йигитларнинг юрагига ваҳима солиб, ҳайиктирдими ёки тўдалашган отлиқлар кўп бўлиб кўриндими, ҳуллас, Бектемирнинг шуурида “минг отлиқ, минг отлиқ” деган фикр лоп этиб пайдо бўлди. Оёқлари ва бўйинлари узун отларга минган йигитларнинг бошларидаги чўғирмаларнинг узун юнги шамолда тўзғиб-тўзғиб кетар, тўда-тўдага бўлинган отлиқлар водийни тўлдириб тебраниб келаётган амир лашкарларига тепадан қараб турар эдилар. Лашқарга “жангга тайёрлан!” деган буйруқ берилди. Қушбегининг озидан чиққан буйруқни мингбоши юзбошига, юзбоши ўнбошига етказди. Қўлга олинган бир пиёла айрон ичиб бўлинди-ёв, деб чамаланган вақт ичида кўзгалган лашкар тўп-тўп бўлиб, жангга тайёр ҳолатга келди. Қиличлар қинларидан суғирилди. Юраклар тез-тез ура бошлади. Ҳали тўкилиб улгурмаган қон хидини қаердан сезгани номаълум, Қорақум осмонида кузғунлар пайдо бўлиб, чарх ура бошладилар.

Юқоридаги отлиқлар орасидан оқ арғумоқ миниб, бошга оқ телпак кийган отлиқ олдинга интилиб чиқиб, камчиси билан пастга ўқталиб эди, у ёвмутлар сардори Акмамед бўлса керак, юқоридаги отлиқлар анҳорга қурилган тўғон очиб юборилганда сув қандай тошиб, тўлқинланиб, шовуллаб олға интиладиган

бўлса, худди шундай пастга қараб жадал оқиб туша бошлади. Пастдагилар эса, тошган сувни кутиб олишга тайёр жар каби ўрнидан қўзғалмай турар эдилар.

Тепадан тезлик билан ҳайқириб оққан сув йўлида учраган анча-мунча тўсиқни бузиб, оқизиб кетади. Буни “сув уриб кетди” дейишади. Хужум қилаётган отликлар ҳам пастдаги навқарларнинг олдинги қаторига урилиб, шатир-шутур қиличбозлик бошланиб кетди. Тепадан тез чоғиб келган отларнинг кучли босими амир лашкарини иккига бўлиб ташлади. Ҳалок бўлганлар ва яраланганлар бор эди. Амир лашкарини ёриб ўтганлар отларининг тезлигини тўхтага олмай анча узоклашиб, ортларига қайтгунларича талай машқларда чиниккан лашкар тезда сафни тузиб олди, душман юзма-юз келди. Агар амир лашкаридаги довдирашларни ҳисобга олмаганда кучлар, эгалланган ҳолатлар анча тенглашган эди. Ўнг қанотда жангга кирган Бектемир ва Ҳакимқул ёвмулларнинг дастлабки ҳамласидан омон қолди. Энди қиличларини ялонғочлаган икки дўст илк савашга интилмоқда.

– Кетдик, – деб кичкирди Ҳакимқул Бектемирга. Кўзларидан ўт сачрар эди. – Тирик бўлсак, бир тепа, ўлсак, бир чуқур!

Биринчи бўлиб жангга киришди. Ҳадемай икки отлик душманнинг ўртасига тушиб қолдилар. Бирга қилич сермаб улгурди, душман отнинг ёлини тутамлаб йиқилди. Иккинчиси Ҳакимқулдан аввал қилич сермади, дўстининг қўлидан қилич тушиб, от ёлига қараб энгаша бошлади.

– Ҳакимқул! Ҳакимқул! – Бектемир бор товуши билан кичкирар, отларнинг кишнаши, бир-бирига урилган пўлат яроқларнинг жаранглаши, ярадорларнинг оҳ-воҳлари, енгаётганларнинг ўронлари, жангнинг қиёмат-қойим шовқини унинг жон ҳолатдаги ҳам аламли, ҳам қаҳрли, ҳам аянчли овозини ўзидан ўзга ҳеч кимга эшиттирмас, кичқира-кичқира томоғи бўғилган эди. Ўнг-сўлга қилич сермаб тинимсиз Ҳакимқул томонга интилар, бироқ биридан сўнг иккинчиси олдини тўсган душман унга етишга йўл бермас, у эса тўхтовсиз қиличлашишга мажбур бўлар эди.

Орадан қанча вақт ўтганини аниқ билмайди, балки бир коса сув ичадиган вақт, балки юз кун ўтгандир, қанча ҳаракат қилса ҳам нигоҳидан сира қочирмаган, от ёлини кучоқлаб ётган дўсти томон интилади, кичқиради, товуши зўриққанидан алақачон бўғилиб бўлган, қилич сермайди, олға интилади. Ана Ҳакимқулнинг устида “ярк” этиб кўтарилган қилич унинг елкасига урилганини кўриб, юраги хонасидан чиқиб кетаёзди. Совуқ пўлат гўё ўз юрагига қадалгандек бўлди. Тўсатдан олдини кесиб чиқаётганлар озайганда дўстига яқинлашаверди, яқинлашаверди. Устидаги эгасига бир нарса бўлганини сезган қизил от жонивор чарх уриб айланар эди. Қўли жиловга энди етай-етай деганда қаёқдандир пайдо бўлган қора отлик ундан аввал жиловни ушлаб улгурди ва Ҳакимқулни оти билан бирга етагига олиб отини елдириб кетаверди.

“Дўстимдан айрилдим. Айрилиб қолдим. Ҳеч бўлмаса жасадини олиб қайта олмаيمانми?” деган ўй оловда қизиб чўғ бўлган темир янглиғ миясига қадалди. Тўполондан айрилиб, қора отликнинг изидан тушди. Отини қанча қистаса ҳам қизил отни етакка олган душман билан ораси қисқаришнинг ўрнига аста-секин узоклашиб борар эди. “Етқизмайди, етқизмайди”, деган ўй ичини қуйдириб юборди. “Мумкин эмас, мумкин эмас...”

Бирдан отини тўхтатди. Кўзларидан қатор оққан ёш юзини ювар, бироқ уни артиб ташлашга вақтни қизганарди.

“Нима қилиш керак? Нима қилиш керак?”

Субҳон юзбоши айтиб берган бир ривоят хотирасида чакмоқдек чақилди.

“Учаётган қуш, чопаетган ҳайвон, инсон ҳаммаси ажал олдида ожиз. Бироқ, билиб қўйинг, ҳеч ким ажали етмай ўлмайди. Агар ажал ўқи нимага отилган бўлса,

унинг етишига гумон қилманг. Текис кенгликда учган ўк-ёй ўқидек зувиллаган ажал ўқи қулонга ҳам, жайронга ҳам, кўқдан тушган қиронга ҳам етмай қўймайди”.

Отасидан қолган сари ёйни қўлга олди. Садокдан парли ўқни сугурди. Ажойиб қилиб йўнилган, пўлат учи олмосдай ўқни дўсти Ҳақимқул берган, тўғрироғи совға қилган эди.

Бектемир чуқур нафас олди. Аввал ўзи минг марта машқ қилган энгил ҳаракат билан ўқни сари ёйга жойлади. Қора отликнинг елкасини нишонга олди. Қочаётган совутсиз эди. Оғочи қаттиқ сари ёй кучли қўлларга бўйсуниб, толдек эгилди. Оёғини узангига тираб, эгардан сал-пал кўтарилган Бектемир ўқни нишонга қўйиб юборди. Кўзларини чийиллаб хуштак чалиб учган ўқдан узмас эди. Қора отлик орқасига ўгирилиб қаради. Отлик етмиш-саксон қадамга етиб қолганди. “Уч, ўк, уч, ёвга ет, дўстимни қутқар!”

Қочаётган йигит “энди қутулдим. От ва совут менга ўлжа тушди” деб қувониб улгурган эди. Ишқириб учган ўк елкасига “ғарч” этиб қадалди. Нима бўлганини англайман дегунча елиб бораётган қора отнинг оёғи остига йиқилиб тушди. Эгасини ташлаб кетишни хаёлига ҳам келтирмаган қора от дарров тўхтади.

“Етди. Ажал ўқидан қочолмади. Қувиб етди!”

Кўзидан оқаётган ёшни энги билан артиб, сари ёйини елкасига илди. Отини ниқтаб, дўстига етишга шошилди. Қора от ундан ётсирамади. Жилловини ушлаб олиб, ҳали давом этаётган жанг майдонини ташлаб, чекарокка чиқди.

Машқларда чиниккан амир аскарларининг қарши хужумига бардош беролмаган Акмамед сардор йигитлари бу пайтда чекинаётган эдилар. Кўп ўтмай таъқибга учраган ёвмутлар қоча бошлашди.

Бектемир четга чиқиб отини тўхтатди. Дўстининг елкасидан ушлаб “Ҳақимқул, Ҳақимқул!” деб қичқирди. У жавоб бермади. Елкасида қон кўринмади. Икки оёғи отнинг узангисидан, ўзи эгар устида, отнинг ёлига қўйилган боши шилқ-шилқ этиб қимирлайди.

“Ўлиб қолдимми?” деган ўй юрагига наштардай қадалди.

“Ҳақимқул! Ҳақимқул! Бўйнидаги ўк томирига бармоғини босди. “Гурс-гурс” этиб ураётган юрак товушини бармоқ орқали сезгандек бўлди.

Кўп ўтмай жанг тўхтади. Чекинганларни қувишга буйруқ бўлмади. Қум ичи хавф-хатарга тўла, у ёқда сувсизлик ва душман кутиб турар, бунинг устига талай жангу жадалларни бошдан кечирган юзбоши ёвмутлар ярадор бўлган уруғдошлари ва ҳалок бўлган туғишганларини ташлаб кетмасликларини, айланиб келиб мураса қилиб, битим тузишга уринишларини яхши билар эди.

Ўз отини боғлаб, унга қизил отни қўшган Бектемир жангда аскарлар билан бирга юрган табибни топди. Душман қайта хужум қилиши эҳтимоли бор деган шубҳа билан ўрта ерда тўплаб, табиб уларнинг яраларини кўраётган эди.

Бектемир отдан кўтарилиб туширган пайтда Ҳақимқул ингранди. “Тирик, тирик экан!” Бектемирнинг юраги тез урди.

Ҳақимқулнинг яраси унчалик оғир эмасга ўхшайди. Ўнг қўли тирсақдан пастроқдан, совут ёпмаган жойдан чопилган, суюқ синган, томирлар зарарланган, қўл фақат терига осилиб турибди. От ёлида қимирлаб бораётган Ҳақимқулнинг елкасига қилич урилганини Бектемир аниқ кўрган эди. Худо ёрлақаб, совут ва дубулға кўриқлабди, деярли зарар етмаган. Зарба жуда кучли бўлгандир эҳтимол, ҳушидан кетибди.

Ҳақимқулнинг тирик қолганига қувонгани билан, ўкинчли томони ҳам бор, у ҳам бўлса, ўнг қўл бундан кейин қилич ушлашга ярамай қолиши мумкин эди.

Жароҳати боғланиб, ҳушига келган Ҳақимқул биринчи табибни, иккинчи дўстини кўрди.

– Кўлим бутунми? – деди у оғриқсизлантириш учун берилган қора дорини сув билан ютаётиб, табибга.

– Бутун ўғлим, бутун.

– Қилич ушлашга ярайдими?

– Худо билади, ўғлим, Худо билади.

Бу икки маъноли жавоб Ҳакимқулни саросимага солди.

– Бутунми ўзи? – У саволини такрорлади.

– Бутун, бутун, жароҳати битиб кетади, бироқ ойлаб, йиллаб даволаниш зарур.

Лашкар жанг майдонидан чекинди. Навкарлар химояланишга қулай жойга беркинди. Шу ерда тунашга қарор қилинди. Кечқурун элчилар келишди. Халок бўлганлар билан ярадорлар қайтиб бериладиган, бунинг эвазига Акмамед сардор ўн минг қўй тўлайдиган бўлди. Битим тузилди.

Кўшлар тикилиб, аскарлар овқатландилар.

– Нима бўлди ўзи? Ҳаммаси бир лаҳзада, туш кўргандек... Воқеа қандай содир бўлди? Нима бўлгани ёдимда йўқ, – деди Ҳакимқул.

– Озгина тузалиб, ўзинга келиб ол, ҳаммасини айтиб бераман.

– Менинг берган ўқим қани, ўқдонингда кўринмайдими?

– Ўқ йўқ. Уни душманга йўлладим. Ажал ўқи бўлиб елкасига санчилди. Шундай қилиб, сени ўлимдан асраб қолдим.

– Ростми?

– Рост.

– Яхши, ҳаммасини кейин айтиб берасан.

Лашкар бир ҳафта йўл юриб, ўз қароргоҳига етиб келди. Жангда нобуд бўлганлар ҳам, ярадорлар ҳам бор эди. Кўп ўтмай Ҳакимқул оёққа турди. Юзбошидан руҳсат олган Бектемир Ҳакимқул билан ўз овулига қайтди. Отларни елдириб ўтиб, дабдаба билан кириб келишди. Дўсти жийрон отда эгарнинг бошида ўқдони, белида қиличи, оқ мато билан боғланган ўнг қўлини бўйнига осган, ёнида Бектемир... Улар музаффар жангчи, улар ғолиб навкар эдилар. Уларнинг ғалаба қозонганини шарафлаб кутиб олишди.

Ҳакимқул ўзига нима бўлганини, қандай ҳолатга тушганини, қандай қилиб ўлимдан қутулиб қолганини йўл бўйи Бектемирдан ипидан игнасиғача сўраб билиб олди. “Тирик бўлсак, бир тепа, ўлсак, бир чуқур” деган шарт бажарилди. У дўстидан миннатдор эди, оралари аввалгидан ҳам янада яқин бўлди. У аслида навкарликка бир тарафдан Бектемир учун кетган эди. Яна бир тарафдан...

Бу воқеани эшитган Ҳакимқулнинг ота-онаси Бектемирдан чексиз миннатдор эдилар. Буни изҳор этиш учун бўталокли туяни совға қилиб, эшигига боғлаб кетишди. Бектемир бу совғани қабул қила олмаслигини айтиб, Худонинг зорини қилса ҳам Ҳакимқулнинг отаси ўз сўзида туриб олди. Унинг раёини қайтармаслик учун “Олиб кетинг, дўстлик сотилмайди. Мен фақатгина дўстликнинг ва навкарликнинг шартини бажардим, халос” деб айтмади. Бўталокли туяни дўсти Журинбойга атади.

Бектемирнинг бирон ери тирналгани ҳам йўқ эди. У жангдан эсон-омон чиққанига, дўстини қутқарганига, ҳаммасидан ҳам кўра Зулхумор билан яна учрашадиган бўлганига жуда қувонарди.

Кўп ўтмай Зулхумор билан учрашиш учун баҳона қидира бошлади. Овул қизларининг сувга бораётганини пойлади. Зулхумор ҳам сувга борди. Уни сувлоқда учратиш мақсадида ҳар куни от суғорадиган одат чиқарди. Бир тўда қизлар билан қулишиб, ҳазиллашиб гаплашса ҳам, аслида ичидан ўзини унутган, ошиқи беқарор бўлган кизига сиртдан ҳеч нарса дея олмади. Кўзлар учрашди. Зулхумор ерга қаради. Нигоҳлар иккинчи марта тўқнашганда бир-бирини ту-

шунгандай бўлишди. Бектемир “Мен сени яхши кўраман, Зулхумор, сувга ёлғиз ўзинг кел” дегандек бўлса, Зулхумор “Хўп, келаман” дегандек эди.

Вақти келиб, Зулхуморни сувлоқда ёлғиз учратди. Қирмизи рангли бахмал кўйлагининг ёқаси зар билан кашталанган, кокиллари ўрилиб орқага ташланган, хар тебранганида сочбоғига тақилган кумуш тангалар нозиккина жиринглар эди, кўксидаги бир жуфт қушча анча каттариб, кўзга тушиб қолган, кўйлагини кўтариб турибди. Бектемир “Зулхумор” деб билагидан ушлаган эди қизнинг нозик бадани “дир” этиб титраб кетганини сезди.

– Вой, кўлимни оғритдинг! Кўйвор кўлимни, – деди уятчан товуш билан қиз. Ўшандагина йигит ўзининг темирдек қаттиқ бармоқлари билан қизнинг нозик билагини қисиб юборганини англади.

– Зулхумор, мен... – кетидан муносиб сўз айтолмади.

Қиз дадилланди.

– Нима демокчисиз?

– Мен яхши кўраман...

Қиз қулимсираб, ерга қаради. Бектемир тортинчок деб ўйлаганди.

– Нимани яхши кўрасан, Бектемир оға?

– Сени яхши кўраман, Зулхумор.

– Кўйсанг-чи, – деб пастга қаради. Мен ҳам яхши кўраман, деб айтмади.

“Кўйсанг-чи” деган сўзда муҳаббатга муҳаббат билан берилган жавоб ҳам, ноз ҳам, ёш қизнинг ибоси ҳам жамланган бўлиб, бунинг йигит оёғидан то сочининг толасигача қабул қилди, хис этди.

– Энди кўлимни кўйиб юбор, Бектемир оға. Биров кўрса, уят бўлади, – деди Зулхумор.

– Қачон учрашамиз? – деди йигит кўли бўшагандан сўнг ийиноғочини⁷ елкасига кўяётган қизга.

– Дийдор насиб этган куни, – деди қиз хандон отиб кулиб.

Сўнг ийиноғочига сув идишларини илдириб, елкасидаги ийиноғоч тарозидек бўлиб кетаверди. Йигит орқасидан сукланиб қараб қолди.

Фурсатини топиб, бир неча марта пинҳона учрашдилар. Бир-бирига узок тикилишлар, тортина-тортина сўзлашишлар... Бир-бирига яқинлашмадилар. Бир сафар Бектемир Зулхуморни кучоғига тортиб, суймоқчи бўлган эди Зулхуморнинг “Ошиқма, оға, хар нарсанинг вақти соати бор, ҳозир эркимни берсам, бундан ҳам ортиқроғини талаб қиласиз деб кўрқаман” деган сўзи йигитни тўхтатди.

Бектемир аскарликка қайтадиган вақти яқинлашганда Зулхумор билан учрашиб ваъдани бир жойга кўйишди. Келаси кузда навкарликдан бир йўла қайтади, бўлмаса, беш-олти ой муддатга рухсат олиб келиб, Зулхуморга уйланади. Унгача Бектемирнинг онаси бориб қизнинг ота-онаси билан гаплашади. Хуллас, Зулхумордан кўнгли тўқ бўлган Бектемир хайрлашиш учун Ҳакимқулларнинг уйига кирди.

Жароҳати ҳали тузалмаган Ҳакимқул гиламда тўшалган кўрпачада ётар, юзида ранг йўқ, ҳали унчалик кучи ўзига қайтмагани билиниб турар, бироқ руҳи тетик кўринди.

– Ахволинг қалай, Ҳакимқул? Ёвмутнинг ҳаммасини бир ўзинг ағдаргандек ётишингга кара, – деб ҳазиллашган бўлди.

– Энди навкарликка ярамасам керак. Табиб айтди, суяк битар, жароҳат тузалар экан, бироқ узилган томирни аввалгидек қилишнинг иложи йўққа ўхшайди. Чамаси, биз энди Ҳакимқул чўлоқмиз, жўра, – деб қулмоқчи эди, келиштиролмади.

⁷ Ийиноғоч – обкаш.

– Хафа бўлма, ўзинг айтдинг-ку тузалмайдиган яра бўлмайди, деб.
 – Барибир битади. Бироқ, мана, сен кетаяпсан, яна отингни миниб жўнаяпсан, керак бўлса, қиличнинг кинидан суғурасан. Хўш, мен-чи? Энди мен кимман – Ҳакимкул чўлоқман.

Бектемир уни қандай юпатишни билмас эди.

– Мен хайрлашишга келдим, – деди ниҳоят, эртага жўнаб кетаман. Сенга айтадиган пинҳона гапим бор эди.

– Қандай гап экан у пинҳона айтадиган? Айтавер, бу ерда иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ.

– Сендан яширадиган сирим йўқ, бироқ бу гапни сендан ўзга одамнинг эшитишни истамайман. Сен менинг дўстимсан. Сен билан Журидан бошқа туғишганим ҳам, суянчим ҳам йўқ. Айтадиганим: Мен Зулхумор билан ваъдалашдим. Келаси кузда навкарликдан ё бирагўла, ё бирон йил муддатга қайтаман. Қиз кутади. Сўз берди. Энди бундан буён Зулхуморга ўзинг кўз-қулоқ бўлиб турасан, дўстим.

– Нима, кўйни бўрига топшироқчимисан? Ё Барчиннинг синглиси борми?

– Ҳазилингни кўй, мен ростини айтаяпман.

Ҳакимкул негадир жим қолди. Дўстидан юзини буриб деворга қаради. Йиғлаётгандек эди. Бектемир уни ярадорлиги, мадорсизлиги, сафдан қолгани учун ўкинаётгандир, деб ўйлади.

– Яхши, – деди охири Ҳакимкул, товуши маъюс, ўлганининг кунидан гапиргандек эшитилди. – Яхши, ишонавер, мен Зулхуморга кўз-қулоқ бўламан, дўстим.

Ҳакимкул бу сўзларни айтишга-ку айтган бўлса ҳам, ичидан қон йиғлар эди. Ўзи ҳам Зулхуморни нақадар яхши кўриши, керак бўлса, жонини ҳам аямаслиги, бу туйғу дўстликдан ҳам юқори туришини шу дамда жуда теран ҳис этган, бироқ у Бектемирнинг олдида чорасиз қолган эди. Чунки, у болаликдан жон дўсти, бунинг устига ўлимдан қутқарган, “тирик бўлсак, бир тепа, ўлик бўлсак, бир чуқур” деган йигитлик шартини биринчи мард бажарувчиси эди. Ахир, унга “йўқ, мен Зулхуморга кўз-қулоқ бўла олмайман, сабаби, мен ўзим уни жонимдан ҳам ортик кўраман, дўстим”, деб айта олармиди? Ҳозир у урушдан омон чиққанига ўкина бошлади. Зулхумордан айрилгандан кўра, жасадим жанг майдонида қолиб кетса, бўлмасмиди, менинг лошимни Бектемир олиб келса, Зулхумор менга ачиниб йиғлармиди, ким билсин, деган ўй келди. Барибир икки йўлдан бирини танлашга мажбур эди. Бир дўсти, иккинчиси пинҳона севгилиси бўлган Зулхумор номили қиз эди. Энди ўн саккиз ёшни тўлдирган ўспирин йигит учун қайси бирини танлаш ҳам ўлим билан баробарга ўхшаб туюлди. Дастлабкиси, дўстликдан воз кечиш, ондан воз кечиш ўлимдан енгилроқми? Ундан кейингиси, дунёдаги энг гўзал, энг одобли, энг нозик, энг оқ кўнгил, хуллас қадди-қомати ва онгту шууридан ўзи излаган барча нарса топиладиган, Ҳакимкул учун шундай, Зулхумордан воз кечиш, ҳаттоки энг яқин дўсти учун бўлса ҳам ўлимдан осонроқ бўлармиди?

Озгина фурсатда бу ҳодисаларни ақл тарозисига солиб тортиб ўтиришнинг имконияти борми?

– Унда мен кетдим, – деди Бектемир охири. – Сенга ишонаман, дўстим. Яранг тузалаверсин, кипчокнинг мана ман деган сулув кизини сайлаб олиб берамиз. Зулхумордан ҳам сулувини.

Сўнги сўз билан Бектемир Ҳакимкулнинг қонли ярасига туз сепганини билмади. Кўп ҳаялламай, уйдан чиқди.

Кўнгли жойига тушиб, сафарга отланди.

Аскарликда ётса ҳам, турса ҳам ҳаёлида Зулхумор билан Ҳакимкул бўлди. Бир йилнинг тезроқ ўтишини истади, Субҳон юзбоши билан гаплашди. Юзбоши

Бектемирдек мард йигитларни қўлдан чиқаришни хоҳламас, бироқ оғзаки шартнома бир йилга тузилар, аскар оғриси, яна бошқа ҳолатлар сабабли навкарликдан ўз ихтиёри билан кетишга ҳақли эди. Юзбоши ўйлаб кўришини айтди. Йигит ҳам ха деб юзбошига ёпишавермади. Уйланиш учун беш-олти ойга рухсат олса, сўнг Зулхуморни Бухорога олиб келсам ҳам бўлади, деган фикрга келди.

Баҳорда амир шошилинич хабар олди. Акмамед шартлашилган ўн минг кўйнинг қолганини олиб келишга борган навкарни ўлдириб, яна бир неча овулларни талаб, молини ўлжа, одамларни асир қилиб олиб кетибди.

Кўшин дарёдан ўтиб, Қорақумни мўлжаллаб, йўлга тушди. Бу сафар ерни титратган минглаб навкарлар эмас, беш юз отлич очик жангга бораётганди.

Отлиқлар илдам юриб қум ичига кириб борди. Сардор бу йўлдан юриб ўтганига уч-тўрт кун бўлиб қолган, шунинг учун унга етиш қийин эди, бироқ юзбошилар кенгашиб, таъкибни тўхтатмасликка қарор қилишди. Сардорнинг жанговар отлиқлари кўп эмас, деган хабар олинган, бунинг устига туткинлар ва ўлжа бўлган молларни ҳайдаган отлиқлар тез юра олмас эди.

Таъкиб қилаётганлар тобора қум ичига кириб борар, кун кизир, мешлардаги сув тез тугар, сув захираси керак эди, бироқ излар душмanning яқин ердалигидан дарак бергани учун “қувиб етамиз” деган умид билан олға талпинишар, орқага қайтишини ўйламас эдилар.

Бепоён Қорақум саҳросининг қайбир тепалиқларининг ортида Акмамед сардор амир лашкарларига тузук кўйиб турганини юзбошилар сезмаганлар. Қуёш кўтарилиб пешинга яқинлашган пайтда ёвмут отлиқларининг куршовига тушиб қолишди. Кўп ўтмай жанг бошланиб кетди.

Кучлар тенг эмасди. Ўтган жангга ғалабага эришиб, душманни менсимай, ўзларига ортикча баҳо берганларини амир лашкарлари кеч тушиндилар. Таланган моллар ва асирларни қутқаришга келганларнинг аҳволи енгил бўлмаслиги кўриниб турарди. Жангдан, жон-жаҳди билан жанг қилишдан ўзга чора йўқ эди.

Қиличлар киндан суғирилди. Жанг бошланди. Гоҳ ёвмутларнинг қўли баланд келса, гоҳ навкарлар босим келарди. Отлар ва одамлар сувсизликдан қийналар, баҳор қуёши қиздирган қум жаҳаннамга айланган эди.

Душман ўқи ишқириб келиб Бектемирнинг кўрагига қадалди. Темир совут темир ўқнинг зарбига дош беролмади. Қўлидан қиличи тушиб кетди, кўз олди қоронгилашиб, боши айланди. Кўзини очганда бутун теварак қизғиш қумлар ҳам, бир-бири билан курашаётган отлиқлар ҳам, кўм-кўк осмон ҳам, чарақлаган қуёш ҳам, ҳаммаси бир рангга, кип-кизил рангга бўялган эди.

“Яраландим, оғир яраланган бўлсам керак” деган ўй хаёлидан кечди. “Ҳакимкул! Ҳакимкул!” деб жон ҳолатда кичқирди. Унинг товушини эшитадиган дўсти Ҳакимкул бу ерлардан жуда олисда эди. Бунинг устига ярадорнинг товуши жуда заиф чиқарди. Уни ёнида елкадош бўлиб, жон-жаҳди билан қиличлашаётган сафдошлари ҳам эшитишмади. “Зулхумор” деб шивирлади. Отдан тушмоқчи бўлиб бир оёғини узангидан чиқарди. Оёғи кўтарилмас, бамисли беш ботмон тош боғлаб қўйгандай оғир эди, амаллаб кўтарилиб, ўнг тарафга қийшайди ва “гурс” этиб отдан йиқилиб тушди. От тўхтади. Ўнг оёғи узангидан чикмади. От бир-икки кадам юрган эди Бектемир ўзини отнинг остида кўрди. Кўп ўтмай ҳушидан кетди.

Ёвмут отлиқларининг қўли устун келди. Амир аскарлари ўлган ва яраланган жангчиларни иложи борича йиғиштириб, ортга чекиндилар. Кимдир Бектемирнинг отининг жиловидан ушлаб, отни етаклаган эди оёғи узангидан чикмаган одамни от судрамади, ўрнидан қўзғалмади. Душман бостириб келарди. Навкар отнинг жиловини қўйиб юбориб, ўз жонини асраш учун қочди.

Енгилган амир лашкарини анча ерга қувган отликлар изига қайтиб келиб, жанг майдонида ҳалок бўлганларнинг совути ва қурол-ярокни олишди, эгасиз ўйноқлаб юрган отларни ушлашди, ярадорларнинг жароҳатларини боғлаб асир олишди.

– Атамират, бери гел, бу оғлан дири ма? Дем аляндай дуйилли, – деди мўйлови сабза бўлган ёш йигит Бектемирнинг устига энгашаётиб олисроқда бир мурдани тунаётган қора соқолли, ўрта ёшдаги девдек кишига.

Отамурод табиб эди. “Ҳозир барян”, деб ўз ишини давом эттираверди. Ёш йигит қараб турмади. Ерда ётган қилични олди, у ҳали қонга бўялмаган эди, “оғлан бегунаҳ”, деб ўйлади ёш йигит. Дубулғасини, камарини ечиб олди. Бели озгина бўшаганини сезган Бектемир чуқур нафас олди. Енги тирсаккача келадиган пўлат совут ечилмади. Елка билан кўкрак қафасининг ўртасига совутни тешиб қадалган камон ўқи анча чуқурроққа кирганми, совутни қўйиб юбормади. Ўқни куч билан тортиб суғириб олишга ёш йигитнинг юраги дов бермади, қондан кўрқадаган одати бор эди, шунга қарамасдан амакиси Отамурод уни урушга эргаштирди. “Ўлжа билан қайтасан”, деб кўндирди.

Табиб келди. Совутнинг этагини кўтариб, йигитнинг кўкрагига қўл солиб, юрагини текширди. Юрак тез-тез урар эди. Тажрибали кўзи билан ўқнинг қаерга, қанча чуқурликда санчилганини чамалади. Сўнг юзига тикилди. Мурти энди ўсаётган, жанг майдонида қулочини ёзиб ётган, ўзининг ўн саккизи энди тўлдирган ўғли Гелдимуродига ўхшайдиган йигитнинг аянчли тақдири талай босқинчиликларда ёвузликларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган табиб юрагининг бир чеккасида мудраб ётган инсонга бўлган меҳр-шафқат туйғусини уйғотиб юбордими, йўқса, “менинг Гелдимуродим шундай холатга тушса нима қилардим деган бирон ҳадик пайдо бўлди, шулас, табибнинг кўзларида “йилт” этган ачиниш ва раҳм учқунлари чакнагандек бўлди.

– Алини тут, бекем тут, – деди ёнидаги йигитга қатъий. Ёш йигит қаттиқ товушдан “дик” этиб тушдида Бектемирнинг устига ўтириб олди, йўғон панжалари билан билакларидан қаттиқ ушлаб, бор кучи билан босиб турди. Табиб йигитнинг кўкрагига қозикдек бўлиб қокилиб турган ўқни икки қўли билан ушлаб юқорига тортди. Ўқ олинмади. Бир-икки марта уриниб кўрганидан сўнг ўқнинг олинмаслигини билган табиб белбоғидан ўткир ханжарни суғуриб олди.

“Ярадорни ўлдириб кетади”, деган хаёлга борган йигит бакириб юборди.

– Йўқ, йўқ, қака! Йўқ!

– Бекем тут, – деди табиб тинчлантирувчи товуш билан. Йигитнинг кўнгли жойига тушди. Отамурод ўлдирмоқчи эмасди, бундай фикр унинг хаёлига ҳам келмаганди. Фақат ярадорни отга ортганда халал бермаслиги учун қозикдек қаккайиб турган ўқни тубидан кесиб ташламоқчи эди.

Бектемирни ўзининг отига ёнбош қилиб ортишди. Ўз отига минган ўспирин уни етакка олди. Унинг исми Сапармурод эди.

– Дарт, Сапармурод, – деди қора соқолли табиб. Қайфияти кўтаринки эди. Ярадорнинг оти ўлжа, ўзи асир бўлса, жангда яраланмай, овулига омон қайтмоқда, у хурсанд бўлмай, ким хурсанд бўлсин. Йигитнинг жароҳати унча оғир эмас. Отамурод табиб бундан бағтарларини тузатиб, оёққа турғизган.

Бектемирнинг қулоғига қўй-қўзиларнинг маърагани чалингандек бўлди. Ўтовнинг чанғароғи кўринди. Ўртада ёқилган олов тутунидан қорайиб кетган чанғароқнинг туйнути очик, қўм-қўқ осмон кўринар эди. Ташқарида қўй-қўзилар шовури, орасида онасини излаб бўзлаган бўталоқнинг овози ҳам эшитиларди. Ёнбошлаб ётмоқчи

бўлиб сал қимирлаган эди, кўкрак тўши шундай санчиб оғридики, беихтиёр инграб юборди. “Мен ўз овулимдаман” деб ўйлади. “Бу ерга ўзим келдимми ёки биров олиб келдимми экан? Балки Ҳакимкул олиб келгандир? У ёнимда йўқ эди-ку, яраланган эди, овулга ўзим элтиб кўйган эдим-ку. Чанғарок бизнинг уйимизнинг чанғароғи, бу аник. Ахир, киш бўйи ўртада ўт ёкилади. Ўтов тикиш, унга кийиз ёпиш онамнинг армони. Худо хоҳласа, янги ўтов тикишнинг тадоригини кўриш керак. Ахир, Зулхуморни чанғароғи қорайиб кетган уйга келин килиб тушириб келиб бўлмайди-ку. Онам қаерга кетган экан? Кўкрагим нега оғрийди? Яраландимми?” Шу пайт қора уйнинг эрганаги шарқ этиб очилди-да, аввал майдалаб ўрилган кокиллар ва қизил дўши, сўнгра тўпиккача тушган узун қизил кўйлак кўринди. Майда кокиллариға тақилган кумуш тангалар бир-бириға урилиб секингина жаранглаб кетди.

“Зулхумор! Зулхумор! У мени кўргани келган... Ҳа, ўша” Бектемирнинг юраги от югургандай дупур-дупур этиб кетди. Кенг очилган эрганақдан тушган куёш нурлари йигитнинг кўзларини қамаштирди.

– Зулхумор, – деди хаста товуш билан.

Бу сўзни эшитган майда кокиллар ила қизил кўйлак эгаси остонада тўхтаб қолди.

– Зулхумор?!

Қиз жавоб бермади. Ўртага тушган бирозгина жимжитликдан сўнг Бектемир кизнинг “Аже!” деган овозини эшитди.

– Зулхумор? – деди йигит шивирлаб.

– Аже! – деди яна қиз ҳаяжонланган товушда. – Банда гапиряр!

Бу овозда қувонч, ўқинч, хайратланиш, қизиқиш – барчаси уйғунлашиб кетган эди.

– Гўзал! Гўзал! Сени нами деян?

– Банда гапиряр, деян.

– Ул тарапта нами қиларсан? Геш бу яна!

“Нима учун уни уришмоқда? Қизни тергаган менинг онамми? Тили сал бошқачароқми?” бу фикрларни ўйлаб ўйига етгунча, тушунгунича эрганақни тўсиб турган қизил кўйлак кўздан ғойиб бўлиб улгурган эди.

“Мен қаердаман ўзи?” – Бектемир ўз-ўзига берган бу саволға жавоб топа олмади. Яна чанғароққа тикилди.

Бошидан ўтган, ёдида қолган воқеаларни бирма-бир эслай бошлади.

Лашкарнинг отланиб чиққани, дарёдан ўтгани, сахроға киргани, дастлабки жанг ёдига тушди. Яна қимирлашға ҳаракат қилган эди, кўкрак қафаси қаттиқ оғриди, озгина вақт титраб ётди-да, ҳушидан кетди. Кўзини очганда яна ўша тундан қорайган чанғароқни кўрди. “Яраландим”, деб ўйлади. “Ҳа, жангда яраланган эдим”. Кўлини кўтариб, кўкрагини сийпалаб кўрмоқчи эди, ўнг қўли ўзига бўйсунмади. Чап қўлини бир амаллаб кўкрагига олиб борди. Пайпаслади, кўкси алланарсалар билан боғланган эди. “Яраландим... Отдан йиқилдим. Шундан сўнг нима бўлди?”. У ёки қоронғи эди, хотирасида қолмабди, ҳушини йўқотган эди. “Мени бу ерга қим олиб келди? Бу ер ўз уйимми? Онам нега менға бегона тилда сўзламоқда? Балки мен ухлаб ётибману уйкумда туш кўраёпманми?” деган узук-юлуқ ўй-фикрлар хаёлидан ўтди.

Шу пайт ташқарида от кишнади. Қандайдир бир темир билан тўқнашган узанги жаранглаб кетди. Эркак киши сафардан қайтиб, отдан тушгани сезилди. Кўп ўтмай аёл товуши бу гумонни тасдиқлади.

– Гелдизме, қақаси, – деган сўзға жавоб бўлмади. Эшитилиб турган таниш товушлардан: юганларнинг шалдираши, отнинг бетоқат депсиниши, отнинг яна бошқа анжомларидаги қалайи, мис, кумуш жабдуқларнинг тақир-туқуридан

от эгаси отини бойлаётганини Бектемир сезиб ётди. “Мен ўз уйимда ётибман” деган ишонч аста-секин гумонга айланаётган эди. Баралла айтилган сўз унинг ишончини буткул йўққа чиқарди:

– Қақа, банда гўзини ашяр, гапиряр, – деди очик ва бегубор товуш. – У ўнгланарми, яшарми?

– Гўзал, нами бунча кизикмасанг? – деди аёлнинг норози товуши.

– Қўябер, хатин, – деди эркак. – Қизикса нами?

Бектемирнинг кўкраги “чим” этиб санчди. Бундан бир неча кун бурун чийиллаб учган ўк қайтадан санчилгандек, “вох” деб юборди. “Мен тутқундаман, мен асирман, мен қулман! Зулхумор... Зулхумор...” Ҳолдан тойди.

Кўзини очганда ўз уйимнинг чанғароғи деб ўйлаган, ис босиб коп-қора бўлиб кетган чанғарокнинг ўрнига қоп-қора соқолли, қирра бурунли, кенг пешонали кишини кўрди. У Бектемирнинг юзига тикилиб ўтирарди.

– Ҳей, оғлан, нешук? – деди қора соқол эгаси йигитга қараб. Унинг кўзлари ўткир, бироқ қандайдир бир ачиниш ёки меҳр билан бокқандек туюлди Бектемирга. Бектемир индамади.

Эрганак очилиб, ичкарига қуёшнинг ёруғ нурлари тўкилди. Бўсағада қуёш нурларига беланган кизил кўйлак эгасининг майдалаб ўрилган кокиллари кўксига тушиб турар эди.

– Қақа, ул яшаярми?

– Яшаяр, яшаяр, иншалла. Геш, Гўзал, – деди қора соқолли киши.

“Исми Гўзал экан. Мен Зулхумор бўлса керак деб адашибман”. “Ўзи ҳам гўзал экан”. “Мен тутқундаман. Асирман. Энди менга Зулхумор йўк”. “Нима қилиш керак?!” “Ўлиш керак” дея жавоб берди ичидан бир туйғу. Ўлиш керак. Тутқунда, Зулхуморсиз яшагандан кўра ўлимни афзал кўрди. Қандай ўлади? Бирор қурол-яроғ: ханжар, садок, қилич ёки ўтовга суяб қўйилган найза йўқмикан деб нигоҳлари билан кераганининг бошини, сўнгра адоғини кидирди.

Кўлга илинадиган ҳеч нарса йўк. Тўғри, ким ҳам асирнинг, урушда қўлга тушган тутқуннинг ёнига қурол қўйиб, ма ол, деярд эди? Чанғарокқа тикилди. Агарда ўзимни осадиган бўлсам, кўтара олармикан, деб чамалади. Бу фикр маъқул келди-да, кўзлари билан ип қидира бошлаган эди увик билан керагани бириктириб бойлаган, жундан тўқилган тизмага тикилди. “Кўтарармикан? Кўтармаса, икки қават қилиб бойлайман”. Хаёлига келган ишни дарҳол амалга ошириш мақсадида ўрндан турмоқчи бўлди, оғрикнинг зўридан инграб юборди. Алламаҳалда оғрик босилгандан сўнг оёқларини кимирлатиб кўрди. “Худога шукр, оёқларим соғ экан”. Ўнг қўли зилдай, кўзгага олмади, чап қўли сал кўтарилди-да “шалп” этиб ўз-ўзидан пастга тушиб кетди. Бектемир аросатда қолган эди. Тутқунда, асир, куч-қувват уни тарк этган, керак бўлса ўз-ўзини қурбон этишга ҳам қурбон етмайди. Бундай азобга чидай олмай йиғлаб юборди. Мунчок-мунчок кўзёшлари чаккасидан шўрғалаб, бошининг остидаги яғир ёстиққа томаверди, томаверди. Оғир ўйлардан шуури хиралашди, кўзлари уйку уммонига ғарқ бўлди. Тутқунликда қунар ўтаверди. Дастлабки пайтларда ўзини идора қилиб, оғзига нон ҳам олиб боролмас, қўллари умуман қовушмас эди. Кўпинча йигитни табибнинг ўзи овқатлантириб юрди. Энди Бектемир унинг тутқуни, у тутқуннинг хўжайини. Тирилтурса ҳам, ўлдирса ҳам йигитнинг ихтиёри қора соқолли Отамурод табибнинг қўлида эди. Хўжайин отланиб бир ёқларга ўз иши билан кетар, унинг аёли ҳам уй юмушларидан қўли бўшаган пайтларда кизига: “Гўзал, бандага аш едир” деб айтар, ҳамма гапни Бектемир эшитиб ётар, “Хўп, аже” дея эшитилган овоздан кейин бўсағада қўлида овқат солинган идиш, сув тўлдирилган кўза кўтарган Гўзал пайдо бўлар эди. У кўза билан овқат идишини ги-

ламга қўйиб, йигитнинг ёнида тиззалаб ўтириб олар, сўнг қошиқни қўлида тутиб “Ағзингни аш” деган буйруқнамо товуш эшитилганда тутқуннинг жўртгага юмиб ётган кўзи очилиб кетар эди. Гоҳида қиз негадир йигитнинг юзига тикилиб, кўзини узолмай қолган пайтлар ҳам бўлар эди... Қизнинг куёвдай порлаган муҳаббат тўла кўзларидан йигит бир неча бор кўзларини олиб қочиб, нигоҳини четга олди.

Гўзал ўн беш-ўн олти ёшлардаги узун бўйли, сарвкоматли, ҳар нарсага қизиқувчан қиз бўлиб, Отамурод табибнинг Гелдимуроддан кейинги фарзанди эди. Ота-онаси кизни жонидан ортиқ яхши кўрар, уларга суянган Гўзал эркин қиз бўлиб вояга етди. Ота-она назарида қиз вояга етмагандек туюлар, ҳатто унинг қиз бола эканлигини ҳам хаёлларига келтиришмас, шунинг учун тутқун йигитга, унинг тақдирига қизиққанига ортиқча эътибор қаратишмади. Иккинчи тарафдан қизикса нима бўпти, энди Бектемир хўжайиннинг эрксиз мулки, шунинг учун ундан хавфсирамаса ҳам бўлади, буниг устига асир-беҳол, керак бўлса оғзига олиб боришини ҳам уддалай олмайди.

Тутқунда яшашдан кўра ўлимни афзал кўрган йигитнинг қалбида Гўзал ҳар келганида ҳаётга, яшашга умид уйғонгандек бўлар, қиз оғзига солиб қўйган овқатни иштаҳа билан ютар, ёнидан сира кетмаслигини истар эди. У Гўзалнинг қадди-коматида, кулгисида, эркалик қилиб арашашларида Зулхуморни кўрар эди. Зулхумор тўғрисидаги ўй-хаёллар йигитда яшашга иштиёқ уйғотди.

Кузга келиб Бектемирнинг жароҳати тузала бошлади. Энди овқатни ўзи ея олади, унга унча ғамхўрлик ҳам кўрсатишмас, ким келтирса ҳам смакни эшикнинг олдига қўйиб кетар, ичкарига кирмас эди. “Қочиб кетмасин” деган гумон билан уни кўриқлаш ҳам кучайтирилди. Бир куни соқолли табибнинг Сапармуродга айтган гапларини эшитиб қолди.

– Темирчидан кишан олиб кел!

Шундай қилиб Бектемирнинг оёғига кишан урилди. Қора соқол кишаннинг қалитини чўнтагига солиб қўйди. Бектемир ўтовдан эмин-эркин чиқадиган бўлди. Кўли қандай оғир юк бўлса ҳам кўтара оладиган, тепса оёғи билан темирни узадигандек кучга тўлди. Энди унга уй теварагидаги хўжалик юмушларини бажариш юклатилди. Отнинг тагини тозалаб, ем беради, керак бўлса, ювиб-тарайди, подадан келган молни эртаю кеч кўрага қамаб, хайдаб чиқаради, бироқ уйдан узокқа жилмайди, сабаби оёғидаги кишан билан олисга бора олмайди, отга ҳам минолмайди. Табиб бирон ёкка кетса, Сапармурод қоровуллик қилади. Яқин келмайди, ўзига яқинлаштирмайди ҳам. Ўн қадамдан яқинроқ масофага келиб қолгудек бўлса, “Дур, дур” деб қиличини қиндан чиқаради. Бектемир ҳам унга ўчакишиб ўтирмайди. “Тет” деса, кетиб, “Юр” деса юриб, “дур” деса туриб, айтганига қўнади. Гўзални онда-сонда кўради, шундай буюрилган бўлса керак, мабодо учрашиб қолишса, нигоҳини ерга қадайдди.

Киш ўтиб баҳор келди. Овул кўчадиган бўлди, уй-ўтовлар йиғилиб, кўч йўлга чиқди. Бектемир оёғидаги кишан билан от-уловга минолмас эди.

Қора соқол бунга ҳам чора ўйлаб қўйган экан, кишанни оёғидан ечиб олиб, қўлларига солди. Бурнига жез бурундук солинган туяга миниб, кўчнинг ортидан эргашаверди.

Тўрт-беш уйлик Отамурод табибнинг оиласи элдан эртароқ қулай ерга қўнди. Бектемирга яна иш топилди. У энди табибнинг туяларини кўриқлайдиган бўлди. Ўргатилган нортюяни миннишга беришди. Бироқ қўлига солинган кишанни ечишмади, унинг қалитини табиб қаерга борса ҳам доимо ўзи билан олиб юрадиган бўлди.

Бектемир озиб-тўзиб кетди. “Одам бошига тушса, дўзахга ҳам қўнади” деганлари рост экан. Қўлидаги кишан юрганида шақирлаб унинг қаерда эканини ошқора фош этадиган бўлди. Юрса ҳам, турса ҳам олисда қолган қипчоқ овули ва аҳду паймон

килган Зулхумор бир лаҳза ҳам хаёлидан чиққан эмас. Бироқ илож қанча? Куш бўлса эди, қанотларини қоқиб-қоқиб ўқ етмас баландга учар эди, албатта, баланд осмондан ўзи туғилиб-ўсган овул кўринади. Чарх уриб учиб Зулхуморларнинг уйи эшигига кўнар, кишанларини шилдиради: “Мен келдим, Зулхумор, келдим”, деган бўлар эди. “Зулхумор қандай ахволда экан? Мени соғингандир? Менинг йўқолиб қолганимни овулдагилар эшитгандир. Зулхумор мени ўлди, деб йиғлагандир? Ёки унутиб юборганикин? Йўқ, йўқ, унутиши мумкин эмас, унутмайди. Ёнида Ҳакимкул жўрам бор”.

Онаси билан Журинойдан мени излаб топиб сотиб олиб кетади, деган умид йўқ. Улар бу томонларга кела олишмайди. Бир умиди жон дўсти Ҳакимқулдан. Асирга тушган тутқунларни туғишганлари анча-мунча олтин билан кутқариб олганларини кўп бора эшитган эди. Йиллар бўйи озодликка чиқишнинг икки йўли ҳақида юрак-юрагидан ўйлаб кўйди ва умиди тобора ортти. Биринчиси – Ҳакимкул излаб келиб, хўжайини билан келишиб, озод этиши эҳтимоллиги. Иккинчиси – қочиш. Қандай қочади, нима билан қочади? У ёғини билмайди. Озод бўлишга умид туғдирадиган ҳар қандай режа икки қўлини боғлаган, қалити хўжайиннинг чўнтагида сакланаётган кишанга келганда чексиз денгизда кўтарилган баланд тўлқиннинг елкасида қалқиган бир енгил қайиқнинг юксак қояларга урилиб чилпарчин бўлганидек нобуд бўлар эди. Хўжайинининг боши танасидан жудо этилгандагина қалитни қўлга киритиш мумкин эди. Бундай ишга қўл уриш амри маҳол. Хўжайинининг қавмдошлари индамай қараб турадими, ахир? Қочишга имконият бўлмайди. Энди унинг ўлгиси келмай қолганди. Бунга сабаб дастлаб овқатлантиришга келган Гўзални кўрган пайтда қоп-қоронги кўнглига кучсизгина шуъла каби йўл топиб қариб олиб, сўнгра улғая бошлаган умид, келажакдан умид бўлса керак. Ахир, “Ноумид шайтон” дейдилар-ку.

Ҳар куни теварак-атрофни диққат билан кузатиб юрди. Қайси йўл қаерга олиб боради, ким қаерга бориб келди – ҳаммасини зимдан ўрганди. Субҳон юз-боши юлдузларга қараб йўл юришни, манзилни аниқлашни қайта-қайта машқ қилдирганди. Агар омади келиб бу ердан, яъни қуллиқдан қочадиган бўлса, қайси отни миниб, қайси томонга кетиш кераклигини аниқлаб олди. Қалдирғоч қанотидек қулоғи юлдузни кўзлаган ола пойчали тўриқ от хўжайиннинг сеvimли оти. Унга тегиниб бўлмайди, хўжайин ундан айрилганини билса, ҳеч иккиланмайди, қувиб етиб олади-да аяб ўтирмайди. Бунинг устига от эгасидан бошқани ётсираб, ёнига яқинлаштирамайди. Қора-қўқ айғирга ҳам ишониб бўлмайди, қариб қолган, бироз чопгандан сўнг оқсаб қолади. Табиб уни насл олиш учун боқиб юрганга ўхшайди. Бўйрул от... Бектемир бўйрул бедовга миниб қочишни мўлжаллаб кўйган. Азалдан, ранги бўйрул – холдор, кўкиш от феъли телба бўлса ҳам жуда чидамли келади, тонгдан оқшомгача миниб чопсанг ҳам ҳеч чарчашни билмайди, дея йилкичилар сўзлаганини кўп эшитган. Қочиш учун қулай фурсат топилавермади. Бектемир сабр қилди. Сабр қилмай иложи қанча? Хўжайини кимнидир эмлаш, ёки бирон юмуш билан тез-тез олис-яқин сафарга кетарди. Бироқ бундан ҳам фойда йўқ, чунки, кишаннинг қалити табибнинг ён чўнтагида. Бунинг устига Сапармурод кўриқлаб, изма-из эргашишни қанда қилмас эди. Бектемир кун бўйи бакирок норни миниб туялар изидан юради, нор билан қочганда ҳам қаерга боради. Отлик йигитлар олдимини олтидан оштирамайди.

Қорақумнинг ўртасида беш-олти ўтовни макон қилган овулда кунлар кунларни қувиб ойларга, ойлар ойларни айланиб йилларга етаверди. Вақт ўтаверди. Қипчоқ элида эмин-эркин ўсган Бектемир иккинчи кузни кўлида кишан билан қутиб олмоқда эди.

Икки йилдан ортиқ вақт қутилган фурсат баҳор ёмғиридан олдин гумбурлаб

чакнайдиған момақалдирик каби тўсатдан, дафъатан пайдо бўлиб, йигитни эсанкиратиб қўйди.

Одатдагидек кош қорайиб, осмонда юлдузлар кўрина бошлаганда ҳар томонга ёйилган туяларни бир ерга жамлаб, овулга қайтишга тайёрланди. Соғин туялар кечкурун, салкин тушганда соғилар эди. Кечикиб қолиб, гап эшитмайин яна, деган хаёл билан шошилиб, остидаги норни қистади. Лоп-лоп тебраниб келаётган туялар овулга яқинлашганини хис этиб, узун-узун оёқларини тез-тез босаверди. Шу маҳалда сурдов бўйидаги янтоқзорда бир тулки ерга қапишгудек энкайиб, ниманидир кузатиб турар эди. Тўсатдан бир сур куён тулкининг рўпарасида пайдо бўлиб қолди, пайт пойлаб турган шум тулки бир ҳамла билан куённи олди-да қўйди. Куён жонивор бир мартагина “вийк” этиб инграшга улгурди, холос. Бектемир мийиғида кулиб бу воқеани ўзича яхшилиқка йўйди. “Мен ҳозир ҳалиги тулкидан ҳам кучсизрокман, қўлим кишанли. Тулки куённи шумлик билан олди. Бўлмаса, қувиб ушлай олмасди. Агар куён тулкидан қочганида эди, икки сакраб қутилиб кетган бўларди”.

Кунчиқар тарафга қараган эди, ярқираб туккан Чўлпон юлдузини кўрди. Одатдагидек, “Зулхумор!?” деб шивирлади. Кўп ўтмай овулга кириб келди.

Ажабланди, ҳеч ким туя соғишга чикмаган, кўралар очилмаган, негадир ҳар ерда сочилиб ётган кўрпа-тўшак кўзга ташланади. Бектемир ҳайрон. Овулга нима бўлди? Ҳеч ким қолмаган ўхшайди. Ҳамма ёк жимжит. Тинчликми ўзи?

Овулниң қурол кўтаришга ярайдиған йигитлариниң ҳаммаси отланиб ўлжа топишга кетган, аёллару болалар билан Бектемирни кўриқлаш учун Сапармурод ва Гелдимурод қолган эди. Уларниң ҳам қораси кўринмасди. “Йигит” этган ҳаракатта, “чирк” этган товушга ҳам дарров ҳуриб чиқадиган итлар ҳам инларига кириб кетганми?

Нима бўлганини тушунмаган Бектемир туяни чўктириб, кўранинғ эшигини очди. Туяларни камади. “Кочиш керак, фурсат етти” деган фикр лоп этиб хаёлига келди. “Отлар қани?” Қора айғир билан яна бир от қозикларида кўринмасди. Улар қаерга кетган экан? Ола пойча тўриқни хўжайин миниб кетган. Буйрул қаерда? Чидамли бўлгани учун молга, йилки боқишга миниладиган буйрул от зотли ахалтеке отларидан бўлак ерга бойланар эди. Отхона томонга югурди. Кўлига солинган кишаннинг темир занжирлари бир-бирига урилиб қаттиқ шакирлаганидан сокин туннинг тинчлиги бузилар эди. Отхонага кирса, буйрул олдига солинган ёнтоқни қурт-қурт чайнаётган экан, одамнинг шовурини сезиб пишкириб қўйди. Иккиланиб турмасдан терликни отга солди, устига эгарни қўндирди. От белига айилни қаттиқ тортиганидан от букилиб кетди, қаттиқ тортиганини билиб, озгина бўшатиб бойлади. Узанги айилни тортиб ўтирмади. Отни етаклаб, кўрадан чикарди-да, икки қўли билан эгарга осилиб, отга сакраб минди. Оёқлари билан от белига ниқтаб ҳайдади. Хўжайинини ўтовни олдиған ўтаётганда тўхтади. Отдан тушиб жиловни белдовга бойлади. Тирик жон кўринмади, йўлга ейиш учун озик-овқат олайин, кўлга илинадиған қурол бормикин, деб ўтовга бош суқди. Ўтов ичидаги мулк сочилиб ётар, қоронғида қурол-яроқ ҳам, озик-овқат бўлгудек бирон нарса ҳам топилмади. Тез қайтиб чиқиб хўжайинниң ўтовни ёнида тикилган, ўзи яшайдиган қора уйга кирди. Устига ҳеч ким қирмаганидан фойдаланиб, ҳар қуни бериладиган нондан бир тишламдан бўлса ҳам орттириб, қотган нонни ғамлаб, тўрвага солиб қора уйниң бир чеккасига яшириб қўйган эди. Тимирскилаб, пайпаслаб топиб олди-да, бўйнига илди. Ортига бурилиб эшиққа борганда “Бектемир аға!” деган товушни эшитиб, бўсағада энкайганча қотиб қолди. Қулоғимга шундай эшитилган бўлса керак, дея ташқарига қараб қадам босган эди ўша овоз яна такрорланди.

– Зулхумор! – деб юборди Бектемир. У шу дамда ўзини туш кўраётгандек ёки бошқа бир оламда юргандек сезар эди.

– Бектемир аға! – қоронғилиқдан чикиб келган шарпа Бектемирни кучоқлаб йиглаб юборди. – Мен Гўзалман... – иссиқ нафас йигитнинг юзига урилиб кимиз ичган каби маст килди. Йигитнинг бўйнига осилиб олган қиз ўқсиб-ўқсиб йиғлар, кўзёшлари Бектемирнинг бўз қўйлагининг ёқасидан қуйилиб, баданини куйдириб борар эди. Бектемир ўзига келди. Кўрганлари туш ёки ўзга олам кўринишлари эмас, шу дамда ўнгида рўй бераётган воқеалар эканини, овулда қандайдир кўнгилсиз ходисалар бўлиб ўтганини англади.

– Гўзал, йиғлама, қароғим. Нима бўлди ўзи? Йиғламасдан гапириб бер, қани.

Гўзал ўпқасини босолмай йиғлар, дам-бадам "ағам, ажем..." яна алланима деб сўзлаб кўяр. Узук-юлуқ сўзлардан Бектемир ҳеч нимани англай олмасди.

– Менинг вақтим оз, нима бўлди, тушунтириб гапирсанг-чи? Мен қулликдан озод бўлмоқчиман. Мен ўз элимга, ўз овулимга, мени кутиб кўзлари тўрт бўлган онамнинг, севган кизимнинг ёнига кетмоқчиман. Сен қарши эмасдирсан?..

Бу сўзлардан сўнг Гўзалнинг кўзёшлари аввалгидан ҳам тезроқ оқадиган дарё бўлди.

– Гетме, Бектемир агажан. Мен ғорқарин. Гетме, мен сени суерин... Гетме.

– Гўзал, қариндошим, қароғим, – Бектемирнинг ўзи ҳам йиглаб юборишга сал қолди. – Мен қулман, мен сенинг тенгинг эмасман. Тушунгин, ахир, бу ерда қолганимда ҳам сенга қўлим етмасдан, айрилиқ ўтига чидай олмай ўлиб кетаман. Мени қўйиб юбор, ўз йўлимга кетайин, қароғим.

– Мен ғорқарин, агажан. Гетме... Яғий гелди. Адамнинг қандари текелер... Ажемни, Гелдимурад ила Сапармурадни банд қилди. Атларни алди. Мен бул жерге бекиндим. Гўрмади. Чақаларни, қизларни, ўғланлар билан келинларни, мол-дуняни алди. Мени тапмадилер. Мен сен учун баринен гечерем, мени ўзинг билан акет, агажан.

Унинг имкони йўқ эди, бироқ Гўзал боёқиш бунни тушунмас, холбуки бунни тушунишни ҳам истамас эди. Иккиланмоққа асло фурсат йўқ. Атрофга қулоқ тутди. Ҳар ер, ҳар ерда асир қилиб олиб кетилганлар туғишганларининг, аёлларнинг дод-фарёдлари эшитиларди. Демак, овулда одамлар бор, Гўзалнинг ёлғиз ўзи қолмайди, деб ўйлади. Гўзал эса кўрқинчданми ёки Бектемирни ростдан ҳам севиб қолиб, ажралишни хохламаганлиқданми, йигитнинг бўйинини сира қўйиб юбормас эди.

Тутқун учун бундай қулай фурсат яна топиладими, ким билсин? Пайтни бой бериб бўлмайди.

Йигит қишанланган қўлларини кўтариб Гўзалнинг сочларини силади. Сўнг бўйнига осилган қўлларини қийинчилик билан тушириб, қизнинг пешонасидан ўпди. Қиз нима бўлар экан деб жим эди.

– Хуш қол, Гўзал, қароғим, – деди Бектемир ўзини қўлга олиб. – Шафқатсиз тақдир сен билан мени бу тор оламда учраштирган эди. Мана, яна ажратмоқда. Ҳаётдан тўйган пайтимда сен ҳаётни севишни ўргатдинг. Ўз қўлинг билан оғзимга ош егизиб, мени оёққа турғаздинг. Сен мени туғишганим, туғишган қариндошим бўлиб қолдинг. Имкони бўлса, сени бир умр бошимга кўтариб юрардим, имконим йўқ. Мени олис йўллар, заҳмату машаққатлар қутмоқда, мен ўша йўллардан омон ўтиб, қўзлаган манзилимга етаманми, етмайманми, ёлғиз Оллоҳга аён. Бу дунёда яна қайта учрашиш насиб этмаса, маҳшарда кўришармиз. Хуш қол, қароғим.

Отнинг дупуридан йигитнинг жўнаб кетганини сезган Гўзал эшикка интилди.

– Гетме, Бектемир аға... ғорқарин... – Бўсагадан ҳатлаб ташқарига чиқмади. Қизлик номуси устунлик қилди. Мавриди келиб қош этилган пинҳона сир элларга тарқаб, тилларда дoston бўлишини хохламади. Йиғлашдан тўхтаб, атрофга қулоқ тутди. Ҳар ер, ҳар ердаги ўтовлардан бири ўғлини, бошқа бири қизини йўқотган аёлларнинг фарёди элас-элас эшитилар эди. Гўзалнинг дардлари

кўксига сизмай, тошиб кетди. Уйдан югуриб чикиб, додлаб йиғлайверди. Кўз ёшлари кизил кўйлагининг кўкрагини хўл қилиб юборди. Ёв асир қилиб кетган акасига, онасига эътиборсиз ва жавобсиз қолган муҳаббатига аза тутди.

— Гелдимурат қақа, аже... — товуши овулнинг бу бошидан у бошигача чинкириб кетди. Эшитганлар, “Отамурод табибнинг кизи Гўзал омон қолибди, Гелдимурод билан табибнинг хотини асир бўлибди”, деб ўйлашди. Қизнинг қўнғирокдек овозини овулдагилар яхши танишарди. Бу пайтда Бектемир “мени дарё бўйига олиб боради-ёв” дея чамалаб қўйган йўлга тушиб, буйрул отни чоптириб борар эди. Қўлдаги кишан тўғрисида ўйлаб ҳам ўтирмади. Навқарликда белига тақилган қиличга қанчалик ўрганган бўлса, кишанга ҳам шундай ўрганиб кетган, бирон ишни бажарганда, от эгарлаганда, овқатланганда темирчи одамга зарари тегмаётгандек қилиб ясаганга ўхшар, баъзида ўзини шу кишан билан бирга туғилгандек ҳис этган пайтлар ҳам бўлган эди. Олтин қозик юлдузини кўзлаб, юлдузини чап тарафида қолдириб, қумлок ерларда изидан чаң-тўзон кўтариб олга инглаверди. Кўзга ташланмасдан дарёга етиб олишни ўйларди.

Рўпарасидан бемаҳал йўртган йўловчи ёки ўзига ўхшаган бирон қочоқ тутқин, ўғри, қароқчи чиқиб қолишидан чўчирди. Узоқроқдан отнинг пишкиргани, тўёқ товуши эшитилди. Дарҳол йўлдан чеккага чиқиб, қумтепаннинг панасига яширишиб турди. Шарқдан кўтарилиб келаётган ой шошилмай қадам ташлаб келаётган беш-олти отликнинг қорасини ёритди. Ора узок бўлгани туфайли уларнинг ким эканини аниқ танимаса ҳам отликларнинг орасидан барзангидай баланд бўйли кишини “Отамурод табиб эмасмикин” деб чамалади. Юрагига ғулғула тушди. Улар анча олислаб кетгандан сўнг йўлга чиқиб, отни тез ҳайдади. Ичида “Отамурод бўлса, изимга тушиши мумкин” деган хавотир уйғонганди.

Худо ёрлақаб тунги йўловчилардан бошқа ҳеч ким рўпарасидан чиқмади. Тонг отиб, кун аркон бўйи кўтарилганда у ҳамон от чоптириб борар, буйрул от жониворнинг тери бўйнидан шўрғалаб турса ҳам ҳали толикмаган эди. Юзига бирдан гуп этиб салқин шаббода урилди. “Дарё, дарё яқин”. Баланд тепаликка кўтарилиб қўлини пешонасига қўйди-да кўзини куёшдан тўсди. Атрофга назар ташлади. Қунчиқар томондан осмон тоқига чиққан куёш остида, қумлар ўртасида жилваланган, товланган дарё пўлат қилич каби ялтираб ётар эди.

— Озодман! Мен асир эмасман, озодман! — дея хайкириб юборди. Қўлларидаги кишанга ғазаб билан тикилди. Сўнг тепаликдан пастга туша бошлади.

Бу вақтда юришдан қайтган беш-олти салт отлик таланган овулга кириб келган эди. Омон қолган хотин-халаж бир жойда йиғилиб олиб, дод солиб йиғлар, битта-яримта кексалар уларни юпата олмай овора эди.

— Қақа! — деб хўнграб юборди Отамурод табибни кўрган Гўзал.

— Қақа, ажемди акетти, Гелдимуратти бенде ғилдилар... — Кўзёши мунчок-мунчок бўлиб ерга тўкилди.

— Ким? Ким улар, биласингизми?

— Биламоқ. Атдилар гелди. Ўтовни таладилар. Атларни алди. Гелдимуротнинг алини боғлади. Сапармуротти боғлади. Аже...

— Қай тарапа гитти?

— Биламоқ. Мен ўтовга беркиндим.

Отликлар отдан тушмай маслахатлашдилар. Уларнинг гумони алилардан, ўзларига яқин қавмдан эди. Бир қарияни чакириб, воқеани ипидан-игнасигача суриштириб қилиб олишди. Гумонлари тўғри чиқди. Қария отликларнинг қай томонга кетганини бармоғи билан кўрсатди.

- Банди қани? – деб сўради ота кизидан. – Я улар бандини де ақиттими?
- Йўқ, банди сонгра гелди.
- Гайда гетенини гормедингми?
- Билагок.

Асирни излашга отликларда вақт ҳам, хохиш ҳам йўқ эди. Ахир, бус-бутун овул ёв қўлида асир бўлиб кетган, овул оксоколининг ёлғиз ўғли ҳам уларнинг ичида бўлса, қўли кишанланган бир кулни излаш унчалик муҳим эмас. Кишаннинг калити хўжайиннинг чўнтагида, отларни аллақачон душман олиб кетган, пиёда ё туя билан қочса, қаёққа ҳам борарди. Қум ичида адашиб-адашиб, сувсизликдан, очликдан тинка-мадори куриб, ўз ихтиёри билан қайтиб келар, балки шу яқин ерда биқиниб ўтиргандир. Туялар камалган турибди, хабар олганди, тугал кўринди. Иккинчи томондан, икки йилдан буён ҳеч бир гуноҳсиз одамни кишанлаб қўйганига афсуслангандек бўлди. Ёлғиз ўглининг Бектемирга ўхшаб душманга асир бўлгани эсига тушганида беихтиёр, “Гелдимурот” деб йиғлаб юбориб, тўқмоқдай мушти билан мангайига муштлаб қолди. “Гелдимурот”. Ўғлининг қўлига кишан солаётган ажабтовур, бадбашара одамлар кўз олдига келди. Гелдимурод “қақа” деб ёлворган нигоҳ билан отасига тикилгандек бўлди. Бектемирни йиллар давомида кишанда сақлагинига, унга бир марта ҳам яхши сўз айтмаганига ўқинди. Ахир, у ҳам Гелдимуродга ўхшаб, бировнинг пешонасидаги ёлғизидир. Уни ойлар, йиллар бўйи ота-онаси кўзлари тўрт бўлиб кутгандир, ё ўлигини, ё тиригини била олмай овораи сарсон бўлишгандир. Ичидан “мен ҳайвон эканман, мен одам эмас, йилқиман” деб тақорлар эди. Кўзёши юзларидан пастга шўргалаб, соқоллари орқали ерга томди.

– Гузал, – деди от устида аламдан чайқалиб, – Ма, ол. – Кишаннинг калитини чўнтагидан чиқариб, кизига узатди. – Бенде гелсе, кишенин еш, ихтиёри ўзинда, дорт тарапи гйбла. Ёистанмаса, мани гутсин. Апиў сорарин. – Сўнг отини никтаб, кўзғалди. – Геттик!

У душманлар томонидан асир қилиб олиб кетилган аёли ва ёлғиз ўғли, изида қоладиган тирноғи, меросхўри Гелдимуродни озод қилишга отланди. Ўз фарзанди учун жонидан кечишга, агар қўлида бўлса, дунёнинг ярмини азиз фарзандининг бошидаги бир тола сочи учун ўйланмасдан бериб юборишга тайёр эди.

Дарёнинг ёқасига келган Бектемир пастга тушиш учун кулай жой излай бошлади. Қуз фаслида Амударё ёздагидек тошқин эмас, сув андак пасайган. Ўнг тарафдаги қияликда энишга кулай ер кўринди. Ўша ерга етиб, отдан тушди. Пиёда, отни етаклаб юрди. Ўзанда оқаётган дарё сувига етмай туриб отнинг жиловини қуштумшук эгарнинг бошига тортиб, маҳкам боғлади ва сувга интилган жониворни жиловидан тутиб энгашигани қўймади. Узоқ тун бўйи тинимсиз чопган буйрул от сувсаган, ўз ихтиёрига қўйса, дарёнинг лойка сувига тумшугини ботирар эди. Қизиб турган отни совугунча сўғориш ярамайди, деган ўй билан тери қотгунча сабр қилди. Устида бўз қўйлак-иштондан бошқа оғир қийими йўқ эди. Дарёнинг салқин шабада уфурган лабида совук қотди. Яланг оёғига юмшоқ қум ёқимли тегди. “Жонивор, ҳозир дарёга тушамиз, иккимизга Оллоҳ ёр бўлсин”, деб буйрул отнинг бўйига шаппатлаб қўйди. Сўнг отга енгилгина ирғиб миниб, “чу, жонивор” дея товони билан никтади.

Тиззасигача сувга тушган от лойқа сувдан чанқоғи босилгунча ичди. Бектемир орқасига ўгирилиб, кирғоққа қаради. Ҳеч ким кўринмади. Қуллик занжири дарёнинг бўйида қолгандек туюлди. Олисларда бўталоғини бўзлаб қақираётган туянинг овози эшитилди. Энди уни Субхон юзбоши айтганидек ажал ўқи ёки

баланд-баланд саркаш тўлкинларгина озодлик йўлидан кайтара олар эди. Худога шукр, дарё ёқасидаги баланд тепаликда Бектемирга қарата ажал ўқини отишга тайёр турган душман кўринмайди, дарёда эса ҳамма нарсани оқизиб кетадиган саркаш тўлкинлар йўқ. У мавжланиб, ўз эрки билан сокин оқаётир.

Таваккал қайғига минган йигит отни қистади. Буйрул иккиланмай сувга тушди, оёқлари қуш қанотидек силкиниб, суза бошлади. Юзбоши айтган эди: “кийин-қистовли пайтларда дарёга от солсанг, ўлажи бўлса, чолиб келган от совугунча сувга туширма, сабр қил, тери қотсин, шундан сўнг сувга сол. Оғир кийим, совут, этикни ечиб ташла, азиз бошинг омон бўлса, кийим ҳам, совут ҳам, этик ҳам топилади. От сузиб бораётганда устига ўтирма, жудаям чарчаган бўлсанг, ёлига осилиб, ёнидан суз”.

Кўп ўтмай йигитнинг оғирлиги билан сувда отнинг ёли кўринмай қолди. Юзбоши айтган яна бир гап ёдига тушган Бектемир ўнг оёғини узангидан чиқариб, ёнбошга туширди, чап оёғини узангига тиради, отнинг бўйни, кўкраги кўтарилиб, тезроқ суза бошлади. Кўп ўтмай соғ-омон дарёнинг кумлок ёқасига чиқди.

Дарёнинг ўзанидан баланд тепаликка бир амаллаб кўтарилган отлик теварани ўтқир кўзлари билан кузата бошлади. Узоқроқда боғларга бурканган овуллар кўринди. Овул чеккасидаги далаларда узун-узун оқ жўхорилар, полизлар ва экинзорлар кўзга ташланди. Яқин орада хавф-хатар йўқдек. Бу кимларнинг овули экан? Дўстми, душманми? У ёғи ҳали номаълум эди.

Овул чеккасига келиб, йўл ёқасида ўтирган қарияга салом берди. Бу ернинг нима деб аталишини сўради.

– Эрдана овули, – деди қария. – Бухоро амири фукаросимиз.

Тилидан тожик эканини англади.

Қария унинг қўлидаги кишанга диққат билан қаради.

– Ўғлим, қўлингга ким билакузук тақди? – деб ҳазиллашди.

– Ёвмутлар.

– Ўзиям кумушдан бўлса керак, ечтиришга кўзинг қиймай тургандир, – кулимсиради қария.

– Албатта, – деди Бектемир ҳам бўш келмай. – Бу билакузуқлар икки йилдан буён менга олтиндан ҳам қиммат бўлиб қолган, ота.

– Барибир энди улар сенга ярашмайди. Анави тутун чиқиб турган уй темирчиники. Бироз ҳалак бўлса ҳам эпини топиб билакузугингни ечиб олар, бироқ уларни устага совға қилишга кўзинг қиярмикин, болам, нима дединг?

Шўх оксокол экан, деб ўйлади бир неча йиллардан буён ҳазил ва шўх сўзларни эшитмаган Бектемир. Сўнг ҳазил билан жавоб кайтарди:

– Бу олтин билакузуқларим ечилган захоти темирчига чин юракдан совға қиламан, сўзимга ишонаверинг, ота.

– Йигит, балки корнинг очдир, шундайми? Қария хира кўзларини пирпира-тиб, ҳамон от устида турган йигитга тикилди. Ёки дарёнинг лойка сувига тўйиб олдингми. Эҳтимол ёвмут дўстларинг қўй сўйиб, мехмон қилгандир, айт болам?

– Тўғрисини айтсам, бир тишлам нон билан бир хўплам сув бўлса, йўқ демасдим.

– Ҳозир, – деди қария, сўнг товушини кўтарди. – Зумрад, хов Зумрад!..

Кўп ўтмай ўн ёшлардаги дўппи қийган қиз пайдо бўлди:

– Нима дейсиз, бобо?

– Мехмонга айрон билан нон олиб чиқ, кизим, – деб буюрди.

Бектемир от устида туриб айронни ичди. Арпа нонни еб, қарияга раҳмат айтди. Сўнг темирчининг уйига қараб йўл олди.

Зилдек оғир кишанлардан халос бўлгач қўлини жуда енгил ҳис қилди. Бироз дам олган, чанқоғини босган, кулликдан озод бўлган йигит кўп ўтмай буйрул отни елдириб, туғилган овулига элтадиган йўлда бораётган эди.

* * *

Бектемир дом-дараксиз кетгани хақидаги хабар туғилган овулига беш-олти ойдан кейин етиб келди. Аввал шивир-шивир гап тарқалди. “Ўттиз икки тишдан чикқан сўз ўттиз икки элга тарқалади”, деганлари рост экан, уч-гўрт кунга етмай кичкинагина овулда бу шум хабарни эшитмаган одам колмади.

Бектемирнинг онаси йиғлаб-сиктаб Ҳакимқулнинг ёнига келди. Бир қўли иккинчисидан қисқароқ ва кийшиқроқ битганини ҳисобга олмаганда Ҳакимқулнинг жангда олган жароҳати тузалиб кетган, аввалгидек куч-ғайратга тўлган, бекорчиликдан нима қилишни билмай овул ичида от чоптириб юрар эди.

– Қароғим, Ҳакимкул, элда сендан бошка суянчиғим йўқ. Жўранг Бектемирдан на хат, на хабар бор. Юзбоши навкарликка олаётганда талай ваъдани тоғдек уйиб кетган эди. Энди ўлик-тиригини айтиб, бир оғиз хабар беришга ярамайптику, – деб желагининг учи билан кўзёшларини артди.

– Йиғламанг, она. Ҳозир Бухорога отланаман. Жўрамни топиб келаман, ҳеч ғам еманг. Бу сўзлар ёлғизининг дарагини билмай, сарсон бўлган онаизорнинг ярасига малҳам бўлди. Ҳакимкулга оқ йўл тилаб, уйга қайтди. Эртасига Ҳакимкул йўлдош бўлсин дедими, отига Журинбойни мингаштириб, хуржунига озик-овқат тўлдириб, Бухоро йўлига тушди.

Ўзига яқин ва тиниш бўлиб қолган, амир навкарлари қароргоҳига етиб борди. Бир навкарнинг ўтови қошида отини бойлади. Таниш-билишлар билан қуюқ сўрашди. Салом-алиқдан сўнг дастлабки сўзи Бектемир хақида бўлди.

Аниқ бир хабарни била олмади. Бир навкар “Ёнида эдим, жангда кўкрагига ўк тегиб, отдан йиқилди. Ўлган бўлса керак. Биз енгилиб, чекиндик. Ярадорлар билан ҳалок бўлганларнинг жасадини ололмадик” деса, бир аскар “От оёгининг остида ётганини кўрдим, ёв бостириб келди, биз қочдик, ўликлар ҳам, тириклар ҳам душманга ўлжа бўлди” дейди.

Бу воқеанинг нима бўлганини тўғриси билса, биргина Субҳон юзбоши билди, деб уни излади. Топишга-ку топди, бироқ юзбоши Ҳакимкул билан гаплашишга рўйхушлик бермади. Ундан сўраб билгани шуки, жангда Бектемирга ўк тегиб йиқилган, аниқроғи ўлган бўлса керак, жосуслардан суриштирган, ёвмутлар орасида Бектемир номли тутқиннинг бор экани хақида ҳеч қандай хабар эшитмаган, шунга қараганда Бектемир ўлган.

Бу қайғули хабардан эсанқираб қолган Ҳакимкул Журинга сир бой бермай овулига қайтди. Юзбошидан эшитганларини тиш ёриб, ҳеч кимга айтмади. Келганидан кейин Бектемирнинг онасига нима дейишни билмай, эшикни ичкаридан қулфлаб, икки-уч кун кўксини ерга бериб ётиб олди. Охири бир фикрга келди: бир куни барибир ҳақиқат юзага чиқади, аммо “Бектемир ўлган” деган гапни айтиш Ҳакимкулга, уни эшитиш боёқиш онаизорга жуда оғир. Шунинг учун “Бектемир яраланган, шундай қилиб тутқинга тушган экан, тез кунда амирнинг одамлари бориб, қутқариб олиб келар экан” деган хабарни айтишни дилига тугди.

Ушбу хабарни эшитган онаизор яна бироз юпангандек бўлди. Ҳар қалай “ўлди” деган хабардан қўра, “тирик, асирга тушибди” деган гап албатта афзал эди. “Қафан кийган келмас, кебенек кийгандан умид бор”, бир куни ўғлини эсон-омон қайтишига умидвор бўлиб яшайди. Майли оқсоқ бўлсин, майли бир қўли Ҳакимқулдек кийшиқ бўлсин, ҳар тугул кучоқ очиб бағрига босади. Дунё кенг, унда яхши одамлар ҳам кўп, ғариб аёлнинг етим ўғлига Оллоҳ шарофати билан кимдир раҳм-шафқат қилар, деган ўй онанинг ғамзада юрагини тарк этмади.

Шундай қилиб, вақт ўтаверди.

Бектемирнинг соғ-омон эканига ишонганлар иккита эди, биринчиси онаси, иккинчиси Зулхумор.

Шум хабар уни довдиратиб қўйди. Ўйин-кулги, хазил-хузул билан иши бўлмай колди. Бирок Бектемир асир олиниб, тутқинга тушибди, деганларига ишонмас, балки бепоеён қумлар ичида ёлғиз ўзи адашиб колгандир, йўлида яхши одамларга учраб, бир куни овулига, Зулхуморнинг ёнига қайтишига ишонади.

Орадан йиллар ўтди. Бир куни Ҳақимқулни отаси чақириб колди.

– Болам, – деб салмоқлаб гап бошлади бой. – Зулхуморда қўнглинг борлигини аввал оркаворатдан эшитгандим. У билан жўранг ваъдалашди, овул эли уларнинг тўйи бўлармиш, деган гапдан хабардор эди. Бирок халқда яна бир гап бор: “Қизни ким сўратмайди, кимизни ким ичмайди”. Биладан, Бектемир бирга ўсган жўранг эди, илож қанча, ўлганнинг изидан ўлмок йўк...

Жўраси Бектемир билан “тирик бўлсак, бир тепа, ўлсак, бир чуқур” деган йигитлик қасами бор. Уни Бектемир бир марта бажариб, Ҳақимқулни ўлим чангалидан олиб колди. Бу онтни бажаришга Ҳақимқул ҳам тайёр эди, бироқ зарур бўлганда у дўстининг ёнида эмасди. Мана энди унинг тақдирини номаълумлик, бедараклик пардаси тўсиб турибди. Зулхуморга қўз-қулок бўлиш, қанотлига қоктирмай, тумшуклига чўкитмай асрашни дўсти ишониб топширганди, у эса...

– Йўк, оға, йўк. Мен ундай қилмайман, ахир.

У отасининг сўзини тинглашга ортиқ токат қилолмади. Хужрадан отилиб чиқиб кетди.

Орадан йил ўтди. Бектемирнинг тирик қайтишидан одамларнинг ҳам умиди узилганди. Фақатгина икки киши унинг ўлганига ишонмади. Бири – Бектемирнинг шўрлик онаси, иккинчиси – Зулхумор.

Содиқ дўсти Ҳақимқул ҳам ундан умидини узди. Бунинг сезган отаси Зулхуморнинг уйига совчи юборди. Қизнинг ота-онаси бедарак кетган йигитни кутишдан чарчаган эди. Қизининг келажагини ўйлаб, узатишга рози бўлишди.

Энди Зулхумор билан гаплашиш колганди. Янгалари кизни Ҳақимқул билан учраштиришди.

– Мен ишонмайман. Бектемирнинг ўлганига ишонмайман, – деди киз.

– Ўлимга чора йўк – деди Ҳақимқул кўзини ердан узолмай. – У ўлган. Мен бу гапни Субхон юзбошидан эшитган эдим. Бектемирнинг онасини ўйлаб, ҳеч кимга айтолмадим. Бу сирни ҳеч кимга фош қилмай, ичимда сақладим, қанчалик оғир бўлганини билсанг эди. Уни биринчи бўлиб эшитган одам сенсан, Зулхумор.

Қиз бир замон унсиз колди. Сўнгра елкалари титрай бошлади.

– Йўғлама, Зулхумор. “Биз бахтли бўламыз” – дегиси келди. Бирок бу сўзларнинг айни дамда ўринсиз эканини сезиб, индамади. Қиз Ҳақимқулнинг елкасига бош қўйди. Тўқилган қўзёшлари йигитнинг елкасини этагигача шалаббо қилди.

Ҳақимқулнинг Зулхуморга уйланиши Бектемирнинг онасининг қўнглидаги умид ришталарини узиб юборди. Ёлғизидан кейин бу ёруғ дунёда яшайверишдан зерикдимми, ўғлининг доғига қуйиб, бир-икки йил ичида адоёи тамом бўлган она, озгина тўшақда ётиб, кўп ўтмай омонатини топширди. Бўлмаса, ёши эндигина қирқдан ошганди, ўғлининг доғига чидолмади-да.

Ҳақимқул бош бўлиб, Журинбой билан бирга тобутини кўтариб, Бектемирнинг онасини ҳам, ота-боболар мангуга ором топган сўнги манзилга элтди. Қора тупроққа топширди.

Шундан буён ҳам беш-олти ой ўтган эди...

Уйга келиб меҳрибон онами, овулда юриб Зулхуморни, Ҳақимқул ва Журинбой кўраман, деб шопилган Бектемирга дафъатан жонажон юрти тупроғига

кадам босганида ҳеч кимнинг кўзи тушмади. Бектемирнинг қайтиб келишига ишонган ягона ва сўнгги одам аллақачон тупроққа кўмилган эди.

“Онам мени кутавериб, кўзлари тўрт бўлгандир. Балки кўрган пайтида мени танитай ҳам қолар” деган ўй билан от бошини ўз уйига бурди. Онаси тиккан қора уй кўзини оловдек қуйдириб юборди. Онаси кўринмади. “Балки ичкаридадир” деган ўй билан отдан тушди. Ўтов ёнида бировнинг қораси кўринди. У Журинбой экан. От боғлаётган одамга қараб, қотиб қолди. Бектемир ортик чиқолмади.

– Журин! Нима қилиб турибсан, танимадингми?

– Бектемир! Бектемир! Тирикмисан, дўстим!

Журинбой югуриб келиб Бектемирни қучоқлаб ўқириб йиғлаб юборди.

– Мана, тирик экансан! Келдинг! Кувонганидан гоҳ қулар, гоҳ йиғлар эди.

– Онам нега кўринмайди? – деди Бектемир сабарсизланиб. Кўнглида “ё бирон ёкка кетганмикин?” деган ўй кечди.

Журинбой йиғлашдан тўхтаб, серрайиб қолди. Сўнг отам замондан келаётган қорақалпоқларнинг удумига амал қилиб, ерга икки букилиб “вой-вой” деб товуш чиқариб, қора уйга қараб юраверди.

Бектемирнинг кўкрагида битиб кетган яранинг ўрни “чим” этиб санчди. Гандираклаб кетди. Йиқилмади.

Журин қора уйга кириб “вой-вой” деб дод солар “онамиздан айрилиб қолдик, жўражон” дея йўқлов айтиб, ер тепиниб йиғлар эди.

Бектемир аллақанча вақтда ўзига келди. Ўлимнинг чангалидан омон қолиб, қулликдан озод бўлиб, қутулдим дегунча етишга шошилиб, дийдорига зор бўлиб келаган онаси бу ёруғ оламда йўқ эди. Кўкраги дарду аламга тўлиб кетди. Кўз ёшлари бўғзига тикилиб, нафас олиши қийинлашди. Беихтиёр юрагидаги ғам, дарду алам товуши билан бирга томоғидан отилиб чиққандек бўлди. Бектемирнинг “вой-вой”лаган товуши овулнинг нариги чети билан бериги четига қадар етиб борди. Эшитганлар “Ким бевақт қазо қилган экан” деб товуш чиққан томонга шошилдилар.

Товушни эшитиб, Бектемирнинг уйига етиб келганлар “Имонли бўлгур, бу уйнинг боласи ҳам, онаси ҳам, отаси ҳам оламдан ўтган бўлса, товуш чиқариб турган икки кишининг бири чанғароққа эгалик қилиб қолган Журинбой етим, унинг ёнида йиғлаб турган ким экан?” деб хайрон бўлдилар. Кўп ўтмай Бектемирнинг келганини билишди. “Бектемир келибди, Бектемир тирилиб келибди, Бектемир ўлмаган экан” деган гап бир зумда овулга тарқалиб, каттаю кичик йиғилиб келишди. Журинбой бир кўйни сўйиб, садақа тарқатди. Йигитнинг соғ-омон келганидан қувонган овулдошлари онасининг вафоти муносабати билан таъзия билдиришди. “Ота-онаси ўлмаган ҳеч ким йўқ”, “Бандалик” деган сўзларни айтиб, тасалли беришди. Бектемир овулдошларининг ичидан бировни қидирар, одамлар кириб келгани сайин “шу эмасмикин” деб юзига тикилар, бироқ уни учрата олмас эди. Уни кўришга келган одамлар ҳам келишиб олишгандек ҳеч нарса айтишмас, бунинг ўрнига Бектемирнинг қандай қўлга тушгани, қандай қочиб қутулганини сўраб, гапни бошқа томонга олиб қочишарди. Шунинг учун Бектемир кўнглида “у ҳам ўлдимикин, ўксинмасин, деб айтишмаётгандир” деб шубҳалана бошлади ва “фалончи қаерда” деб сўрашга кўрқди.

Ётар пайти одамлар тарқалишди. Ичида сабр-тоқати тугади. Охири Журинбойдан сўради.

– Журин, Ҳақимқул кўринмайди. Тирикми?

– Тирик, – деди Журинбой гапни қиска қилиб.

– Унда нега келмади?

– Эшитмагандир, балки. Ёки бирон ёкка кетгандир, ким билсин.
 Бу ерда бир сир бор эканини Бектемир сезгандек бўлди.
 Бироқ йўл юриб толиққан, мусибатдан эзилган йигит “ўз уйим ўлан тўшагим” деб ўзининг қора чанғароғида мириқиб ухлашни маъқул кўрди. Зулхумор ҳақида негадир ҳеч нарса сўрамади.

Ҳақимқул Бектемир омон келганини эшитган эди. Довдираб қолди. Нима қилиш керак? Олдига кечирим сўраб борсинми? Бектемирга нима дейди. Бўлар иш бўлган, бўёви синган, айтадиган гап қолмаган эди.

Ҳақимқул Бектемирнинг кўзига кўринмасликка қарор қилди. Отасининг ховлисини беркитди. Зулхуморга уйдан чиқишни ман қилди, ўзи ҳам чиқмади.

“Элнинг оғзин тиймоққа эллик қари бўз керак” деганлар ҳақ гапни айтишган экан. Бўлиб ўтган воқеаларни Журиной Бектемирдан яширган билан, эл яшира олмади. Ҳақимқул дўстининг Зулхуморга уйлангани ҳақидаги хабар йигитга она-си вафот этгани ҳақидаги хабардан кам таъсир қилгани йўқ. Икки-уч кун уйдан чиқмай ётди. Ҳақимқулни, Зулхуморни кўришнинг имкониятини кидирмоқчи бўлди, бироқ бу фикрдан бош тортди. Бектемир учун улар энди йўқ, ўлиб кетганлар қаторига ўтган, фақат беғубор болалик хотираларигина қолган эди.

Бир ҳафтадан кейин ота-онасининг қабрларини сўнгги марта зиёрат қилган Бектемир овул билан бира тўла хайрлашди. Энди уни болалиги ўтган кичкинагина на овулда ушлаб турадиган ҳеч нарса қолмаган эди.

Онаси “болам келганда кияр” деб сандиғида сақлаб юрган бир қатор кийимларини кийиб, ёвмутлардан ўлжа олган буйрул отни эгарлади.

Бектемирнинг кетмоқчи эканини сезган Журиной келиб узангига осилди.

– Олисга кетмоқчимисан, Бектемир?

– Чўлда ўсган туякоринни кўрганмисан, Журиной? Шамол томондан эсса, шу томонга юмалайди. Биз ҳам энди “кўчаримни эл билар, кўнаримни сой билар” деган қангбаққа менгзадик, дўстим. Ўзинг биладиган воқеалардан кейин бу ерда мени ҳеч нарса ушлаб туролмайдиганга ўхшайди. Зулхумор билан Ҳақимқулни ҳар кўрганимда юрагимдаги яра янгиланиб, бир ўлиб-тирилганимдан кўра, уларни умуман кўрмаганим маъқул. Сен нима дейсан? – Бу саволга ҳеч кимнинг, ҳатто ўзининг ҳам жавоб бера олмаслигини сезар эди, шунинг учун дўсти Журиндан жавоб кутиб ўтирмай, сўзида давом этди. – Энди бу ёруғ дунёда менинг Ҳақимқул номли дўстим, Зулхумор отли қаллиғим йўқ. Улар ўтмишда қолган. Менга тегишли нима бўлса, ҳаммаси, мол ҳам, уй ҳам сеники, дўстим. Балки яна дийдор насиб этса, кўришармиз.

– Ундай дема, – деди Журиной кўнгли бузилиб. – Ватани, уйи йўқ одамнинг тақдирини ўз бошимда синаб кўрганман. Бу уй-жой ва мулк сеники, мен фақат унинг кўриқчисиман, дўстим.

– Йўқ, энди унинг эгаси сен, мол-мулкни ишлат. Айтгандай, ёлғиз бошинг билан юраверасанми, уйланиб ол.

– Уйланиш қочмас, кўрамиз. Ҳақимқулга айтадиган гапинг йўқми? Эртан сўраса не дейман?

Бектемир кесиб айтди:

– Энди унга айтар гапим йўқ!

Журиной билан йиғлашиб хайрлашди. Отга миниб, боши оққан томонга кетаверди. Навқарликка қайтиб бормади. Ҳар кимнинг йилқисини боқиб юрди. Уйланмади. Орадан йиллар ўтиб, жўмардлик билан номи чиққан Қулчи бийнинг хизматига келган эди.

Тонгда сайисхонага биринчи бўлиб кирган Сайитмурод кўркувдан кўзлари олайиб югуриб чиқди.

– Кулчи оға, сайис... сайис... – деб энтикиб, отхонани кўрсатиб кўярди.

Сайисхонада демокчи ё йўқолганига бир неча кун бўлган Тоғаберген сайисни айтмоқчими, у ёғи тушунарсиз эди.

Алламберган тонг отмасдан аввал айланиб кетганди. Зир югуриб бийнинг ўтовига етган сокчи бу шум хабарни Кулчи бийга айтишга хадди сигмай, бийнинг иниси Шақшақнинг остонасида тўхтади. Ўзини анча босиб олган эди.

– Шақшақ оға, тез юринг, сайисхонанинг болорига бировни осиб кетишибди. Тез юринг.

Шум хабарни эшитган Шақшақ чопонини елкасига илиб, ўтовдан югуриб чиқди. Теварақтаги ўтовлардагилар, Кулчи бий ҳам бу гапни эшитиб улгуришди. Бир неча одам тез йиғилишиб, сайисхона томонга йўл олишди.

Отхонанинг томидаги болорда Тоғаберган сайис осилиб турар эди. Ёнида девордаги қозикқа илинган узанги турибди. Устидаги кийими, узун бўйи, кўкариб кетганига қарамасдан унчалик ўзгармаган юзига қараб унинг Тоғаберган сайис эканига ҳеч ким гумон қилмасди.

– Бечора, бир фақир одам эди, – деди Шақшақ елкасидаги чопинни ечиб, жасаднинг устига ёпар экан. – Ўлимини ҳеч кимга кўрсатгиси келмаганга ўхшайди. Барига Тўриққашка жонивор сабабчи бўлди, деб ўйлайман. Шубҳасиз, Тўласинни ўлдирган Тоғаберган бўлса керак. Шунинг учун кийноқлар остида хор-зор бўлгандан кўра ўзини осган-да-қўйган. Яна ким билсин, – деб гапини гумонга йўйиб қўйди. Ахир, бир неча кулоқлар сайиснинг сирли ўлимининг сабабини билгиси келиб, ҳар бир сўзни диққат билан тинглаб турарди-да. Шошқалок буни дарҳол англаб олди.

Сайиснинг дафнига Кулчи бий овулининг барча одами йиғилди. Маъракага келганлар “Худо раҳматига олган бўлсин”, “Кўйнинг оғзидан чўп олмаган, бир безарар одам эди”, “Қандай кутилмаганда келган бўлса, шундай кутилмаганда кетди” деб унинг яхши хислатлари ҳақида гапириб ўтиришди. Кулчи бий муруват қилиб, Тоғаберганининг қарзларини бўйнига олди. Насл-насаби, ота тегини билмаса ҳам овул одамлари сайисни сўнгги сафарга ўзларининг энг яқин кишини кузатаётгандек, хурмат-иззат билан кузатиб қолдилар.

Отхона деворига яқин солинган, сайис хаёт пайтида яшаган, тор ва пастакки-на кулба бўшаб қолди.

Бу хабар Тўласиннинг ўлимида Тоғабергани кўли бор деган шубҳа билан сайисни ўзларининг кўлига тириклай топширишни талаб қилаётган Хўжамёр бийнинг овулига ҳам етиб борган ва шубҳа-гумонларнинг янада кучайишига, қасос ўтининг ловуллаб ёнишига сабаб бўлган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай Абусаид араб бий бошчилигидаги бир тўда одам Хўжамёрнинг домини довлаб, Кулчининг овулига келиб тушди. Кулчи уларни илиқ кутиб олди, уларга атаб ўтов тиктирди, кўй сўйиб, кўноқ қилди. Тонгда меҳмонлар Кулчининг ўтовига кирдилар.

Насл-насаби қадим замонларда Бухорони ислом динига киритган Қутайба билан бирга келиб, кейин туркийлашиб кетган Абусаид бий ҳар қандай чигал довларни хамирдан қил суғургандек хал қилиб кетаверади деган доно ва устамон киши эди. “Ҳар тўқисда бир камис” деганларидек унинг ҳам ўз сўзидан қайтмай туриб оладиган, дов ечиладиган даражага келиб қолганида бир оғиз сўздан ўпкалаб туриб кетадиган одати бор, деб айтганларини Кулчи бий кўп марта эшитганди.

– Хуш келибсиз, Абусаид араб бий, – деди мехмонларни тик туриб кутиб олган Қулчи бий. – Қадамларингизга ҳасанот.

Узун бўйли, қирғий бурун, олакўз, қалин кора соқолли Абусаид тўрға ўтириб, кўлини фотиҳага очди. Уй эгаларининг чанғороғига қут-барака, омонлик ва бирдамлик тилади. Ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг мақсадга ўтди.

Гапининг мазмуни бундай эди: Қулчи бийнинг отбоқари Тоғаберган сайис деган киши Хўжамёр бийнинг ўғли Тўласинни бегуноҳ ўлдирган, бу кундай равшан, исбот ва диллини талаб этмайдиган ҳақиқат, бунга Хўжамёр бий ва унинг номидан вакил бўлиб келган Абусаид араб бий сўзсиз ишонади. Хўжамёр юборган Мойлихўжа юзбоши билан шартлашилган келишув бўйича Қулчи бий Тоғаберган сайисни тутиб бермоғи, ўлган бўлса, ўлигини ҳам бермоғи даркор эди. Бахтга қарши, Қулчи бий бундай қилмади. Яқинда кимдир Қулчи бийнинг отхонасида осилиб ўлибди. Унга “Тоғаберган сайис” деган от берилиб, хундор тарафга хабар берилмасдан бийнинг ғамхўрлигида яширинча кўмилган эмиш. Шубҳа туғилади, агар шу кўмилган майит ҳамма тик оёқда қидириб юрган Тоғаберган, яъни Тўласиннинг қотили эканини ким тасдиқлайди? Бунга Қулчи бий нима дейди? Бу ҳодиса довни икки тараф учун тинч-тотув ҳал бўлишига ҳалал бермасмикин?

Бу саволларга Қулчи бий қандай жавоб берар эди. Тоғаберган сайиснинг осилиб ўлгани рост. Уни сайисхона болорида осилган жойидан тушириб олганлар ҳам, иниси Шақшақ ҳам, бошқа гувоҳлар ҳам тасдиқлашлари мумкин. Тоғаберганнинг ўлигининг хундорларига кўрсатилмаганининг сабаби эса мусулмончилик юзасидан бўлган. Тўласинни ўлдиргани, балки Тўласинни у ўлдирмагандир, сабаби Қулчининг қўлида раҳматли сайисни айбдор қилгудек далил йўқ, унинг жиноятини тасдиқлайдиган гувоҳлар топилмаган, ўлдирган бўлса ҳам Оллохнинг ўзи унинг жазосини берди. Иккинчи томондан, даъвогар тараф жаҳл устида, одам жаҳл билан нималар қилмайди, майитни хўрлаб, Муҳаммад алайҳи вассалламнинг васиятларига шак келтиришига йўл қўймаслик керак, дея унинг ўлими ҳақидаги хабар етказилмади, ўлим ёлгон бўлмайди, бу хабар тез кунда эшитилар эди.

Бундай жавоб Абусаид араб бийни каноатлантирмагани сезилди. “Не учун энди араблардан чиққан Абусаидни, аниғи отига қўйилган “араб” сўзидан бошқа унинг араблиги қолмаган, у манғитларнинг бийи, уруғи манғит энди, қавмининг одамлари ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг ҳақиқий умматлари санайдиган манғит йигитларини ислом динига шак келтириши мумкин деб ўйлаш керак экан? Шу бир гумоннинг ўзиёқ нақд нишонга бориб теккан, манғит бийининг мажлисни бузиб, бўйин эгмай, далил тинглаб ўтирмай, Қулчининг ўтовидан чиқиб кетишга сабаб бўлар эди.

– Бу сўзингизга қўшилмайман, “Ўтрикчи ўликни гувоҳ тутарди”, деган. Ўз одамларингдан ўзга ким кўрибди ўликнинг ростдан ҳам Тоғаберган сайис эканини? Балки у ўз ажали билан ўлган бошқа бировдир?

Бу гаплар Қулчи бийнинг асабига тега бошлаган эди.

– Сал ўзингизни босинг, Абдусайид араб бий, – деб Қулчи оғирроқ бўлишга чақирган эди манғит бийи кўнмади. Ўрнидан шартта турди.

– Кетдик бу ердан, ўликни гувоҳ этиб, ўзгаларни мусулмон санамайдиган одамга айтадиган гапим йўқ.

Жаҳл устун келиб, араб бийнинг донолиги қаҳр-ғазабга ўрин берди.

Қулчи бий кўноқларнинг олдини тўсди.

– Балки биз ғалат айтгандирмиз, бир гал жаҳлингиздан тушинг, Абусаид бий.

– Йўқ, Кулчи, энди кеч бўлди, олдимни тўсма. Эшитадиганимни эшитиб бўлдим, – деди у. Тўхтамади. Одамлари билан бирга жўнади. Уларни тўхтатишнинг чорасини топа олмаган Кулчи бий бўсағада қолди.

Эртасига азонда отланишга қарор қилди. Аразлаб кетганларнинг изидан хозирок қувиб боргиси келмади.

Кечқурун остидаги оти терлаб-пишиб кетган хабарчи етиб келиб, Бухоро атрофида яшайдиган кенагас бий, қалин дўстининг оламдан ўтгани ҳақидаги совуқ хабарни келтирди. Келаси тонгда манғитларнинг овулига бориш ўрнига Бухорога, жўрасининг жанозасига жўнашга мажбур бўлди. Хўжамёрни таъзияда учратиб, гаплашишни кўнгилга тугиб қўйди.

Маърака бир ҳафтада тарқалди. Бу кунларда Хўжамёр бийни бир неча марта кўрди, албатта. Ё Абусаид бий Қулчини ёмонлаб улгурдим, ёки бировнинг жанозаси устида келишмай қолиб, тортишувдан чўчидими, хуллас, саломлашиб, хол сўрайман дегунча аллақандай сабабларни пеш қилиб, Хўжамёр Қулчидан йироқлашишга интилар эди. Маърака тарқалгандан кейин албатта гаплашаман, деб қатъий қарор қилди, ҳатто ўзига яқин бир кишидан таъзиядан сўнг Қулчи ўтовингизга кирмоқчи, деб эслатишига қарамасдан Хўжамёр элдан бурун ўз овулига жўнаб кетибди. Излаб борган Қулчига унинг кетиб қолганини айтишди.

Қулчи Хўжамёрнинг кетидан бормоқчи ҳам бўлди. Намоздан кейин ўз уйларига қайтадиган қорақалпоқларнинг ирими бўйича овулга қайтди. Ўз элида уни кўнгилсиз хабар кутиб турганини қаёқдан билсин.

Қатта йўл билан овулга кириб келаётганда бу ерда бўлиб ўтган қандайдир нохуш воқеаларнинг излари сезилди. Кимдир бор овози билан бақириб йиғлар, яқинини йўқотган одам каби кимнингдир отини айтиб-айтиб такрорларди. Отликлар уйга яқинлашганда Қулчи бийнинг чанғароғи ўртасига тушиб вайрон бўлиб ётганини кўрдилар. Бир-икки уй нарида жойлашган Шакшакнинг ўтови ҳам шундай ҳолатда эди. Товуш чиқариб, йиғлаб турган аёл инисининг хотини Давлатбека эканини кўрганда бийнинг ичида бир нарса узилиб кетгандек бўлди. “Ёв чопган... Мойлихўжа, Хўжамёр... Бу Хўжамёрнинг иши. Эҳ, аттанг... бекор қилдим. Абусаид бийнинг оёғига йикилишнинг ўрнига ўзимни оқлайман, деб тилимга эрк бердим. “Одам тилидан, мол шохидан боғланади” деганлари шу экан” деб ўйлади бий ичида чуқур изтироб билан. Иним Шакшак кўринмайди? Нима бўлган экан? Ўғлим Эрежеб қани? Ўтови бутун, норасида гўдакка тегишмагандир бу нонинсофлар?” Бошида ғовлаган турли хаёллар, шубҳа-гумонларни жиловлаб, калаванинг учини топаман дегунча отликлар бор товуши билан овулни бошига кўтариб: “Қаёқдасан, кўстарим Шакшак?” деб йиғлаб турган аёл ёнида тўхтадилар.

– Давлатбека, менга қара, менга айтчи, нима бўлди ўзи?

– Тунов кунни келган Мойлихўжа бужур бир тўда отликлар билан келиб ўтовингизни қулатиб, ер билан яқсон қилди. Шакшак аралашган эди. Чўқмор билан уриб йикитишди, оёқ-қўлини боғлаб, отга ўнгариб олиб кетишди, – деб ўпкасини босолмай хўнг-хўнг йиғлай бошлади.

Унғача ҳар ер-ҳар ердан овулнинг бош кўтарган йигитлари бўй кўрсатиб, Қулчи бийнинг ағанаб ётган ўтовининг теварагига йиғилишаверди. Совут кийиб, белига қурол-яроғини осганлар ҳам бор. Ҳозир Қулчи бий “йиғилинг” деб буйрук берса, жадал отга минишиб, Хўжамёрнинг овулини чопишдан қайтмайдиган ниятларини англади.

Чошгоҳ пайти мол-ҳолни жойлаштирган халқ эмин-эркин ўтирганда тўсатдан Мойлихўжа юзбоши бошчилигидаги бир тўда отликлар келиб, Қулчи бийнинг ўтовини қулатишибди. Уйда ҳеч ким йўқ экан. Буни кўрган Шакшак югуриб чиқибди.

Уни зарб билан йикитгандан сўнг Мойлихўжа жар солибди: “Агар кимда-ким қурол кўтариб чиқса, Тўласиннинг ўрнига Шақшакни ўлдирамиз, қонга-қон, жонга-жон!” дебди. Баъзи бир йигитлар етиб келишган, қуроллари ҳам бор экан. Мойлихўжанинг гапидан кейин “Қахру ғазаб билан Шақшакнинг жонига қасд этмасин яна” деган ўй билан ноилож қолишган экан. Босқинчилар икки ўтовни кийратиб, Шақшакни боғлаб олиб кетишибди. Бирок ўзгаларга, ё бировнинг молига, ё ўзига тегинмаган.

Бу гапларни эшитиб, Қулчи ўзини босди. Бошқаларга ўзини босик кўрсатиб, отидан тушди. Эрежеб ва онаси турадиган ўтовга кирди. Кичкина Эрежеб бўлиб ўтган воқеалардан кўркиб кетмадимикин, деб безовта бўлди. Онасининг тайинлаши билан уйдан чиқмай зерикиб ўтирган Эрежеб қувониб кетди. Ўрнидан сакраб туриб:

– Ассалому алайкум, бий ота, – деди товуши чинкиллаб.

– Ва алайкум ассалом, болам, мулла бўл. Қани айт-чи, атрофда бўлиб ўтган воқеалардан кўркиб кетмадингми?

– Йўқ, кўқмадим, бий ота. Шақшақ ажиғамни бойлашаётганда орага тушмоқчи эдим, онам кўймади. Овулимизга тунов куни келиб кўниб кетган чўтир киши бор-ку, ўша акамни чўқмор билан урганида орим келди.

“Ҳали тирноқдек бола бўлса, орни қайдан билади бу?” деб ўйлади бий.

– Яхши, бор энди ўйна, мен чарчаб келдим. Қўрқма, ҳозир хатар йўқ, – деди бий. Тўрдаги кийиз устидаги ёстикни олиб, ёнбошлади.

Овулида содир бўлган воқеаларни ақл тарозусига солиб, бундан кейин қандай йўл тутиши лозимлигини аниқлаб олиши зарур. Бошқа бийларни чақирмади. Уларнинг фикрлари маълум. “Отланайлик” деган гапни айтишади, деб ўйлади. Отланишнинг оқибати ҳозиргидан ҳам кескинроқ вазиятга сабаб бўлмаслигига ким қафиллик бера олади. Ўзидан бўлди. Абусаид бийнинг ён беришни истамайдиган ўжар феълени била туриб, айтган икки оғиз сўзининг натижаси мана шундай бўлиб турибди. Ўтган ишга ўқингани билан ҳеч қандай фойда йўқ.

Дарҳол, айнан ҳозир Хўжамёрнинг овулига ўзи бориши керак. Сўнгра фикрини ўзгартирди. Ўзи борса, Хўжамёр Қулчининг олдига мушкул шартларни кўйиб, ола ипни кесадиган бўлиб қолса... Шунинг учун ўзи бормасдан, ишончли икки кишини вакил қилиб юборгани маъқул. Айтган гап-сўзини тинглаб, ўйлаб кўриб, сўнгра ўзи борса, масалани бир ёқли қилиб қайтади.

Уй сиртида турган Бўтабойни овоз чиқариб чақирди. У “лаббай” деб бўсағада пайдо бўлди.

– Жаппасни чақир. Эломонни олиб келсин. Тез келишсин!

Кўп ўтмай чақирилганлар эшикдан киришди. Жаппас бийнинг изидан босиб келаётган уруғдош иниси, сўзни ўрни-ўрнига кўйиб гапирадиган кайвони одам эди. Эломон ҳам талай синовдан ўтган, ишончли.

– Жаппас, – деди Қулчи бий гўё уларни мушкул доғни счиш учун эмас, кўлига пул бериб, бозорга йўллаётгандек бемалол. – Бўлиб ўтган воқеалардан яхши хабардор-сиз. Ҳозир отланиб, Хўжамёрнинг хузурига боринг. Аввало, бийга менинг узуримни етказинг. Шундай-шундай, Абусаид араб бийнинг билмай иззат-нафсига тегиб қўйганга ўхшайман, деб Қулчи бий қаттиқ афсусланмоқда, денг. Қолган томонини айтиб ўтирмаманг. Вазиятга қараб иш тутинг. Ўладиган, тириладиган муомалани эпларсиз. Кўп хаялламанг. Ҳозирок отланинг, сизларга оқ йўл, – деб жўнатди.

Қулчи юборган вакиллар нозик бир ҳолатга дуч келишди. Албатта, манғитларнинг бийи кўноқларнинг нима учун келишганини билар, билмаса ҳам тусмоллар эди. Қипчоқлар манғитнинг кизига совчиликка келмагандир, ахир. Бирок Хўжамёр йўқ эди.

Нима киларини билмай, ҳайрон қолган икки вакил уч кун Хўжамёр бийни кутишди. “Шақшакни кўриб, сўзлашайлик, омонлигини билайлик, элнинг саломини

ни етказайлик” деган илтимослар инобатга олинмади. “Шу воқеанинг охири кон тўкиш билан тугамаса бўлгани” деб боши котган икки вакил ҳеч ишни битира олмай, овулга қайтишга мажбур бўлишди.

Катта йўлда уларнинг қораси кўринмай кетгунга қадар биров пойлаб турган эди.

Кўп ўтмай овул чеккасида Шақшақ тутқинда сақланаётган жўлим уйнинг эшиги очилди. Ичкарига кирган қуролли навкар қўли боғланган Шақшақни олиб чиқди.

– Отга миндир, – деб буюрди дубулғасини кўзигача тушириб қийган баҳайбат чандик юз одам дўриллаган товуш билан. Навкар асирни судраб олиб келиб, тайёр турган отга минишга ёрдамлашди. Яна чандик юзнинг овози эшитилди.

– Тизгинни ушла! Ҳайда, кетдик.

Темир дубулғалари куёш нурида ялтираган, совут кийиб, қуролланган тўрт-беш отлик чошгоҳда Бухоро йўлига тушиб, от йўрттириб кетаверишди. Олдинда чандик юзли, йирик гавдали йигит йўлбошчи эди.

– Мойлихўжа, мени қаёққа олиб бормокчисиз? – деди қўли боғланган билан оёгини узангига тираб, эгарда тик ўтирган Шақшақ тўдани бошлаб бораётган одамга савол назари билан тикилиб. – Мени ўз элимга қўйиб юборинг. Қандайдир бир телба сайиснинг қилган иши учун менинг қўлимни боғлашингиз адолатдан эмас, ахир.

– Шақшақ, – деди чандик юзли от жиловини тортиб. – Менинг сенда адоватим йўқ эканини яхши биласан. Бирок менга сенинг қаллангини чопиб ташлаш буюрилса, ҳеч иккиланмай, чопиб ташлайман. Сабаби, мен мангитларнинг навқариман. Шунинг учун менга гуноҳинг йўқлигини айтиб, ялинишни қўй, – деди зарда қилиб.

Шақшақ индамади. Улар билан гаплашиш фойдасиз эканини сезди. Ўзи ҳам илгаридан ярамаслиги, шафқат нималигини билмагани учун Мойлихўжани ёқтирмасди. Ичида “Мени чамаси Бухорога олиб боришаётир, у ёқда қозига олиб боришармикин, не гуноҳим учун” деб ўйлади. Сўнг “Нима бўлса ҳам пешонамдан кўраман” деган фикрга келди. Ёмон ҳаёлларни қувиб, бир кун, бир пас бўлса ҳам ўзи ўсган даланинг тоза ҳавосидан кўксини тўлдириб нафас олишни истади, нурли, ёрқин, қувончли воқеаларни эслашга ҳаракат қилди.

Кун отунча йўл юрган отликлар очик майдонда тушик қилиш учун отларни тўхтагишди. Қўли боғланганлигига қарамасдан Шақшақ биринчилардан бўлиб отдан сакраб тушди. “Қочиб кетмоқчи” деб ўйлаган навкар кўрқиб кетиб, бақириб юборди.

– Ҳай қаёққа?

– Қайнонангнинг хина тўйига, – деди Шақшақ қувноклик билан. – От устида қаққайиб тургунча, тушиб камаримни еч.

Мўйлови энди чиқиб келаётган содда навкар отдан сакраб тушиб, ёши катталарнинг буйруғини бажариб ўрганган эди, Шақшақ тутқин эканини, озод эмаслигини ҳисобга олиб ўтирмади, асирнинг белидаги камарни ечишга қўл узатди.

– Тўхта, юкоридагини эмас, пастдагини еч, – деди қулиб. – Қачон қўлим ечилиб, ўз ихтиёрим ўзимга қайтгунича беминнат хизмат қилаверасан, иним, – деди меҳрибон товуш билан. – Қани энди тесқари ўтирилиб тур, ёзилиб олайин. Қумғон ҳам тайёрлаб тур, қўлимни ювдирасан.

От жобуви тўшалиб, хуржунларнинг боғлари ечилди. Қайбирида шубат, бошқасида айрон, яна бирида сув тўлдирилган мешлар, арпа нон, пишган, сурланган гўшт дастурхонга қўйилди. Тутқин ерда тўшалган от жобувининг бир чегида қўли боғланган ҳолда ёнбошлаб ётди. Уни ҳеч ким ечиб ўтирмади. Сувсаган, очкаган эди, нон-сув сўраб паст кетгиси келмади, дастурхонга таклиф этилмади.

Ёш навқарларнинг пайига (насибасига) ошик илик тушди. Оч эди, дарҳол тўнлаган яхна этни оғзига олиб юборди. Пишган этнинг ҳиди иштаҳани очиб юборди. Негадир бирдан этни оғзига олиб борган қўли ҳавода тўхтаб қолди.

Чандик юзли йўлбошчига кўз остидан қараб қўйди. Юзининг гоҳ кизариб, гоҳ бўзариб турганидан иккилангани сезиларди. Охири бир қарорга келди.

– Шақшақ оға, – деди ёш навқар. – Сиз туткин бўлсангиз ҳам ёши улғусиз, бунинг устига манғитларнинг қўноғисиз. Шунинг учун мана бу этдан мендан аввал сиз оғиз тийинг. Саркитингиз менга етади. Сиздан саркит едим, деб айтиб юраман. Қўлимни қайтарманг.

Йигит ўрнидан туриб, ҳали ҳеч кимнинг оғзи тегмаган иликни қўш қўллаб Шақшаққа тутди.

– Бу сўзинг учун кўй сўйиб, қўноқ қилган бўлар эдим, иним, – деди кўрсатилган хурматдан кўнгли тўлган тутқун. – Худо омонлигини берса, қўноқ қилганим бўлсин, – деб иликдан тишлади. Бир-икки тишлам егандан кейин “Қолгани сенга саркит, ўзинг е”, деб юзини ўгирди.

Йигит мешлардан бирини олиб, тутқинга сув берди.

Чандик юзли йўлбошчи бу воқеаларни қизиқувчанлик билан кузатиб ўтирди, бироқ тиш ёриб, ҳеч нарса демади, ўз муносабатини билдирмади.

Қош қорайганда от чоптириб кетаётган тўда Бухоро шаҳрига етиб, отларнинг жилловини тортишди.

Хўжамёр бий икки кўзи тўрт бўлиб, қўли боғланган Шақшақни ва уни олиб келаётган отликлар тўдасини кутмоқда ва Абусаид араб бийнинг маслаҳати билан бир қалтис ишга қўл урган эди.

Бир югурик от туфайли фарзанди Тўласиннинг бевакт оламдан ўтиши, унинг котилининг жазоланмай, ўз ажали билан ўлиши табиатан унчалик аччиқланиб, қаҳр-ғазабга эрк беравермайдиган мўмин бийнинг юрагида касос туйғусини уйғотиб, ўғлининг ўлимига сабабчи бўлганлардан ўч олиш ўтини тутатган, ловуллай бошлаган бу ўтни энди у гуноҳқорми, гуноҳсизми, кимнидир қатли билангина ўчириш ниятига келиб бўлган эди. Уни бу йўлга Абусаид бий билан Мойлихўжа юзбоши итарганини ичидан тан олса ҳам, ими-жимиди “Мен бу ишни ўзим учун, қурбон бўлган фарзандим руҳининг ризолиги учун қилмоқдаман” деб ўйлади. Ичидан жангари қипчоқлар билан очиқдан-очиқ душман бўлишни ҳам хоҳламади. Агар Шақшақни ушлаб ўтираверса, Қулчи бий билан ёвлашиши аниқ. Улар отланиб келиб, бийнинг инисини зўрлик билан тортиб олишга уриниши эҳтимолдан холи эмас. Худо сақласин, ёши бир жойга бориб қолган Хўжамёр беҳуда қон тўкилишига сабабчи бўлгиси келмайди. Шунинг учун у Шақшақни яширинча амирнинг шаҳрига олиб келтирди. Эртага Қулчи бий инисининг орқасидан манғитлар овулига келади. У ердан Хўжамёр билан инисини тополмай, изига қайтади. Бу вақт ичиде кекса бий ўз мақсадига эришади, у шундан умидвор, албатта.

Бу пайтда Қулчи бий билан яқин муносабатда бўлган ва уни қадрлаган Шохмурод оламдан ўтиб, унинг меросхўри тахтга ўтирган эди. Бунинг устига ўз уруғдоши Шохмуроднинг олдида Қулчи бий обрўйининг баланглиги, қанчалик кенг феъл бўлса ҳам Хўжамёр бийнинг ҳасадини келтирар эди. Энди Абусаид араб айтгандай “бир ўк билан икки қуёшни уриш фурсати етган” эди. Бироқ қипчоқлар ҳам қараб турмас, шунинг учун шошилиш зарур эди. Бухоро амири Хайдарнинг хузурига шу бугуноқ қиришнинг йўлларини излаб, саройдаги яқинларини орага солди. “Хўжамёр бийнинг сизга айтадиган пинҳона сири бор экан” деган гапни қўшиб қўйишни ўртага тушган одамга қайта-қайта тайинлади. Қўп йиллардан буён бийлик қилган Хўжамёр сарой ва салтанат эгалари хоҳ қундуз, хоҳ оқшом бўлсин “махфий сир”ни эшитишга ўч бўлишини, уни эшитмагунча уйқуси келмаслигини яхши билар эди.

Олдиндан тузилган режа ўз натижасини берди. Қўп ўтмай Хўжамёр бий ва Абусаид арабни амирнинг қабулига чақирди.

– Сен мендан кўра гапга чечансан, вазиятни ўзинг тушунтирасан, – деди Хўжамёр Абусаидга.

– Бундан ҳам еманг.

Амир манғит бийларини осмон юлдузларга тўлиб, хўрозлар дастлабки марта кичкира бошлаган махалда арkning пинхона хоналаридан бирида қабул килди.

– Сўзланг, манғитлар, одамлар ухлайдиган пайтда қандай махфий сир олиб келдингиз? – деди ёш амир.

– Давлатингиз зиёда бўлсин, Мирхайдаржон, – деб гап бошлади Хўжамёр бий. Унинг ёши Хайдарнинг отаси Шохмурод билан тенгдош бўлганидан мағрурландими ёки ёш бола кўрдими “амир” сўзига ургу бериб ўтирмай “Мирхайдар” деди. – Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, хузурингизга бир нозик масалада келиб ўтирибмиз. Ўзингизга маълум бўлган кипчоқлар бийи Қулчининг инисининг қўлини боғлаб олиб келдик. Менинг фарзандим Тўласиннинг вафоти билан боғлиқ воқеалардан хабардорсиз, деб ўйлайман. Боламнинг хуни кипчоқларда қолиб кетаяпти. У мол билан, танга билан тўланмайди. Шунинг учун кипчоқ бийнинг иниси Шақшақ оғасининг гуноҳи учун жавоб берсин, деган фикрдаман. Қолган гапни Абусаид араб бий етказди, – деб Хўжаёр арабга қаради.

– Ижозат берсангиз, баён қилайин, – деди араб бий амирга тикилиб.

– Сўзланг, бий!

– Бизнинг илтимосимиз, кипчоқлар бийидан манғитлик бийнинг хунини олиб берсангиз.

– Ҳой араб бий, – деди амир курсида ўтирган ўрнидан тура сола. – Нима, мен сизларга қози калонманми? Бу масалада олдин қозига арз қилмадингларми?

– Қози шариат билан аниқ далилларга таянади, амирим, – деди Абусаид бий соқолини силаб. – Бизда эса аниқ далиллар йўқ. Бунинг устига кипчоқ бийнинг туғишганини оқ уйли қилсангиз, амирлик салтанатингизнинг хавфсизлигини таъминлаган бўласиз, амирим!

– Сабабини тушунтиринг, бий, – деди ёш амир ўзини қўлга олиб.

– Сабаби бор, амирим, – деди бий хотиржам сўзлаб. – Отангиз раҳматли Шохмурод Қўқон билан ораликдаги чегараларни мустаҳкамлаш ниятида Сирдарё бўйидан минг уйли, икки минг уйли қорақалпоқларни кўчириб келишни Қулчи бийга топширганидан хабарим бор эди, иншоолло. Бирок у ёқда Қулчи бийнинг кимга нима гап айтганидан вокиф эмасдурман. Бирок кўпчилик қорақалпоқлар Сирдарё бўйидан амирлик чегараларига қараб кўчиб, Қўқон хонининг фуқаролигини тан олибди. Янгиберган бий бошлаган бир тўда қорақалпоқлар Томдибулук теварагига келишибди, деган хабар бор, бирок уларни ҳам ўз кўзим билан кўрмадим. Келганлари ҳам Қўқонга ўтганларнинг майда бир бўлагига ўхшайди. Мен айтдим-да қўйдим, амирим. Бу ишларга бош-қош бўлган Қулчи бий эди.

– Хўш, Қулчи бийга ишониб бўлмайди, демокчимисиз? – деди амир.

Бу гап Абусаид бий айтмоқчи бўлган, бирок “Қулчини ёмонлади” деган ғийбатнинг тарқалиб кетиши мумкинлигини билган бий тилининг учиди сакланиб қолган сўз эди.

– Мен бу ҳақда дадил бир нарса айта олмайман, деб кўркаман, – дея товламачилик қилди бий. – Қўлимда аниқ далиллар йўқ эди. Бирок у ўзини ярим хон санаб юрганини қилган ҳаракатларидан англаса бўлади.

– Яхши, бу масалани текшириб кўрамиз, – деди амир.

– Текширилиб, ҳақиқат аниқлангунча Қулчининг инисини қўл остингизда сақласангиз, зиён қилмасди, деган фикрдаман, тақсир.

– Сиз нима дейсиз, Хўжамёр бий? – амир бийга юзланди.

– Менинг муддаом ҳам худди шундай, Мирхайдар. Шақшақни сизнинг қўлингизда сақлангани Кулчининг қўлини ҳар қандай шубхали ҳаракатдан боғлаб турар эди.

Амир кафтини кафтига урди. Бу суҳбатга чек қўйилди дегани эди. Тун ярмидан оғмоқда. Тонг отар пайт ясовуллар Шақшақни олиб кетишди.

* * *

Бу вақтда Кулчи бий Хўжамёрга юборган вакиллар ҳеч бир ишни битказа олмаётганлиги келиб тушган эди. Чошгоҳ бўлмади Жаппас Эламонни эргаштириб, бийнинг ўтовига кириб келди. Шумшайиб туришларидан ишни уйдурди олманларини англаган зийрак бий қўноқларни совуқ қаршилади.

– Хўжамёр бий биз билан гаплашишни ҳам ўзига раво қўрмади, – деб гап бошлади Жаппас. – Ўзимни оқламоқчи эмасман, бироқ сўзлашмаганидан кейин нима ҳам қила олардик. Шақшақни ҳам кўрсатишмади. Фақат “оғангиз соғ-омон, ҳали кўриб чиқасиз” деб юпатган бўлишди.

Мангит бийи вакилларни кўрмасдан қайгадир отланиб кетганини Жаппасдан эшитган Кулчи ўйланиб қолди.

Булар билан гаплашмаганидан нима маъно чиқади? Отланиб қаерга кетган? Бу ҳақти-ҳаракати билан ўз баҳосини ошириб, талабни жуда юқори қўймоқчимкин? Ёки бир балони бошламоқчимки? Йиғитларга жавоб бериб юборди. Ўтовда бир ўзи қолди.

Нима қилмоқ керак? Хўжамёр бийнинг қаёққа отлангани Кулчи бийга номаълум. Излаб бориб, то келгунча эшигида ётиб олгани маълумкин? Бироз ўйланиб, бу фикрдан бош тортди. Бунга бийлик мартабаси, эл орасидаги обрўйи йўл бермас эди. Унда нима қилсин...

Кун туш бўлди. Хизматкор пишган эт билан қимиз келтириб, дастурхонга қўйди. Пешин намозининг вақти ўтиб бораётганди. Бий туриб дастурхонга ўтирмади. Туз тотмади. Намоз вақти ҳам ўтиб кетди. Боши гаранг бўлди. Нима қилмоқ керак? Нима қилмоқ керак?

Бу учтагина сўзга жавоб топиш жуда мушкул бўлди.

Намозшом вақти ҳам ўтди. Дастурхонга қўл урмади. Қимиз бир томчи ҳам қолмади.

Бийнинг ёнига ҳеч ким қирмади. Азалдан шундай, қакирилмас, хизматкор қирмайди. Бийнинг сукутини бузишга ҳеч ким журъат эта олмади.

Хуфтон бўлганида бий ўрнидан турди. Ушлана-ушлана зардан қўйилгандек бўлиб ярқираб кетган мис қумғонни олиб ташқарига чиқди. Таҳорат ушатиб, намозга ўтирди. Аввал қазо қилган пешин намозини, сўнг намозгар билан намозшомни адо қилди. Хуфтоннинг ташаххудига келганида овул хўрозлари бу оқшомдаги илк кичкириғини бошлаб юборган эди. Намоздан сўнг бирдан туриб кетмади. Жойнамозда тиз чўкиб ўтириб, одати бўйича “Ёсин” сурасининг оятларини ўқиб, оламдан ўтиб кетган яқинлирининг ҳақиқа фотиҳа қилди. Кейин дастурхонга ўтириб, серғушт илиқни тишлади. Чуқур хўрсинди, эндигина унутила бошлаган нохуш ўйлар уяси бузилган арилар каби ёппасига ёпирилиб келди. “Иним Шақшақ ҳозир нима қилаётган экан?” иштаҳаси йўқолиб, илиқни ёғоч товоққа қайтариб қўйди. Ёғоч идишдаги қимиздан бир-икки хўплаб қўйди. Меъёрида ачиган қимиз озгина тетиклангандек, ғаш бўлиб турган кўнглини кўтаргандек туюлди. Бир фикрга кела олмади, ўтовнинг ўнг жапсаридagi доимий ўринига ёнбошлади. Жавобсиз саволлардан толиққан шуурини уйку боса бошлаганди.

Охири бир фикрда тўхталди. Тонг отганда Хўжамёр бийнинг овулига отланди. Токи келишиб, инисини олиб қайтмагунча бийнинг овулида ётиб олади.

ЭҲТИРОМ

Зухра БЕГИМ

1975 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Унинг “Умид баҳори”, “Севгимга битилган номалар”, “Кўклам нафаси”, “Болаларга бахшида олам”, “Кўнгил фасли” номли шеърый ҳамда “Оқибат” номли насрий тўпламлари нашр этилган.



УСТОЗ

Эссе

Истеъдод ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган илоҳий неъматдир. Истеъдод замирида ишқ ётади. Ишқ туфайли инсон ўзини танийди, ўзини идрок қилиш орқали Яратганни танийди, у вужудга келтирган борликни, ибтидо ва интихо мохиятини англаб етади. Инсон барча яратилган мавжудотлар ичра улуғлангани бўлиб, унинг бу шарафга эришиши, Яратган даргоҳига лойик ва макбул бўлиши Сўз туфайлидир. Инсон умри ўткинчи бўлса-да, унинг ижоди даврлар оша эзгуликка, инсоннинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилаверади.

Хали мактабда ўқиб, илк бор қўлга қалам олиб нималарнидир қоралаб юрган чоғларимдаёқ Муҳаммад Алининг “Гумбаздаги нур” достонини, “Сарбадорлар” тарихий дилогиясини мутолаа қилган эдим. Ўзим самарқандлик бўлганимдандир балки, бу асарлар ўша даврдаёқ менинг рухиятимга қаттиқ таъсир қилган, Ватан тушунчасининг муқаддас ва илоҳий эканлигини англашимга ёрдам берганди. Бу кейинчалик бадиий ижодга меҳр қўйишимга, кўнглимдаги оғрикли туйғуларимни қоғозга туширишимга ва илк бор тарихий мавзуга қўл уришимга туртки берган бўлса, эҳтимол. Шу боис мен Муҳаммад Алини ўзимга ғойибона устоз деб ҳисоблай бошладим. Устознинг китобларида тасвирланган воқеалар мени ўзига сеҳрлаб қўяр, ўтмишимизнинг бизга қоронғи бўлган саҳифалари сари стақлар, уйқусиз кечаларда соатлаб аждоқларимиз тарихи, уларнинг миллат келажаги учун қайғуриб, юрт тинчлиги йўлида олиб борган курашлари тўғрисида ўйлардим. Хаёлимда олис мозий лавҳалари жонланар, тарих ўчоқларида ловуллаётган гулхан ёруғида бирин-кетин аждоқларимиз чиқиб келаверади. Ана, қўлида “Ҳикматлар” девонини тутган Хўжа Аҳмад Яссавий, тахтда ўтириб, чап қўлини қиличга тираганча, ўзи курдирган миноралару мадрасаларга мағрур ва маҳзун бокиб турган Амир Темур бобомиз, “Зижи жадиди Кўрагоний” китобини варақлаётган Мирзо Улуғбек, халқ дардида жон чекиб тин билмаган Алишер Навоий, саҳроларда қаландарлар билан бирга кезиб юрган оташин шоир Бобораҳим Машраб...

* * *

Бадий асар ўз-ўзидан дунёга келмайди. У тинимсиз меҳнат, уйқусиз тунлар, машаққатлар туфайли яратилади. “Улуғ салтанат” эпопеяси мустақиллик даврида яратилган, бошқача айтганда, халқ кўнглидаги дардларни айтиш, халққа ўзининг ҳақиқий тарихини таништириш эҳтиёжи туфайли дунёга келган. Асарни ўқиган китобхон ҳақиқий ўзбекона тафаккур, ўзбекона миллий-маънавий қадриятлар, инсоний муносабатлар тўғрисида муайян тасаввурларга эга бўлади. Ўзининг шу миллатга мансублигидан, шу юртда туғилганлигидан, Соҳибқирон авлодларидан эканлигидан кўнгли ифтихорга тўлади. Эпопея жозибадор услуби, дилбар бадий тасвирлар, ўткир мушоҳадаларга бойлиги, бадий жиҳатдан мукамал, содда, ифодали ва таъсирли услубда баён қилинганлиги билан диққатни ўзига тортади. Бинобарин, Амир Темур ва темурийларнинг кишилар билан муносабатга киришишларида инсоний фазилатларни намоён қилишлари бадий тасвирлар воситасида маҳорат билан чизилганки, бу лавҳалар ўқувчини ўзига ром этади, ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга ундайди. Асарнинг буюклиги шундаки, у китобхонга ўзининг кимлигини эслатади, халқ ва Ватанга муҳаббат туйғуси билан фахрланиб яшашга ўргатади. Шу боис асарни ўқиган сайин ўқигингиз келади.

Аёлларнинг кўнгли бўш бўлади, дейишади. Мен, очик айтсам, ўзимни, табиатан кўнгли бўш одамлар сирасига мансубман, деб ҳисобламайман. Лекин эпопеяни ўқиш давомида, бир неча марта кўзларимга ёш келганини билмай қолдим. Икки йилгина суйган ёри Жаҳонгир Мирзо билан бахтли ҳаёт кечириб, ўн етти ёшида тул қолган Хоразм маликаси Хонзода хонимнинг аччиқ қисмати... Бефарзанд ўтган маҳди улё Сароймулкхонимнинг адоқсиз изтироблари... Асарни ўқиб, жуда кўп темурий маликаларни янгидан кашф этганимни алоҳида таъкидлаб ўтаман. Яна... Йигирма еттига кирган валиаҳд шахзода Муҳаммад Султоннинг бевакт вафотидан куйиб-ёнган онаси бечора Хонзода хоним... Суюкли набирандан айрилиб қолган, аммо сабр-тоқат этагини тутиб дардини ичига юта олган Соҳибқирон... Айниқса, эпопея охирида келтирилган, сирли нарвондан кўкка чиқа бошлаган Амир Темурнинг боболари билан учрашгани, ҳаммаси бир бўлиб қуёшдай порлаб турган арши аълога юз тутиб боришлари тасвирларини ўқиганда беихтиёр кўзларингга ёш келади. Бу ерда, Амир Темур ва унинг бутун аждодлари нурга, ёруғликка интилган инсонлар эди, деган рамзий маънони уқиш мумкин.

Мутолаа давомида юзлаб персонажларнинг бир-бирига ўхшамаслигини қузатдим, ҳар бири нимаси биландир эсда қолади. Адиб ўз асарига, ижодига синчковлик ва масъулият билан ёндашади. Йирик образларни қўйиб, кичик образларга диққатни қаратайлик. Ёзувчи уларнинг ҳеч қайсисини унутмайди. Масалан, Сагторкул – Балхдаги Ҳиндувон қалъаси дарвозабони, (“Жаҳонгир Мирзо” романи), бир-биридан ажралмас ҳазилкаш дўстлар – Ахий Жаббор баҳодирнинг йигитлари – Учқора билан Йаналтекин, (уларнинг ичакузди суҳбатларини ўқиб ҳузур қиласиз), Соҳибқироннинг набира келини Соғинч хонимнинг онаси Оппоғойим... унинг қанзаги Сарвиноз ёки асира қиз Парвона (“Мироншоҳ Мирзо” романи)... Шўрлик Парвона, асира қиз!.. Унинг кейинги тақдири нима бўлди экан, деб ўйлаиб қолади киши. Кошқийди, билишнинг иложи бўлса!.. Соғинч хонимнинг ерга урса кўкка сапчидиган шўх-шаён, чак-чак дугоналари – Робия, Зубайдалар-чи!.. Қарасангиз, ҳар бирининг ўз ҳаёти бор.

Шуларни ўйлаганда, адибнинг “Улуғ салтанат”и 2007 йилда биринчилар қатори Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотиغا сазовор бўлгани бежиз

эмаслигини кўрамиз. Боиси – халкимиз Амир Темур сиймоси яратилган йирик асарга мушток эди, ўзбек адабиётида йирик насрий асар, эпопея керак эди. Кимдир бу ишни бутун масъулиятини зиммасига олган ҳолда бажаришга жазм этиши керак эди. Муҳаммад Али бу масъулиятни зиммасига олди ва муваффақият билан адо этди.

Соҳибкирон Амир Темур ва теурийзодалар билан боғлиқ тарихий ҳақиқатларни бўямасдан, очиқ-ойдин ҳолда бадний тарзда ўзбек китобхонларига етказиш ижодкордан катта куч, ўткир салоҳият, чуқур билим ва энг асосийси, аччиқ ҳақиқатларни кўрқмасдан айта олиш учун жасорат талаб қилинар эди. Айтиш мумкинки, Муҳаммад Али аждоқларимизнинг ҳақиқий тарихини одилона тарзда ёритиб бериш вазифасини шўролар давридаёқ муваффақият билан уддалаган, “Сарбадорлар” романида ўзбек адабиётида илк бор насрда Амир Темур сиймосини тасвирлаб берди. Адиб бу асарни яратиш билан чекланиб қолмади. У изланишларини давом этдириб, “Улуғ салтанат” эпопеясини яратишга киришди. Эпопеянинг биринчи қисми – “Жаҳонгир Мирзо” нашр қилинганданок ўқувчилар меҳрини қозонди, орадан беш йил ўтгач, роман Туркиянинг Истамбул шаҳрида турк тилида чоп қилинди. Эпопеянинг иккинчи китоби – “Умаршайх Мирзо”, учинчиси “Мироншоҳ Мирзо” ва ниҳоят, тўртинчиси “Шоҳрух Мирзо” романи йилда нашрдан чиқди. Дастлабки икки китоби рус тилига таржима этилиши бошқа халқларнинг ҳам ушбу ижод дурдонасидан баҳраманд бўлишларига имкон яратди.

Бўш вақтларимда шаҳардаги китоб дўконларини айланишни яхши кўраман. Икки йил олдин ижод оламидаги янгиликлар билан танишиш мақсадида китоб дўконларини айланиб юрганамда тўртта китобдан иборат “Улуғ салтанат”нинг тўлиқ нашрига кўзим тушди. Илгари асарни ўқиган ва ҳанузгача ундаги воқеалар таъсирида юрган бўлсам-да, уйга бориб, асарни қайтадан ўқишга киришдим. Кўз ўнгимда яна қадимий Самарқанд, кўҳна Регистон, шовкин-суронга тўла Сиёб бозори, тахтада ўтирган Соҳибкироннинг сиймоси қад ростлади. Тўрт китоб яқин сирдошимга айланди. Ҳар куни тонг вақти ишга кетишдан олдин ўқийман. Кун бўйи ўқиганларимни ҳаёлан таҳлил қилиб, давоми қандай бўлар экан, деган ўй билан кеч киришини кутаман. Ишдан келгандан сўнг кечкурун яна ўқишда давом этаман. Ўзимни гуёки ўзга оламга тушиб қолгандай, Амир Темур ва теурийзодаларнинг жанг-жадалларида иштирок этаётгандай, жангтоҳларда юргандай ҳис қиламан. Хуллас, мен асардаги воқеалар гувоҳига, унинг иштирокчиларидан бирига айланиб қолдим. Теурийлар тарихини мафкуравий таъсиру тазйиқларсиз, асл ҳолича тасвирлашнинг урдасидан чиққан ва умрининг йигирма йилини шу асарларни яратишга бағишлаган Муҳаммад Алининг ёзувчилик маҳорати ва сабр-тоқати мени ҳайратга солди. Қанча ўқиш керак, қанча изланиш керак, қоғозга тушириш керак... Дарҳақиқат, адибнинг сўзида сеҳр бор. Сўз туфайли инсон қувонади, кулади, ўйга ботади, йиғлайди, келажакка умид билан боқади. Китобхонни турли кўйга солиш, таъсирантириш эса ижодкорнинг тилда мавжуд бўлган сўз ва иборалардан фойдалана олиш маҳоратига боғлиқ. Ёзувчи эпопеяда кўпдан-кўп охори тўқилмаган чиройли ўзбекона ибораларни ишлатади, уларни ўқиб сўзни янгидан кашф этгандек бўламиз. Академик Матёқуб Қўшжонов ўзининг “Жаҳонгир Мирзо” романига бағишланган “Ёзувчи камолотидан далолат” мақоласида шундай ёзганди: “Муҳаммад Али... воқеаларни

дангал олиб, кўпроқ танланган қахрамонларнинг ички оламига назар ташлади. Бошқача қилиб айтганда, ўзини кўпсўзлик ва кераксиз тўқимачиликдан холи тутди. Бу жихатдан унинг жумлалари нарсдан кўра кўпроқ назми эслатади.”

Олимнинг бу эътирофи шоир романига берилган ҳаққоний баҳодир.

Эпопеянинг яратилиши осон кечмаганлиги, қанчалар изланишлар, машаққатлар эвазига дунёга келганлиги асар сюжетиға, ундаги воқеалар силсиласига, муаллиф шахсий муносабатининг мохирона сингдириб юборилганлигида намоён бўлади. Мен асарни ўқиш жараёнида буни яна бир бор хис қилдим. Яна бир жихати, эпопеяни ўқиш экансан, воқеалар оқимиға киришиб кетасан киши, унинг китоблигини ҳам беихтиёр унутасан. Бу, албатта, эпопеянинг ҳаётий чикқанлиги сабабидандир.

Муҳаммад Али тафаккури, мушоҳадалари қаймоғи бўлган эпопеянинг яратилиши мустақиллик даври ўзбек адабиётида йирик воқеа бўлди. У ҳақда жуда кўп мақолалар эълон қилинди. Асар шуниси билан қимматлики, унда нафақат Соҳибқирон Амир Темурнинг туркий халқлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, мамлакат ва халқ қайғуси билан тортган қийинчиликлари, эришган зафарлари, балки Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо, Шохрух Мирзо каби темурийзодаларнинг ҳам инсон сифатида орзу-умидлари, ғам-қайғулари, жасурлиги, она юртга бўлган муҳаббат ва садоқатлари бадий тасвирларда акс этган. Бошқача айтганда, бу тарихий эпопея темурийзодаларнинг ҳаёти ва фаолиятдан сўзлабгина қолмай, ўзбек халқининг XIV-XV асрлардаги турмуш тарзи, дунё сиёсий харитасидаги ўрни тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради. Ана шу жихатлар асар тарих, маданият ва маънавият билан боғлиқ барча соҳалар учун ҳам бирдай аҳамиятли эканини кўрсатади.

— Мен Муҳаммад Алини фақат телевизор кўрсатувларида, шеърят ихлосмандлари билан учрашувларда кўриб, унинг дилбар шеърларию олис ўтмишимиздан сўйловчи романларини ўқиб таъсирланганман, ўз ижодимда ундан руҳланганман, маънавий озикланганман, десам муболаға бўлмас. Юқорида айтилганидек, уни ўзимга ғойибона устоз деб санардим, аммо ўзи билан танишиш насиб этмаганди. Тошкентга борганимда албатта устоз адиб билан учрашаман, деб ният қилиб юрардим. Ниятим холис экан шекилли, кўп ўтмасдан устознинг ўзи Самарқандга келди. 2015 йил сентябрида Самарқанд шаҳридаги Матбуот уйида катта шеърят кечаси ўтказилди. Тошкентдан келган бир гуруҳ шоир ва ёзувчилар ичида устоз ҳам бор эди. Кўп катори мен ҳам торганибгина шеър ўқидим. Устоз сўзга чикқанда, у кишининг теран фикрли нотик ва самимий, оддий инсон эканлигини тушундим. У ёзувчиларни фаол бўлишга чақирди, бу борада тезкор жанр публицистика муҳим аҳамиятга эга эканлигини, замонамизни ёритиб берадиган публицистик мақолалар, очерклар, эсселар ёзиш лозимлигини, ижодкор халқнинг сўзини биринчи бўлиб айтиши лозимлигини таъкидлади. Бу беиз кетмади, кейин самарқандлик ижодкорлар Хосият Бобомуродова, Ориф Ҳожи ва бошқаларнинг, жумладан, ўзимнинг ҳам публицистик мақолаларимиз матбуотда эълон қилинди.

2016 йил 8 декабрь арафасида Тошкентдан келган тарғибот гуруҳи ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари биргаликда вилоятимизнинг шаҳар, туманларидаги мактаб ва коллежларда Коституция кунига бағишлаб тадбирлар уюштирдик. Ўшанда устозга ҳамроҳ бўлиб Қўшработ, Жомбой туманларидаги тадбирларга бордим. Учрашувлар жараёнида устознинг жонқуярлигини ҳам

Ўзимча кашф қилдим. У ҳаммани ўзига тенг тутиб гаплашарди, унинг сўз бойлиги катта эди, баъзан сўз ўйини қилиб, бегараз мутойиба ҳам қилиб кўяр, атрофдагилар яйраб куларди. Ёши улуғ эса-да, кунлар совук бўлишига қарамасдан ёшлар қатори учрашув ва тадбирларда фаол қатнашди. У одамлар билан самимий мулоқотда бўларкан, кишиларни ўйлантириб келаётган адабиёт ва тарихга оид саволларга эринмай жавоб берарди.

Муҳаммад Али қайси йўналишда, қандай мавзуга қўл урмасин, ижоднинг янгича оламини кашф этишга тиришади. Фарғона драма театрида сахнага қўйилган “Навоий ва Бойқаро” тарихий драмаси бунга яхши мисолдир. Устознинг сермахсул ижоди билан танишиб, шуни англадимки, у киши ижод жараёнида ижодкорлар эътиборидан четда қолган мавзуларга эътибор бериб, ўз фикрларини дадил айта оладиган, ҳақиқатни ҳар нарсадан устун кўядиган соҳиби қалам эканлар.

Муҳаммад Алининг шеърӣй ва насрий усулда ёзилган асарлари билан танишгач, ўзим ўсиб улғайган шу она заминга бўлган хурматим чандон ошди. Боболаримизнинг қутлуг қадамлари теккан, улуғ аждодларимизнинг хоки пойлари ётган муқаддас Самарқандда яшаётганлигимдан кўнглимда ғурур туйдим. Ҳисларимни ичимга сиғдира олмай Амир Темур макбарасидан тортиб Бибихоним масжидио Регистон майдонида соатлаб кездим, чуқур хаёллarga толдим. Хаёлан ўзбекнинг номини асрлар давомида улуғлаган, умрини юрт тинчлиги йўлида ўтказган Соҳибқироннинг ёрқин сиймосини тасаввур этдим. Муҳаммад Алининг болалигимда ўқиган “Амир Темур кабридан овоз” номли шеъри ёдимга тушди:

Эй, тарихчи, қилма умримни торож!
Бас, бундай гапларга эмасман мухтож.
Тори узилса ҳам соз аталур, соз,
Бошдан тушганда ҳам тож, барибир, тож!

Ҳа, топиб айтилган: Амир Темур бобомиз халқимизнинг бошида ярақлаган мангу тож бўлиб қолади!

Муҳаммад Али асарларини ўқиш менга ўзлигимни танитган бўлса-да, менда гуноҳкорлик ҳисларини ҳам уйғотди, ўзимни айбдордай ҳис этдим. Сабабини айтиб ўтаман. Қаранг, устоз Самарқанддан олисда яшаган (албатта, Ватан – бир!) эса-да, шаҳримиз тарихини садоқат билан чуқур ўрганиб, у ҳақда қатор-қатор тарихий асарлар битибди-ю, мен шу ерда туғилиб, яшаб юртим тарихи тўғрисида нима ёза олдим, каби саволлар пайдо бўлди кўнглимда. Дарвоқе, Самарқандимнинг асил жойи ҳозирги Афросиёб тепалиги эканини, уни Чингизхон лашкарлари вайрон қилганини, бугунги Самарқанд эса Афросиёбдан пастроққа “сирғалиб” тушганини, янгидан барпо бўлганини “Сарбадорлар”ни ўқиб билибман!

Шундан сўнг менда Амир Темур ҳақида дoston ёзиш фикри туғилди. “Мангу руҳлар суҳбати” дostonимнинг яратилишига бевосита устоз асарларидан олган таассуротларим сабаб бўлган. Бу дoston тарихий мавзудаги илк бор уринишим самараси эди. Улуғ тарихимизга бўлган қизиқишим яна ҳам кучайди. Ижодимда янги мавзулар пайдо бўла бошлади. Ижодкор кўп мутолаа қилиши, тинмай излаши лозим эканлигини, айниқса, тарихни яхши ўрганиш ҳар бир ижодкор учун сув билан ҳаводай зарурлигини англаб етдим, ўрганмоқдаман ҳам. Буларнинг бари бебаҳо ижодий сабоқлардир.

* * *

Устоз бу йил 1 март куни 75 ёшга тўлади. Муҳаммад Алининг ҳаёт йўлини кўрсатса, унинг ёшлигидан то йирик адиб даражасига етгунча халқ ҳаётининг турли соҳаларида фаолият олиб борганлиги кўзга ташланади. У меҳнат фаолиятини дастлаб оддий ишчиликдан бошлаб, кейин Москвадаги Горький номидаги Адабиёт институтида таҳсил олди, Андижон ва Фарғона вилоятлари мактабларида ўқитувчилик қилди, “Шарқ Юлдузи” журналида, Фафур Ғулом номидаги нашриётда, Ўзбекистон телевидениесида, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бадий таржима ва адабий алоқалар марказида, Ўзбекистон Миллий университетиди, Халқаро “Олтин Мерос” хайрия жамғармасида турли раҳбарлик лавозимларида ишлади.

2003 йилдан Халқаро Амир Темур фонди бошқаруви раиси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Халқаро алоқалар ва бадий таржима кенгаши раиси лавозимида фаолият олиб бориши унда халқимиз миллий-маънавий кадриялари, ўтган асрда собиқ шўролар тузumi тазйики билан халқдан сир тutilган тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларидан баҳраманд бўлишга ва уларни асл ҳолида ўзининг ҳақиқий ўқувчисига тухфа этишига имконият яратди.

Муҳаммад Алининг бугунги кунгача назм, наср ва таржималардан иборат қирққа яқин китоби нашр этилган. Унинг миллий ўзликни англаш, Ватанга муҳаббат ғоялари акс этган асарлари насрий ёки назмий усулда ўқувчиларга етиб борарди. Шўролар тузumi айни кучга тўлган даврда унинг йирик шеърий жанрларда битилган “Машраб”, “Гумбаздаги нур”, “Бешгул”, “Ошиқлар эртаги” дostonлари ва “Бокий дунё” шеърий романи эълон қилиниб, уларда юртни севиш, инсонни улуғлаш, аждодларга эҳтиром, умрнинг ҳар дамининг кадрига етиш каби инсоний ғоялар ўз бадий тасвирига эга бўлганки, бу ижодкорнинг миллий озодликка интилиш туйғуларини турли рамзлар, тимсоллар ва усуллар воситасида сатрлар мазмунига сингдириб юбора олганлигидандир.

Ижодкор ўз асарларига халқ умид-орзуларини, армонларини сингдириб юбориши учун унинг юраги қанчалик забардаст, қалби фидойи бўлиши керак! Устоз, 75 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга Самарқанд минораларидек мустаҳкам соғлиқ, халқимиз меҳрининг боқийлигини тилайман.



ТАЛҚИН



Ҳаким САТТОРИЙ

1953 йилда туғилган. Қариш давлат педагогика институтини ва Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тугатган. “Ҳазрат Соҳибқирон”, “Имзоли хатлар”, “Маҳак тоши”, “Вақт манзаралари” сингари китоблари, “Соғинч” романи нашр этилган. Лев Толстойнинг “Сергей ота”, “Бечора Иван Ильич”, “Крейцер сонатаси” қиссаларини таржима қилган.



“ИЛМДАН ЎЗГА НАЖОТ ЙЎҚ”

Бу оташин каломни айтган, ҳаётида унга ишониб, тажрибаси билан тасдиқлаган мўътабар зот Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий ҳазратлари 810 йил 20 июлда Бухорои шарифда таваллуд топди. Отаси Хўжа Исмоил ўз даврининг йирик олимларидан бўлиб, ҳадис илми билан шуғулланган. Муҳаммад икки ёшида отаси вафот этади ва акаси Аҳмад билан онаси тарбиясида қолади. Улар яшаган Бухоро яқинидаги Пойкент қасабасида ҳам илмий муҳит шаклланган бўлиб, бу жойда ашломалар дарс ўқитарди. Муҳаммадни мактабга бердилар. У болалигидан ҳайрон қоларли даражадаги қувваи хофизаси билан ҳаммани лол қолдирарди. Гўё “Одам бир марта эшитган гапин нечун унутар”, деган ҳикмат унга нисбатан айтилгандек, ўқиган китоблари магзини чақиб, билимини муттасил ошириб борарди. Айниқса, ҳадисларга муҳаббати кучли эди ва мактабдаёқ бир неча минг ҳадисни ёд олди. Ҳатто устозларидан бири ҳадис ровийларини чалкаштириб юборганда хатони тўғрилашга журъат этди. Устоз:

– Суфён ўз навбатида Абу Зубайрдан ҳадис ривоят қилган, Абу Зубайр эса Иброҳимдан, – деди. Муҳаммад:

– Ҳеч қачон Абу Зубайр Иброҳимдан ривоят қилмаган, – дея эътироз билдирди. Устоз жаҳли чиқиб, танбех берди. Шунда Муҳаммад:

– Агар қўлингизда асл манба бўлса, ўшанга қаранг, – деди.

– Унда тўғриси қандай бўлади? – деб устоз сўради.

– Аслида Абу Зубайр эмас, Зубайр. Зубайр билан ибн Аъдий бир киши, демак, ибн Аъдий Иброҳимдан ҳадис ривоят қилган.

Асл манбани кўргач, устоз:

– Сен ҳақ экансан, – деди ва ёзганларини тўғрилаб қўйди.

Ўшанда Муҳаммад ўн бир ёшда эди. Ўн олти ёшга кирганда эса Муборак Марвазий, Мулайх Розий сингари ўша пайтда энг мукамал деб тан олинган мутафаккирлар каломларини тўлик ёдлаб олган, Бухоро илмини тўлик кашф этган эди. Кучқудратга тўла тафаккур эса янги кенгликларни қўмсарди. Бу ният ҳам амалга ошди. Яратганининг иродаси билан волидаи муҳтарама икки ўғилни қанотига олиб, ҳаж сафарига жазм этди. Бу воқеа 825 йилда рўй беради.

Ҳаж ибодатини бажаргандан сўнг, Муҳаммад ибн Исмоил онаси ва акаси билан Маккада хайрлашади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳадисларини тўплаш

ниятида Арабистонда қолади. Эзгу амалга бел боғлаб, ҳадиси шарифлар бўйича саҳих асар жамлаш учун ислом оламининг йирик марказлари – Макка, Мадина, Бағдод, Басра, Куфа, Дамашк, Коҳира, Нишопур, Ҳирот каби шаҳарларни кезиб чиқади. Кейинчалик Имом Бухорий: “Мен бир минг саксонга ровийдан ҳадислар ёзиб олганман, уларнинг ичида ҳеч бўлмаса биттагина ҳадис айтганлари ҳам бор”, – деган эди.

Ҳадис – Расулуллоҳнинг (с.а.в.) айтган гаплари, феъл-атворлари ва тақрирларидир. Ҳадислар Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳаёт давларида коғозга туширилмади, яъни ёзилмади, фақат, таъбир жоиз бўлса, умматнинг калбига ёзилди. Расулуллоҳ (с.а.в.) вафотидан сўнг ҳадислар саҳобалар томонидан айтиб юрилди. Диёрлар фатҳ этилиб, ислом дунёси кенгайиб бориши билан, табиийки, дин душманлари томонидан мавзуъ (ёлғон) ҳадислар кўплаб тўкилди. Шу туфайли ҳадис илмига эътибор билан қараш зарурати пайдо бўлди. Уламолар томонидан ҳадисларни саҳихлаш (тозалаш) даври бошланди. Муҳаммад ибн Исмоил Имом Бухорий шу даврнинг пешқадам уламоларидан бири бўлиб танилди.

Ўлкаларни кезиб, ровийлардан ҳадисларни ёзиб олар экан, Имом Бухорий уларни саралашнинг маълум тамойилларини жорий қилди. У илмда “Шурутул-Имомил-Бухорий” (“Имом Бухорий шартлари”) деб номланади. Унга кўра, албатта, ҳадиснинг мазмуни (матни) билан бирга санади (манбаси, айтган ровий) кўрсатилиши шарт ва унинг тўғрилиги бошқа эътиборли манбалар билан қиёслангач, тасдиқланса, саҳих (тоза) ҳадис сифатида қабул қилинади. Имом Бухорий саҳих ҳадис бўйича биринчи бўлиб ўзига хос мактаб яратди. Ундан кейин фаолият кўрсатган буюк муҳаддислар Имом Муслим, Имом Абу Довуд, Имом Термизий, Имом Насоий, Имом Ибн Можа ва бошқалар у зотни ўзларининг устози сифатида қабул қилиб, юсак эҳтиром кўрсатдилар. Имом Бухорий жорий қилган шартлар саҳих ҳадислар бўйича асосий меъёр сифатида асрлар оша амалда қўлланиб келинди.

Мислсиз жидду жаҳд ва улкан куч-ғайрат билан Имом Бухорий томонидан 16 йиллик изланишлардан сўнг ёзилган “Саҳих ул-Бухорий” да (“Ал-Жомийъ ас-Саҳих”) 9082 та ҳадис тўпланган. Уларнинг айримлари бир неча ровийлар томонидан айтилган ёки такрор манбалардан топилган. Шундай қилиб, такрорланмайдиган ҳадислар 7397 та. Улар Имом Бухорий таснифи асосида 600 000 ҳадисдан чиқариб олинган. Албатта, оддий рақамлар бу асарнинг дунёга келишидаги жами захматларни ифода қила олмайди. Уларни энг ишончли ва ҳамма томонидан тан олинадиган даражада тўғри бўлишини таъминлаш учун улкан меҳнатдан ташқари афсонавий даражадаги қувваи хофиза (хотира) ва ўз ишига мислсиз муҳаббат лозим эди. Ҳар ҳолда, ватандошимиз Имом Бухорий Оллоҳ ато этган истеъдод билан бу вазифани муваффақиятли адо этди ва ўз вақтида “Ҳадис илмининг султони” деб тан олинди.

Қарийб 40 йиллик мусофирчиликдан сўнг Имом Бухорий ватанига қайтганида одамлар фахрли юртдошларини кутиб олиш учун бир фарсах (6-7 км.) жойгача пешвоз чиқдилар. Чодирлар тикиб, улуғ зот шарафига дастурхонлар ёзилди. Бу қайтиш дарёнинг саҳрога оби ҳаёт олиб келишидек гап эди. Аммо дастлаб мадрасаларда устозлик қилиб юрган аллома билан Бухоро ҳокими Абдулло ибн Холид ўртасида ихтилоф пайдо бўлади. Илм қадрини баланд тутган буюк муҳаддис саройга бориш ҳақидаги таклифни рад этиб, қишлоққа чиқиб кетади ва шу жойда фақирона яшай бошлайди. Бахил, ичи қора одамлар тухматларидан, ҳукмдорлар калондимоғлигидан калби огриган олим: “Оллоҳ таоло менга ато этган неъматга бу одамлар ҳасад қилди”, деб таассуф билдирганди. Гўё Яратган ўзи сийлаган зотнинг калби мажруҳ кимсалар сафида хўрланишини жоиз билмади. Рамазон ҳайити окшоми Самарқанд аҳлидан келган таклифни қабул қилиб, йўлга отланаётганларида бандаликни бажо қилди. Бу воқеа 870 йил 1 сентябрда (ҳижрий 256 йил), ёруғ оламда ўн уч кунни кам олтмиш икки йил умргузаронлик қилганларида рўй берди.

Албатта, ҳадисларни тўплаш, уларни текшириш ва тозалаш илми узоқ тарихга

эга, жуда кўп алломалар бу борада ўзларининг имкониятларини синаб кўрганлар. Ислом тарихида муҳаддислар кўп бўлган. Айниқса, Муслим ибн Ҳажжож, Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний томонидан тузилган "Саҳийх"лар жуда шуҳрат қозонган. Имом Бухорий асарининг беназирлигида далил шуки, аллома Хатийб Бағдодий "Саҳих Бухорий"нинг ровийларидан бири бўлган Абу Зайд Марвазийдан ривоят қилиб шундай ёзган: "Қунлардан бир кун мен руки (устун) билан макоми Иброҳим ўртасида ухлаб ётган эдим, тушимда Расулуллох соллоху алайхи васалламини кўрибман. Расулуллох менга:

– Ё, Абу Зайд! Қачонгача Шофеъийнинг китобидан сабоқ бериб, менинг китобимни ўқитмайсизлар? – дедилар. Мен:

– Ё, Расулуллох! Сизнинг китобингиз қайси? – дегандим, Пайғамбар алайҳиссалом:

– Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг "Саҳих"и, – дедилар".

Умуман, солих туш кўриш пайғамбарликнинг қирк олти жузидан бири ҳисобланади. Улуғ зотлар пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳамда Имом Бухорий билан боғлиқ кўплаб тушларини қайд қилиб қолдирганларки, бу ҳол ҳам беҳикмат эмас, хоссаган, буюк муҳаддиснинг макоми нақадар юксак эканини тасдиқловчи исботдир. Масалан, Фирабрийнинг сўзига эътибор берайлик: "Мен Имом Бухорийнинг котиби Муҳаммад ибн Абу Ҳотам: "Тушимда Имом Бухорийни кўрдим, у киши Пайғамбар алайҳиссалом ортидан эргашиб кетар эдилар. Расулуллох (с.а.в.) юриб борар экан, ҳар сафар оёқларини кўтарганларида Абу Абдуллох Бухорий қадамини айни ўша жойга қўярди", деганларини эшитганман".

Яна: "Хатиб Бағдодий Абдулвоҳид ибн Одам Тавовисийга таянган ҳолда шундай ҳикоя келтиради: "Тушимда Расулуллохни (с.а.в.) кўрибман. Ул зоти шарифнинг ёнларида бир гуруҳ саҳобалари ҳам бўлиб, бир жойда тик турадилар. Мен салом бергач, алик олдилар. "Эй Расулуллох, бу жойда нега турибсиз?" деб сўрадим. "Муҳаммад ибн Бухорийни кутиб турибман", дедилар. Бу воқеадан бир неча кун ўтгач, Имом Бухорий вафоти ҳақида хабар етиб келди. Ҳисоблаб кўрсам, Расулуллохни тушимда учратган тунда Имом Бухорий вафот этган экан..." (Шайх Абдуссалом Муборақфурий. "Имом Бухорий").

"Саҳих Бухорий" ("Ал-Жомий ас-Саҳих") ислом таълимотида Куръони Каримдан кейинги иккинчи ўринда туради. "Бу хусусда Арабу Ажам ҳам, Ҳижозу Шом ҳам, Ироку Ҳинд ҳам баб-баравар, бир хил фикр қиладилар" (Шайх Абдуссалом Муборақфурий). Уни ўрганиш, мутолаа қилиш ҳар бир муслим учун шараф. Мусулмон мамлакатларида бу борада турли амаллар урфга кирган. Масалан, Ливаннинг Тараблус деган шаҳарчасида ҳар йили Рамазон ойи муносабати билан одамлар уч ой (ражаб, шаъбон, рамазон) мобайнида бу асар мутолааси билан шуғулланганлар ва ҳадислардаги ғояларни ўз ҳаётларида қўллаганлар. "Саҳих Бухорий" хатми билан бу тантаналар якунланган. Мароқашда ҳарбий хизматга қакирилган ёшлар қасамёд қабул қилаётганларида ўнг қўлларини Куръони Каримга, чап қўлларини Имом Бухорий "Саҳих"ига қўяр эканлар. Азалдан бор бу қоида хозиргача давом этиб келади.

Кўп араб мамлакатларида ойнаи жаҳон орқали мунтазам равишда "Имом Бухорий сабоқлари" ("Дурусул-Имамил-Бухорий") номли телекўрсатув ҳафтанинг муайян кунларида намойиш этилади. Бу кўрсатувларда таниқли олимлар Имом Бухорийнинг ибратли ҳаёти, бой илмий, диний мероси, ҳадис илми ривожидидаги ҳиссаси билан бирга муборақ ислом дини тамойилларининг турли долзарб масалалари ҳақида жаҳон аҳлига маърузалар қиладилар.

"Ал-Жомий ас-Саҳих" асарининг бунчалар шуҳрат таратиши, бемисл эътирофларга сазовор бўлиши бежиз эмас. Фахрли бобокалонимиз бетакрор фидойиликлари, жидду жаҳдлари билан динлар тарихида учрамайдиган қаҳрамонликни содир этганлар. Бу жасоратнинг моҳияти шундан иборатки, бошқа динлар тарихида ҳам улуғ пайғамбарлар ҳаёти ва фаолияти, турмуш тарзи ва нақллари, ибратлари ва

шариатларини ўрганиш ва тўплашга ҳаракатлар бўлган. Афсуски, бу саъй-ҳаракатлар тамомила охирига етказилмай қолган. Бу юмушни қойилмақом қилиб уддалайдиган, таъбир жоиз бўлса, Имом ал-Бухорийга ўхшаган фидойи олим топилмаган...

Имом Бухорий фидойилиги билан пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) шариати-нинг барча жиҳатларини ўрганиш ва таҳлил қилиш имкони туғилди. Динимизда, дейлик, мероснинг миқдори-ю, талокнинг шартларига ўхшаш умумий масалалардан тортиб, қачон тирноқни олиш хайрли ёки соч-сокол ўстиришнинг суннатларига ўхшаш хусусий амалларгача ечим бор. Бу ҳол бутун инсоният ахлоқи, умуман, маданияти, демак, тарихига қўшилган бебаҳо хиссадир.

Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва бой бебаҳо илмий-маънавий меросини фақат Шарқ, мусулмон олами эмас, балки Ғарб олимлари ҳам катта қизиқиш билан ўрганиб келишмоқда. Унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида Ўрта асрларда ҳам қатор асарлар яратилган. Сўнгги даврларда дунёга келган эътиборга молик асарлардан бири сифатида ҳиндистонлик олим Шайх Абдуссалом Муборақфурийнинг "Сийратул-Имомил-Бухорий" ("Имом Бухорийнинг ҳаёт йўли") асарини кўрсатиш мумкин. 160 дан ортик манбаларга таяниб яратилган бу қимматли асар буюк муҳаддис ҳақида энг мукам-мал, қимматли манба ҳисобланади. Шу боис ҳам бу асар урду, инглиз ва ўзбек тилла-рига таржима қилинган. Ўзбек тилидаги таржимаси 2008 йилда таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватов томонидан амалга оширилиб, Тошкентда нашр этилган эди.

Дарҳақиқат, ҳадис илмининг султони, бутун дунё имоми ва бошқа қатор юк-сак таърифларга сазовор бўлган Имом Бухорий ҳазратлари, то қиёматгача биз ўзбекларнинг бошимизни баланд кўтариб кетдилар. Шу боисдан ҳам ер юзининг қай бурчагига бормаилек, бизни буюк Имом Бухорий авлодлари деб билиб, камоли эҳтиром ва ҳавас билан қарашади.

Бутун дунёнинг турли бурчақларида яшовчи ислом аҳли Имом Бухорийнинг та-баррук қабрларини зиёрат қилишни орзу қиладилар. 1956 йилда Ливандан собик шўро ҳукуматининг таклифига биноан Москвага расмий ташриф билан келган олим Надим Жисрнинг зиёрати билан боғлиқ машғум манзаралар кўпчиликка маълум.

Бу улуг зот шўро тузуми даврида ўзларига муносиб эътирофни кўрмади. Мустақиллигимиз шарофати билан Имом Бухорийга муносиб хурмат кўрсатилди. 1998 йилда Имом Бухорий ҳазратлари таваллудининг ҳижрий ҳисобда 1225 йиллик юбилейи жаҳон миқёсида нишонланди. Ҳазратнинг Самарқанд вилоятида жойлаш-ган макбаралари ўрнига замонавий ёдгорлик мажмуаси бунёд этилди. Бу мажмуанинг расмий очилиш маросими 1998 йил 23 октябрда бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистонинг Биринчи Президенти: "Имом Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табаррук зотнинг ҳаёти том маънода илмий ва инсоний жасорат, сўнмас эътиқод, буқилмас ирода тимсолидир", деб буюк алломага таъриф берган эдилар.

"Илмдан ўзга нажот йўқ, бўлмайти ҳам" – бетимсол маърифат жасорати билан олам аҳлини ҳамон хайратга солиб келаётган зот (дунёдаги бир илмий ташкилот Имом Бухорийни одамзод тарихидаги хотираси энг кучли инсон, деб тан олди ва эълон қилди) бутун ҳаётини тажрибаларини жамлаб, чиқарган хулосаси ва ҳукми шундай, келажак наслларга панд-насихати шундай. Зеро, дунёдаги жами эзгуликлар илмдан, маърифатдандир. Билъакс, инсоният чекига тушган барча фалокатларнинг ибтидоси – жаҳолат, жаҳолат эса илмсизлик, маърифатсизлик ҳосиласидир. Биноба-рин, бутун, XXI асрда ҳам инсон зурриёдини қийноқларга солиб турган муаммолар-нинг боши ҳам шунда. Зеро, дунё илмдан, унинг манбаи КИТОБдан юз буриб, ақл бовар қилмас, ўнпланмас фожиаларга гирифтор бўлди.

Илоҳий даражада кўрку камол касб этган фахрли ажлодимиз ўғитларига қулоқ тутайлик, вазиятдан чиқиш йўлини илмдан – китобдан излайлик. Зеро, бундан ўзга тўғри йўл йўқдир.

ТАҲЛИЛ



Рисолат ҲАЙДАРОВА



1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Тарихий ва замонавий мавзудаги ҳикоялари, шунингдек, Шарқий Европа адабиётидан қилган таржималари республика матбуотида эълон қилинган. “Мағрура” қиссаси ва “Жавзо” романи муаллифи.

ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ, БАДИИЙ ТЎҚИМА ВА УЙДИРМА

Явдат Илёсовнинг “Сугдиёна” романида кизик эпизод бор. Спитамен Бактрия олий коҳини Вахшунварганинг уйида мехмон бўлиб, ёғлиқ палов ейди. Воқеа эра-миздан аввалги 329-327 йилларда бўлиб ўтяпти. Палов, аниқроғи, паловга ўхшаш таом Якин Шарқ мамлакатларида шולי экиш расм бўла бошлаган пайтларда, эра-миздан аввалги II-III асрларда пайдо бўлган, деган тахминлар бор. Палов тайёрлаш технологияси эса эрамининг IX-X асрларига келиб такомилга эришган, дея фар-раз қилинади. Карим Махмудовнинг тадқиқотларида ҳам паловнинг тарихига оид кизикарли маълумотларни кўриш мумкин. Ривоятларга кўра эса бу таомни Ибн Сино кашф қилган экан... Демак, Спитамен тановул қилган таом ҳозирги паловлар-дан эмас, балки ошга ўхшаб кетадиган бошқача бир овқат бўлган бўлса керак.

Мен севиб ўқиган романлардан бири – “Юлдузли тунлар”да яна-да кизик эпи-зод бор. Бир қарашда оддийгина воқеа. Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзо оила-си билан биргаликда сахарлик қияпти. Дастурхонга тортилган турли тансиқ егуликлардан тотингач, подшоҳ чой ичиш асносида фарзандларига насихат қилади. Воқеа ҳижрий 899, рамазон ойининг бошида, мелодий 1494 йил июнида бўлиб ўтяпти. Талабалик пайтларим романнинг шу жойини ўқиганда, мен: “Ўша пайтда Мовароуннаҳрда чой ичиш расм бўлган эканми?” деб ўйлаганим эсимда. “Бобурнома”, “Хумоюннома” асарларини ўқиш асносида чой таърифи, хусусан, Бобур ва темурийлар саройида чой ичилганига доир қайдларни учратмадим. Кейинроқ С.Абашиннинг тадқиқотларида чой дастлаб Хитой савдогарлари то-монидан Кўкон хони Эрданабий саройига (у 1752-1769 йилларда тахта ўтирган, хонлик ҳудудини анча кенгайтирган, афғон шоҳи Аҳмадшоҳ Дурроний билан Цин империясининг Марказий Осиёга қилган тажовузига қарши иттифoқ туз-ган киши) тақдим этилгани ҳақидаги маълумотни кўрдим (Чўқон Валихонов ҳам чойнинг Ўрта Осиёда расм бўлиши билан боғлиқ анча кизикарли маълумотлар келтиради). Демак, Пиримқул Қодиров Мовароуннаҳрга чой кириб келишидан икки юз эзлик йил аввалги воқеликда чой билан боғлиқ эпизодни киритган экан.

Хуллас, бу каби “тарихий хато”ларни яна топиш мумкин. Аслида тарихий ро-ман ёки қиссаларда шунга ўхшаш “хато”лар қанчалик аҳамиятга эга? Умуман,

хақиқий хато нима-ю, тўқима, аниғи, бадий тўқима нима, уйдирма-чи? Бу масала кўпдан буён фикримни банд этиб келади.

Бирмунча вақт аввал Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср кенгашига келган тарихий романлардан бирини менга тақриз учун топширишди. Ҳаваскор бир адибанинг “Мен Мовароуннаҳр амириман” романида Амир Темурнинг болалигидан то сиёсат майдонига кириб келишигача бўлган давр каламга олинган экан. Тақризни ўқиганлар “асар”даги мен эътироз билдирган эпизодларнинг баъзилари ҳақида “бу шунчалик аҳамиятлими?” дейишган эди. Ўзингиз хулоса чиқара қилинг: Амир Темур (романда ёзилишича, Темурбек) вафот этган онасини эслаб, (роман биринчи шахс – Амир Темур тилидан хикоя қилиняпти) мазмунан шундай дейди: “Онам қанчалик меҳрибон эди, менга самоварда чой қайнатиб берарди...” Кейинги лавҳа: Темурбекнинг опаси Қутлуғ Туркон узатиляпти. Муаллиф ёзади: “Мулла “Никоҳ” сурасини ўқиб бўлгач, – Сизларни эр-хотин деб эълон қиламан, – деди”. Ёки яна бири: Амир Муҳаммад Тарағай мажлисда катнашиб, бек ва амирлар олдида нутқ сўзлаяпти: “Эшитишимча, дунёдаги халқлар учта ирққа бўлинар экан. Европаликлар, қора танлилар ва мўғуллар ирқиға. Лекин нега туркийлар ирқи дейилмайди?” Майли, агар воқеа тасвирланаётган XIV асрда самовар Мовароуннаҳрга кириб келиш туғул, қадим Руснинг ўзида ҳали ихтиро қилинмаганини (у 1778 йилда Тулада ака-ука Иван ва Назар Лисицинлар томонидан ясалган, бизга эса чор Россияси истилосидан кейин кириб келган), Куръони Каримда Никоҳ сураси йўқ эканини, никоҳ пайтида мулла одатда икки томоннинг розилигини олиб, никоҳ ҳақидаги ҳадислардан айтишини (масалан, “Ан-никаҳу суннати манла янкиху фалайса минни” – “Ким никоҳланмаса, у менинг умматим эмас”), “Сизларни эр-хотин деб эълон қиламан” деган жумла насронийлар никоҳида айтилиши, бизга Голливуд фильмларидан кириб келгани-ю, бугунги кунда ФХДЁ мудираларининг бахтиёр келин ва куёвга айтадиган хитобига айланганини, инсониятни учта ирққа ажратиш XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб татбиқ этилгани, воқеа бўлаётган XIV асрда эса бу ҳақда илмий назария ва қарашлар ҳали яратилмаганини назарга олмасак, албатта, ҳеч гап эмас.

Тўғри, ёзувчи бадий тўқимага ҳақли. Аммо ёзувчининг ҳаёлот қачон бадий тўқима бўлади-ю, қачон уйдирмага айланади, гап шунда.

Тарихий мавзуда битиладиган асарда тарихий воқелик, образли қилиб айтганда, гўё бир авра ва астар, холос. Мағиз ва бичим эса бадий асарга қўйиладиган бош мезон – бадийликдир.

Келинг, бадий тўқима ҳодисасини “Юлдузли тунлар” романидан бошлаб таҳлил этамиз.

ТОҲИР ВА ТОҲИР ОФТОБАЧИ

Тоҳир образи – ўқувчи учун бадий тўқима. Ҳақиқатда эса Бобур Мирзонинг Тоҳир офтобачи деган аъёни бўлган, Гулбадан бегим “Ҳумоюннома” асарида отасининг сўнги кунларини эслаш асносида Тоҳир офтобачини ҳам ёдга олиб ўтади. Лекин бу кишининг қаерда туғилгани, ажодлари кимлиги, Бобур хизматиға қандай келиб қолгани ҳақида қайдлар учрамайди. Ёзувчи Бобурнинг ёнида оддий халқ ичидан чиққан яқин сафдошлар борлигини кўрсатиш ниятида бўлгани учун Тоҳир офтобачини танлайди ва асар давомида уни образ сифатида босқичма-босқич ривожлантира бошлайди (қолаверса, ўша давр мафқураси бадий асарларда оддий халқ вакиллари образи бўлишини талаб қилган), Тоҳир ва Робия севгисини “яратади”, уни Бобур билан биргаликда Самарқанд қамалиға,

Ўратепа-ю, Тошкент, Андижон ўртасидаги дарбадарликка, Иброҳим Лўди кўшини билан бўлган жангга “ташлайди”, қаҳратон кишда Ҳиндикуш тоғларида қор кечтиради, шу тариқа, узоқ йиллик синовлардан ўтказиб, Бобурнинг ёнида унинг хос кишиси қилиб қолдиради, ва ниҳоят, Бобур вафотидан кейин унинг “Бобурнома”сини Ватанга олиб келувчилардан бирига айлантиради. Шу мақсад йўлида ёзувчи ҳатто тарихан юз берган баъзи воқеаларни ҳам Тоҳирнинг зиммасига юклайди. Масалан, Умаршайх Мирзо ҳалок бўлгандан кейин Султон Аҳмад Мирзо (у Бобурнинг амакиси эди) Андижонни қўшиб олиш ниятида Самарқанддан кўшин тортиб келаётганда аскарлари ҳалокатга учраган: Кувасой дарёси устидаги кўприк қулаб, лашкарнинг кўп қисми сувга чўкиб кетган. Ёзувчи эса ўз қаҳрамонининг юрагида исён ўтини ёкиш учун ушбу тарихий воқеадан фойдаланади. Ота-онаси, кишлоқдошлари ва, табиийки, севгилисини қутқариш учун чора қидирган Тоҳирнинг қўлига арра ва болта “тутқизади”. Тоҳир ёнига дўстларини олиб, лашкар қелишидан олдин тунда кўприкнинг асосини арралаб қўяди. Ва шу билан воқеалар саҳнасига чиқиб келади. Шу маънода Тоҳир образи тарихийлик ва бадиий тўқиманинг ажиб уйғунлигига мисол бўлиб қолади.

ХОНЗОДА БЕГИМ ВА ТАРИХ ҲАҚИҚАТИ

Хонзода бегимнинг Муҳаммад Шайбонийхонга узатилиши, ўғли Хуррам Султоннинг ҳалок бўлиши “Юлдузли тунлар”нинг энг таъсирли бобларидан ҳисобланади. Агар тарихий ҳақиқатга тўлиқ риоя этилиш нуктаи назаридан қарасак, бу ерда ҳам “хато” топамиз. Гулбадан бегим “Хумоюннома”да ёзади: “Отам ҳазратлари олти ой давомида Самарқандни олмоққа уриндилар, лекин мақсадларига ета олмадилар... ҳеч жойдан мадад ва ёрдам келмагач, маъюс бўлдилар. Ана шундай вақтда Шоҳибекхон “Агар... Хонзодабегимни менга берсангиз орамизда сулҳ тузилади ва иттифоқлик алоқалари ўрнатилади”, деб айтгизиб юборди. Охири Хонзодабегимни ўша хонга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди”. Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” асарида эса шундай дейилади: “Унинг (яъни Бобурнинг) қаршилиқ кўрсатишга ҳеч чораси қолмай, Шоҳибек билан сулҳ тузиб, ўз эгачиси Хонзодани унга берди”.

Пиримкул Қодиров романини ёзар экан, бош қаҳрамони Бобурнинг йилма-йил, босқичма-босқич шахс сифатида шаклланиб боришини, хусусан, унинг атрофидаги яқинлари, опаси, онасининг фидойилигини кўрсатишни ният қилган бўлиб, Хонзодабегим ва Нигорхонимни Бобурнинг интилишлари моҳиятини тушуниб етган оқила аёллар сифатида тасвирлайди. Шу нуктаи назардан ёзувчи онгли равишда тарихни “бузиб” кўрсатади, Бобур опасини Шайбонийхонга узатишга розилик бермайди, тунда қамални ёриб чиқишга қарор қилади, укасининг ҳалок бўлишини истамаган Хонзодабегим эса Бобурдан яширинча Самарқанддан чиқиб, Шайбонийхон қошига кетади...

Тарихий роман ёзиш мақсадида манбаларни синчиклаб ўрганган ёзувчи “Хумоюннома”, “Тарихи Рашидий” ва ниҳоят, “Бобурнома”да нималар ёзиб қолдирилганини билмасмиди? Биларди, албатта. Гап шундаки, Гулбадан бегим ва Муҳаммад Ҳайдар ёзиб қолдирган тарихий ҳақиқат романнинг бадиият мантиғига мос келмас эди. Айнан бадиият мантиғи Хуррам Султоннинг ўлимини ҳам бир неча йилга “кечиктиришни” такозо қилади. Хуррам Султон тарихан рўй берганидек, отаси Шайбонийхон ҳаётлиги пайтида қасалланиб вафот этмайди, балки отаси ҳалок бўлгандан кейин Хонзодабегим билан бирга ўз ҳалоскори – Бобур Мирзо ҳузурига келади, тоғасига ихлос қўяди, Бобурнинг Шоҳ Исмоил

кўшинлари ёрдамида Самарқандни олганидан норози бўлиб исён кўтарган бекларга қарши навкарлар қаторида туриб жанг қилади, пайкон отиб, онасининг кўз ўнгида ҳалок бўлади. Охири кабристонга эмас, овлоқроқ бир ерга йўл-йўлакай дафн этиб кетилади. Мазкур воқеа сабабли Бобур шиалар ҳукмдори билан иттифоқ тузиб қилган ҳатосининг қанчалик қимматга тушганини англаган бўлса, Хонзода бегим замон ғилдирагининг бешафқат залворини яна бир бор хис этади. Шу билан ёзувчи қаҳрамонлар ҳаётидаги фожиавийликни яна бир қадар оширади.

ХРОНОЛОГИК НИСБИЙЛИК

Тарихий воқеалар хронологиясига амал қилиш борасида ҳам истаганча баҳс қилиш мумкин. Албатта, рўй берган тарихий воқеа-ҳодисанинг моҳиятини, айниқса, унинг аҳамиятини англаб олишда, мазкур воқеанинг тарихий даврга кўрсатувчи таъсирини аниқлашда ва албатта, одилона баҳолашда хронологиянинг ўрни бекиёс. Бунга “Зафарнома” асарининг ёзилиш тарихи далил бўла олади. Асар ёзилишига бош-қош бўлган темурийзода Иброҳим Султон китобни ёзишда шу қадар аниқлик талаб қилганки, ҳатто воқеа бўлган сана, жой номлари, шаҳарлар орасидаги масофалар ҳам аниқ келтирилган. Агар шубҳа туғилса, масофаларни янгидан ўлчаб чиқишган. Шу боис “Зафарнома” Соҳибқирон олиб борган сиёсат ва фаолият ҳақидаги энг аниқ маълумот берувчи қимматли манба ҳисобланади.

Бадий асарда хронологик тартибга риоя қилишда эса бир қадар нисбийлик бор. Ҳар нечук бадий асар “Зафарнома” эмас, дея ўйлайман. Лекин шу ондаёқ тарихчи дўстларимнинг эътирозини эшитгандай бўламан: Амир Темур ҳақида роман ёзаётиб, лой жанги билан Ҳиндистон юришини фарқламаган, бу икки воқеа вақтини адаштирган ёзувчига қандай баҳо бериш керак? Албатта, бундай ёзувчи Соҳибқиронга самоварда чой қайнатиб берган муаллиф оладиган баҳога лойик. Аммо барибир, воқеаларнинг бадий талқинида нисбийлик деган тушунча борки, воқеаларнинг мантикий ривожини, характер талаби билан ёзувчи унга мурожаат қилишига тўғри келади. Нисбийлик тушунчасини англаш учун яна мисол келтиришга тўғри келади.

Мирзо Улуғбек ҳаётининг сўнгги кунлари, хусусан, унинг қатл этилиши борасида ҳам бадий адабиётда бир нечта талқинлар мавжуд. Шулардан учтасини келтирамиз.

Одил Ёқубов (“Улуғбек хазинаси” романи) талқинига кўра, Мирзо Абдуллатиф отасини қатл эттиргач, укаси Абдулазизни ва амақиваччаси Абдулло Мирзони зиндонга ташлайди. Абдулазиз отасининг ўлдирилганидан хабар топгач, зиндонда ётган жойидан чиқиб келади-да, тўғри саломхонага, тахтада ўтирган акасининг ҳузурига бостириб келади. Турган гап, шахзоданинг йўлини тўсишга ҳеч ким ботина олмайди. Абдулазиз отасининг қатли учун акасини лаънатлаб, унга қарата: “Падаркуш!” дея кичкиради. Сир саклаб келгани ошқор бўлиб бораётганидан чўчиган Абдуллатиф энди укасини ўлдиришга буйруқ беради.

Хуршид Давроннинг “Осмонда куёш йўқ эди” номли эссесига эса ушбу тарихий воқеанинг бошқача талқинини кўрамиз. Унда Абдуллатиф аввало укасини қатл эттиради. Кейин отасини ўлдиришга буйруқ беради. Аниқроғи, Саид Аббос бир неча йил аввал Мирзо Улуғбек томонидан қатл эттирилган отасининг хунини сўрайди. Абдуллатиф отасини ўлим олдидан қийнамаслик шартини билан рози бўлади. Саид Аббос эса отаси учун ўч олмоқчи, қувғинди шохни қийнаб,

роҳат олмокчи. Ниҳоят, аблаҳона кийнок ўйлаб топади. Ўлими олдидан Мирзо Улуғбекка сеvimли ўғли Абдулазиз қатл эттирилганини айтади. Шохнинг азоб ичра қолганини кўриб, қоникиш билан қиличини қинидан суғуради...

Қарангки, биргина Мирзо Улуғбек, Абдулазиз ва Абдуллатиф воқеаси икки хил талқинда икки хил вазифани адо этапти. Одил Ёқубовнинг талқинида Абдулазиз кўп бора қуёшқондан чиқиб, отасини қуйдирган, маломатларга қолдирган бўлса-да, отасини яхши кўради, падарқуш акасига нисбатан бор нафратини билдира олади. Шу боис ёзувчи Абдулазизни аввало зиндонга “ташлайди”, кейин “қатл этади”. Хуршид Даврон талқинида эса Мирзо Улуғбекнинг ўз ўғлига бўлган чексиз меҳри акс этиши керак эди. Шунинг учун ҳам ижодкор аввал Абдулазизни, кейин Мирзо Улуғбекни “қатл қилади”. Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” драмасида эса бош қаҳрамон ҳаётига бошқача нуқта қўйилади. Саид Аббос унинг кўксига ханжар санчиб ўлдиради. Чунки сахна талаби, драма сўнггидаги воқеалар мантиғи шуни тақозо қилади. Нисбийлик мана шу уч асарда уч ракурсда кўринади. Ва ҳар бири маълум бир белгиланган вазифага хизмат қилади. Шундай экан, тарихий ҳақиқатни нисбийлик нуқтан назаридан талқин қилгани учун ижодкорга иддоа қилмокқа қанчалик ҳаддимиз сиғади?

Мирзо Улуғбек ва Мирзо Абдуллатифнинг сўнги учрашуви ҳам бир қанча асарларда турлича талқинда учрайди. Шулардан учтасини келтирамиз. “Улуғбек хазинаси” романида ота ва ўғилнинг яккама-якка учрашуви “Кўксарой”да, Мирзо Улуғбекнинг кўнглида кечган ички ғалаёнлар тасвири ва Абдуллатиф билан бўлган руҳан оғир диалог билан кечади. Муҳаммад Алининг “Алтоир юлдузи” хикоясида ота ва ўғилнинг учрашуви саройда бошланаётган базм тасвири асосида кечади, бунда ота ва бола ўртасидаги суҳбат аллақачон бўлиб ўтган, энди ушбу сўзлашувнинг оқибати кузатиляпти. Хуршид Давроннинг “Алғул” фожиасида эса ота ва ўғилнинг учрашуви Мирзо Улуғбекнинг ҳаёлотли орқали берилиб, Улуғбек ва Абдуллатиф ўртасида гина-қудуратга тўла баҳс кечади.

Одил Ёқубовнинг талқини улуғ олимнинг оддий инсон сифатида умри давомида амалга оширган ишларининг йўқ бўлиб кетишидан хавотирини, ота ва ўғил ўртасида юзага келган маънавий жарликни кўрсатиш баробарида, Абдуллатифнинг бошига тушажак кўргиликдан огоҳлантиришга (“Ёлғиз тилагим: илм йўлида отанг қилган ишларга, шогирдлари ва устодларига тегмагайсан. Тегсанг.. ота қарғишига учраб, тоабад бадном бўлурсен!”), Муҳаммад Алининг талқини Мовароуннаҳрда юзага келаётган маънавий инқирозни тасвирлашга, Хуршид Давроннинг талқини эса ота ва ўғил ўртасида юзага келган ихтилофнинг илдизларини очишга хизмат қилади (Абдуллатиф: “...мен томонда қуч-қудрат дағдағаси! Менинг қўлимда қуч-қудрат қиличи, сизнинг илқингизда адолат қалқони! Амирлар ҳеч қачон адолатни ҳимоя қилмаганлар, улар қуч-қудрат тинсоли – салтанатни ҳифз этганлар. Қуч мен томонда, демак адолат ҳам мен томонда деб ўйлайди улар”).

Ёзувчининг ўз нигоҳи бўлади. Ва у ҳар бир воқеа ва ҳодисани мана шу нигоҳи орқали кўради. Тарихий мавзуда асар ёзаётган ижодкор ҳам ҳар бир воқеани ўз нигоҳи билан кўради ва баҳолайди. Бу “нигоҳ” ёзувчи ўз олдига қўйган мақсади, асарнинг концептидан келиб чиқади. Шу боис баъзан тарихий аниқлик билан ёзувчи талқини ўртасида маълум бир фарқлар юзага келади. Масалан, “Юлдузли тунлар” романидаги Хадичабегимнинг сўнги кунлари тасвирини олайлик. Ёзувчи талқинига кўра, Хадичабегим Мансур баҳшига никоҳлаб берилади ва кийноқлар остида жон беради. Тарихий аниқликка риоя этадиган бўлсак, Хадичабегим Ҳиротда яна анча йиллар умргузаронлик қилганини, касал бўлиб қолган

ўгли Музаффар Мирзони кўриш учун Астрободга боргани, ўгли вафотидан кейин яна Хиротга қайтиб кетгани каби фактларни романга киритмагани учун ёзувчидан “гина” қилишимиз керак бўлади. Лекин Хадичабегим ҳаётидаги ушбу фактларнинг романга кириши шарт эмас эди, чунки роман концептига кўра, бу аёл ўз қилмишлари учун жазо олган жойида воқеа мантиқан ўз якунига етган.

Хронолик нисбийликка яна бир мисолни Наби Жалололдиннинг “Тегирмон” романида кўриш мумкин. Ёзувчи роман бош қаҳрамони Абдулхамид Чўлпон умрининг сўнгги дамларини тасвирлар экан, Абдулла Қодирий ва Фитратни ҳам Чўлпон билан бир вақтда “қатл эттиради”. Ҳолбуки, тарихан миллатимиз фахрлари айнан бир кунда отилмаган, уларни ким қатл этгани, фожиа тафсилотлари ҳам маълум эмас. Ёзувчи халқимиз бошига тушган кулфатни бутун кўлами билан кўрсатиш мақсадида Чўлпон, Қодирий ва Фитратни бир кунда чоҳ олдига “олиб келади”. Жаллод аввало Чўлпонни ўлдиради. Шоирнинг ҳаёт билан видолашуви жуда қийин кечади: милтиқ отилмайди, тўппончани ўқлаб шоирнинг бошига тираб отсалар, тўппонча ҳам ишдан чиқади, охири шоирни болта билан чопиб ташламоқчи бўладилар, лекин ношуд жаллод шуни ҳам эoplay олмайди. Чоҳ олдига ўз қисматларини кутиб ўтирган Қодирий билан Фитрат эса Чўлпоннинг қийнаётганини кўриб, яна-да оғирроқ рухий изтироб ичида азобланидилар...

“Тегирмон” романи айнан шу лавҳа боис халқимиз ҳозирги кунга етишиш учун қай тахлит йўқотишларни кўрганини яна бир бор таъкидлайди. Зотан, ёзувчининг мақсади ҳам шу бўлиб, тарихий воқелик ана шу мақсад йўлида нисбийлик нуктаи назаридан кўриб чиқилган эди.

БАДИЙ ТЎҚИМА ЯРАТГАН СТЕРЕОТИП

134

Бизнинг туйғуларимиз баъзан шу қадар ҳадсиз бўлиб кетадики... Меҳр қўйсақ, унинг чекини тополмаймиз, нафрат қилсақ, чегарасини кўёлмаймиз. Бу жуда ғалати ҳодиса. Кўпинча ўқийтган романларимизга ва қиссаларимизга шу нуктаи назардан қараймиз. Ижобий қаҳрамонми, у албатта, ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиши, салбий қаҳрамонми, курумдан ҳам қора бўлиши шарт. Ҳатто адабий асарларга муносабат борасида ҳам шундаймиз. Ёзувчи ҳаёлотини, бадий тўқима ҳодисасини унутиб қўямиз, шекилли.

Яна “Юлдузли тунлар” романига қайтамиз. Иккита қарама-қарши кутб – Бобур ва Шайбонийхон ўртасидаги тахт учун кураш, дўстлар садоқати ва сафдошлар хиёнати, музаффарият қувончи ва мағлубият алами биз китобхонни шунчалик ром этиб оладик, юкорида ёзиб ўтганимиз нисбийлик, бадий тўқима ва тарихий ҳақиқат фарқи ёдимиздан кўтарилади. Шу боис ёзувчи битганларни айни ҳақиқат дея қабул қила бошлаймиз. Албатта, бу асарнинг муваффақиятли чиққанлиги, ёзувчи истеъдоди ва маҳорати юксаклиги натижаси. Энг қизиғи, ёзувчи ҳаёлот меваси бўлган ҳодисаларни китобни ёпгандан кейин ҳам айни ҳақиқат эди, дея ўзимизни ишонтиришимиз, ўзгаларни ҳам шунга ишонишга ундашимиздир. Бу эса кўпинча тарихий ҳодисалар, айниқса, тарихий сиймолар борасида маълум бир қилипларга, стереотипларга тушиб қолиш ҳавфини туғдиради. Бу айниқса, романда Бобурга қарама-қарши қўйилган Шайбонийхон образига бўлган муносабатда кўринади. Асарда кўп ўринларда Бобур тилидан айтилган баъзи мулоҳазалар (масалан, Сўҳда қувғинда юрган Бобур Шайбонийхоннинг Андижонни эгаллаганини эшитиб, шундай деб ўйлайди: “Бир вақтлар Бобур орзу қилган, лекин етишолмаган улкан мақсадга – Мовароуннаҳрдаги пароканда вилоятларни бирлаштириб, ягона қучли давлат барпо этиш мақсадига

энди Шайбонийхон етишмоқдами? Нахотки бунинг учун Шайбонийхондай маккор, золим ва шафқатсиз бўлиш керак эди?") аини тарихий ҳақиқат деб қабул қилинишига нима дейиш керак?

Муҳаммад Солихнинг "Шайбонийнома"сидаги:

Хон ўзи ошиқ эрур, ориф ҳам,
Борча сўз жонибидин вокиф ҳам.

Хон ўзи сўзни басае хуб айтур,
Назм ила насрни марғуб айтур.

мисраларини инобатга олмасак ҳам, жуда бўлмаганда, Ҳерман Вамберининг "Бу-хоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи" асаридаги таърифта эътибор бериш керак: "Бу уруш одами маориф ва маданият ҳақида ўз даврининг руҳидан тўла хабардор ва замонасидаги тенгдош шоирларнинг аксариятидан ортик даражада қалам соҳиб бўлган. Чунки унинг шеърлари... буюк бир иктидор ва гўзал табиатга молик эканини, у ҳам туркий, ҳам форсий, ҳам арабий тиллардан асосли суратда вокиф эканини кўрсатмоқда. У... Бухоро, Самарқанд, Тошкентда масжидлар, мадрасалар солишга амр этди. Гарчи ўзбек номи ўзининг пайдо бўлиш вақтида ва кейинчалик... эронийлар назарида биқиклик, ваҳшийлик билан бир маънода қўлланилса-да, бу гаплар бир томонлама ва Шайбонийга нисбатан нотўғридир. Чунки у маориф жиҳатидан олдинги Темури шаҳзодаларининг аксаридан паст эмас эди".

Нима учун Шайбонийхон образига қора бўёқлар қуюқрок эканлиги ҳақида ўйлаб кўрганмизми?

"Юлдузли тунлар" 1969 йилда ёзила бошлаган, фақат ўн йилдан кейингина анча машаққатлар билан босилган. Бунга асосий сабаб ўша давр мафқурасида эксплуататор синфи деб аталган шохларни ижобий қахрамон қилиб олиш мумкин эмаслиги эди. Пиримқул Қодиров ўз асарининг ёруғликка чиқиши учун қанчалик азият чеккани ҳаммамизга маълум. Ёзувчи Бобурнинг бор сифатларини кўрсатишни, унинг халқимиз ифтихор эта оладиган буюк сиймо эканлигини таъкид қилишни ният қилган эканми, бу ният рўёбга чиқолмай қолмаслиги, ўша давр мафқураси романини умуман йўқ қилиб юбормаслиги учун Бобурга қарама-қарши бошқа бир салмоқли адабий қахрамонни танлаши шарт эди. Худди шу талаб тақозоси билан Шайбонийхон Бобурга душман деб "белгиланди". Бунинг учун тарихан замин бор эди. Яъни иккови ҳам Мовароуннаҳрни бирлаштириб, марказлашган давлат тузиш орзусида жангу жадал қилар, бир уни-си, бир бунисининг қиличи ўткирлик қиларди. Иккови ҳам шох эди, истеъдодли шоир ва иктидорли саркарда эди. Бири темурий Абусаид Мирзонинг невараси, иккинчиси кўчманчи ўзбеклар хони Абулхайрхоннинг невараси, иккови ҳам ўзини Самарқанд тахтига муносиб деб биларди. Тарих бу икки шахсни ўзининг чорраҳасида тўқнаштириб, авлодлар учун гўёки бир бошқотирма яратган эди. Лекин социалистик реализм методи учун бошқотирманинг кераги йўқ, бадиий асарда ҳамма нарса очик-ойдин бўлиши шарт: бу – яхши, бу – ёмон! Айниқса, эксплуататорлар синфи вакиллариининг яхши бўлиши мумкин эмас! Энди улардан бирининг ижобий сифатлари очилибдими, демек, у билан жанг қилган иккинчи подшо албатта, салбий қахрамон бўлиши зарур! Биз романини ўқиганда мана шуларни эътибордан соқит қилиб юборганмиз, чамамда.

Яқинда Наср кенгашига топширилган яна бир ҳаваскор ёзувчининг "Қилич ва қалам" номли тарихий романини ўқиганда шунга яна бир бор амин бўлдим. Романининг кўплаб саҳифаларида Шайбонийхоннинг қаҳрли, шафқатсиз ва маккор

эканлиги ўринсиз равишда такрор ва такрор қайд этилади. Албатта, муаллифга тарихий манбаларни янада синчиклаб ўрганиш, ҳар бир масалага асар концепциясидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш ва бадият мантиғига таяниш тавсия этилди.

Булар бадий тўқимани тарихий ҳақиқат сифатида идрок қилишимиз оқибати. Лекин баъзида бунинг батамом акси, тарихий ҳақиқатнинг бадий талқинидаги тўқималарнинг ҳаддан ошуви кузатиладики, бу ҳам бизнинг талқинидаги ҳадсизлигимиз оқибати, шекилли.

АМИР ТЕМУР, САРОЙМУЛКХОНИМ ВА СУЛТОНБАХТ

Нурали Қобулнинг “Буюк Турон амири ёхуд ақл ва қилич” романида мана шундай лавҳа бор: Темур Тошкентда даволаняпти, Амир Ҳусайн Зоминда кишлаяпти. Темур Боботуркни вазиятни ўрганиш, Ҳусайнни кузатиш учун жўнатган. Боботурк қайтиб келиб, Темурга ҳисоб берапти:

“– (Амир Ҳусайннинг) хонимларидан Қозонхоннинг кизи Сароймулк бизга якин бир кишига, Амир Ҳусайн Темурнинг тирноғига ҳам арзимаиди, буни Темур билармикан? Уни (Амир Ҳусайнни – Р.Х.) ҳечам Самарканд тахтига йўлатмаслик керак, дебди. Нега бу сўзни бизнинг одамга айтган, тушунмадим. Эри эшитса, бошини кесади.

Темур жавоб қилади:

– Яхши. Хоним гаплашган ўша кишига тайинла. Бу ҳақда бировга гулласа, боши кетишини англат. Биз қуролдош дўстларимизга муносабат бобида ахлоқу одоб доирасидан чиқмаслигимиз керак!”

Энди худди шу лавҳага мантик юзасидан қараб кўрайлик. Воқеа бўлиб ўтаётган пайтда Сароймулк Амир Ҳусайннинг никоҳидаги аёл эди. Ёзувчининг талқинига кўра, Сароймулк ўз эри ҳақида ноҳўя гап айтяпти, яна бу гапни эрининг душманига хизмат қилаётган жосусга таъкидлаб айтяпти: “Эрим Темурнинг тирноғига ҳам арзимаиди”, “эримни Самарканд тахтига ҳечам йўлатмаслик керак”.

Сароймулкхоним оқила, фозила аёл бўлгани тарихан маълум. Мантиқан айтинг-чи, оқила бир аёл ўз эрининг душманига шунақа гапларни айттириб юбориши мумкинми? Агар ёзувчи Сароймулк Темурга хайрихоҳ бўлган, деган талқинни олға сурмоқчи бўлса (ёзувчи тўқимага ҳақли!), буни бадият мантиғи билан шундай далиллаши керак эдики, токи ўқувчи дилида шубҳа қолмасин, тўқима ростдан ҳам бадий ва мантиқий бўлсин.

Шаҳодат Исахонваннинг “Бибиҳоним” романида янада бошқача талқин бор. Сароймулкка Амир Ҳусайн номидан Темурбек совчи бўлиб келади. Сароймулк ўзи узатилаётган йигитга эмас, ўзига совчи бўлиб келган Темурбекка эътибор қилади. Унинг онаси Хонлар бегим ҳам қизига Амир Ҳусайнни эмас, Темурбекни муносиб кўради-ю, лекин ноилож, Ҳусайнга узатади. Адибанинг талқинига кўра, Темур ва Сароймулк ёшлик чоғларидаёқ севишган-у, Ҳусайн уларга халал берган. Фактларга мурожаат қиламиз. Сохибкирон Сароймулкхонимга уйланишида малика йигирма тўққиз ёшда бўлиб, ҳаётнинг аччик-чучугини тотиган, оқ-қорани таниган аёл эди. У ўн беш йил Амир Ҳусайннинг никоҳидаги хотини бўлиб келган. Энди айтинг-чи, бизнинг менталитетимизда шунча йил ҳаёлан ўз эри ўрнида бегонани кўриб юрган аёлга қандай баҳо берилади? Бу тўқима, бу каби талқин Бибиҳонимга ҳам, Амир Темурга ҳам соя солмайдими? Бу би-

лан халқ мақолида айтмоқчи, “қош қўяман деб, кўз чиқардик”, Амир Темур ва Сароймулкхоним севгисини кўрсатаман деб, икковини хиёнаткорга чиқардик: Сароймулк эрига, Темур дўстига хиёнат қилди... Бу бизнинг талқиндаги хаддан ошишларимизга бир мисол.

Бу романда Соҳибкироннинг кизи Султонбахт бегимга тегишли тўқималар борки, буларга ҳам тўхтаб ўтиш лозим. Романда ёзилишича, Султонбахт бегим ўз эри Муҳаммад Миракнинг хос соқчиси Ёдгоршоҳ Орлотга маъшуқа бўлган. Ёдгоршоҳ сўзга жуда чечан киши экан, Султонбахт бегимни ёлғиз учратиб қолган чоғларида ҳеч тап тортмасдан хонимнинг қулоғига мойдай ёқувчи сўзларни шивирлаб айтаркан, бу Султонбахт бегимнинг бошини айлантириб қўйган экан. Иккови ўртасидаги муносабатни яқин одамларнинг барчаси биларкан, лекин шаъма қилишга ҳам қўрқаркан. Охири Бибиҳоним бу гап-сўзлар босилиши учун Ёдгоршоҳни Халил Султон қўшинига ўтказдириб юборибди...

Тарихий манбаларда Ёдгоршоҳ Орлот деган одам ҳақида маълумотлар учрамайди, у – тўқима образ. Султонбахт бегимнинг ахлоқсиз аёл бўлгани ҳақида ҳам маълумотлар йўқ, демак, бу адабнинг тўқимаси. Ёзувчи тўқимага ҳақли эканини яна бир бор таъкид қилган ҳолда масалага мантиқ нуқтаи назаридан қараймиз.

Ўша давр зодагон аёллари, айниқса, маликалар бегона назарлардан жуда эҳтиёт қилинган. Одил Ёқубовнинг “Улғубек хазиnasi”, Пиримқул Қодировнинг “Гавҳаршод” романиларида, Хуршид Давроннинг “Соҳибкирон невараси” бадиҳасида бу масала, айниқса, яхши акс этган. Ёдгоршоҳ Орлот Муҳаммад Миракка хизмат қила туриб, ўз хўжасининг ҳарамига яқин кела оладими? Ёдгоршоҳ Орлот ўта журъатли одам экан, юрак ютиб Соҳибкироннинг кизига кўз ташлабди, деб фараз ҳам қилайлик, Амир Темурдай кишининг кизи оддийгина соқчини назарига иладими? (Муаллифнинг таъкид қилишича, бу аёл ўз эрига ҳам паст назар билан қараркан!) Майли, малика соқчига “марҳамат кўрғазибди” ёки соқчи гаплари билан унинг бошини ҳақиқатан ҳам айлантириб қўйибди, деб тахмин қилайлик. Бу гап Бибиҳонимга етади-ю, нахот Амир Темурнинг қулоғига етиб бормайди? Бу саволга жавобан Бибиҳоним гап ташишни ёмон кўргандир, деб фараз қиламиз. Муаллиф Султонбахт бегим отаси ёнида мулоим тортиб қоларди, шунинг учун Соҳибкирон у ҳақдаги гап-сўзларга аёлларнинг фикс-фасоди деб эътибор қилмас эди, деб таъкидлайди. Демак, бу гаплар Амир Темурга етиб борган экан. Мантиқан, ахлоқ, диёнат ва адолат тушунчаларини баланд тутиб келган Соҳибкирон ўз кизининг ахлоқсизлигига чидаб турадимиз?

Бу – тўқимада хаддан ошишларга иккинчи бир мисол. Худди шу ўринда бошқа бир масалага етиб келдик.

ТЎҚИМА НИМА? УЙДИРМА-ЧИ?

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да тўқимага шундай таъриф берилади: “Бадиий асарнинг асосий мазмунини ва ундаги қаҳрамонларнинг характерини очиб берадиган, ўзаро узвий боғланган воқеа-ҳодисалар мажмуи”. Иккинчи маъноси: “Тўқиб чиқарилган воқеа, характер ва ҳоказо”. Уйдирмага берилган таъриф: “Ўйлаб, тўқиб чиқарилган, ёлғон...”

Қарангки, тўқима ҳам, уйдирма ҳам ўйлаб топилган воқеа ва ҳодисалар ёки қаҳрамонлар бўлиб, ёзувчининг ҳаёлотли меваси. Лекин уларнинг фарқи нимада? Ўйлаб топилган воқеа ёки қаҳрамонлар қачон тўқима (бадиий тўқима) бўлади-ю, қачон уйдирма даражасига тушади?

Юкорида “Юлдузли тунлар” романидаги Тохир образини кўриб чиқдик.

Тоҳир офтобачининг ҳаёт йўли билан ёзувчи яратган қахрамон – Тоҳирнинг ҳаёт йўли орасида ўхшашлик, балки, умуман, йўқдир. Тоҳир офтобачи Фарғонада туғилмаган, Бобур билан бирга Самарқанд қамалида қатнашмаган, Иброҳим Лўди билан бўлган жангда яраланмаган бўлиши мумкин. Лекин ёзувчи ўз қахрамони – Тоҳирни шахс сифатида босқичма-босқич ривожлантириб борадики, охир-оқибат у Бобурнинг яқин ҳамдамига, Тоҳир офтобачи даражасига кўтарилди. Ва шу билан ёзувчи ҳаёлотни бадиният мантиғи билан исботланган тўқимага, яъни бадиний тўқимага айланди.

Бу масалада иккинчи бир мисолни келтириш ўринли. Шаҳодат Исахонованинг “Бибихоним” романида Шодимулк билан боғлиқ қатор воқеалар келтирилади.

Муаллифнинг ёзишича, Амир Сайфиддин Шодимулкни бир чухрачидан Амир Темур саройи учун сотиб олади, лекин киз ёқиб қолиб, ўзига олиб қолади. Шодимулк Амир Сайфиддиннинг канизаги бўлиб юрган чоғда Абу Бакр деган бек билан топишиб, иккови Амир Сайфиддиндан чўчмай, учраша бошлайди. Амир Сайфиддин ҳам буни билади, лекин қаршилик қила олмай, дарди ичида, қуйиб юради. Охири Абу Бакрдан ўч олишнинг антиқа йўлини топади-да, Шодимулкни Халил Султонга ҳадя қилишга қарор қилади. Яна бу қарорни шахзодага Абу Бакр орқали айттирмакчи бўлиб: “Фоний дунёнинг бу бебаҳо гавҳари шахзодамизга иккимиздан муносиб совға бўлсун”, дейди. Абу Бакр нима қилишни билмай, канизакнинг ўзидан маслаҳат сўрайди, агар Шодимулк рози бўлса, киз билан боши оққан томонга кетмокчи. Канизак шахзоданинг дарагини эшитиши билан унга қизиқиб қолади. “Шахзодага каниз бўлмоқ иккимизга саодат келтирур”, деб шахзодага каниз бўлишга розилик беради...

Манбалардан биламизки, Халил Султон Амир Сайфиддиннинг канизаги Шодимулкни соҳиби вафотидан кейин яширинча ўз никоҳига олгани Амир Темурнинг газабини келтирган, лекин Сароймулкхоним аралашиб, Халил Султонни жазодан олиб қолган, баҳонада Шодимулкнинг ҳаёти ҳам сақлаб қолingan (шу ўринда юқорида келтирилган Султонбахт бегим билан боғлиқ фаразларга оид яна бир саволни келтирсак: неварасининг ахлоқсизлиги учун дарғазаб бўлиб, уни жазоламокчи, Шодимулкни қатлга буюрмакчи бўлган Соҳибкирон Султонбахтнинг ҳаммага миш-миш бўлиб кетган “саргузаштлари”га индамайдимиз?).

Шодимулк ва Халил Султон орасидаги муносабатлар, Шодимулкнинг те-мурийлар салтанати бошига тушган кўргиликларга кўшган “хиссаси” тарихий манбаларда ёритилган бўлиб, роман муаллифи ушбу манбаларни эътиборга олмаганда ҳам, ҳеч бўлмаганда, Хуршид Давроннинг “Сароймулкхоним ёхуд тугамаган дoston” эссесини назардан кочирмаслиги керак эди.

Шаҳодат Исахонова Шодимулкнинг қанчалик ярамас аёл бўлганини таъкидлаш учун юқоридаги воқеани тўқиб чиқарган, дея фараз қилайлик. У ҳолда масаланинг бошқа бир жиҳати туғилади: ҳар бир қахрамонга оид у ёки бу тўқима асардаги бошқа бир қахрамон ҳаётига доир тарихий ҳақиқатлар ёки мавжуд тасаввурларга таъсир кўрсатади. Шу боис ёзувчи Шодимулк ёки Султонбахт бегимнинг ҳаёти, унинг характери ҳақида бирон-бир тўқима яратар экан, ҳаёлотнинг бу “мева”си мазкур аёллар орқали бошқа бир одамлар (масалан, Амир Сайфиддин, Халил Султон, Султонбахт, Сароймулк, Амир Темур) ҳақида тарихий манбаларда ёзиб кетилган ҳақиқатларга зид келиб қолмаслигини, уларнинг халқ тасаввурларидаги мавжуд қиёфасига соя солмаслигини ўйлаши зарур. Акс ҳолда ёзувчининг бу тўқимаси тарихий шахсларга нисбатан, юмшокроқ қилиб айтганда, инсофсизлик бўлади.

Ва мана шу нуктада юқоридаги, ўйлаб топилган, тўқилган воқеа ёки қахрамонлар қачон бадиний тўқима бўлади-ю, қачон уйдирма даражасига тушади, деган саволнинг жавоби келиб чиқади.

ХУЛОСА ЎРНИДА

Кино оламида “киноляп” деган атама бор. Бу фильмларни сураг олиш ёки монтаж қилиш жараёнида йўл қўйилган, экранда рўй бераётган воқеаларнинг табиийлигини бузадиган техник ва манتيкий хатолардир. Бизнинг юқорида келтирган “хатолар” (Умаршайх Мирзонинг чой ичиши, Спитаменнинг палов ейиши) билан “киноляп” ўртасидаги ўхшашлик канчалик яқин ёки узок, деган саволни қўймоқчи эмасман. Кўнглимда муҳаррир ва шу билан биргаликда ёзувчи сифатида кечадиган хавф борки, у ҳам бўлса... “Юлдузли тунлар” ҳам, “Сугдиёна” ҳам ҳали яна кўп бора қайта нашр этилади. Мана шундай нашрлардан бирида муҳаррирлардан бири қўлига ўчирғични олиб... (Худо сакласин!) Яна шундан ҳам чўчийманки, романлардаги мана шу хатолар ҳақида мақола босилган эди, деган таъкидлов шунга сабаб бўлиши мумкин. Боиси бундан бир канча йиллар аввал Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” драмасидаги Хўжа Аҳрор ва Мирзо Улуғбек тўқнашуви линияси борасида матбуотда Хўжа Аҳрорнинг Улуғбек фожиасида иштироки йўқлиги, бу улуғ зот ўша пайтда Тошкентда яшагани, Самарқандга Улуғбек вафотидан уч йил ўтиб, Абусаид Мирзонинг таклифи билан кўчиб келгани ҳақидаги эътирозлар босилгани сабабли бугун бу асар асосида ишланган, Шукур Бурҳонов, Ҳамза Умаров каби санъатимиз даргалари иштирокида яратилган, кино санъатининг нодир намунаси даражасига кўтарилган фильм умуман экранга чиқмаётганини, “Улуғбек хазинаси” романидаги эпизод ҳам (Мирзо Улуғбек ва Абдуллагифнинг Кўксаройдаги учрашувида Хўжа Аҳрор ҳам бўлади) ёзувчининг ўзи томонидан “қайчилаб” ташланганини, кейин романни бойитиш асносида қўшимча қахрамон, эпизодлар киритилганини унутиб бўлмайди. Натижада эса “Улуғбек хазинаси”нинг янгича бир кўринишига эга бўлдики, энди Мирзо Улуғбек қариганида Юлдузбиби деган ёш кизни севгани ва бу кизни саройида, хилватхонада саклаганини (!), Қаландар Қарноқий образининг ниҳоят даражада фаоллашиб кетганини, қувғиндаги Улуғбекни Юлдузбиби билан учраштирганини (бунинг учун кизни Кўксаройдан лаҳм орқали расадхонага келтиради! Ажабки, ҳеч бир қаршиликсиз, бемалол, эмин-эркин!) ўқиб турибмиз. Ҳолбуки, романда ҳамма “ғишт” жой-жойида бўлиб, уларни силжитиб бўлмас эди. Фақат романга ёпишиб тушмаган биргина лавҳа – Хўжа Аҳрор катнашган эпизоднинг ўзини олиб ташласа кифоя эди!

Аслида “Мирзо Улуғбек” драмасида Хўжа Аҳрорнинг салбий қахрамон қилиб киритилиши ўша давр мафкураси ва сиёсий идораларнинг талаб ва таъйиқи билан бўлгани аниқ. Йўқса, Шайхзодадек зукко ижодкор Хўжа Аҳрор валийнинг ким эканлигини билмасмиди?

Ҳар нечук, мазкур асарлар биз учун оғохлантирувдир. Юқорида қўйган саволимизнинг (бу “хато”лар қай даражада аҳамиятли?) жавоби худди шу ерга келиб топилади. Улар аввало, ўзининг ибрати билан аҳамиятли. Қолаверса, асарнинг бадиий киймати ни туширмаган, воқеалар ривожига ва характер мантигига соя солмаган бўлса, бу “хато”ларни “тузатиш”га уринмай ҳам қўя қолган маъқул эмасми? Бу борада “Улуғбек хазинаси” бошига тушган кўргилик бизга сабоқ бўлиши керак.

Тарихий мавзуда асар ёзишга киришаётиб, аждодларимиз руҳини шод этишни бош мақсадимиз этиб белгилаб олиш, коғоз қоралаётиб, хаёлотнинг учқур қанотларида учарканмиз, ўтганлар руҳини беҳос ранжитиб қўймаслик учун масаланинг иккала томонига ҳам қараб қўйишни дилимизга маҳкамроқ тутиб олишимиз шартдир.



БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ



Шавкат ЖҰРАБЕК

1993 йилда туғилган. Унинг “Иккимиздан қолган хотира” шеърый тўплами нашр этилган.

Ёруғлик орзуси

Тонгга пешвоз чиқди она табиат,
 Ёмғир ёғар эди майин, бежирим.
 Томирида кезиб яшноқ бир ният,
 Майсалар бошини силкитади жим.

Солиҳ банда каби кироат этиб,
 Шивирлар мусофир, ғариб шамоллар.
 Хотиралар узра махзун бош эгиб,
 Фурсатни титкилар сарғиш хаёллар.

Куёш гоҳ беркиниб, гоҳо нур сочиб,
 Кечаю кундузни бир-бир варақлар.
 Меҳнаткаш қўлларин дуога очиб,
 Бомдодни қаршилар мўмин дарахтлар.

Айрилик излари қолган кўчалар
 Юракка улайди йўлнинг сўнггини.
 Ер раҳмат сувига бағрин бўшатар,
 Булутлар бўшатар тўлган кўнглини.

Садокат –

қувончдир!

Титраган дил, лаб,
 Меҳр-муҳаббатга эришмоқ, висол.
 Садокат шундайки, миллиард йиллаб
 Қорни кучиб турган чўккилар мисол.

Садоқат –
 ишончдир!
 Йўқламас кинни,
 Ҳаётнинг ранг-баранг нафаси, таъми.
 Садоқат шундайки, она заминни
 Ўраб, авайлаган азон қатлами.

Садоқат –
 бахордир!
 Гуллар эрта-кеч,
 Инсоннинг беғубор болалигидай.
 Садоқат кўнгилдан айрилмайди ҳеч,
 Эт билан тирноқнинг оралигидай.

Садоқат –
 қуёшдир!
 Само гулхани,
 Нуридан унган ер тупроғи, тоши.
 Садоқат гўёки тўлган ой каби,
 Тугаб бораётган ернинг бардоши.

* * *

Фурсат кифти узра дунё қалқинар,
 Бир лаҳза қамрови билмагай худуд.
 Миллиард йилдирки, сенга талпинар,
 Бир сония ичра пайдо жон-вужуд.

Тинимсиз судралар олам бемажол,
 Миллион йил ўрмалар адлу хиёнат.
 Бир лаҳзада остин-устундир хаёл,
 Бир лаҳзада содир бўлгай омонат.

Шавкат Жўрабек Бухорои шарифдек муқаррам заминда туғилган. Бу тупроқнинг ҳар заррасида неча-неча табарруқ зотларнинг хоклари бор. Бу тупроқда не-не беназир шоиру адибларнинг ўчмас излари қолган. Гапни Бухородан бошлашимнинг сабаби, Шавкат Жўрабек киндик қони томган тупроқни беҳад қадрлайдиган инсон эканини билганимдан. Она юрти, миллатини азиз билган инсонгина юксак туйғуларга ошно бўлади, юраги, энг аввало, халқининг орзу-армонларига ошуфта бўлади. Ана шундай инсонгина ижоднинг машаққатли йўлидан дадил юриши, вақти билан сўзи ва шеъри эътиборли шоир мартабасига эришиши мумкин. Мен салкам икки йилдан буён Шавкат Жўрабекнинг ижодини кузатиб бораман. Унинг шеърларидаги камчиликлару муваффақиятлар ҳақида бир неча бор мулоқот ҳам қилганмиз. Айни шу сабабдан “Шарқ юлдузи” журналидек эътиборли нашрда унинг туркум шеърлари босилиши ёш шоирга қатта рағбат беришига, бу рағбат унинг кейинги ижодига илҳомбахш куч бўлиб таъсир қилишига қаттиқ ишонаман.

Хуриш ДАВРОН,
 Ўзбекистон халқ шоири



Миллиард йилдирки, фоний дунёда
Умр йўлларидадан ўзга марза йўқ.
Соат миллиридек қисқа масофа,
Соат миллиридек узун нарса йўқ.

* * *

Ҳар ким ўз топганин айлайди рўқач:
Кимдир мақом, кимдир молу мулкени.
Кимлардир бир умр билгусидир ганж
Қаттиқ иймон билан гўзал хулкени.

Тонг чоғи порлаган ёркин Зухрода
Кимдир сурур топгай, ким топгай андух.
Азалдан бир кам, беғам дунёда
Ҳамдард тополмаган юраклар –
мажрух.

Бир оғиз ширин сўз топилмас, наҳот,
Қадрдон бўлмаса аҳд бирлан амал?
Ёмонлар топишиб кетар шул захот,
Яхшилар бир-бирин йўқотган маҳал.

Кўнгилнинг кўчаси қолмагай бўм-бўш,
Ҳар нечук тирик жон ахтарар ҳамроҳ.
Ёруғлик орзуси дилда урса жўш,
Зулмат сўнггида ҳам топилгай паноҳ.

Ҳар кимнинг бор эрур ўз насибаси,
Ҳақ кўнгил мулкени айлагандир кенг.
Бу фоний дунёнинг бор хазинаси
Улуғлар сабрига келолмагай тенг.

Саробга айланди топганларим гоҳ,
Юрак надоматдан ўртанар токай?
Сабр ато айла, ўзингдан – Оллоҳ,
Ўзлимни топай,
Ўзимни топай!

* * *

Фасллар эшигин очади баҳор,
Барг ёзар дилимга сиғмаган бир хис.
Мен тағин бўларман ошик –
бекарор,

Баҳор гўзал,
Баҳор бу –

алдамчи қиз.



Саҳих туйғуларнинг ортидан беҳол,
Ишонч боғларида кезиб юрибман.
“Ишқ бўлиб келдим”, дер эртанги баҳор,
Тағин алдаяпти.
Сезиб турибман.

Сув қуйгандек жимжит, сокин тун,
Ҳаёт бир зум қолгандек тўхтаб.
Осмонда ой сузади беун,
Чўкаётган қайиққа ўхшаб.

Борлик кўздан бўлгандек пинҳон,
Чакмоқ каби порлаб бир муддат,
Бир парча нур ортидан гирён
Судралади конталаш зулмат.

Тарқалади нохуш бир хабар,
Кўкда юлдуз учаётган кез.
Аммо, хаёл учкур шу қадар,
Ўруғликнинг тезлигидан тез.

Титраб-қакшар юракдаги сир,
Масофалар чўзилар узун.
Қоғоз узра тўкилар бир-бир,
Сув қуйгандек жимжит, сокин тун.



ҲУКМАТ

Ўш авлоғи бўлмаган ағабуём
зўғак боласи ўўқ оуладек соқин.
зерикарди бўлағи.

Эркин ВОҲИДОВ





КЎНГИЛ МУЛКИ



Абдугани СУЛАЙМОН

1943 йилда туғилган. Шинжонг университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Унинг “Кўнглимдаги дарё” шеърый китоби нашр этилган. Унинг асарлари қозоқ, қирғиз, уйғур тилларига таржима қилинган.

ҚЎШИҚ ҚОЛДИРАЙЛИК АБАДИЯТГА

Бир ариқдан сув ичган одамларнинг руҳида яқинлик бўлар экан. Бобур Мирзо сув ичган ариқлар Андижондан бошлангани учунми, бу юртдан чиққан шоирлар адабиёт майдониغا ўзгача бир шижоат билан кириб келишади. Улар сўз олдида, битган сатрларини ўқийдиган халқ олдида бошқача бир масъулият сезишади. Уларнинг зиммасига бу масъулиятни Бобур Мирзонинг ўзи юклаган, Чўлпон бу борада катта ибрат кўрсатган.

Минҳожиддин Мирзо сеvimли Ўзбекистонимизнинг ажралмас бўлаги бўлмиш Андижонда, халқимизга Чўлпон, Саида Зуннунова, Муҳаммад Юсуф каби забардаст ижодкорларни ҳаёда этган ўлкада туғилиб, ўсган. Шу боис унинг шеърларида аждодларимиз бизга қолдирган тортиқ – Ватан манзаралари кўриниб туради.

*Қайга бормай ёддан чиқмайди,
Қайга бормай қалбдан ажралмас,
Аждодларим қолдирган тортиқ.*

*Юрагимни тирмалар соғинч,
Қалбин интиқ туя бошлайман,
Кўкрагимда Бобурий оғриқ.*

Бу шоирнинг “Соғинч салтанати” туркумида ёзилган назмидан. Заҳириддин Муҳаммад Бобурни ёд этиб ёзилган ушбу туркумда Ватанда яшаб туриб, Ватанни соғиниш туйғуси бор. Минҳожиддин она юрт ҳақида кўп ва хўп ёзади:

*Ватан надур, сўнмаган
Ёрқин юлдуз – қароқдур.
Бош эгишга кўнмаган,
Ватан – жасур Широқдур...*

*... У бор юрак зарбида,
Ким ўтмади дардида.
Мангуберди қалбида
Зангламаган яроқдур.*

Келтирган ушбу парчамиз шоирнинг “Ватан надур” шеърідан. Шеър гарчи содда тасвирлар, содда иборалар ила битилган бўлса-да, таъсири жуда баланд ва юракбахш. Назаримда Ватан ҳақида, она юрт ҳақида ана шундай рост ва самимий ёзиш керак. Шеърни ўқиш баробарида шоир уни ҳаприқиб, дилининг тубидаги илоҳий ишқ зарбида ёзганини англайсиз. Ва дилингиз беихтиёр Ватан севгисида ниҳол янглиғ ўсаётганини ҳис қиласиз. Минҳожиддин жуда сокин ёзадигандек туюлади. Аммо, ана шу сокинлик ичида қамалган бўронлар шиддати бор.

Унинг Ватан ҳақида ёзган шеърларидан Ўзбекистоннинг юрак уриши эшитилиб туради:

*Гиёҳлардан сўрдим сенинг таърифинг,
Кийиклар кўзидан ўқидим дoston.
Юлдузлар қўшигин тинглаб уйғондим
Бошимда термулиб ўтирарди тонг.*

*... Ғураклар теракда чалар чанқовуз,
Кўрдим юзин сувга чайган гулларни.
Замин улашарди ҳар мурғак дилга
Ҳумо нигоҳидан тушган нурларни.*

“Ватан ранги”



145

Ватан руҳимизда қад кўтарган улкан чинордир. Умримизнинг охиригача ана шу чинор япроқларининг шивирлашидан куч, умид топамиз. Шоир тупрокни ёриб уйғонган гиёҳлардан унинг таърифини сўрайди, теракда чанқовуз чалган ғуракларнинг мусикасини тинглаб, юзини сувга чайган гуллар ифоридан маст бўлади. Ана шу мастоналикда чумолиллар тилидаги “шукр”га ошиқ бўлади. Кейин эса мусаввирдай Ватаннинг суратини кўнгил деворига чизади. Бу улуг суратда эса беҳисоб юлдузлар порлаётганининг шохиди бўласиз.

*Тонгдан шукроналар оқ кабутардай,
Диллар меҳробидан учар фалакка.
Фақат бахт яратар бунда уйғоқ эл
Қуёш ҳам омин дер бундай тилакка.*

Минҳожиддин Мирзонинг шеърятда ўз ўрни, ўз йўли бор. У қайси мавзуда қалам тебратмасин, сўзни аввало юракнинг кўзгусида акслантиради. “Сув узра ой аксланар” номли шеърда ёрқин тасвир ичида икки дилнинг мисолини шу қадар лағифлик, нафислик билан қаламга оладики, уни ўқиб руҳингизда нимадир жимирлаб кетади:

*Сокин кеча ойдин тун,
Майсазорлар шитирлар.
Юрак тузоқда оху,
Ўзин уриб питирлар...*

...Сув узра ой аксланар
Ухламайди балиқлар.
Висол сувратин кўриб,
Қиқирлайди ариқлар...

Минхожиддиннинг аксарият шеърларида куюк ташбехли, рангин сўзлардан кўра оддий, ҳаётний манзаралар кўпроқ ўз аксини топган. Шоир бу шеър экан деб бўлар-бўлмасга ҳайкириғу муболағаларни ишлатмайди. Аксинча, ўз анъанасига кўра сокин ва сирли шивирлайди. Энг кизиғи, ана шу шивирлашдан минг бир ҳайкирикнинг қувватини оласиз. Унинг “Кутиш” номли шеъри шундай бошланади:

Олиб кетмас тўлқинлар мени,
Чағалайлар тарк этган ғўша.
Хув соҳилда пўртана ортган –
Бир тош ётар ўша мен – ўша...

Накадар сулув, аини пайтда изтиробли ҳолат бор бунда! Тош образи шеърятда кўп ишлатилади. Аммо, Минхожиддиннинг “тошида” улкан кайғу ва яна ёруғ умид бор. Ҳаёт машаққатлари тепиб-тепиб тошга айлантирган лирик қаҳрамон аини дамда соҳилда, яъни чеккада туриб нимадандир умидвор денгизга – ҳаётга боқади:

Келмас энди кутганим уфқдан,
Қизил елкан олиб кетган қиз.
Денгиз сувин суртаман кўзга
Ёлғиз ёдгор қиз қолдирган из.

Шоир севаман, қуяман каби меъдага уриб кетган сўзлардан кочади, аксинча сокин сўзларни танлаб, уларни жимжимага ўрамай, нозик, билинар-билинемас бир ҳал билан сатрларга теради:

Хотиралар – осмонда булут,
Денгиз узра суза бошлайди.
Бўлмайди ҳеч ўша қиз унут,
Елкамга тун қўлин ташлайди:
Кутгил, кутгил, кут.

Минхожиддиннинг шоир кўнглида нурли ишк бор. Бу ишк доим донишмандлик билан уйғун келади:

Эй дил, баҳор билан юзлашинг, ёндинг,
Уйғонди қизгалдоқ буйли хотирот.
Яна эртақларга чин деб ишондинг
Согинч куртақларинг гуллабди ҳаёт...

...Дилим фурсат етди, келар қошингга
Эҳ бунча азобга дучор бўлмасанг.
Дунё гарқ бўлар-ку, тўкар ёшингга
Келсаю, кўзида согинч кўрмасанг...

...Қани энди ихтиёр санда бўлса-ю
Сени севмаганни сен ҳам севмасанг...

Шеърни ўқий бошлаганингизда лирик қахрамон баҳор қадар севгилисини ку-таётганини сезасиз. Сатрлар бандларга ўтганда эса шеър барибир кутавераман деган иқрор билан яқунланади деб ўйлайсиз. Лекин қутилмаганда, шоир ўзгача зарб билан, яъни кошки сени севмаганни сен ҳам севмасанг, деган ўқинч билан шеърни ниҳоялайди. Минҳожиддин Мирзонинг лирик шеърларида ҳеч қайси шоир қаламига ўхшамаган изтиробли, айна дамда умидбахш нафас бор.

...Шивирлама менга шаббода,
Кўзгатма дил япроқларини.
Кўтаролмас энди вужудим
Бу юракнинг титроқларини –

деб ёзади у “Шаббода” номли шеърда. Бир ўқиганда оддийгина кўринган бу сатрлар ажиб ҳолат ичига солиб қўяди сизни. Оҳиста-оҳиста жонингиз ичидаги чўғ гуриллаган алангага айланади-да, сизни соғинч карвонида ширин хотиралар юртига олиб кетади. Энди жисму жонингизда еру осмон чарх ура бошлайди. Бе-ихтиёрликдан ихтиёр излаб шоирнинг дардини кўнглингиз куйига соласиз:

Шивирлама менга шаббода,
Сўнган чўғни кўзгаб нетасан.
Кўйгил қалбим ўз ҳолига қўй,
Дардим айтсам ёниб кетасан.
Шивирлама менга шаббода.

Ўзини тинимсиз тафтиш қилиб яшовчи кишилар комилликка интилувчи бўлишар экан. Шоирлар мудом ўз кўнглини тафтиш этиб яшайди, зеро ҳақиқий, том маънодаги шеър шундан туғилади.

Муҳаббат йўл эди
Йўл эди билсанг,
Шу йўлни кўрдингу кета олмадинг.
Бўларди бир қадам сен юриб кўрсанг
Эй кўнгил, бормадинг, нега бормадинг.

...Энди тун жодуси мени азоблар,
Ҳижронлар оғуси томар кўзимга.
Муҳаббат нелигин тушунмай ўтган
Мен раҳм қилмайман энди ўзимга.
Мен раҳм қилмайман кибор кўнглимга.

“Муҳаббат йўл эди” дея бошланувчи шеърда шоирнинг юрагидаги армон унинг руҳини фош қилади. Ҳақиқатдан ҳам шоир айтмоқчи, муҳаббат – бу йўл. У шундай йўлки, тўрт томонидан ҳижрон шамоллари елади, таҳ-таҳидан жунун фарёди келади. Муҳаббатнинг йўлига кирган инсонни гоҳида ҳижрон, гоҳида изтироб поклайди. Ана шу поклик ичида Мажнуннинг ишқивор фиғонига шерик бўлиш бу ошиқлик бахтидир. Шоир кўнглини кибор кўнглим деб атайди ва шу билан бутун армонини ана шу жумлага жойлайди.

Ишқда инсоннинг икки дунёси юз кўрсатади. Ҳали-хануз ўзининг тасдиғини топмаётган одамзоднинг ибтидоси, бунёди ҳам ишқдандир. Умар Хайём айтмоқчи, фақат ишқ шаробигина бизни ёшликнинг гулгун боғларига қайтаради ва бу боғни бевақт келган кузнинг қаҳ-қаҳасидан қўриқлайди. Шоирда, яъни унинг шеърлятида ана шу боққа қайтиш истаги, ёруғ хаёли тўлқинланади:

*Энди сени хаёлимда суяман мен,
Ширин-ширин хаёл билан ўтар ойлар.
Хаёлларнинг кулбасини ташлаб чиқсам
Остонадан ўтолмайман, азоб пойлар.*

*Яхшиямки, ажиб-ажиб хаёллар бор,
Согинчлар гоҳ найсон янглиг кўзим намлар.
Ширин-ширин хаёл таскин берар аммо,
Хаёлдан-да ширин эди ўтган дамлар...*

Баъзан давраларда, суҳбатларда: “Шеър нима ўзи?” – деган баҳсларга дуч келамиз. Ва ички иқроор билан шеър кўнгил дарди-да деб кўя қоламиз. Минҳожиддин Мирзо эса бу саволга рангин жавоб топади:

*Шеър нима, пайконми руҳга санчилган,
Ёки қалб дарахтин сирли япроғи.
Балки нилуфардир дилда очилган,
Кўнгилда улгайган Мажнун титроғи?*

*Англамоқ кўйида дил сўйлар тошиб,
Чин шеърки, бир қақнус – дилга раводир.
У – мужда етти қат осмондан ошиб
Ҳақдан келаётган тоза ҳаводир...*

Минҳожиддин Мирзонинг 2015 йилда чоп этилган “Кўнглим куртаклари” номли мўъжазгина китобчасига жамланган тўртликлар ниҳоятда латиф. Тўрт мисрадан иборат бу шеърларнинг рубойга мойиллиги баландроқ туюлди менга. Шоир китобчанинг дебочасида: “Инсон энг буюк ошиқ экан! Унинг ҳаёт йўли ишқ олами ичра ўтаркан”, дея ўз кўнглини эътироф этади. Ва биз ҳам унинг кўнглини эътироф этиб ишқдан бунёд бўлдик, ишққа кетурмиз деймиз шоирона ҳолатда. Ва яна тўртликларга кўз югуртира бошлаймиз:

*Ўғлим, сенга ҳақ ёр бўлсин ҳар нафас,
Мудом қулогингда янгрисин шу сас.
Магар буюк ишлар қилолмасанг ҳам
Кўриб туриб қорани оқ демасанг бас.*

Ушбу тўртликлар кўнгил гулзорини безаган хикмат гулларидир. Бу гулларнинг ифори қалб димоғига келиб урилгач, дунёни ўзгача рангларда кўра бошлайсиз. Атрофингиздаги инсонларга яхшилик, эзуликни соғинасиз. Дарахтнинг сўнгги дамдаги орзусига айланасиз:

*Дарахт сўнгги дамда этаркан орзу:
Меҳрли уйларга эшик бўлсайдим.
Тобутсозлар эмас, усталар йўнса
Умидвор уйларга бешик бўлсайдим.*

Минҳожиддиннинг шоир руҳида ишқ оламининг силсиласи бор. У гоҳо ўз хатоларидан ўқиниб-ўқиниб ёзади. Гоҳо узлатга эмас, кўнглига чекинади ва хар қандай ҳолатда ҳам юрак амрига кулок тутади. Алишер Навоий айтганидек, хақиқий ошиқлар кўкракларига муштлаб, мен ошиқман дея ўқирмайдилар, аксинча ошиқлик азоб, изтироб сукутида долғаланади. Факат ёрга муҳаббат эмас, покликка муҳаббат, хокисорликка талпиниш, виждоннинг поклиги, имоннинг бутунлиги ҳам буюк ошиқликдир. Минҳожиддин шоир сифатида буни чуқур англайди:

*Ошиқ аҳлин руҳининг айвонида ишқ,
Ҳар ноласи, сўзон сўзи девонида ишқ,
Мағрур дилдан сен муҳаббат қасрин излама,
Билсанг, куйган ошиқларнинг вайронида ишқ.*

Асримизнинг шиддати баланд. Ана шу шиддат ичида баъзан каловланиб қоламиз. Ва беихтиёр умримиз жуда тез ўтапти-да, дея ёзғирамиз. Аслида вақт ўз маромида кетаяпти. Факат биз сал лоқайд, сал бепарвомиз. Вақт каддини англаш учун донишмад бўлиш шарт эмас. Бу борада шоирнинг ўз фалсафаси бор. У ёшлик – эзгулик яратиш учун берилган фурсат деб тушунади:

*Тўхтагил ёшлигим
Бир зум шошмагил,
Бу кўнгил ўксимай етсин ниятга.
Фурсат бер юрагим чўғи ўчмасдан,
Бир қўшиқ қолдирай абадиятга.*

Минҳожиддин Мирзо бугунги ўзбек шеърлятида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаган шоир. У ростгўй ва самимий. Шунинг учун ҳам унинг сатрлари кўнглига тез етиб боради. Унинг соддаликка уйғун, аммо тубида анчайин мураккаб ҳикматлар яширин шеърлари, дostonу тўртликлари она халқимизнинг маънавий бойлигига айланаётганига ишонамиз. Минҳожиддин Мирзонинг руҳоний қалбида ҳали ёзилажак шеърлари кўп. Истагимиз сатрларида Ҳақ сўзлар асло сўнмасин. Ўзи таъкидлаганидек, янги ва яхши кунларнинг ошиқ кўнгил ила қаршилаб халқимизнинг дилбар шеърлари ила хурсанд килаверсин:

*Умримиз, лаҳзалар этажак давом,
Ҳали дилмизда қанча шеър калом.
Кетган кунларда ҳам иззатимиз бор,
Келаётган кунлар, сизга Ассалом!*



Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

“ШАРҚ ЮЛДУЗИ”ДА КЕЧГАН КУНЛАРИМ¹

ҲАФИЗ АБДУСАМАДОВ

Ҳафиз аканинг журналга келишидан очигини айтганда, ҳеч ким хурсанд бўлгани йўқ. Аммо буйруқ шундай, бажарилиши шарт. Ҳафиз ака бор-йўғи бир ярим йил ишлади. Бирок шу қисқа муддат ичида у ҳаммага меҳрибон, тўғрисиқ киши сифатида кўнглимизда қолди. Биринчи танишув йиғилишимиздаёқ: “Ортиқ Абдуллаев Озоднинг шоғирди сифатида ишга келган (у киши мени Мирмуҳсин ака билан кадрдон эканлигимни тасаввурига ҳам келтирмаган бўлса керак). Қани, бирга ишлаб кўрайлик-чи. Мен бу фалончини одами, бу пистончини шоғирди деган гапларга эътибор бермайман. Ким яхши ишласа, ҳалол бўлса, вазифасини виждонан бажарса, шундай ходимни хурмат қиламан”, деб очиқ айтди. Тез орада бу юмшоқ, кўнглилчан олим ҳамма билан яхши эл бўлиб кетди. Аммо, иш бор жойда камчилик бор, деганларидек, ўзим қовун тушириб қўйдим. Танкидчи Норбой Худойберганов академик Матёкуб Қўшжоновнинг икки жилдлик “Сайланма”сига тақриз ёзиб келди. Ўйлашимча, бу Норбой аканинг энг яхши мақолаларидан бири эди. Мухаррир ўринбосари Ҳайдарали Ниёзовга ҳам маъқул бўлди. Сўнгги таҳрири ўқилаётганда Ҳафиз ака мени чақириб, “Иброҳим Раҳим танкид қилинган жойларни олиб ташланг” деди-да, қизил қаламда ўраб қўйилган ўринларни кўрсатди. Бу буйруқ менга ёкмади. Ўша сўзлар олиб ташланса, мақоланинг салмоғи тушиб кетарди. Ҳайдарали акага вазиятни айтдим. Бир йил олдин Матёкуб Қўшжоновнинг Иброҳим Раҳим романига ёзган очик хати журналимизда босилган эди. Хуллас, бош муҳаррирнинг буйруғи муовинга ҳам ёкмади. Ҳайдарали ака уни қисқартирсак мақоладан ҳеч нарса қолмайди-ку, қисқартирмай қўя қолинг, кетаверсин деганидан кейин танкидий ўринлар ҳам журналда чиқиб кетди. Мен, тан олишим керакки, муҳаррир буйруғини бажаришдан бош тортдим. Журнал босилиб тарқалгандан кейин қутилган машмаша бошланди. Мухаррир янги сонни варақлаб кўриши биланок мени йўқлади. У дарғазаб кўринса-да сир бой бермади:

– Ортиқбой, нега буйруқни бажармадингиз? – деди у сохта вазминлик билан. Мен гапни чалғитиб, қутулмоқчи бўлдим:

– Муовинга кўрсатдим, у кетаверсин, – деди.

– Ҳайдаралини қўйинг, – муҳаррир асосий ҳужумга ўтди. – Топшириқни мен сизга берганман, сиз эса уни бажармагансиз. Яна баҳона қиласиз. Бу аҳволда сиз билан ишлолмаймиз. Ҳали бу масалага алоҳида қайтамыз. Майли, ҳозир ишингизни қилаверинг!

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

Иш вақтимиз тамом бўлган, шоир Турсун Иброҳимов билан шахмат ўйнаб ўтирган эдик. У кайфиятимни кўриб хайрон қолди. Нима гап ўтганини айтдим.

– Ие, ишлар пачава-ку! Ҳозирок Яшин акага телефон қилинг, бўлмаса ишдан кетасиз, – деди у.

Телефон қилдим.

– Ҳафиз ака: “Сиз билан хайрлашишга тўғри келади”, деяпти дедим.

Оқсоқолнинг жуда кайфияти яхши экан:

– Ҳафиз шундай дейдими? Бўлмаса, шундай қиламиз, майлими, хозир уйга боринг, дам олинг, эрталаб соат ўнда Ҳафиз сизни кабинетингиз эшигида кутиб олади.

Эртаси куни роппа-роса соат ўнда иккинчи қаватга кўтарилдим. Ҳафиз ака эшик олдида Яшин ака қандай айтган бўлса, худди шундай кулиб, қаршилаб турибди-да!.

У киши: “Қани, юринг-чи”, деб тўғри кабинетига бошлади, аввал мени ўтказиб, сўнг ўзи ўтирди. “Яхши ухлаб турдингизми?” деб сўради.

– Кечаги гапдан кейин яхши ухлаб бўладими, домла?

У киши яна қулди:

– Сиз-ку хали тажрибангиз йўқ. Бу Ҳайдаралига хайронман. Сиз ундан маслаҳат сўрагансиз. У бўлса орқа-олдига қарамасдан иш қилаверган. Майли, ўтган ишга саловат. Ҳеч нарсани ўйламай, хотиржам ишлайверинг!

Ҳафиз акани ўйласам, мана шу воқеа кўз олдимда жонланаверади. Устоз Яшин аканинг бир оғиз сўзини ерда қолдирмаган Ҳафиз аканинг жўмардлигини ўйлаб, кўнглим ёришиб кетади. У киши маданиятли, яхши одам эди. Ҳафиз ака билан мана шундай самимий кайфиятда ишладим. Фақат мен эмас, бутун жамоа уни ёқтириб қолди. Тахририятда туғилган кунларни нишонлаш анъанаси бор эди. Навбат менга келганда Ҳафиз ака яна бир ҳалол гапни айтди:

– Мен муҳаррир бўлиб келаётганимда айрим дўстларимиз: “Ортиквойдан эҳтиёт бўласиз, у Озоднинг шогирди, устозининг йўлидан юради. Бўшатиб юборсангиз, тинч ишлайсиз”, деб маслаҳат беришди. Мен шошилганим йўқ. Қандай ишлашини кўрайин дедим. Қарасам, жуда яхши ишляпти. Ҳалол, билимли, ишда тажрибаси бор йигит. Бундай ходимни нега бўшатишим керак, аввал яхшилаб сынаб кўрай дедим. Мана синовдан яхши ўтди. “Мен на дейману кўбизим на дейди?” мақоласи жуда яхши ўқилди. Уни босиб чиқарганимиз учун кўпчиликдан раҳмат эшитдик. Энди, Ортиквой шундай дадил мақолаларни ёзаверинг!

Ҳафиз ака кейинги йиллар ҳикоячилиги ҳақида ёзилган “Заминдан узилиб бўлмайти” номли мақоламни ҳам илиқ сўзлар айтиб, чоп эттирди. Журнализмнинг обрўси тобора ортиб, адади ҳам кўпайиб борди. Ҳафиз ака бирор катта, салмоқли асарни “бўлмайти” деб қайтаргани ёки журналда чиқаришдан чўчиганини билмайман. Кейинчалик чор Россияси босқини манзараларини кўрсатган кисса босилгач, Ҳафиз акага хужум ва таъйиқлар кучайиб кетди. Охири, у кишини муҳаррирликдан бўшатишди. Очигини айтсам, шунда ҳаммамиз хафа бўлдик. Домла “Шарқ юлдузи” журналига роппа-роса бир ярим йил муҳаррирлик қилди ва жамоада яхши ном қолдирди.

ПИРМАТ ШЕРМУҲАММЕДОВ

Пирмат ака “Шарқ юлдузи”га бош муҳаррирликка тайинланганда, бошқаларни билмадим, мен хурсанд бўлганман. Серғайрат, қалами ўткир. Рус тилида яхши ёзади. Марказий матбуотда фаол катнашади. Адабиётимизни бошқа тилларда тарғиб қилишда бош-қош бўла олади.

Иш бошлаши билан журнал муковаси ва ички безаклари сифатини яхшилади. Янги асарлар, таржималар танлашда бош-кош бўлди. Эълон қилинаётган асарлар ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта, бақувват бўлиши учун жонбозлик кўрсатди. Ёш ижодкор ходимларга катта ишонч билдириб, лавозимларга қўйишга интилди. Жумладан, ёш шоир Шукур Курбонни шеърят бўлими мудирлигига ўтказди. Айниқса, туркий тилда чиқадиغان журналлар билан ижодий алоқалар ўрнатиш режаларини ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш учун астойидил ҳаракат қилди. У яхши таклифлар, ташаббусларни рағбатлантирадиган, жонкуяр муҳаррирлардан эди. Мен Ойбекнинг уй музейида бўлганимда қозоқ ёзувчиси Собит Муконов ёзган хатга кўзим тушган эди. У эски ўзбек мактабларидаги ўқитиш тартиб-интизоми, ўқитиладиган фанлар ва дарсликлар ҳақида анча-мунча саволлар ёзиб, шу масалаларда ёрдам беришни Ойбек домладан сўраган экан. “Ойбек қандай жавоб ёзган экан, шу масалада кизиқиб кўрмаймизми, бирон киши Олмаотага ижодий сафарга борса, яхши бўларди”, деб Пирмат акага айтдим. “Ўзингиз бориб келинг”, деди у хайрихоҳлик билан. Шу баҳона 5-6 кун Олмаотада қозоқ ижодкорлари билан учрашувларда бўлдим. Ўлжас Сулаймоновдан Ойбек шеърини ҳақида мақола ундирдим, танқидчи Қулбек Эргубеков Гафур Ғулум ва Собит Муконов ўртасидаги адабий алоқалар ҳақида мақола ёзиб берди. Таниқли ёзувчи Абдужалил Нурпеисов ҳам Ойбек домла тўғрида ёзишга киришди.

Хуллас, Пирмат ака ишни яхши бошлади. Журнал ададини кўтариш учун катта амалий ишлар қилди, Сурхондарёдаги бир илғор жамоа хўжалиги билан оталиқ алоқалари ўрнатди ва энг яхши асарлар ва мақолалар учун “Сурхон” мукофоти ташкил қилишга эришди. Журналда сифат ўзгаришлари яққол кўринди. Аммо, “ҳар тўқисда бир айб” деганларидек, Пирмат акада ҳам айрим нуқсонлар юзага чиқа бошлади. Унинг таклифи билан болалар адабиётига бағишланган мунозара ташкил этилди. Мутахассислар ва болалар учун ёзадиган ижодкорларни жалб қилишга келишдик. Муҳаррир жуда “жонбозлик” қилиб, иштирокчилар сонини кўпайтириб юборди ва мунозарани икки сонда берамиз, деб таклиф қилди. Мақолалар кела бошлади. Кутилмаганда Пирмат ака ўта сахийлик қилиб ўзининг икки-учта ҳали анчагина хом шогирдлари ёзган мақолаларни ҳам тикиштириб қолди. Мен: “Бу аспирант болалар мақола ёзишга ҳали ғўрлик қилади. Ёзганлари журнал савиясига тўғри келмайди, ҳали бўш экан”, деб очик айтдим. Пирмат ака эса... Хуллас, “орага ола мушук тушиди”. Оқибат яхши бўлмади. У мени журналдан кетишимни хоҳлаб қолди. Мен эса ҳеч қандай айбим йўқлиги учун бўшашни истамадим. Худога шукр, бир-икки ошна-оғайнилар орага тушгандан кейин муносабатларимиз аввалгидек яхши йўлга тушиб кетди. Кейин: “Журналнинг масъул котиблигига ўтинг”, – деб қолди. Мен эса ўрганиб қолган ишим танқид ва адабиётшунослик бўлимидан кетишни хоҳламадим. Масъул котиб лавозимида Абдусаид Кўчимов ишлар эди. Пирмат ака негадир уни ҳам ёқтирмай қолди. Меҳнат таътили сўраши биланок рози бўлди. Шунда мени яна чақириб: “Ҳеч бўлмаса, Абдусаид қайтгунича унинг вазифасини бажариб туринг”, деб илтимос қилди. Мен бу таклифига рози бўлдим. Аммо орадан салгина ўтиб, у киши ҳеч кутилмаганда ишдан кетадиган бўлиб қолди. Пирмат ака ҳам Ҳафиз акага ўхшаб журналда бир ярим йил ишлади. Ёлғиз ўзим кузатиб қўйдим. Кабинетига чақириб сейф ва эшик калитларини қўлимга берди. “Таътилга кетаяпман, сизда турсин”, деди. Пирмат ака ўз имкони даражасида журнал ададини анча юқори кўтариб берди. Ёшларга хайрихоҳлик қилди. Яхши ташаббусларни рағбатлантирди. Шунинг ўзи ҳам катта хизмат ҳисобланади.

ЎТКИР ҲОШИМОВ

Эртаси кунни журнал жамоаси бир кун мухаррирсиз қолди. Сўраганларга “Мухаррир меҳнат таътилига кетди, онаси касал экан,” деб айтдим. Пирмат ака шундай тайинлаган эди. Кўпчилик, айниқса, Омон Мухтор қаттиқ хафа бўлди. “Бир оғиз айтсангиз бўларди-ку, хайрлашиб қолардик, кузатардик. Шу ҳам иш бўлдимиз?” деди менга.

Кейинги кунни Ўткир Ҳошимов журналга бош мухаррир бўлиб келди. Ўша пайтда марказқўмда мафкура бўлимини бошқараётган опа тахририятимизга Ўткир акани бошлаб келиб, расман таништириб кетди. Ҳаммамизнинг димоғимиз чоғ. Ўткир акани суюкли, ардоқли ёзувчи ва ҳалол инсон сифатида билар ва у ҳақида яхши гапларни эшитар эдик. Бир куннинг ичида тахририятимизга баҳор хавоси, баҳор нафаси кириб келди. Ўткир ака ҳаммамизни танир, ҳатто исми шарифимизгача билар экан, бир зумдаёқ эл бўлиб қадрдонлашиб кетдик, чунки самимиятда гап кўп. Ўткир ака биринчи навбатда самимий инсон эди. Мен табриқлар эканман, масъул котиб таътилда эканини, вақтинча вазифасини бажариб турганимни айтиб, кабинет калитини тошширдим. Ўткир ака калитни олмасдан: “Кимдир бу ишни қилиши керак, майли, Абдусаид таътилдан қайтгунча котиблик вазифасини ўзингиз бажариб тулинг”, деди.

Хуллас, журналимиз тахририятида шу кундан янги давр бошланди. Ўткир ака ишни бошқа раҳбарларга ўхшаб, кабинетга зеб бериш-у, ходимларни ўзгартиришдан бошламади. У: “Мен ҳеч кимни ишдан бўшатмайман, ҳаммамиз ҳамжихат бўлиб ишлаймиз. Журналнинг сифатини янада кўтаришимиз керак”, деб очик айтди ва шу гапида қатъий турди. 10-15 кундан кейин мени бошланғич касабам уюшмасига раис қилиб сайлади. Ишламайман, деганимга ҳам қулоқ солмади. “Нимаям иш бор дейсиз ўзи. У-бу гап бўлса бирга бажарамиз”, деб кўнмаганимга қўймади. Шайхонтохурдаги озиқ-овқат магазини билан гаплашиб, ҳамма ходимларга ҳафтада бир марта икки килодан гўшт олиб тарқатишни йўлга қўйдик. Журналнинг олти йиллик тўйи арафасида саноат моллари, чинни буюмлар, квартиралар, енгил машиналар, унвонлар, фахрий ёрликлар олишга эришдик.

Шу йилларда собиқ шўролар мамлақати бўйлаб ошқоралик ва қайта қуриш авжига чиққан давр эди. Бу бизга адабиёт ва тарихимиздаги ёпиқ саҳифаларни ёритиш учун имконият берди. Катта руҳ ва дадиллик билан ҳаммамиз журнал мазмунини бойитишга киришдик. Бу гапларни ёзар эканман, кўз ўнгимда ўша йиллардаги жонбозлик билан ишлаган лаҳзаларимиз жонланади. Журнал режаларини тузар эканмиз, ҳар бир сонда ҳеч бўлмаганда бирон янгилик бўлиши учун ҳаракат қилдик.

Ҳамма бўлимлар ўзларининг амалий тақлифларини пишиқ-пухта белгилаб чиқди. Табиийки, бу ишларни бажаришда танқид ва адабиётшунослик бўлими зиммасига катта масъулият тушар эди.

Ҳаммамиз юзага келган имкониятдан фойдаланиб, биринчи навбатда, Чўлпон ва Фитрат сингари адиблар ижодини тезроқ халққа етказишни орзу қилар эдик. Мен ЎзФА тил ва адабиёт институтидаги етакчи олим дўстларим, ҳамкасбларимни жалб қилдим. Эрик Каримов, Шерали Турдиев, Наим Каримов, Нинель Владимирова, Бахтиёр Назаров ва бошқа фидойи олимлар ишимизга катта ёрдам беришди. Қисқа муддат ичида Бехбўдийнинг “Падарқуш” драмаси, Фитратнинг “Ҳинд истиқлолчилари”, “Абулфайзхон” драмаси, “Сайёх хинди” ҳамда бир туркум шеърлари босилиб чиқди. Тохир Қаххор Ҳерман Вамберининг “Туркистон тарихи” ҳамда Фозилбек Отабекнинг “Дукчи эшон исёни” асарлари чоп этишга тайёрлади. Адабий танқид бўлим ходими Асқар Ҳайдаров Алихон Тўра таржима қилган ва бир пайтлар “Гулистон” журналида ярми босилган

“Темур тузуқлари”ни топиб келди. Тарихчи Махкам Абдураимовнинг Амир Темур фаолияти ҳақидаги “Амир Темур ва Тўхтамиш” номли мақоласини журналнинг икки сониди эълон қилдик. Табиийки, бу ишлар осонликча амалга ошган эмас. “Темур тузуқлари”га яна кўз олайтирганлар бўлди. Чўлпон шеърларини, “Кеча ва кундуз” романини чиқариш эса ниҳоятда қийин кечди. Ўткир аканинг ташаббусига кўра машҳур адиблар билан суҳбатлар ўтказиш, рангли суратларини эълон қилиш режаси тузилди. Суҳбатни Яшин акадан бошлашни лозим топдик. Бу вазифа менга юкланди. Мен эса: уюшма котиби Эркин Носиров “Бу ишни бажаргани маъқул, Яшин акани жуда яхши билади, мен таҳририни пишитиб бераман”, дедим. 10-15 кун ичида суҳбат-мақола тайёр бўлди, аммо у жуда силлик ёзилган, биронта жиддий фикр айтилмаган эди. Шунда Яшин ака билан ўзим бир гаплашиб кўрсам, ҳозир шароит ўзгарганини айтиб, зора у кишини Чўлпон ижоди ҳақида илиқ гаплар айтишга кўндирсам, деган фикр ҳаёлимдан ўтди. Шу куниёқ Яшин аканинг уйига бордим. Ниятимни тушунтирдим. Россияда бир вақтлар оқ гвардиячи бўлган, кейинчалик қизиллар отиб ташлаган Николай Гумилев шеърлари босилганини, Осип Мандельштам, Марина Цветаеваларнинг китоблари чиққанини айтдим. Яшин ака ҳамма гапларимни маъқуллагандек эшитди. Сўнг суҳбат матнини олиб, кўшиб, кенгайтириб ёзиб келинг, ўзим кўраман. Биз 20-йилларда адабиётга кириб келганимизда бир гуруҳ миллатчи адибларга қарши курашганмиз. Ким эди у миллатчилар? Албатта, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту ва бошқалар миллатчилар сафида эди. Ана шулар ҳақида алоҳида тўхталинг, деди. Назаримда, иш пишгандек, гишт силлиққина қолипдан кўчгандек туюлди. Бир-икки кун ичида Яшин ака айтган “қўшимча”ларни киритиб, олиб бориб кўрсатдим. Домла кўлимга каттагина папка тутказди. “Марказкўмда Чўлпон ижодига бағишлаб ўтказилган муҳокама стенограммаси экан”. Мана шу материаллардан фойдаланиб, фикрларингизни янада пишитинг” деб маслаҳат берди. Мен папкадаги ниҳоятда қимматли маълумотлар билан танишдим. Уларда Чўлпон ва унга яқин шоирлар ижоди, асосан, қора бўёқларда эди. Яна 2-3 кун ўтказиб, домланинг олдига бордим. Бу гал у киши “қўшимчалар”ни кўздан кечиргач, “Мана энди машинкага бераверсангиз бўлади”, деб қулди. Таҳририятга бориб, бўлган гапларни Ўткир ака билан Носир акага айтиб бердим. Яшин ака мен билан хайрлашаётганда: “Корректурани, албатта, кўрсатасиз” деб тайинлаган эди. Тайёр бўлган кунни яна қарияга телефон қилдиму уйига бордим. Жуда қувониб кутиб олди. “Аввал овқатланиб олайлик, иш қочиб кетмайди”, деб ошхонага бошлади. “Парҳез палов қилган эдик, кўркмай олаверасиз”, дея ошга таклиф қилди. Умримда бундай палов еган эмасман, ошнинг гуручидан кўра гўшти кўп. Беҳи солинган ва паррак-паррак кази кўшилган. “Қази кўшилган бўлса, нимаси парҳез экан”, деб ўйлайман ичимда. Лекин жуда антиқа овқат экан.

Хуллас, овқатдан кейин домла иккинчи каватдаги хонасига бошлади. Жавонлар тўла китоб, стол атрофида ўтирдик. “Хўш, кани корректурани берингчи”, деди ва кўзойнагини тақиб, қўлини узатди. Саҳифаларни мамнуният билан кўздан кечириб, тез-тез варақлаб чиқди, қўшимча кўшилган бетга келгач, ручкани олдию: “Ортиқжон, мана шу жойгача олиб ташлаймиз”, деди. Мен хангу манг бўлиб тикилиб қолдим. У киши эса ҳеч нарса билмагандек, хотиржам киёфада саҳифалар устидан қизиқ тортиб чиқди. “Юқоридаги ўртоклар билан маслаҳатлашдим, ҳали вақт бор дейишди”, деб ўзича изох берди. Саҳифаларни қандай кўлимга олганим, қандай кўчага чиққаним ва таҳририятга қандай етиб келганимни билмайман. Яхши хабар кутиб умидвор бўлиб ўтирган дўстлар олдида мулзам бўлиб гапирганим эсимда.

Яшин акадек улуғ инсон ҳам Чўлпон масаласида ўзини четга олди. Сухбат Эркин ака қандай тайёрлаган бўлса шундай чиқди. Ҳеч қандай изоҳга ўрин қолмаган эди. Чўлпон ижодини халққа етказиш йўлидаги биринчи уринишимиз ана шундай муваффақиятсиз тамом бўлди. Иккинчи уринишимиз ҳам қаттиқ қаршилиққа учради. Орадан бир-икки йил ўтди, журналнинг адади кўпайиб, обрўси янада ошиб кетди. Адабиётшунос Наим Каримов ва Шерали Турдиевлар "Кеча ва кундуз" романи матнини журналга олиб келишди. Бу гал иш пишик бўлсин, бўлажак хужумларга ўрин қолмасин деган ниятда устозим Озод Шарафидиновга сўзбоши ёздирдим. Асар босмага топширилди, лекин... Аниқ эсимда, янги йил арафаси эди. Ўткир ака таҳририят ходимларини йиғиб, келаётган янги йил билан табриклади, лекин у нимагадир хомуш эди.

– Байрамни яхши ўтказиб, 2 январь куни ишга кечикмасдан келинглар. Мухим гап бор, – деб тайинлади...

Хуллас, ҳамма йиғилгач, муҳаррир одатдагидек ҳол-аҳволимиз, янги йилни қандай кутиб олганимизни сўради-да, мақсадга кўчди:

– 30 декабрь куни Марказкўмга чақиринди. "Кеча ва кундуз"ни чиқариш мумкин эмас эмиш. Байрам кунлари қайфиятингиз бузилмасин деб айтишни хохламаганим. Менга очикдан-очик айтишди. Романни босмахонадан қайтариб олинг, дейишди. Асарни чиқармайсиз. Шу билан масала тамом, бу ҳақда бошқа гап бўлмайди, таҳририят ҳеч қандай жарима тўламайди, ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолади, дейишди. Хўш, нима қиламиз энди? Асарни қайтариб оламизми?

Ҳаммамиз бир оғиздан:

– Йўқ, қайтариб олмаймиз, – дедик.

– Унда нима қиламиз? – жиддий сўради Ўткир ака.

Хуллас, ҳамманинг дами ичга тушиб кетди. Норозилик билдирамиз, асар босилмаса, ҳаммамиз ишдан кетамиз, деган таклифлар ҳам бўлди. Мажлисида мен ҳам ўз фикримни билдириб: "Марказкўмдагилар ҳеч қандай чора кўрмаймиз", деб ваъдани қуюқ қилаверади. Ҳафиз Абдусаматовга ҳам шундай дейишган эди. Аммо сал вақтдан кейин уни муҳаррирликдан олиб ташлашди. Сизга ҳам маълум вақтдан кейин "сиёсий хушёр эмас" деб айб қўйишмаслигига қафолат йўқ. Энди орқага чекиниб бўлмайди, ҳаммамиз қаттиқ турайлик", дедим. Ўткир ака узоқ ўйланиб қолди. Хуллас, бундан ҳеч қандай фойда чиқмайди, деган фикрлар ҳам айтилди. Ўткир акани "Марказкўмга жамоадаги норозиликни етказинг" деб кўндирдик. Кўп иккиланишлардан кейин рози бўлди.

"Темирни қизигида бос" деганларидек, Ўткир ака яна Марказкўмдаги ўртоқларга учрашиб, жамоадаги вазиятни, норозиликни оқизмай-томизмай айтди. Бу гал раҳбариятдаги оқил кишилар аралашиб, Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодида ҳатолар, миллатчилик кўринишлари ҳам бўлгани ҳақида сўзбошида кенгрок тўхталинглар. Шу йўл билан романни эълон қилиш мумкин, деб маслаҳат беришди. Фақат Озод ака Чўлпонни танқид қилишга кўнармикин? Шу масалада муҳаррир мен билан маслаҳатлашди. Домлани кўндиришни зиммамга олдим. У киши оғир касал бўлиб ётган эди. Озод ака мақолани қайта ишлаб берди. Юқоридагилар кўриб танқидий фикрларни кучайтириш керак, деб талаб қилишди. Озод ака қийналиб бўлса-да, яна мақолани қайта ишлаб берди. Чўлпоннинг шеърларига келганда, "Сутдан оғзи куйган катикни ҳам пуфлаб ичади" қабилида иш тугдик, табиийки, айрим ўқувчилардан таъналар эшитдик. Бошқа таниқли адиблар билан суҳбатлар анча силлиқина ўтди. Мен Мирмуҳсин ака, Озод ака билан суҳбатлар ўтказдим. Мирмуҳсин ака билан суҳбатимиз яхши баҳоланди. Теша тегмаган саволлар тузиб, домлани "китиклаган", дадил гаплар-

ни айтиб, дилимизда тугун бўлиб ётганларни ёритишга интилдик. Мирмуҳсин ака ҳам кўнгил дардларини айтиб, хумордан чиқди.

Ёзувчи Саъдулла Сиёев билан Наманганга борганимизда таникли шоир, катагон курбони Сўфизода уйининг ахволи билан кизикқан эдик. Уй анча харобага айланган, шоир хаётлигида фойдаланган буюмлар деярли йўқолган эди. Бу ҳолни Мирмуҳсин акага айтдим. Қаттиқ таъсирланди. “Мархум ижодкорлар, айниқса, катагон курбонлари кўлёмалари, китоблари, шахсий буюмларини авлодлар учун авайлаб асраш керак”, деди. Сухбат журналда босилиб чиққандан кейин Намангандан бу масалага катта эътибор берилгани, шоир хонадони қайта таъмирланиб, музей холига келтирилгани хақида дўстларимиз хабар бериб, журнал тахририятига миннатдорлик билдиришди.

Ҳаммага маълумки, авваллари журналимизда диний мавзудаги асарлар эълон қилинмасди. Бу кемтикликни тузатиш лозим эди. Кўпчилик ўқувчилар Қуръони Каримнинг ўзбекча маъно таржимасини чиқаришни таклиф қилишмоқда эди.

“Касал тузаладиган бўлса, табиб ўз оёғи билан келади” деган гап бор. Бу масалада ҳам айнан шундай бўлди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси Ўткир акага Қуръони Каримни ўзбек тилига Алоуддин Мансур таржима қилаётганини маълум қилди. Ўткир ака бошчилигида ишчи гуруҳи тузилди. Унга устоз Абдулҳаким қори, муфти Муҳаммадсодик Муҳаммадосуф, Ўткир Ҳошимов, Нурали Қобул, Алибек Рустамов, Эркин Воҳидов, Зоҳиджон Қодир, Абдулазиз Мансур, Озод Шарафиддинов, Бобоҳон Шарипов, Ислом Шоғуломов, Нёматилла Иброҳимов, Умарали Норматов, Муҳаммад Али, Носир Фозилов, Ортиқбой Абдуллаевлар киритилди. Бу улкан комусий ҳужжатни қайта-қайта назардан ўтказиш, муносиб изохлар, шарҳлар тузиш лозим эди. Академик Алибек Рустамов билан Анвар Турсун асосий маслаҳатчи қилиб тайинланди. Омон Мухтор тайёр бўлган таржима матнини яна бир қарра тахрир қилар, кейинги ишлар учун адабий танқид бўлими масъул эди.

Дастлабки таржима матни (15-20 бет атрофида) тайёр бўлгач, Қуръони Каримни оммавий тарзда нашр этиш кимларгадир ёқмай қолиб, яна бош муҳаррирни Марказжўмга чақиришди. Ўткир ака ҳам анча пишиб қолгани учун масъул қотибимиз Носир Фозилов билан Алибек Рустамовни топиб, бир босма табоқ матнни олиб борди. У ерда мафкура қотиби – биолог-академик ва яна бир неча казо-казолар кутиб ўтиришган экан. Уларнинг ҳаммаси Қуръони Карим таржимасини чиқариб бўлмайди, тезроқ босмаҳонага буйруқ бериб нашрни тўхтатиш керак деб зўғум қилади. Журнал вакиллари ҳам бўш келмайди. Айниқса Алибек Рустамов ўринли далиллар келтириб, казо-казоларнинг попутини пасайтириб қўяди. Ўткир ака ҳам бир кадам орқага чекинмайди. Ҳар икки томон муросяга келмагандан кейин “Масалани Ислом Каримов эътиборига ҳавола қилиш лозим” деган хулосага келишадди. Олижаноб бу инсон барча фикр-мулоҳазаларни тинглагач, бош муҳаррирга сўз беради. Ўткир ака “Қуръони Карим” “Шарқ Юлдузи” журналида босмага тайёрланаётганидан кенг ўқувчилар оммаси хабардор эканини, шу аҳволда нашр тўхтатиб қўйилса, турли норозиликлар юзага келиши мумкинлигини айтади ва Қуръон таржимасининг бир босма табоғи босмадан чиққанлигини маълум қилиб, уни Ислом Каримовга тақдим этади. У киши журнал саҳифаларини қўлига олиб, бу ишдан мамнунлигини яширмасдан: “Журналда босилаётган экан, масала ҳал бўлибди-ку, яна қандай муаммо бўлиши мумкин. Фақат журнал жамоасини табриклаш керак”, деб масалага нукта қўяди. Оллоҳга шукрлар бўлсинки, икки йил ичида Қуръони Каримнинг ўзбекча нашри тўла босилди. Кейинчалик Чўлпон нашриётида ҳам алоҳида китоб ҳолида эълон қилинди.

Халқимиз тарихидаги яна бир муаммо Туркистонинг Россия қўшинлари томонидан босиб олинишига боғлиқ эди. "Шарқ юлдузи" журнали бу борада ҳам етарли даражада катта савобли ишларни амалга оширди. Мен бу муаммо хақида "Аччиқ мевалар", "Туркистонинг қора кунлари" номли бадиалар ёздим ҳамда рус рассоми Верешчагиннинг "1868 йилда Самарқанд" номли хотирасини таржима қилиб, бу савобли ишга ҳисса қўшдим.

Ўтқир ака "Шарқ юлдузи" журналида шаклланган энг яхши анъаналарни муносиб давом эттирди, уни халқ севиб, қўлма-қўл қилиб ўқийдиган суюкли нашрга айлантирди. Мен, шахсан ўзим Мирмуҳсин акадан кейин Ўтқир ака билан бирга ишлаган кезларимни "Шарқ юлдузи"даги энг юлдузли, бахтли онларим деб ҳисоблайман.

ИКРОМ ОТАМУРОД

Бу қотма, новчагина йигитни таҳририятда ҳамма яхши кўрарди. Отаси ёшлигида оламдан ўтган, онаси билан опаси анча қийинчиликлар тортиб улғайтирган. У кўз ўнгимизда изланувчан, эркин фикрлайдиган шоир бўлиб етишди. Етти йил бир бўлимда яхши ака-ука бўлиб ишладик. У кўп китоб ўқир, марказий газета-журналларини тинимсиз кузатиб борар эди. Замонавий жаҳон шеъриятидаги илгор йўналишларни эринмай ўрганар, ўзига хос шеърӣ образлар яратишга интилар, сабр ва кунт билан изланар эди.

Эсимда, бир гал таҳририят ходимлари билан Хумсонга чиқиб қайтган эдик. Шунда Икром китобларим билан қизиқди, ички хонага олиб кирдим. Жавонлар эшикларини очиб: "Мана, Икром, менинг бойликларим, мана шу", деб кўрсатдим. Шеърӣ китоблар алоҳида эди. Икром, асосан, ана шу китоблар билан танишди. Бир маҳал кичкина китобчани қўлида ушлаб, олдимга келди. "Ортиқбой ака, – деди алоҳида салмоқлаб, – мана шу китобни менга берасиз, кўпдан бери излаб топа олмай келардим. Ниҳоят, кўлимга тушди". Қарасам, Литва шоири Эдуардас Межелайтиснинг Темур Фаттоҳ таржима қилган шеърлари. "Олинг, бу китоб сизники бўлсин, фақат яхши шеърлар ёзасиз", – деб шарт қўйдим. Шундан кейин Икром ижоди бир даража кўтарилди десам, янглишмаган бўламан.

Икром бир куни: "Ўзим учун яна бир шоирни кашф қилдим. Константин Бальмонт. Сўзни роса оҳангини топиб ёзар экан", – деб ўзига хос ҳаяжон билан таърифлаб кетди. Мен шундай завқи баланд, бутун вужуди билан шоир укам борлигидан бошим осмонга етди. Икром чиқарган китоблар кўп эмас, нари борса беш ёки олтига, аммо уларнинг салмоғи баланд. Қашқадарёга хос чўл табиати, кенглик, тоза ҳаво, илик шабадалар эпкинни бор бу шеърларда. Икромнинг дostonлари ҳам бир олам, ўзига хос дунё. "Ярадор умид отлари", "Ёбондаги ёлғиз дарахт", "Тағаззул", "Ичкари... Ташқари", "Анинг умиди", "Узоклашаётган оғрик", "Сопол синиклари", "Изтирор", "Харитага тушмаган жой" номли dostonларида қалб изтиробларини кўрасиз.

Хуллас, кўз ўнгимизда Икром сўз қадрини билиб, эъозлаб, суюб ишлатадиган нозиктаъб шоир бўлиб етишди. У кўхна луғатларни, буюк боболаримиз ёзиб қолдирган пурмаъно сўзларни ўрганиб ўзига хос услубда ишлатишни, "сўз теришни" яхши кўради. Қадимий сўзлар унинг талқинида янги кирраларини очиб бера бошлайди. Бу ўзига хос ноёб ҳодиса. Айтайлик, у ҳазрат Навоий асарларини ўқир экан, ҳайратга солган сўзни топиб олса, севинчини яқинларига етказмагунча тинчимайди; шу сўз бир шеър бағрига сингиб кетгунча изланишдан толмайди. Шоирдаги бу фазилат аслида "Шарқ юлдузи" журналининг шеърӣ-

ят бўлимида кўп йиллардан бери ишлаб, сўз заҳматини тортгани, уни кадрига етишни ўрганганига бевосита боғланади. Икромни тўғриси, мард йигит сифатида кадрлашади. 1991 йил “Шарқ юлдузи” журнали ташкил этилганлигига 60 йил тўлди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов бу сана муносиб нишонланишига катта эътибор берди. Журнал ходимлари учун унвонлар, уй-жойлар, автоуловлар ажратилди. Унвонга тавсия қилинганлар орасида Икром Отамурод ҳам бор эди. Аммо у очикчасига: “Менга квартира берсанглр бас, унвон ҳам, машина ҳам керак эмас”, деб туриб олди. Мен: “Квартирани, албатта, оласиз. Унвонга ҳам рози бўлаверинг”, деб кўп марта таклиф қилдим. Уни кўндириб бўлмади. Шунда раҳбарият ҳам тантилик қилиб, Икром Отамуродга квартира билан бирга фахрий ёрлик ҳам берди.

Мана, ўтган йиллар мобайнида, у “Шарқ юлдузи”да мусаххихликдан бошлаб, бош муҳаррир ўринбосарлигигача бўлган лавозимларни бажариб келди. Бу йиллар ичида “Шарқ юлдузи” жамоаси бир неча марта янгиланди. Фақат биргина Икром журналга садокатини ўзгартирмади. Яхши кунлар қайтишига умидвор бўлиб, қийинчиликларни орқага ташлаб, арзи дод, шикоят қилиб ўтирмасдан ишлайверди. Журнал ёпилиш даражасига яқинлашганда ҳам ташлаб кетмади. 1946 йилдан бери нашр этилган барча сонларини кўз қорачиғидек авайлаб, сақлаб қолди. Тахририят бир неча марта жойдан-жойга кўчса-да, битта сони ҳам йўқолмади. Бу фидойилик Икромнинг катта фазилатидир. Бундай садокат ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Ана шу оғир кунларда тахририятда маош учун пул қолмаган пайтлар ҳам бўлди. Фақат Икромгина бу қийинчиликка чидади.

Худоба шукур, ҳозир журнал қаддини ростлай бошлади. Асил ҳолига қайтди, адади ҳам бир қадар кўпайди. Икром Отамуроднинг қилган меҳнати ва садокати меваларини кўриб, ҳаммамиз севингандан-севиниб юрибмиз.

ТОҲИР ҚАҲҲОР

Бу ўрта бўйли, тўладан келган, ҳар доим бежирим қийиниб юрадиган йигит билан курсдош дўстим Зоҳир Аълам таништирган эди. Шу кезларда у Ўзбекистон радиосининг адабиёт бўлимида ишлар, яхшигина шеърлар ҳам ёзар экан.

“Шарқ юлдузи” журнали барча ёзувчилар, ёш ижодкорлар учун қутлуғ маскан бўлиб келгани маълум. Биз – ёш ходимлар, ишдан кейин тахририят қаршисидаги “Ўзбекистон” ресторани ёнбошидаги фаввора атрофида суҳбатлашиб ўтиришни яхши кўрар эдик. Айниқса, сеvimли ёзувчимиз Шукур Холмирзаев журналга ишга келганидан кейин, бояги “гўзал мажлис”лар доимий тус олди. Шу кезларда истеъдодли ёшлар Шукур акани тез-тез йўқлаб туришарди. Тоҳир Қаҳҳор ҳам ана шу ёшлар билан бирга ўзига хос адабий баҳсларимизга келар, суҳбатга аралашавермас, тинглаб ўтиришни яхши кўрарди.

Зоҳир уни менга таништирар экан: “Тоҳир фақат яхши шоиргина эмас, яхши боксчи ҳам”, – деб таърифлаган эди. Бу таъриф ҳазил эмас, асил ҳақиқат бўлиб чиқди. Тоҳир Қаҳҳор ҳам тенгқур дўстлари каби адабиётга катта ихлос қўйди. Изланди, азобланди, мустабид тузум йилларида бағри кабоб бўлиб, дил армонларини рамзлар, имо-ишоралар ичига яшириб яшашга мажбур бўлди.

Тоҳир Қаҳҳор ҳам Икром Отамурод сингари кўз ўнгимизда лирик шоир бўлиб етишди.

Мазкур хотираларни ёзар эканман, қайсидир ижодкорнинг асарини тахлил этиш эмас, балки маълум йилларда “Шарқ юлдузи” тахририятида ишлаган устозлар, тенгдошлар, шогирдларнинг қандай одамлар бўлганлари, қандай ишлаган-

лари, қандай хислатлар билан ҳурмат қозонишганини ҳаётий мисоллар билан айтишдан иборат. Албатта, шу аснода журнал бажарган улуғвор ишлар сарҳисоб қилиниши табиий. Тохир Қаҳҳорнинг изланувчан шоирлигини кўрсатиш учун, бир сонетини келтириш билан чекланаман:

Тунги сукунатни титратиб ўтар,
Бепарво боғни зор қакшатар шамол,
Беқарор дарахтлар бағрин дол этар,
Хор этар бу боғни шовкин ва малол.

Бу ҳолат руҳимда оғрик уйғотар,
Аммо бундан қочмоқ эмас муддао,
Ёлғиз тик турибман. Боғнинг бенаво
Ноласи пичокдек кўксимга ботар!

Юракларни ютиб, гувуллаб ҳамон,
Дарахтларни букиб эсмоқда шамол,
Само ҳам эгилиб бормоқда холсиз.

Қай инсон чидагай бундай аҳволга?
Ҳайқириб юборар қалбим шамолга:
"Мана, мен эгилмай турибман ёлғиз!"

У шоир сифатида ҳар доим мана шундай соддаликка, шеърӣй образларни ёрқин суратлантиришга интилди. Таҳририятга келганда ҳали китоби чиқмаган эди. Маълум муддат кекса масъул котибимиз Носир Фозиловга ёрдамчилик қилди. Шу даврда биронта бўш, яхши таҳрир қилинмаган қўлёзма журналда босилганини эслай олмайман. Кейинроқ Тохирнинг ташаббуси билан журналда кичик наср бўлими ташкил қилинди. Кенг ўқувчилар эътиборини тортган "Дукчи Эшон воқеаси", хунгар олими Ҳерман Вамберининг "Мовароуннаҳр тарихи" асарлари Тохир Қаҳҳор туфайли журналда босилди. Ўзим ҳам Тохир Қаҳҳор даъватига кўра қирим татар ёзувчиси Айдер Османнинг "Бир дунёда яшаймиз" киссасини таржима қилганман.

Мен "Шарқ юлдузи" журналида йигирма йил ишладим. "Эр йигит эл ичида етилар" деганларидек, журналда тажрибали акалардан ва укаларимиздан одамийлик илмини, таҳрир маданиятини ва сирларини ўргандим. Ижод захмати қандай оғирлигини, унинг қувончли кунлардаги завқи ва сурурини ўз бошимдан ўтказдим. Оғирликларга чидадим, бахтиёр дамларда, айрим мақолаларим, бадиаларим, минг бир истиҳола билан қилган таржималарим тилга тушганда ҳовлиқиб кетмадим, изланишдан, ўрганишдан эринмадим. Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсинки, "Шарқ юлдузи" журналида умримнинг энг бахтли онларини ўтказишга муяссар бўлдим. Бу мақаддас даргоҳда қайта-қайта тилга олганим Мирмуҳсин ака, Ҳафиз ака, Пирмат ака, Ўткир акалар қаторида қўп бағрикенг акалар ва истеъдодли укаларимиз билан ҳамкорлик қилдим. Шу ўринда, "Шарқ юлдузи"дек мукаддас даргоҳда бирга ишлаган инсонлар номларини санаб ўтсам: Ҳайдарали Ниёзов – бош муҳаррир ўринбосари, Оқилжон Хусанов – масъул котиб, Носир Фозилов – масъул котиб, Тохир Малик – масъул котиб, Омон Мухтор – бош муҳаррир ўринбосари, Неъмат Аминов – бош муҳаррир ўринбосари, Суннатилла Анорбоев – наср бўлими мудири, Шукур Холмирзаев – наср бўлими мудири, Хусниддин Шарипов, Ойдин Ҳожиева – шеърӣят бўлими мудири, Юсуф

Шомансур – шеърият ва танкид бўлими мудири, Зоҳир Аълам, Машраб Бобоев, Маъруф Жалил, Шукур Курбон, Келди Қодиров – адабий танкид ва публицистика бўлими мудири, Амирқул Пўлканов, Турсун Иброҳимов – наср бўлими ходими, Асад Асиров – наср бўлими ходими, Ямин Курбон – шеърият бўлими ходими, Нортўхта Қиличов – наср бўлими ходими, Мурод Хидиров, Алиназар Эгамназаров, – публицистика бўлими мудири. Таҳририятда унча кўп ишламаган бир қатор ака-укаларимизни ҳам тилга олиб ўтиш бурчимиз. Булар: Худойберди Тўхтабоев – бош муҳаррир ўринбосари, Аскар Ҳайдаров, Абусаид Кўчимов – масъул котиб, Мансур Тенглашов – танкид бўлими ходими, Мурод Муҳаммад Дўст – бош муҳаррир ўринбосари, Муроджон Мансуров – наср бўлими мудири, Музаффар Аҳмедов – шеърият бўлими ходими, Юсуф Абдуллаев – адабий ходим, Баҳодир Муродали – танкид бўлими ходими, Абдусосид Қамбаров – масъул котиб, Турсунной, Фарида, Манзура, Муҳайё – матн кўчирувчи кизларимиз.

Мен йигирма йил давомида мана шу азиз инсонлар билан бирга ишладим, мана шу азизлар билан яхши ва оғир кунларни бирга баҳам кўрдим. Бирига ука, бирига дўст, бирига ака бўлиб, бир бурда нонни бўлашиб едик. "Шарқ юлдузи" журнали ҳақида гап кетганда уларнинг самимий, инсоний фазилатларини эсламай ўтиш мумкин эмас. "Шарқ юлдузи"да ишлаган бахтиёр кунларимни мана шу азиз инсонларсиз тасаввур қила олмайман. Мазкур хотираларга нуқта кўяр эканман, юқоридаги мўътабар, заҳматкаш инсонларнинг эзгу ишларини муносиб давом эттираётган бугунги ёш, навқирон ижодий жамоага юксак мувоффақиятлар, ижодий омад ва мустаҳкам соғлик тилайман!

"Шарқ юлдузи" мусаффо осмонимизда ҳамиша юксак юлдуз бўлиб, порлаб турсин! Эзгу, қутлуғ ишларимизга Оллоҳ ҳамиша мададкор бўлсин!

Тамом

ҲУКМАТ


Ёзилган нарса авлодлар хотирасига қилинган ишдан ҳам узоқроқ яшайди.

Амир ТЕМУР

САНЪАТШУНОСЛИК

Абдумажид МАДРАИМОВ

Тарих фанлари доктори, профессор. 1946 йилда туғилган. “Расмларда Бобур ҳаёти”, “Камолитдин Беҳзод” (О.Усмонов билан ҳаммуаллифликда) рисолалари, “Камолитдин Беҳзоднинг Шарқ маданияти тарихида тугган ўрни”, “Шарқ миниатюра мактаблари” тўғрисида муаллифи, уч жиллик “Шарқ миниатюралари” номли каталог (инглиз тилида), “Тарихий манбаишунослик”, “Манбаишунослик” дарслиklarини яратган.



“ДЕБОЧА”ДАГИ КИТОБАТ СИРЛАРИ

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг бой меросида тасвирий санъат, хусусан, китобатга оид фикр-мулоҳазаларни ўрганиш шоирнинг ўз даври тасвирий санъати, китобат фани таракқиётида тутган ўрнини аниқлашга ёрдам беради.

Алишер Навоий тасвирий санъат, китобатга оид махсус рисола ёзмаган бўлса-да, шеърини девонлари, дostonлари ва бошқа асарларида бу соҳага оид кимматли фикрларини учратишимиз мумкин. “Бадойиъ ул-бидоя” девони “Дебоча”сида китобат фани ва бу санъатга оид сўз, атама, ибора, фикр-мулоҳазаларни алоҳида ўрганиш лозим. Чунки унда энг йирик ижодкор, бадий ижод намуналари номлари, бадий ижод хусусиятлари тўғрисида кимматли фикрлар баён этилган.

Шоир ўзи тузган “Бадойиъ ул-бидоя” девони “Дебоча”сида муаллифнинг ижодий таомили баён этилган бўлиб, у ўз девонини меъморий олий бинога киёс этади: “Ва мақсад ул дебочадинким, бу раъно рухсорига битилди, ул эрдиким, чун салотин кай бириким биное кўйубдурурлар маъниъ ва айвоне чекибтурурлар рафиъ, ул бино равокида ва ул айвон токида ўз исмларини тахир ва ўз алқобларин танкир қилибдурурларким, то ул айвон токи бўлғай, ул исм андо бокий бўлғай:

Ким қилса иморатеки, мақдур ўлғай,
 Чун исми китобасида мастур ўлғай.
 Не чоккача ул бино маъмур ўлғай,
 Ул исм улус тилига мазкур ўлғай.

Чун бу куббайи сипехртимсол қасредурур муалло, ул хазратнинг (Султон Хусайн Бойқаро – А.М.) таъби латифининг меъмори бино қилгон ва бу равзайи фирдавс мисол боғедурур жаҳоноро, ул жанобнинг хаёли шарифининг боғбони тарх солгон ва бу қаср (девон – А.М.) асосининг токида ул рўзафзун жаноб ёзилса, не ғариб ва бу боғ кирёсининг равокида ул хумоюн алқоб битилса, не ажаб:

Ғараз ул эрдиким, бу қасри олий,
 Ки ҳаргиз бўлмағай, ё раб, заволи.

Биноедурки, шах бунёд қилмиш,
Замона қасридек обод қилмиш”¹.

Бу жойда шоир ўз девонини олий касрга қиёслаб, уни яратилишидаги Хурсон подшоҳи Султон Хусайн Бойқаронинг (хукмронлиги 1469-1506 йй.) хизматини алоҳида кўрсатиб ўтмоқда.

Ушбу девон ва унинг ноёб кўлёмасини тавсифга олган йирик инглиз манбашуноси Чарльз Риё, дебочадаги шахзода Султон Муҳаммадга оид ижобий фикрларга асосланиб, китоб унга бағишланган бўлса керак деган тахминни олган сурган эди. Лекин дебочада девон тартиби ташаббускори Султон Хусайн Бойқаро эканини аниқ кўрсатмоқда.

Яна иккита шеърият мухлиси шахзода Султон Муҳаммад ва Султон Хусайн Бойқаро номлари ҳам эслатилган.

Алишер Навоий, девон тузувчиси, муаллифи ўзини қуйидагича атайди: “Бу паришон ажзонинг варақнигори ва бу ошуфта аврокнинг киссагузори, меҳнат паймонасининг журъакаши ва маломат хумхонасининг сабукаши, шайдолик маҳалласининг расвоси ва расволик кўчасининг шайдоси, вафо бўстонининг дostonсаройи, маломат булбули”². Яъни, бир маънони билдириш учун саккизта синоним сўзларни ишлатади. Бу сўзлар баъзиси бири бирига карама-қарши маънода, лекин ҳаммаси йиғилиб, муаллифнинг ўзи тўғрисидаги тасаввурини, ўша замон анъанасига биноан, ўта камтарлик билан ифодалайди.

Худди шунингдек, оддий китобат атама ва тушунчаларини ҳам, фасоҳатли сўзлар ёрдамида ифодаланганини кўраимиз.

Куйида дебочада ишлатилган бир қатор сўз ва ибораларни намуна сифатида келтираимиз: 1. Фасоҳат – сўзнинг очик, равшан, равон, ёқимли, қондага мувофиқ, чиройли услубда бўлиши. 2. Девон – шеърий тўплам. 3. Девон ясамоқ – девон тузмок. 4. Ғазалсаройлар – ғазал айтувчи, сўзловчи. 5. Табъ маҳзани – табъ хазинаси, кўнгил. 6. Оташин лаъл – кўчма маънода кучли шеърий сўз. 7. Назм – тузум, тартиб; териш, тизиш; Вазн ва қофияга солинган сўз, тизма шеър. 8. Назм силки – шеърий тизим, қатор. 9. Сўз дебочаси – Сўзбоши. Умуман, ушбу дебочада Алишер Навоий уч юздан ортик китобатга оид сўз, атама, ибора ва ўхшатишлардан фойдаланган. Бу эса, бир томондан шоирнинг сўз бойлиги беҳад эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан унинг юксак бадий маҳорат эгаси эканлигига далил бўла олади. Биргина ушбу дебоча эмас, “Хамса” дostonлари, “Ҳазойин улмаоний”даги ҳар бир алифбо ҳарфига чиройли ном қўйилишини ҳам эслатиш мумкин.

Хулоса шуки, Алишер Навоий китобат аҳли билан жуда яқин муносабатда бўлган, кейинчалик шахсий кутубхонасида замонанинг энг машҳур наққош-рассом устод Камолиддин Бехзод ва шогирдлари, Қиблат ул-қуттоб Султон Али Машҳадий ва унинг издошлари ижод қилган бўлиб, буюк шоирдан бизга битта “Занжирбанд шер” расми етиб келган. Афсуски, унинг кўплаб дастхатлари топилмаган ёки ҳали аниқланмаган. Уни ўз даври китобати хомийси бўлишидан ташқари, бу соҳа билимдони деб баҳолаш ҳам мумкин. Ижодкорнинг асарларидаги китобат ва санъатга оид маълумотларни жиддий тадқиқ қилиш олимларимиз олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Биринчи том. Бадойиё ул-бидоя. Тошкент: “Фан”, 1987, 23-24-бетлар.

² Ўша асар, 12-бет.

КИТОБАТГА ОИД СЎЗ ВА АТАМАЛАР:

1. Ҳамд – Оллоҳнинг мадҳи, анъанага кўра асар бошида келади.
2. Мурассаъ килмоқ – қимматли тошлар билан безамоқ, безатмоқ, кўчма маънода асарни зийнатли сўзлар билан безаш.
3. Гавҳари баён лутфи – яхши маъноларни баён этувчи мулоимлик.
4. Зийнат бермоқ – безамоқ.
5. Калом фихрести – сўз рўйхати, мундарижаси.
6. Санойи мастур – яширинган санъатлар.
7. Наът – Пайғамбарни мадҳ этиш, макташ.
8. Маншур – ёйилган, ёрлик.
9. Паришон ажзо – пароканда жузвлар, варақлар.
10. Варақнигор – варақни безовчи.
11. Ошуфта авроқ – тарқоқ варақлар.
12. Янги алиф – янги алиф ҳарфи, кўчма маънода янги чизилган.
13. Хат-хат қон – чизик бўлиб оққан қонлар.
14. Қўнгул сурати холи – қўнгул сурати аҳволи.
15. Мастур – беркитилган, ёзилган.
16. Ратбул-лисоний – тил даражалари.
17. Маглаъ – ғазалнинг бошланғич байти.
18. Хомам тили – қалам тили, учи.
19. Мушқбор қалам – ҳушбўй қалам, авваллари сиёҳга ҳушбўйликлар қўшилар эди.
20. Кофуркирдор саҳифа – оппоқ саҳифа.
21. Рақам килмоқ – ёзмоқ.
22. Мутааддид савод – кўп қоралаш, кўчириш.
23. Паришон абётни жамъ килмоқ – тарқалиб кетган байтларни йиғмоқ.
24. Пароканда ашъорга тартиб бермак – парчаланиб кетган шеърларни тартибга солиш.
25. Бу иш иртиқоби – девон тузишга киришиш.
26. Тадвин – тўплаш, жамлаш, девон тузиш.
27. Девон ясамоқ – девон тузмоқ.
28. Ашъор тадвин қилғонлар – шеърларни тўплаганлар, девон тузганлар.
29. Турк алфози – туркий сўзлар.
30. Туркийшиор – мумтоз ўзбек тилида ёзувчи.
31. Маоний ёмғури – маънолар ёмғири, муҳим фикрларнинг шеърий ифодаси.
32. Гирих тугмоқ – чизик, нақш чизмоқ.
33. Туркий абёт – мумтоз ўзбек тилидаги байтлар.
34. Алфоз назми – шеърий сўзлар.
35. Девон такмили – девонни битириш.
36. Нозимлар заройифи – тартибга солувчи, шоирлар нозикфаҳмлиги.
37. Зарофатдисор нозимлар – нозикфаҳмни бахш этувчи тартибга солувчи, шоирлар.
38. Миръоти беҳбуд нақши – кўзгадаги нажот нақши.
39. Мусхаф битмоқ – Қуръон матнини битмоқ, китоб килмоқ.
40. Мистар юзи – қоғознинг ёзув учун мистар, устига ип тортилган қалин қоғоз билан белгиланган жойи.
41. Ёзди алқобини – лақаби, унвонини ёзди.
42. Дақойиқ гавҳарлари – маъноли сўзлар.
43. Иборат қусури – ибора, сўз нуксони, камчилиги.

44. Тағйир бермак – ўзгартирмок, тузатмок.
45. Ислох килмок – тузатмок, кайта килмок.
46. Нуқсондин муарро килмок – камчиликдан холи килмок, тозаламок.
47. Номуносиб лафз – ўринсиз сўз.
48. Бирор лафз кижормок – бирон сўз киритмок.
49. Бирор ноҳанжор байтка хат урмок – бирон тартибсиз байтни ўчирмок, чизик тортмок.
50. Қасри зарнигор ясамок – яхши девон тузмок.
51. Байтга дахл бермок – шеърга ўзгатириш киритмок.
52. Мусаввар – тасаввур килинган.
53. Байтлар айвони – шеърлар айвони, биноси олди.
54. Ислохлар нақшу нигори – тузатишлар чиройи ва безаги.
55. Ихтимомлар баҳори – тугаллашлар баҳори.
56. Ҳар байти шохбайте – шеърнинг энг зўр байти.
57. Жавоҳир нақди махзан килмок – гавҳарлар нақдини йиғиш, жамлаш.
58. Афсонапардоз – киссага безак берувчи, муаллиф.
59. Равон хоманг – энгил ёзувчи каламинг.
60. Мураттаб – тартиб бериш.
61. Аторуд кўз қаросидин айлаб мураккаб – Меркурий сайёраси, ёзувчи, хат-тотлар хомийси кўз қорасидан сиёҳ тайёрлаб.
62. Арш лавҳига қаламни сурмок – Арш лавҳига ёзмok.
63. Нодир сўзга қойил ўлмок – нодир сўз айтмок.
64. Фикратинг девон хаёли килғай – фикринг девон яратишни ўйласин.
65. Мураттаб килмок – тартиб бермок.
66. Сўз ўлди мухтасар – Сўз киска бўлди, тугади.
67. Вожибул-иттибоъ амр – бажарилиши лозим иш.
68. Хомам тили лол – тилим учи лол.
69. Ўз каломи жонфизоси – ўз сўзининг оромижонлиги, жонга қувват берувчилиги, сифати.
70. Ақл хабири юзумга югурди – ақл маълумоти юзумга, хотиримга келди.
71. Тазйин бермок – зийнатламок, безамok.
72. Тадвин этмок – тўплаш, китоб ҳолига солиш, девон тузиш.
73. Сафҳа тартибига рақам чекмок – саҳифалар тартибида ёзмok.
74. Бу девон ...мураттаб бўлғай – бу девон ...тартиб берилади, иборат бўлади.
75. Ўзга давонинда – бошқа девонларда.
76. Девон тартиб килмок – шеърларни тугалланган ҳарфларига қараб тузмок.
77. Халойиқ иборати – оддий халқ тили, сўзлари.
78. Улус китобатида шойиъ – оддий одамлар китобатида мавжуд.
79. Матбуъ кисватин – маъқул кийим.
80. Мавзун хилъатин киймок – келишган, ярашган халат, кийим кийиш.
81. Ўттиз иккита гавҳар – ўттиз икки ҳарфли сўзлар маъноси.
82. Каломига футур воқий бўлмок – сўзига нуқсон етмок.
83. Инфиол ўлмок – хижолат бўлиш.
84. Тўрт ҳарф гавҳарлари – тўрт ҳарф билан тугайдиган сўзлар маънолари.
85. Ҳуруфи жавоҳири силкига тортмок – ҳарфлар жавоҳири ипига тизмок, шеър ёзмok.
86. Ғазалиётни ўттиз икки ҳарф тартиби билан мураттаб килмок – девонни мукамал килмок, яъни ўттиз икки ҳарф билан тугайдиган ғазаллардан иборат мукамал девон яратмок.

87. Ҳар ҳарф ғазалиётининг аввал битиган ғазал услуб хайсияти – ҳар ҳарф билан тугайдиган ғазалнинг биринчиси услуби хусусияти.
88. Мувашшаҳ – зийнатланган, безатилган.
89. Муфаттах – очилган, бошланган.
90. Насихаторо байт – насихатни безовчи байт.
91. Мавъизапардоз носихлар – ваъзни пардозловчи насихатчилар (21 бет).
92. Панду насихат – ўғит, фойдали маслаҳат.
93. Матлаъе ...итмом хилъатин ва анжом кисватин кийдурмайдулар – Матлаъ бошланғич икки қаторга тугалланганлик ҳалати, тўнини ва мукамаллик киймини кийдирмайдилар, яъни яхши ёзмайдилар.
94. Бу сурат доғи – яна бу ҳолатда.
95. Ҳар мазмунда матлаъе вокиъ бўлса, ...мактаъғача сурат хайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мUTOБИҚ тушгай – Қайси мазмунда матлаъ – бошлавчи икки қатор бўлса, охириги икки қатор – мактаъғача сурат ва маъноси жиҳатидан мувофиқ бўлсин.
96. Маснавий – ҳар икки мисра-қатори қофиядош шеърий асар.
97. Мужаллад – чарм муковага олинган, муковаланган.
98. Рухафзо мухаммас – жонни қувонтирувчи бешлик, бешталиқ. Ҳар бўлаги (банди) беш мисрадан иборат бўлган шеър тури.
99. Хамсазийнат – зийнатланган бешлик.
100. Равоносо мусаддас – жон каби, жонга ўхшаш олти қиррали, шеърда асли икки мисрага тўрт мисра кўшиб, олтилик қилиш.
101. Ситтазийнат – олти зийнатли.
102. Муфид рубоиёт – фойдали тўртликлар.
103. Зойидул-ҳад – ортикча даража, мартаба.
104. Киромий луғзлар – азиз, хурматга сазовор топишмоқлар.
105. Мусалсал таржиълар – занжирсифат қайтарик шеър.
106. Муътадил туюқлар – муътадил туюқ, шеър охирида келадиган бир хил ёзилиб, турли маъно англатадиган сўзлар ишлатилган шеърлар.
107. Туркий услуб бу абёт зайлида мухайял – туркий услуб бу шеърлар охирида фараз қилинади.
108. Бу фихрастдинким, бу зебо узорига ёзилди – бу чиройли юза (қоғоз)га ёзилган рўйхатдан.
109. Мақсад бу дебочадинким, бу раъно рухсориға битилди – бу гул (девон) юзига битилган сўз бошидан мақсад.
110. Раъно рухсори – қоғоз юзи маъносида.
111. Ул бино токида – у бино гумбази, эшик ва деворлар устидаги ярим доира шаклида ишланган жойи.
112. Ўз исмларин таҳрир – ўз номини ёзган.
113. Ўз алқоблари танкир қилмоқ – ўз унвонини ўйиб битган.
114. То ул айвон токи бўлғай, ул исм анда бокий бўлғай – айвон токи бўлганда, ундаги исм ҳам доим бўлади.
115. Исми китобасида мастур ўлмоқ – номи ёзувида яширинган.
116. Не чокқача ул биноки маъмур ўлғай – қачонгача у бино обод бўлса.
117. Ул исм улус тилига мазкур ўлғай – кишилар тилида у ном эслатилади.
118. Бу қуббайи сипехртимсол қасре муалло – осмон каби қуббали юксак қаср.
119. Таъби латифининг меъмори бино қилғон – мулоийм таъби меъмори яратган.
120. Бу фирдавсмисол боғе жаҳоноро – жаҳонни безовчи жаннат боғи каби, яъни девон.

121. Хаёли шарифининг боғбони тарх солгон – шариф хаёлининг боғбони тархини яратган.
122. Ул рўзафзун жаноб ёзилса – у кунни узайтирувчи жаноб (номи) ёзилса.
123. Бу боғ кирёсининг равокида ул хумоюн алкоб битилса – бу боғ дарвозаси равокида у шоҳона лақаб ёзилса.
124. Ани шаҳ ихтимоми қилди маъмур – шоҳ ҳаракати билан обод қилинган.
125. Мени меъмор фарз эт, балки муздур – мени (Алишер Навоий ўзини) меъмор, балки ишчи деб фараз қил (демоччи).
126. Тугангач шоҳ қасри зарнигори – шоҳ қасри зийнатлари тугагач, яъни девон қўлёзмаси ёзиб, безатилгач.
127. Иморат саяйида ким бўлса зарпош, Бино онинг оти бирла бўлур фош. – Иморатни безатишга ким ҳаракат қилган бўлса, бино унинг номи билан машҳур бўлади.
128. Биноға гарчи ҳар ким бўлса боний, Атарлар боний исми бирла они. – Бинони курувчиси ким бўлса, унинг исми билан иморатни атайдилар.
129. Шаҳ отин, чунки бу маънини билдим, бу қаср айвони узра сабт қилдим – Мана шу маънода бу қаср – девон айвонида, дебочасида шоҳ отини ёздим.
130. Ало, то чарх қасри сойир ўлғай, Нужум айвони узра дойир ўлғай – чарх қасри айланар экан, юлдузлар айвонида ҳам мавжуд бўлади.
131. Бу шоҳ айвони умрининг биноси, Матин ўлсун, нечукким чарх асоси – Бу шоҳ айвони умри биноси, чарх асоси каби мустаҳкам бўлсин.
132. Қадар девонидин ҳар лаҳза комин, Қазо дилхохидек еткурсун, омин! – Тақдир девонидан ҳар лаҳза мақсадини, тасодиф кўнгли хоҳлагандек етказсин!
133. Паришон абётким, шарх қилгондек тартиб топти – тарқоқ шеърый байтлар шарҳлангандек тартиб топти.
134. Баъзи бадиҳа – баъзиси ўйламасдан бирданига айтилган, ёзилган.
135. Жамъ қилмоғида далирлик қилинмас эрди – йиғишга дадиллик қилинмас эди.
136. Халойиқ аросида минг байт-икки минг байт ортуғроқ-ўксукракким ўзлари жамъ қилиб эрдилар... – халқ орасида минг-икки минг байт, ориқ-кам ўзлари йиққан девон мавжуд эди.
137. Буларнинг тартибига ҳукм бўлгондин сўнгра – Бу девон тартибига буйруқ бўлгандан кейин.
138. Баъзи ғазалиётеким, нотамомроқ эрди – баъзи ғазаллар мукамал эмас.
139. Китобат шуюъидин – китобат шонидан
140. Назм силки – шеър тизими. Ипи.
141. Сода байт – тоза, янги шеър, байт.
142. Сўз риштаси узолди – сўз ипи узилди, тугади.
143. Бу номағаким, хомам этибтур таҳрир – каламим ёзган бу нома.
144. Таксир топилса, айласунлар тағйир – камчилик, хато топилса, тузатсинлар.
145. Тағйир берурда қилмасунлар таксир – тузатишда хато қилмасинлар
146. Айб истагучики, сўзилур барча хилоф – ҳамма сўзи қарши бўлган айб истовчи.
147. Мундоқ жавҳарийға Тенгри бергай инсоф – бундай моҳиятта Тангри инсоф берсин.
148. Ё раб, чекибон кўп ракам журму гуноҳ – Ё Оллоҳ, кўп ёзиб, айб ва гуноҳ қилдим.
149. Номамни қаро қилдим умуруни табоҳ – ёзганимни қаро қилиб, умримни хароб қилдим.
150. Машҳар куни неткамен мени номасиёх?! – Машҳар – киёмат куни мени номаси қора нима қиламан? (25 бет).

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Бўритош НОСИРОВА

1949 йилда тугилган. Самарқанд давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. “Бир дарахтнинг икки новдаси”, “Эзгуликка чорлаган наво”, “Орзу ошённи”, “Яхшилик каъбаси”, “Битилмаган дostonдир бори”, “Суюнч тоғлар” каби публицистик тўпламлари нашр этилган.



ХОТИРА – ЮРАК АРМОНИ

Инсонни кадрлаш, меҳр-мурувват кўрсатиш, ўтганларни эслаш, ёд этиш одамийликнинг энг гўзал фазалатларидан биридир. Токи, бу улуғ туйғу барҳаёт экан, инсоният ҳаёти бардавондир. Хотира – юрак армони, хайрли ҳамда эзгу ишлар марҳамати. Бундай иборалар шоир Исмоил Тўхтамишев қаламига мансуб шеърларда кўп бора кайд этилган. Мен хўрсиниш билан буни у ҳақда ёзаётган битикларимга ишлатаямман.

Исмоил Тўхтамишев содда ва меҳнаткаш, сўзга меҳри ҳамда ихлоси баланд, элнинг корига ўзини мададкор айлаган Қашкадарёнинг муносиб фарзанди эди. Мен у киши билан Самарқанд давлат университетига ҳужжат топширган бир минг тўққиз юз олтмиш олтинчи йилдан танишман. Танишлигимиз беғубор, катта дўстликка айланганди. Кейинчалик у кўплаб китоблар муаллифига айланиб, таникли шоир, жамоат арбоби бўлганида ҳам ўз самимиятини йўқотмади. Исмоил Тўхтамишев жуда одамохун, кўнгли бўш, нозик дидли одам эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Исмоил Тўхтамишев раҳбарлик қилган вилоят бўлинмаси жойлашган иккинчи қаватдаги хонада (умуман олганда, қайси хонада умри давомида ишлаган бўлса, чиройли пахта гулли, ўрчачарок чойнак, дид билан тикилган ялтироқ чойнакпўши билан тўрт дона тоза янги пиёла) доим қайноқ чой тайёр турар эди (раҳматлининг қандли диабет касали бўлиб, кўп чой ичар эди.) Қачон қарамай, бир бориб қолсам, ниманидир ёзиш, ниманидир ўйлови билан банд бўлиб ўтирарди. Қорароқ буғдой нонми, яхши навли пишлокми, айникса, чилонжийдани унга илиниб олиб борсам хурсанд бўлар, эътибордан кўнгли кўтарилиб кетар эди. У ёш боладек кўнгил одами эди.

Мен ва менинг оилам учун жуда кадрли инсонлар бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тождиддин Муродов ва унинг укаси хонанда Пўлатжонларнинг вафоти барча санъат мухлисларини чуқур ларзага солди. Мен Пўлатжон вафот этган кун эрталаб таъзияга Жейновга жўнаш олдидан Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлинмасига кирдим, шоир газета титкилаб ўтирган экан. Мен йиғлаб юборсам, шошиб қолди. “Пўлатжондан айрилиб қолдик”, – дея олдим, холос. Қип-қизариб, жуда мазаси қочиб қолди, кўзидан селдек ёш оқди. Мен пастда машина кутаётганини айтиб чиқиб кетдим. Орқаларингиздан беш-ўн киши бўлиб борамиз, деб қолди. Орадан тўрт-беш кун ўтгач, кўнгирик қилиб уюшмага

чақирди. Борсам, папирос чекиб, гуссага ботиб ўтирибди, кўзлари кизариб кетган. Қўлимга қораланган қоғозни узатди. Қоғоз: “Бу гулшан саҳнида” китоби-га киритилган “Орзулари юксак эди” мақоласи ва “Нима бўлди сенга, Пўлат?” деган марсияси эди. Қарши педагогика коллежида дарс бериб юрган кезларим, ўқув даргоҳимизда чиройли тadbирлар ўтказилар эди. Уларнинг пухта режа асосида яхши ўтишига олим, билимдон раҳбаримиз Рустам Ражабов бевосита раҳбарлик қилар ва режани тузиш ҳамда амалга ошириш ишларида Исмоил Тўхтамишевнинг зукко шогирдлари: шоира, “Шухраг” медали соҳибаси Нилуфар Умарова, тил ва адабиёт фани ўқитувчилари Ораста Тошева, Умида Абдуллаевалар жонбозлик кўрсатишар эди. Tadbирларда Исмоил Тўхтамишев шеърларидан, маслаҳатларидан кизларимиз унумли фойдаланишарди. Умуман, шоир бизнинг коллежимиз tadbирларига ўзгача бир эътибор билан қарар, мунтазам келиб қатнашарди. Муллатўйчи Тошмухаммедов номидаги вилоят театрида ўтказилган республика миқёсидаги “Темурий баҳодирлар” деб номланган кўрик-танловга режиссёр Исоқ Тўраев билан келиб сидқидилдан ёрдам берган эди. Бу тантаналарга Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ ижодкорлар, республика газеталарининг бош муҳаррирлари қатнашиб, юқори баҳо беришганди. Айниқса, кўрик-танлов якунида бахмал матода Ўзбекистон мадҳияси ва байроғини темурий баҳодирлар кўтариб чиқиши кутилмаган ҳодиса бўлиб, ҳаммани лол қолдирганди. Бу кўрик-танловнинг муваффақиятли чиқишида Исмоил Тўхтамишевнинг қатта ҳиссаси бор. Мусобақага тайёрланишда ўзини ҳам, вақтини ҳам аямади. Юқори савияда ўтган бу tadbир ҳужжатли фильм тасвирига туширилди. Tadbирдан сўнг, миннатдорлик билдириш учун шоир хузурига бордим. Не кўз билан кўрайки, шоирнинг олдида бир боғлам газета тахлами. Устида турган газета бети ҳўл, ўзи эса руҳан эзилиб бир ахволда ўтирибди. Чой қайнаб ётибди, тушлик ҳам ўтиб кетган. Мени кўриб бошини оғир кўтарди. “Яна бир кадрдон дўстимдан айрилибман” деди эзилиб, газетага ишора қиларкан.

Исмоил Тўхтамишев онасига жуда меҳрибон ва жуда суяниб қолган эди. Онасининг вафотидан сўнг, онаизори хотирасига бағишлаб кўп шеърлар ёзди:

Онамсиз ҳам ўтди олти ой,
 Хаёлимда дунё торайди.
 Ҳаёт қайта очмади чирой,
 Пештоқлари нурсиз, қорайди.

Сиз бор учун ғамим йўқ эди,
 Ҳаётимдан кўнглим тўқ эди.
 Дилни ёққан оташ, чўғ эди,
 Дунё сизсиз мунгайган, Она!..

Исмоил Тўхтамишев одамлардаги самимийлик, ростўйлик ва эзгуликни жуда кадрларди. “Ростўй одамнинг юзидан нур ёғилиб туради”, дерди. Ва, ўзида шу инсоний фазилатлар мужассам эди. Ёлғонни, ғийбатни эпломасди. Бир куни мендан бир муҳим ҳужжатни тахтлаб, келтириб беришни илтимос этиб, кўнғирок қилди. Бу ҳужжат ҳисобхона билан боғлиқ бўлгани учун мен уйга бориб паспортимни олиб келгунча ҳужжат биров кечикди. Уюшмада ҳужжатни кутиб, сиқилиб (хузурида адиба Шарофат Ашурова бор экан) ўзича мени койиб, диққат бўлиб

турган экан, лоп этиб мен кириб келдим. Шоир бирдан кип-кизариб, ўзича стол тортмасидан бир боғлам қоғоз олиб титкилайверди. Шарофат Ашурова эса менга караб, кўзини катта очиб пирпиратаяпти. Индамай хужжатни топширдим, хар доимгидек тайёр турадиган чойдан сузиб ичдим ва “Шарофат кетмаймизми?” десам, “Кетамиз!” деди.

Хайрлашиб йўлга чикдик. Йўлда Шарофат Ашуровага тўғриси айт, мен ҳақимда гапираётган эдим, десам, у кулиб ким ҳақида гапирилаётганини ҳам билмай қолдим. Кирсам шоирнинг жаҳли чиқиб турган экан, нукул: “Бу кампир мени асабимни ўйнайди”, дейди. “Қайси кампир”, деб сўраб турганимда, сиз кирдингиз... Менинг эса кекчирик одатим бор, бировни дарров кечира олмайман. Ўчимни оламан, деб, дилимга тугиб қўйдим. Уч-тўрт кундан сўнг, бир неча ижодкорлар тўпланишиб, қайсидир тадбирга гурунглашиб кетаётган эдик.

Истироҳат боғининг йўлагига иккита лўли хотин: “Бизларга хайр қилинг”, деди. Ўшанда энди янги минг сўмлик чиққан эди. Мен дарҳол сумкамдан пул чиқариб узатдим-да, мени ва манави “чол”ни дуо қилинг, дедим. Лўли хайрон бўлиб бизга каради-да, илоҳим, шу акажонимни умри узок бўлсин, мартабалари янада баланд бўлсин. Сиз ҳам ёнгиналарида соғ-омон юринг, деб дуо қилди. Ўшанда шоир оппоқ қўйлак, яп-янги, кўк костюм-шимда башанг кийиниб, сочларини тараб олиб, шахдам қадамлар билан кетаётган эди. Менга караб “Ўчингни олдинг-а!” деди беғаразгина кулиб.

Қарши туманининг Араловул қишлоғида таваллуд топган Исмоил Тўхтамишев қалбига шеър ёзиш ишқи тушган талабалик йилларидан бошлаб бетиним қалам тебратди. Унинг “Чўл бойчечағи”, “Жоним Муҳаббат”, “Онам тилаклари”, “Ўчмас хотиралар”, “Сийпантош”, икки томлик “Сайланма” китоблари, етмишдан ортик вилоятимиз санъаткорлари ҳақидаги мақолаларини жамлаган икки жилдлик “Бу гулшан саҳнида” тўпламлари нашр этилган. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тадбирини нишонлаш арафасида “Еркўрғон” номли шеърый китобини “Ўқитувчи” нашриётида чоп эттирди. Байрам тантаналари сценарийсининг муаллифларидан бири бўлди.

Исмоил Тўхтамишев Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлинмаси раҳбари ҳамда ижодкор сифатида кўп ва хўб ишлар қилди. Бўлинмага раҳбар пайтида жуда кўп ёзувчи ва шоирларнинг таваллуд айёмларини ўтказишда бош-қош бўлди. Жамоадошларининг хурматини қадрлади, жойига қўйди. Ҳадиси шарифда айтилишича, кимки ўзидан кейин солих шогирдлар, яхши обид фарзандлар ва эл юрти учун ёзилган китоблар қолдирса, унинг иккинчи умри уларда давом этаркан.

Шу маънода Исмоил ака ёш ижодкорларга хар доим эътибор бериб келарди. Унинг ташаббуси билан ёшларнинг ижод намуналаридан тўпланган қатор баёзлар чоп этилган ва бу нарса ижод аҳлининг кўнглини кўтарган. Дўстинг учун бир кунда бир соат яша деган гапга эътибор бермаганмиз, деб, куйиниб қоламан, баъзан. Хулоса қилиб айтганда, Исмоил Тўхтамишевнинг ёзувидаги бир-биридан сара, бир-биридан яхши, ўқишли шеърлари, бадиалари ўйлайманки, дилларга ҳали узок йиллар завқ беради. “Маънавият сарчашмаси”, “Насафнинг ҳадис мактаби”, “Абадият йўли”, “Тўй”, “Маданият иймондан бошланади”, “Мунофиқлик манзаралари”, “Ихлос”, “Виждон тарозуси”, “Таъкиб”, “Топиб, дўст тутинаман”, “Аросат” сингари бадиалари маданият ва маънавиятга йўғрилган манбалардир.

Исмоил Тўхтамишевнинг “Сайланма”сини варақлар эканман, биринчи бетдан жой олган сурати, бир мақоласида айтилгандек, безоргина жилмайиб туриб: “Яхшиликни асранг, одамлар!”, деяётгандек бўлади.



Ояр ВАЦИЕТИС

Таниқли латвиш шоири. 1933 йилда тугилган. Латвия давлат университетининг филология факультетида таҳсил олган. Шоирнинг “Олис сафарлар шамоли”, “Ёлқин ичра”, “Остона ҳатлашга вақт йўқ”, “Какку вақти” ва бошқа шеърый китоблари нашр этилган. 1983 йилда вафот этган.

Чексиз бир давомийлик

Тонг шу қадар улканки,
менинг кичик дарчамга
сиға олмай товланар.

Куёш шу қадар улканки,
камаштириб сочар нурларин,
шундай бўлар шодиёналарда
ва ўзига уннай бошлар.

Менинг эса
охиригача кўрилмаган
тушим қолди.

У шундай янгроғу яйнок
ва ҳатто бўйсунмас сўзга,
ва яна мана мен бойман
яқун топмаган ўзим билан.

Яқунланмаганлик –
бу ҳам бир парчаси
бахтли бирликнинг
гўё қўл ёки
оёқ каби.

Яқунланмаганлик –
тирик қалб харакатининг гарови
ва бу белги – яқун топмаган.

Улкан тонгнинг ёруғлигида
менинг барча деворларим –
манзараларим,
уларда кўринар фақат
кечаги ғубордан аритмаганим.

* * *

Ўғлим, мана сенга бир уюм тупрок.
Барча сўзларнинг дебочаси –
замин.

Унда қасрлар қур, кўпригу йўллар.
Қачондир уларни чиндан қурарсан.
Ерни ҳайда ёки ташиб кўр,
майли сепгин уни усти бошингга,
тилингга теккизиб тотиб кўр уни.
Ўрган уни яхшилаб,
нима ўзи ер?

Шундай ўргангинки, уни сен,
токи, ишониб бўлмасин турли гапларга.
Қулоқ солма.
Тупрокни чўнтакка жойлаш мумкин.
Жойла агар керак бўлса.
Ишонма, агар кимдир сенга:
“Бу парча ер меники”, деса.
У одам хаста.
Бу ер сеникидир.

Ўрган ерни
унда қаддинг адл тутишинг
ва шу ер учун туришинг керак.
Уни асрашинг ва унга қўшилишинг бор.

Бирок бунинг бари кейин,
ҳозир эса – яхшилаб ўрган.
Тупрок узра имирсилайвергин,
майли, уни чангитиб ҳам кўр.

Қачонки, бу тупрокқа сен уруғ кўмиб қўйсанг,
шунда кўрасан барини ўз кўзинг билан.
Мен ҳам кейин бас қиламан
сенга тупрок ташишни.

Ўшанда биз белқурак ва ўйинчоқларни
бошқа болакайга берамиз.





* * *

Энг баланд
 дарахтнинг учиди,
 титраётган
 ёлғиз япроқ узра
 қахраболар сочиб ёзилган:
 Тонг!
 Уйғониб кетдим.

* * *

Ёруғ тунда
 айрича афсун бор,
 у изн бермас кўнишга,
 парвозда ушлаб турар.
 Туйғу ва орзунинг измида
 сирли кучла баландладингу
 парвоз қиласан
 ерга тегмасдан.

Қандайдир тушлар
 кўрилмай қолган,
 қандайдир фикрлар
 айтилмай қолган,
 қандайдир меҳр
 содир бўлмаган
 учаётган ўтган лахзалар
 сенга қайтмоқда яна
 ёғаётган гулбарглр каби,
 гўё игна санчилгандек
 оғрикли,
 хира тортган ва униққан
 эски киноленталардек
 кўзга ташлана бошлар.

Ёруғ тунда
 бирор нарса ҳақда
 хаёл суриш
 ақлга сиғмас,
 чунки борликнинг
 яланғоч моҳияти,
 аёндир сенга.

Баайни нота белгилари
 оркестр чолғуларига тушмас.

Ёруғ тунда
 мен ўқишга уриндим –



бирам ёруғ эди,
бирок бир неча сўзлардан сўнг
сўна бошлади ҳарфлар.

Ва мен ўқир эдим
ёруғ тунда
афсонавий оппоқ,
ақл бовар қилмас
варақни.

* * *

Дардлашамиз шу бир сўз билан,
бирок ҳар ким
ўзича куйлар,
чунки ҳар кимнинг ўз даврони,
ўз қувончи ва севгиси бор.

Ҳар биримизнинг:
ибтидомиз,
давомимиз
ва поёнимиз бор.

Ва бу интиҳо йироқлашишин хоҳлаб,
бирга бўлишни истадик
куйлаш учун
шу бир хил сўзни.
Менинг ҳар бир сўзимга сенинг,
сенинг сўзингга
унинг сўзи чикмоқда пешвоз.
Ва барчаси
ёруғ бир дарёдек
қуюлмоқда қўшиғимга.
Ва мана, олам узра
қудратли бир ибтидо,
чексиз бир давомийлик жарангламоқда,
мутлақо,
мутлақо кўринмас интихоси.

*Рус тилидан Даврон РАЖАБ
таржимаси*

Даврон РАЖАБ

1967 йилда туғилган. Республика рассомлик коллежсини тугатган. Шоирнинг "Бир томчи юлдуз", "Бахт шамоллари" номли шеърый тўпламлари нашр этилган. Шеърлари рус, инглиз, хинд тилларига таржима қилинган.



* * *

9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида турли вазирик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари, маънавият, таълим-тарбия, санъат соҳаси вакиллари, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирокида буюк бобомиз таваллудининг 576 йиллигига бағишланган анъанавий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, Будапешт университетининг туркшунослик бўлими мудирини, навоийшунос олим Бенедек Пери, Самарканд давлат чет тиллар институти ўқитувчиси Динора Султонова ва бошқалар улуғ шоирнинг она тилимиз, адабиётимиз ҳамда маънавий хазинамизга қўшган хиссаси дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаётганини таъкидладилар.

Тадбирда ўзбек ва инглиз тилларида Навоий ғазалларидан намуналар ўқилди. Анжуман иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

* * *

Шу куни пойтахтимизнинг Навоий кўчасидаги шоир ҳайкали пойида бўлиб ўтган мушоирада Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, навоийшунос олим Азиз Қаюмов ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги мураккаб глобаллашув замонида ёшларни турли ёт гоёлар ва оммавий маданият хуружларидан ишончли химоялашда, миллий анъана ва кадриятларимизга ҳурмат, ватанга садоқат руҳида тарбиялашда Навоий меросини чуқур ўрганиш гоёт долзарб аҳамият касб этажанини таъкидладилар. Ёш шоирлар Жўрабек Жаҳон ва Баҳодир Баҳром Навоийга бағишланган шеърларини анжуман иштирокчиларига ўқиб бердилар.

* * *

Япониянинг Сока университетида Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда улкан салоҳият эгаси бўлган бобокалонимизнинг дунё тамаддунига қўшган салмоқли хиссаси алоҳида эътироф этилди. Жумладан, Киото университети профессори К.Кубо таджикотларида Навоийнинг ижтимоий аҳамиятга молик кўплаб бионалар қурдирганини тилга олди. Қунчиқар мамлакатнинг турли олий ўқув юртли раҳбарлари, профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек, “Япония – Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда улуғ шоир асарлари инглиз, рус, форс, араб, япон ва бошқа кўплаб тилларга таржима қилингани, Тошкент, Москва, Токио ҳамда Боку шаҳарларида Алишер Навоий ҳайкаллари қад ростлаб тургани эътироф ила таъкидланди.

– Биз Алишер Навоий меросини юксак кадрлаймиз, – деди Сока университети ректори, профессор Йошихиса Баба. – Мамлакатимиз ёшлари ўртасида улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига, унинг япон тилига таржима қилинган асарларига бўлган қизиқиш катта.

– Алишер Навоий қолдирган ижодий мерос улкан ва жуда серқирра, – деди Сока университети профессори, япон навоийшунос олими Мицуру Кояма. – У инсониятга қатор девонлар, дostonлар ва илмий асарларни тақдим этди. Алишер Навоий тараннум этган юксак инсонпарварлик гоёлари бугунги кунда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Буюк шоир ижоди инсониятнинг беназир мулки ҳисобланади.

21 февраль куни Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрида Алишер Навоийга бағишланган адабий-маданий анжуман бўлиб ўтди. Мазкур тадбир Қозоғистон халқи ассамблеяси бошчилигида Қозоғистон Республикаси Миллий академик кутубхонаси, Остона шаҳар ўзбек этномаданий маркази, Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ва Юнус Эмро номидаги Турк маданий маркази томонидан ташкил этилди.

Анжумандан кўзланган мақсад тил ва маданиятни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, адабиётга қизиқишни шакллантириш ҳамда мумтоз ўзбек шоир ва мутафаккирларининг адабий меросини тарғиб-ташвиқ этишдан иборат бўлди. Тадбирда Қозоғистон Парламент Мажлиси депутатлари, Фанлар академияси аъзолари, Ўзбекистон, Озарбойжон, Туркия ва Қирғизистон элчихоналарининг вакиллари, жамоат арбоблари, олимлар, оқинлар, ижодкорлар, этномаданий ва ёшлар бирлашмаларининг масъул ходимлари, Қозоғистондаги барча ўзбек маданий марказларининг вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирнинг расмий маросимини Қозоғистон халқи ассамблеяси расмининг ўринбосари Ерали Тугжанов кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, жамоат арбоби, профессор Муҳаммад Али Аҳмедов табрик сўзини айтди. Шунингдек, Озарбойжон ва Туркия давлатларининг Фавкулудда ва мухтор элчилари, Қозоғистон Республикаси ўзбеклари жамоат бирлашмалари ассоциацияси раиси Икром Ҳошимжонов, Остона шаҳар ўзбек этномаданий маркази раиси Шерзод Пўлатов ва бошқалар Алишер Навоийнинг ижоди ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти, бебаҳо адабий мероси ҳақида сўзладилар.

Тадбирнинг адабий-маданий қисмида Алишер Навоий ҳаётига бағишланган видеотасвирлар, сахна кўринишлари намойиш этилиб, улуғ шоир ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар, миллий ўзбек рақслари ижро этилди.

* * *

Дилбар шоир, улуғ саркарда ва давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобурнинг 534 йиллиги Андижон вилоятида кенг нишонланди. Пойтахтдан, вилоятлар ва хорижий мамлакатлардан келган бобуршунос олимлар, таниқли ижодкорлар ва жамоатчилик вакиллари Бобур ҳайкали пойига гуллар кўйдилар.

Анжуманда иштирок этган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ ёзувчиси Муҳаммад Али Президентимиз томонидан адабиётга, китобхонликка, миллий кадриятларимизга юксак эътибор қаратилаётганини таъкидлар экан, жорий йилни Андижон вилояти учун Бобур йили деб эълон қилинганлиги адабиётга бўлган эътиборнинг яна бир намунасидир, деди. Тадбирда қатнашган Афғонистон илмий-маданий маркази раҳбари, бобуршунос олим Азизулло Орол, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Қамчибек Кенжа, шоира Хуршида, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Саидабону Абдусаломова ва бошқалар Бобур асарларининг умрбоқийлиги, нафосати ва ахамияти ҳақида сўзладилар.

Шу куни Андижон шаҳридаги Бобур жамоат фонди биносида илмий-адабий анжуман ўтказилиб, унда кейинги йилларда бобуршуносликда катор ибратли ишлар амалга оширилгани қайд этилди. Жамғарма раиси Зокиржон Машрапов фонднинг 2016 йилдаги фаолияти ва 2017 йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларига тўхталиб ўтди.

Абдулла Аъзам, Ҳамидулла Болтабоев, Ҳайдар Бобобеков, Ҳасан Қудратиллаев, Афғонистонлик Зиёвиддин Қайсари сингари бобуршунос олимлар ҳамда Ўзбекистон халқ шоирлари Тўлан Низом, Хуршид Даврон, Энахон Сиддиқова, шоир Янгибой Кўчқоровлар сўзга чиқдилар.

Анжуманнинг бадий қисмига уланган “Назм ва наво” кечасида Зиёвиддин Мансур, Дилбар Ҳайдарова, Дилором Эргашева, Зухра Алиева, Замира Рўзиева, Омина Тожибоевалар ўқиган шъар ва ғазаллар барчага манзур бўлди. Бобур ғазаллари билан қуйланувчи кўшиқлар янгради.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

ХУСАЙНИЙ. Чун ҳақиқат нури ул ораз тажаллисинададир.4

ПУБЛИЦИСТИКА

Азамат ХАЙДАРОВ. Маънавий жасорат тимсоли.8

НАЗМ

Усмон АЗИМ. Юрагимда сукутимдан сўзлар мўл.12

Қутлибека РАҲИМБОЕВА. Ўзбек деган хон сўзини
жарангида юрибман.30

Илхом АХРОР. У тўлқиннинг манзили соҳил.34

ФАХРИЁР. Қиш.56

Ширин СОБИРОВА. Дилини ўртади фирок.67

НАСР

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Умид гули. Ҳикоя.18

Турсунмурод ЭРМАТОВ. Икки ҳикоя.38

Кенгесбой КАРИМОВ. Оғабий. Роман (давоми).77

ЭҲТИРОМ

Зухра БЕГИМ. Устоз.119

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Шавкат ЖЎРАБЕК. Ёруғлик орзуси.140

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ. “Хамса”да Искандар ва Хизр образлари. ...70

ТАЛҚИН

Ҳаким САТТОРИЙ. “Илмдан ўзга нажот йўқ”.125

ТАҲЛИЛ

Рисолат ХАЙДАРОВА. Тарихий ҳақиқат, бадий тўқима ва
уйдирма.129

САНЪАТШУНОСЛИК

Абдумажид МАДРАИМОВ. “Дебача”даги китобат сирлари.161

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХОТИРАЛАР

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ. “Шарқ юлдузи”да кечган кунларим
(охири).150

КЎНГИЛ МУЛКИ

Абдуғани СУЛАЙМОН. Қўшиқ колдирайлик абадиятга.144

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Бўригош НОСИРОВА. Хотира – юрак армони.167

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Ояр ВАЦИЕТИС. Чексиз бир давомийлик.170

Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2017

2-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуктаназаридан фаркланиши мумкин. Тахририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100127, Тошкент шаҳри,
Ўзбекистон кўчаси, 16-а уй.

Телефонлар:

227-00-81, 245-22-99, 245-27-87

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
10.03.2017 йил.

Қоғоз бичими 70x108 ^{1/16}

Офсет босма усулида офсет
коғозиде босилди.

Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адади 3000 нусха.

Буюртма № 120

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 05.02.2016 й.
0562-рақам

билан рўйхатга олинган.

Гафур Гулом номидаги НМИУ

босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани,
Лабзак кўчаси, 86-уй.

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусаҳҳих:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © “Шарқ юлдузи”

Унутилмас лаҳзалар



Адиб сафдош дўстлари ва мухлислари билан



хр 10800

реклама



Китоб миллатнинг ақл кўзини ёритувчи офтобдир!

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ



*Сизга тақдим этилётган ўзбек
ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналаридан
бахраманд бўлинг.*

Мурожаат учун манзил: 100128, Тошкент ш., Лабзак кўчаси., 86 уй.
Телефонлар: (+99871) 241-83-29. Моб.: (+99895) 144-41-82, (+99893) 791-00-70, (+99895) 195-42-42
www.gglit.uz E-mail: info@gglit.uz

Махсулотлар сертифициланган. Хизматлар лицензияланган.

